

Умумий
кутубхонашунослик

Республика Маданият ишлари вазирлигининг ўқув-методика
кабинети дарслик сифатида тасдиқлаган

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Мазкур дарслик амалдаги «Умумий кутубхонашunosлик» программаси асосида ёзилган бўлиб, унда кутубхоналарнинг ижтимоий роли, вазифалари, уларнинг типлари ва турлари, Ўзбекистонда кутубхоначилик ишининг ташкил этилиши, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига, болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш масалалари, кутубхоначилик ишини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, республикамизда кутубхонашunosлик фанининг шаклланиши ва тараққиёти, унинг бошқа фанлар билан алоқаси каби масалалар ёритилгандир.

Дарслик университетларнинг ва Маданият институтларининг кутубхоначилик факультети талабаларига мўлжалланган. Ундан маданият техникумларининг ўқувчилари ҳам фойдаланиши мумкин.



909984

Қ 4405000000—71
353 (04)—94

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1991

СУЗ БОШИ

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий туб ўзгаришлар юз бермоқда. Марказлаштирилган маъмурий буйруқбозлик органлари барҳам толиб, эркин иқтисодий алоқаларга ўтиш бошланди, бошқаришнинг жамоатчилиги — давлат системаси қарор топа бошлади. Бу ўзгаришлардан қатъи назар, ҳар бир маданиятли жамиятдаги демократик асослар, тартиб ва интизом, унинг иқтисодий гуллаб-яшнаши аҳолининг маданий даражасига боғлиқдир. Маданиятликнинг ажралмас таркибий қисми эса кутубхоначилик-ахборот хизматининг ташкил этилишидир. Иборали қилиб айтганда, маданиятни катта иморат десак, унинг пойдевори кутубхонадир.

Республикада ҳозирги вақтда 17 мингдан ортиқ ҳар хил тип ва турдаги кутубхоналар бўлиб, улардан 6791 нафарни универсал ва оммавий давлат кутубхоналари дидир. Фақатгина шу кутубхоналарда жами 12176 нафар кутубхона ходими фаолият кўрсатиб, улардан 2428 киши ёки 19,9 фоизи олий маълумотли кутубхоначилар дидир. Шундай шароитда республикада олий маълумотли кутубхоначи кадрларни тайёрлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Бу соҳада иш олиб бораётган А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначилик факультети (1993 йилда унинг ташкил топганига 35 йил тўлди) маълум ютуқларга эришмоқда. Ҳозир бу факультетда 150 дан ортиқ олий малакали ўқитувчилар ёшларни кутубхоначилик касбига ўргатишда мураббийлик қилмоқда. Улар таркибда 6 фан доктори, 40 дан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар бўлиб, ўзларининг шарафли, устозлик бурчларини бажармоқдалар. Шуниси қувончлики, сўнгги йилларда институт бағрида олий малакали илмий кадр-

ларни тайёрлаш томон йирик қадам ташланди — 1992 йилдан бошлаб аспирантура очилиб, унга дастлабки келажаги порлоқ ёшлар қабул қилинди. Кун тартибидея илмий кадрлар меҳнатини саралайдиган номзодлик ишларини ҳимоя қилиш бўйича илмий Кенгаш барпо қилиш масаласи турибди.

Республика Маданият ишлари Вазирлиги ҳузурида «Истиқболни белгилаш, илмий услубият ва ахборот республика Маркази»нинг ташкил этилиши ҳам сўнги вақтларда Ўзбекистонда маданият ишларига катта эътибор берилганлигининг бир кўринишидир.

Маданий-маърифий муассасаларнинг, унинг таркибий қисми бўлган кутубхоналарнинг жамиятда тутган ўрнига янгича қараш аввалдан таркиб топган фан-амалиёт-таълим системасини такомиллаштиришни тақозо этади. Республикада кутубхоначилик фанининг ташкилотчиси ва уларни мувофиқлаштирувчи марказ бўлган А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси фан билан таълим системаси ўртасида боғловчи бўғин, айни вақтда кутубхоналар амалиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, уларнинг аҳволи кўзгуси бўлса, фан ва таълимнинг маркази А. Қодирий номидаги ТДМИ бўлиб қолади. Шундай экан, мустақил Ўзбекистоннинг кутубхоначилик фани ва таълимни ривожлантиришда, кадрлар тайёрлашда махсус дарсликлар ва қўлланмалар системасини яратиш долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади.

Шу муаммони ҳал этиш жараёнида тайёрланган га тақдим этилаётган «Умумий кутубхонашунослик» дарслиги бу соҳадаги илк одимдир. Дарслик учта бобдан иборат бўлиб, биринчисида — кутубхоналар, уларнинг пайдо бўлиши, жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги илм китоб — кутубхона — жамият системасининг бирлиги, ўзаро таъсир ва алоқаси доирасида баён қилинади. Иккинчи бобда Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг ҳудудий хусусиятлари, уларни ташкил этиш принциплари, кутубхоналар типологияси, кутубхона тармоқлари ва системалари тўғрисидаги таълимот ёритилса, учинчи бобда республикада кутубхонашунослик фани шаклланишининг асосий босқичлари, таркиб топishi ва муаммоларни, хорижий мамлакатларда кутубхонашунослик фани тараққиётининг умумий аҳволи, шунингдек, кутубхонашунослик фани-

нинг предмети, объекти, тузилиши ва бошқа масалалар ўз аксини топган.

Дарсликда мустақиллик, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш жараёнлари, уларнинг кутубхоначилик ишидаги хусусиятлари ёритилади. 80-йилларнинг ўрталарига қадар кутубхонашуносликда чет эллик муаллифлар қарашларига танқидий назар устуи эди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кутубхоналарининг жаҳон кутубхоначилик уюшмалари таркибига тортилиши чет эллик ҳамкасабаларнинг ютуқларига баҳо беришда, уларнинг назарий қарашлари ва амалий ташаббусларига эскича сиёсий, бир қолипдаги ёндошишдан воз кечишга олиб келди.

Ҳозир чет элларда кутубхоначилик иши бўйича кенг қамровли замонавий кутубхоналар қурилишининг давлат лойиҳалари мавжуддир (АҚШ, Буюк Британия, Фарангистон, Олмония, Миср ва бошқ.) Ота-оналари ишлаб чиқариш билан банд бўлган болаларга хизмат кўрсатиш, ишсизларни ўқишга тортиш, кутубхоналар ва полициянинг ҳамкорлигида ёшларни оқилона дам олишга жалб қилиш бўйича муниципал дастурлар маълумдир. Хуллас, чет элларда кутубхоначилик иши соҳаси бўйича қизиқарли ва ибратли тажрибалар мавжуд, уларнинг кўпчилигини бизнинг воқелигимиз шароитига мослаб ишлатиш мумкин. Айнан шу сабабдан ҳам дарсликда ҳозирги замон чет эл кутубхоначилик иши назарияси ва амалиётининг аҳволи ҳолисона ёритилган. Кўпмиллатли давлат шароитида кутубхоначилик ишини йўлга қўйиш принциплари ва қонуниятлари давр синовидан ўтди. Аҳолига табақалаштирилган асосда хизмат кўрсатишнинг янги шакллари ва методлари вужудга келди, илғор кутубхоначилик тажрибалари тўпланди, кутубхоналарда ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари маълум даражада амалиётнинг ютуғига айланди.

Ҳозирги замон воқелигини хушёрлик билан ҳис этиш, маъмурий-буйруқсизлик системаси кутубхоналарни ўзининг ўсимтасига айлантиргани ҳолда уларга катта зарар етказганлигини таи олиш имконини берди. Ўтган бешйиллик охирида китобхонлар билан ишлаш, усулларининг бир қолипга солиниши ҳамда кутубхоналар фондининг деярли бир хиллиги натижасида меҳнаткашларнинг китоб ва бошқа ахборот манбаларига бўлган талабларининг тобора кам қойдирилаётганлиги

маълум бўлди. Қишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда аҳолига кутубхоначилик хизматини кўрсатиш айниқса ёмонлашди.

Кутубхоначилик ишнни яхшилашнинг зарурий шарти кутубхоначиларда ташаббускорликни, мустақилликни, китобни тарғиб қилиш ишига ижодий ёндошишни тарбиялаш ва касбий шуурни ўзгартиришдир. Ишда ғоявий ақидапарастликдан, андазабозликдан, расмиятчиликдан кескин воз кечадиган, мустақил равишда ўз билиминни ошириб борадиган, китобхонлар талаби ва қизиқишини узлуксиз ўрганиш асосида улар томон юз тутадиган киши шундай кутубхоначи бўлиши мумкин.

Ҳозир кундалик турмушга сингиб бораётган демократия ва ошкоралик шабадаси кутубхоналарга маданият маркази сифатида қарашни уларнинг фондида мужассамлашган умуминсоний бойликларга тинчлик ғояси, инсонпарварлик, ахлоқий поклик тўпламлари, маънавият рамзи сифатида қарашни тақозо этади.

Дарсликда келтирилган рақамли маълумотлар ва аниқ дараклар 1992 йилнинг 1 январигача бўлган давр доирасида берилган, муҳим қодалар ва ўзгаришларда ҳозирги давр хусусиятлари ҳисобга олинган.

Муаллифлар барча жонкуяр қавмдан дарслик тўғрисидаги фикр, мулоҳазаларини, истак ва талабларни чин миннатдорчилик билан қабул қилади ва бу билан улар республика кутубхонашунослик фани тараққиётига ҳисса қўшади, деб ишонади.

І БО Б

КУТУБХОНА ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

1-§. КИТОБ, КУТУБХОНА ВА ЖАМИЯТ

Кишилик жамияти тарихи билмасликдан билишга томон тузилган йўл, ҳур фикрликнинг жаҳолатпарастликка қарши кураши, ақл-идрок ва маърифатнинг нодонлик ва мутаассиблик устидан ғалабаси тарихидир. Инсоният узлуксиз ижтимоий тараққиёт йўлидан олға қараб бормоқда. Инсон тафаккурининг буюк ғалабаларини ўзида сақлаб келаётган инсониятнинг ижтимоий хотираси эса ана шу тараққиёт асосини ташкил этади. Ижтимоий хотира ҳамма даврларда ахборотни қайд қилиш ёки рўйхатга олиш, сақлаш, қайтадан тиклаш ва авлоддан-авлодга етказишнинг муайян даврга мос бўлган шаклларини топар эди. Одатда бу шакллар маълум сифатга эга бўлади. Инсоният тарихининг ибтидосида тилнинг пайдо бўлиши дастлабки тажрибаларни ўзлаштиришда, меҳнат қуролларини такомиллаштиришда, улардан фойдаланишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Фикрларни узоқ вақт мобайнида сақлашга, уларни бир кишидан иккинчи кишига, авлоддан-авлодга етказишга имкон берган ёзув энг муҳим белгилар тузилмаси бўлиб қолди. Ёзув фикрларнинг оғзаки мажмунининг (халқ оғзаки ижоди, қадимги диний матнлар, масалан, «Авесто», «Бундахишн», «Денкард» эрамиздан аввалги VII—VI асрлар) адабиётга айланишига ёрдам берди. Инсоният яратган энг буюк кашфиётлардан бири бўлган китоб адабиётнинг жамиятда (табиийки, гап фақат бадний адабиёт ҳақида бораётгани йўқ) мавжудлик шаклларига айланди.

Ўз навбатида китобнинг ўзи юксак даражада ривожланган маълум тузилмадир. Кўп асрлар давомида китобнинг ташқи кўриниши, мужассам ҳолда намоён бўлиши, ишлаб чиқарилиши узлуксиз равишда такомиллашиб келди. Антик даврнинг ўрама китоблари ўрнига эрамизнинг IV асрида ҳозирда биз фойдаланаётган му-

қоваланган қўлёзма китоб пайдо бўлди. Қўлёзмаларни қўлда кўчириб ёзиш ўрнига XV асрда китоб чоп этиш кашф қилинди. Бизнинг давримиз матн ва расмлар билан берилган ахборотларни қайта ишлашнинг электрон услубларини жорий этиш йўли билан китоб чиқаришни тубдан ўзгартириб юборди. Бироқ китоб чиқаришдаги барча ўзгаришлар китобнинг моҳиятига таъсир қилмади. У қўлёзма китоблар бўлган даврда ҳам, анъанавий китоб босиб чиқариш вақтида ҳам, ҳозирги замон электрон қурилмалар ёрдамида китоб босиш даврида ҳам ўзгармади. Тасаввуримиздаги келажакда ҳам китоб шундай бўлиб қолади.

Китоб жамият маданиятининг ажралмас бир қисмидир. Инсоният маданияти тараққиётининг энг тўлиқ ва ҳар томонлама ифодаси сифатида китоб кўп асрлар мобайнида шахсни тарбиялашда ва унинг ақлий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Инсониятнинг тарихий тараққиёт жараёнида ҳосил қилган маданий, илмий ва техникавий билимларини тўплаш услуби сифатида китоб ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қўлдорлик, феодализм, капитализм ва бошқа ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг тайёрланиши ва алмашинишида катта аҳамиятга эга бўлди. Инсон тафаккурининг шаклланишида эркинликни қўлга киритишда ёзув ва китоб донино инсоннинг содиқ иттифоқчилари бўлган. Гарчанд, баъзи маданият, маърифатчилик шакллари-нинг тараққиётини оғзаки алоқа анаъаналарига асосланса-да, уларнинг ҳозирги замонгача етиб келиши ва ривожланиши фақат ёзувни ўзлаштиргандан кейингина мумкин бўлди, воқеликка айланди.

Ҳозирги кунда китоб инсоният яратган муомала воситалари ичида энг ишончли ва энг қулай воситадир. Кейинги ярим аср мобайнида биз китобнинг оммавий алоқа воситаларидан бири сифатида аҳамияти ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, 1940 йилда Ўзбекистон ҳудудида 1219 китоб ва брошюра 11187 минг нусхада чоп этилган бўлса, 1990 йилда уларнинг миқдори тегишли равишда 2080 ва 51015,1 мингга ташкил этди. Жон бошига 1940 йилда 1,6 китоб тўғри келган бўлса, 1990 йилда 2,4 китобга етди.

1990 йилда чиққан 2080 номдаги китобнинг 874 таси ёки 42% фонзи ўзбек тилидаги китоблар бўлса, улар умумий миқдорнинг қарийб 64% фонзини ташкил этади.

Булардан ташқари, 1990 йилда Ўзбекистонда 95 номда журнал ва бошқа давомли нашрлар, 279 номда газеталар нашр қилинган (Печать СССР в 1990 году, Стат. сборник. М., Финанси и статистика, 1991, 127, 144, 187, 208-бетлар).

Инсоннинг ақл-заковати ва билимларини сақлаш ва кенг ёйишнинг энг мукаммал қуроли бўлган китоб шахснинг ҳар томонлама юксалишига ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беради; у ҳар бир кишига инсоният эришган ютуқларни билиш имконини беради ва бу билан халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса чинакам ва барқарор тинчликни ўрнатиш учун зарурий шарт-шароитдир.

Улуғ юртдошимиз, шюир Юсуф Хос Ҳожиб (Боласоғуний)нинг 1069 йилда яратган «Қутадғу билиг» (қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим) асаридаги қуйидаги мисралар диққатга сазовордир:

Битиб қўймасайди доно қалами,
Қоронғи қоларди мозий олами.

Ҳақиқатан ҳам, бизгача сақланиб қолган шундай ёзувлар, китоблар бўлмаганида инсоният ўз ўтмишини ҳам, билим, донолик ва ҳикматларни ҳам билолмаган, илм-фани ҳам тараққий эттира олмаган бўларди.

Билим эса китобларда жамлангандир. «Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир»,— деган эди машҳур немис ёзувчиси С. Цвейг. Ҳақиқатан ҳам, барча даврларда китоблар кишилар учун билим манбаи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Китоб ҳақида, унинг хислатлари, инсон ҳаётидаги ўрни тўғрисида жуда кўп алломаларнинг фикрини келтириш мумкин. Жумладан, XV асрда яшаб ва ижод этган, форс-тожик адабиётининг буюк вакилларидан бири Абдураҳмон Жомийнинг (1414—1492) қуйидаги фалсафий шеъри диққатга сазовордир:

Китобдан яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлган у ғамли замонда.
У билан қол танҳо ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.
Билимдонлар сўзи бордир бу бобда,
«Билимдон гўрда-ю, илми китобда!»
Агар ёлғиз эсанг ҳамдард китобдир,
Билим субҳидаги нур ҳам китобдир¹.

¹ Муродов М. Китоб қадри. Т., Ўзбекистон, 1983, 23-бет.

Бу ерда кейинги авлод олдинги авлод яратган моддий ва маънавий бойликларнинг ворисилигини, инсоннинг бу дунёда омонат эканлигини бир жумла билан, боболар тилидан ифодалаб берган: «Билимдон гўрда-ю, илми китобда!» Бу ерда ҳам маънавиятнинг, билимнинг, уларни ўзидя мужассамлаштирган китобларнинг абадийлиги, кейинги авлодга мерослиги табиий бир ҳол эканлиги ифодаланади.

Инглиз ёзувчиси Томас Карлейль (1795—1881) китобнинг аҳамияти, жамиятдаги тутган ўрни тўғрисида анча батафсил таъриф беради: «Китоб инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ кўринишидир. Китобларда кечмиш замонларнинг ақлидроки яшайди; ҳоки, тупроқлари туш сингари аллақачонлар тўзғиб кетган одамларнинг овози бурро ва аниқ янграб туради. Инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари — худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифаларида сақланиб қолган.

Инсоният илмининг барча соҳаларига оид катта қисми қоғозларда, кишиликнинг қоғоз хотираси бўлмиш китобларда яшайди.»

Демак, китоб барча замонлар учун ҳам энг зарур нарса, қалблар малҳами, билимлар хазинаси, донишмандлик чашмаси бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Халқ мана шу «жавоҳирлар» қадрига етган, уларни Бернард Шоу таъбири билан айтганда «инсоният хотираси» бўлмиш (у Искандариядаги машҳур кутубхонани шундай деб атаган эди) кутубхоналарда авайлаб асраган, келажак авлод учун сақлаган. Зеро, бу кутубхоналарда фақат китоб бойликларигина эмас, балки шу халқ томонидан унинг бутун тарихи давомида яратилган барча маънавияти тўпланган бўлади. У ёки бу халқнинг кутубхоналари аҳволи, уларнинг қандай тўлдирилиши, ким ва нима учун унга қатнаши, қандай китобларни талаб қилиши, каталогларнинг сифати ва хилма-хиллигига қараб ўша миллатнинг ақли жихатдан етуклиги, уларнинг қизиқишлари кенглиги ҳақида, савияси, маданият даражаси, маънавияти ва ҳатто, турмуш даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Ер юзидан бундан 4,5 минг йилдан аввалроқ (эрамиздан аввалги XXVIII—XXIV асрларда) мавжуд бўлган энг қадимий кутубхоналарнинг сопол тахтачаларда битилган қўлёзма бойликлари бутун осурий-вавилон мада-

ниятини тушунйшга йўл очиб берди ҳамда бошқа археологик топилмалар билан бирга Месопотамиянинг қадимги маданияти тарихини, унинг ёзуви, сарой, черков ва бошқа кутубхоналари сирларини очишга ёрдам қилди. Китоблар туфайли бизгача етиб келган жуда кўп турк, форс, араб тилларидаги қўлёзма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги адабий манбалар «жонли» гувоҳлар бўлиб, уларда қадимда ва ўрта асрларда Ўрта Осиёда кунт билан, ишнинг кўзини билиб тўпланган йирик сулолавий китоб фондлари, мачит ва мадрасалар қошидаги кутубхоналар, шахсий китоб тўпламлари бўлганлигидан далолат берувчи маълумотлар ўз аксини топган.

Сомонийлар, Хоразм шоҳлари, қорахонийлар ва мўғулларнинг Ўрта Осиёга бостириб кирган даврида эса салжўқийлар давлатларидаги жуда бой китоб ҳазиналари, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Хиротдаги Темур ва темурийлар кутубхонаси, Бухородаги шайбонийлар ва аштархонийлар кутубхоналари, Қўқон, Хива ва Бухоро хонликларининг марказларидаги кутубхоналар бутун мусулмон оламида шуҳрат қозонган эди.

1925—1991 йилларда кутубхоначилик қурилиши учун анчагина моддий маблағлар сарфланди. Универсал ва махсус кутубхоналарнинг янги системаси яратилди. Бироқ кутубхоначилик ишини ташкил этиш ва уни бошқариш умумий тартибининг ўзи нуқсонли эди. Ўнда фақат социализм қурилишига хизмат қиладиган нарсаларгина қимматли бўлар, бу соҳадаги ҳар бир қадамни партия ходимлари ва муфкурачилари белгилар эди. Кутубхоналар устидан ялпи назорат ўрнатилар, кутубхоначилик ишига режали равишда раҳбарлик қилиш ва унинг натижаларини шакллантириш вазифаси қўйилар эди. Вақт-вақти билан кутубхона фондлари ва каталогларини қайта кўриб чиқишга доир фармойиш ва йўл-йўриқлар пайдо бўлиб турар, уларга эса совет кишиларини инқилобга қарши ва «зарарли адабиётлардан» сақлаш учун йўқотилиши лозим бўлган узундан-узун китоблар рўйхати илова қилиб берилар эди. Барча илмий кутубхоналарда махсус фондлар ташкил қилинган бўлиб, ўқиш учун тақиқланган китоблар алоҳида қулфланган шкафларда сақланиши керак эди. Китобларнинг фойдали ва зарарлигини ОГПУ—НКВД—КГБ ходимлари баҳолашар, кутубхоналардаги «фитна»ларни кузатиб борар эдилар. Жаҳон, рус

адабиёти, мусулмон фалсафий ва диний маслакдаги адабиётлар таъқиб остида қолди. Н. Гоголь, Л. Толстой, Ф. Достоевский, С. Есенин, А. Блок, Н. Гумилов, А. Аҳматова, М. Булгаков, М. Цветаева, Б. Пастернак, А. Қодирий, А. Авлоний, Отахон Ҳошим, Аъзам Айюб, Боту, Муҳаммад Ҳасан, Фулом Зафарий, Ғози Юнус, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Маҳмудхўжа Бехбуди, Мунаввар қори, Усмон Носир, Вадид Маҳмуд ва бошқаларнинг баъзи бир асарлари неча ўн йиллаб нашр этишга рухсат этилмади. Жамиятда ахлоқий қадриятлар силсиласи изчиллик билан бузилиб кўрсатилди. Ўз навбатида у худду кўзгу каби, барча типдаги кутубхоналар фоқидида ўз аксини топди. 80-йилларга келиб, китоб фондларини ғоявий сабабларга кўра мунтазам равишда тозалаб туриш, қимматли асарларни махсус бўлимларга ўтказиш, мавжуд сиёсий система учун номақбул муаллифларнинг китобларини ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш шундай аҳволни юзага келтирдик, бунда оммавий кутубхоналарда ижтимоий-сиёсий адабиётлар: марксизм-ленинизм классикларининг асарлари ва уларнинг қайта нашрлари, партия ҳужжатлари, КПСС съездлари ва Марказий Комитет пленумларининг материаллари, партия ва давлат арбобларининг нутқлари билан тўлиб тошди. Янги кишини — «коммунизм қурувчисини» тарбиялаш мақсадида бу адабиёт барча воситалар, жумладан совет кутубхона-библиография таснифи ёрдамида зўр бериб тарғиб қилинди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг олға қараб ривожланишига, унинг жаҳон халқлари ҳамжиҳатлиги уюшмаларига киришига, кишиларнинг умуминсоний маънавиятларини ўзлаштириб олишига катта зарар келтирди, кутубхоналарнинг жамият маданият муассасалари силсиласидаги ўрни ва ролини, уларнинг ижтимоий вазифаларини бузиб талқин қилишга олиб келди. Эндиликда, жамият ҳаётини қайта қуриш муносабати билан кутубхоналарнинг умуминсоний қадриятлари сақлаш, маънавий меросларни бир авлоддан иккинчи авлодга узатиш билан боғлиқ вазифаларини биринчи ўринга қўйиш вақти келди. Шахс сифатида китобхонга эътиборни кучайтириш, ўқиб учун нашрлар танлашда унга тўлиқ эркинлик бериш кутубхонадар ишида асосий мезонга айланмоқда. Китобхон билан кутубхоначининг тенглиги улар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг асоси бўлмоқда. Жамиятнинг умумий маданиятининг ўсиши

жараёнига тўсқинлик қилувчи шахслараро мулоқотнинг танглиги шароитида кутубхонанинг маданий-билиш ва маданий-ахборот вазифаларини кенгайтириш, уни мулоқот, маданий дам олиш ва халқнинг миллий хотираси марказига айлантириш учун ҳамма ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ҳамма жабдаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар кутубхоначилик ишининг кўпгина йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва янгилашни талаб қилади. Бу биринчи галда кутубхонанинг бир бутун ва яхлит рамзини қайта тиклаб олишни тақозо этади. Фикримизча, бу рамзининг таркибига қуйидаги аломатларни мансуб деб ҳисоблаш мумкин:

— ижтимоий муассаса сифатида ўз-ўзини баҳолай билиш; бунинг учун кутубхоналарни ҳар қандай партиялар, ташвиқот органлари системасига ҳақсиз равишда киритилишига барҳам бериш; уни илмий-техника ахбороти системасига бўйсунидан озод қилиш, кутубхонанинг маданиятни шакллантиришдаги инсоният ҳужжатлашган хотираси сифатидаги асосий моҳиятини тиклаш;

— бутун кутубхона ишининг инсонпарварликка йўналтирилганлиги, биринчи галда китобхонларни, яқин ўтмишда амал қилинганидек «юқори»нинг кўрсатмаси бўйича эмас, балки уларга ҳақиқий талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ тарзда хизмат кўрсатиш: бу борада мутахассислар онгига зўр бериб тиқиштириб келинган мафқуравий ақидаларга суянмай, ишда умумбашарий қадриятлар томон йўл тутиш;

— кутубхона хизматининг халқчиллиги. Шу жумладан жамиятнинг турли қатламларига китоб фондларидан тенг асосларда фойдаланиш имконини бериш, аҳолини кафолат берилган бепул хизмат билан таъминлаш, зарур манбалар ахборотини ва хизмат шаклини танлаш эркинлиги шароитини яратиш, аҳолини кутубхонани бошқариш ва унинг ишини баҳолаш ишига жалб этиш;

— муайян хусусиятларидан келиб чиқиб, кутубхона хизматининг турли-туман ташкилий шаклларини қўллаш, шунга мувофиқ тарзда четдан тиқиштириладиган номақбул иш шакллари ва турларидан воз кечиш;

— меҳнат жамоаси иштирокида ишлаб чиқилган кутубхона хусусий дастурларини қабул қилиш асосига қурилган мустақил кутубхона сиёсатини ҳаётга тат-

биқ этиш, кутубхоначиларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини таъминлаш, кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг мавжуд марказлашган системаларини янада чуқурлаштириш учун барча имкониятларни ишлатиш, айти вақтда, мустақил кутубхоналар ва марказлашган системаларни бошқариш ишини такомиллаштириш;

— кутубхоналараро ахборот алмашишни таъминлаш йўлидаги ишларни уқштириш. Бу вазифа оммавий кутубхоналар иш сифатини кўтариш, шу жумладан махсус кутубхоналарни истисно қилмаган ҳолда, барча кутубхоналарни оммавий ахборот системасига қўшиш; махсус тадбирлар мажмуасини амалга ошириш, яъни йиғма анъанавий ва электрон каталоглар тузиш; янги ахборот олиш ва узатиш технологиясини жорий қилиш; ахборотнинг оммабоплигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;

— кутубхона хизмати турларини кенгайтириш, кутубхоналарни техник қайта қуроллантириш орқали бу хизматлар сифатини ошириш;

— ходимларни иқтисодий рағбатлантириш, кутубхона ишларини ташкил этиш ва бошқаришда хўжалик ҳисоби элементларидан фойдаланиш.

Жамиятда инсонпарварлик жараёнининг кенгайиб бориши кутубхоналардан китобхонларнинг умуммаданий савиясини оширишга кўпроқ эътибор беришни талаб этади. Бу жамиятнинг маънавий, руҳий ва ахлоқий имкониятларини янгилаш зарурилиги билан боғлангандир. Шу муносабат билан ўқишга бўлган қизиқишни таркиб топтириш, китобдан, кутубхонадан моҳирона фойдаланиш малакаларини ҳосил қилиш муҳим вазифага айланмоқда. Китоб мутолаасига раҳбарлик қилиш ва ўқиш учун адабиётларни эркин танлаш бир-бирини истисно қиладиган тушунчалардир. Лекин бунда аниқ бир мақсад — касб танлаш ва уни эгаллашда, касбий жиҳатдан такомиллашишда, ўз-ўзини англашда, классик адабиётга, муайян муаллифнинг ижодига, миллий маданиятга, тилга ва ҳоказоларга бўлган қизиқишни ривожлантиришда ёрдам бериш албатта зарурдир.

Маданий мероснинг ворислигида, авлодларнинг жонли алоқасини амалга оширишда кутубхоналар катта роль ўйнайди. Узига хос қадимий, маданий меросимизнинг тикланишида, она тилимизнинг сақланиши ва ривожланишида улар асосий ўрин эгаллайди.

Шундай қилиб, жамият ҳаётида китоб, ахборот ва кутубхоналарнинг роли кескин ортиб бормоқда. Бизлар, Ер деб номланган сайёрада яшовчи барча кишилар, шундай асрга кириб келаётирмизки, эндиликда биз куч ва қуролга суяниб эмас, балки ақл-идроққа, инсон тафаккурига таяниб иш кўрамиз.

2-§. КУТУБХОНАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ РОЛИ, ВАЗИФАЛАРИ

Ёзма ахборот манбалари (китоб, газета, журнал ва ҳоказолар) жамиятнинг маънавий ва ижтимоий-маиший талаб-эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, бутунинсоният тарихий тараққиёти жараёнида шу вазифани бажариб келди. Ёзма ҳужжатлар кишиларнинг ўзаро фикр алмашув имкониятларини кенгайтирадиган бўлса, кутубхоналар ёзма асарлар умрини узайтириш воситаси ҳисобланади. Бошқа ижтимоий муассасалар каби кутубхоналар ҳам жамиятнинг энг зарурий эҳтиёжлари асосида вужудга келди ва ривожланди. Сабаби, маълумотларни қайд қилиш ва узатиш воситаси сифатида ижтимоий заруратга жавоб берадиган ёзувнинг пайдо бўлиши билан энг муҳим ёзувларни сақлай оладиган муассасаларни вужудга келтириш эҳтиёжи ҳам юзага келган эди. Шундай қилиб, кутубхоналар аввал бошданоқ жамиятнинг муътадил мавжудлигини таъминлайдиган унинг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

Кутубхона — бу китоблар ва кишилик жамияти тарихи мажмуасидир, шу маънода у инсонпарвар муассасадир. Кутубхоналарда инсоният эришган барча илмлар, турли фан соҳалари бўйича китоблар тўпланган. Жамият томонидан, унинг асосий ижтимоий-маиший эҳтиёжларини қондириш мақсадида барпо этилган кутубхоналар зулматга, нодонлик ва жаҳолатга қарши курашди. У инсоният борлигининг буюк ҳужжатлашган гувоҳи сифатида яшамоқда. Шу сабабдан унга зарурат сезган ҳар бир киши ундан фойдалана олиши ҳамда кутубхоналар ҳамма учун оммабоп бўлиши зарур.

Маълумки, ижтимоий ҳодисалар умумбашарий маданиятнинг бир қисми тариқасида, амалиёт ва инсон кечинмалари мажмуидан шаклланади ва келиб чиқади. Ижтимоий ҳодиса сифатида кутубхоналар айнан шун-

дай бир топилма бўлиб, тўпланган амалий ва маънавий тажрибалар шу даражада кўпайиб кетдики, натижада улар инсон хотираси имкониятларидан ошиб кетган ва эндиликда уларни оғзаки анъаналар ёрдамида сақлаб бўлмайдиган бир пайт вужудга келди. Маданиятнинг ривожланиши ижтимоий ва моддий маданият тараққиёти тарихининг асоси бўлиб, у кутубхоналар, уларнинг китоб фонди, уларни ташкил этиш ва юритишда, хизмат кўрсатиш турларининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Қадимги Шумер ва Ниневия сопол тахтачаларидан Мисрнинг папирус ўрма китобларигача, ўрта аср мачит ва мадрасаларидаги тахчил қўлёзмалардан дастлабки мактаблар учун дарсликлар тўпламларигача бўлган даврда кутубхоналар узоқ, қатор ўзгаришларни бошдан кечириб, улардан ҳар бири ўша жамият эҳтиёжига жавоб берди. Ҳар бир жамият илгари сурган ғоялар, йирик янгиликлар, олий мақсадлар кутубхоналарда ҳам ўзгаришларга олиб келди, уларнинг жамиятда тутган ўрни, мақсад ва вазифалари шунга қараб ўзгариб борди. Кутубхоналарнинг ривожланиши жамият маънавий камолотининг ажралмас таркибий қисмидир. Буни жаҳон цивилизациясининг олга томон бораётган ҳар қадамида кўриш мумкин.

Демак, кутубхоналарнинг ижтимоий роли аниқ тарихий шароитда намоён бўлади. Кутубхоначилик иши эса алоҳида ўзига хос мустақил йўллар билан ривожланмайди, балки жамият тараққиётининг умумий қонуниятларига бўйсунди. Бу жуда муҳим, зеро кутубхоналар ижтимоий ҳодиса сифатида ўзи ишлаб турган ижтимоий муҳит доирасига боғлиқ равишда шаклланиши ўзгармас ҳақиқатдир. Жамият бу кутубхонанинг васийсидир, айнан шу сабабдан у жамият олдида ўз фаолиятига жавобгардир ва унинг эҳтиёжига жавоб бериши керак, яъни кутубхоналар жамият аъзоларининг ҳар қандай ахборотга бўлган талабларини қондириши ахлоқий қоидалар даражасига кўтарилгандир. Бу қоидалар буюк ҳинд кутубхонашуноси Ш. Р. Ранганатан (1892—1972) томонидан асримизнинг 30-йилларидаёқ кутубхоначилик ишининг қуйидаги бешта қонуни сифатида асосланган эди: 1) китоблар ўқиш учун хизмат қилади; 2) ҳар бир китобнинг ўз китобхони бўлсин; 3) ҳар бир китобхонанинг ўз китоби бўлсин;

4) китобхонлар вақтини асра; 5) кутубхона ўсаётган организмдир.

Кутубхоналарнинг ижтимоий моҳияти, кутубхоначилик ишининг санъатига оид бўлган бундай фикрларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Буларнинг ҳаммасида умумий бир ғоя — гап кутубхоналарнинг сонидан эмас, балки уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишларидадур, деган хулоса келиб чиқади. Китоб — маънавий камолотнинг маҳсули, маълум босқичдаги якунидир. Китоб ўқиш эса ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжни қондириш йўлидир.

Маълумки, китоблар инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, ҳар йили минглаб янги китоблар пайдо бўлади. Аммо бу китобларнинг ҳаммаси ҳам ўз китобхонини топмайди: улардан бир қисми тез ўзгараётган давр талабига жавоб бермаслиги туфайли китобхонлар эътиборидан четда қолса, иккинчилари илмий ва назарий жиҳатдан бўшаниги сабабли китобхонини топмайди. Китобларнинг «яхши» ёки «ёмон» бўлиб бўлиниши кўпинча китобга боғлиқ бўлмасдан, балки уларни ўқийдиган китобхонлар оммасига ҳам боғлиқ бўлади. Бу маълум даражада ҳақиқат бўлиб, белгилли бир китоб, ҳар хил тарихий даврларда, турли гуруҳлар ва китобхонлар томонидан яхши ёки ёмон қабул қилиниши мумкин: Масалан, Қуръони карим, гарчи бутун муеулмон оламнинг тарихи, ижтимоий-ахлоқий, фалсафий аҳволи, турмуши тўғрисидаги ягона китоб бўлишига қарамай, диний китоб бўлганлиги учун у собиқ СССР да давлатнинг динга муносабатига кўра тегишли баҳосини олмади ва оммалашмади. 1985—1991 йиллардаги қайта қуриш сиёсати натижасида республикада тарихий меросимизга, эътиқодларга муносабатнинг ўзгаришига кўра, диний адабиётлар, шу жумладан Қуръони карим энг кўп сўраладиган ва ўқиладиган наشر бўлиб қолди. Аммо бизнинг фикримизча маълум китобни ёқтирадиган айрим китобхон кўз ўнгидагина эмас, балки бир гуруҳ китобхонларга, уларнинг дидига мос келишлигидан қатъи назар, ҳар бир китобнинг айнан қайси сифатлари аҳамият касб этишлиги масаласи ҳал этилмоғи лозим. Демак, ҳар бир китобнинг ўзига хос хусусияти, аҳамияти бўлади. Турли китоблар китобхонлар доирасини ҳар хил даражада қизиқтиради. Баъзи китоблар фақат айрим кишиларга ёқса, бошқалари турли доирадаги минглаб кишиларни ўзига тортади. Масалан, халқ

оғзаки ижоди дурдоналаридан «Минг бир кеча», турли дostonлар, қиссалар, эртақлар, афсоналар, буюк халқпарвар шоирлардан Алишер Навоий, Фурқат, Машраб шеърлари, наср усталаридан Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов ва бошқаларнинг асарлари шундай хусусиятларга эгадир. Нега бундай? Баён этиш шаклиданми, балки мазмунидандир?

Бу саволларга у ёки бу даражада аниқ жавобни психологик ва жамиятшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотлар бериши мумкин. Агар психологлар адабий ижод жараёни, ўқиш (китоб мутолаа қилиш) жараёни ва китобнинг кишиларга таъсирини ўрганишса, жамиятшунослар маълум ижтимоий шароитда — иқтисодий, сиёсий ва ҳоказо китоблар ва китобхоннинг ўзаро таъсирини ўрғанади.

Юқорида қайд қилинган тадқиқотларга суянган ҳолда китобхонларнинг китобга қай жиҳатдан ёндашишини, яъни уни баҳолаш мезонларини кўриб чиқамиз. Улар хилма-хил бўлиб, энг асосийлари 1) ҳақиқат (илмий) ва 2) адолат (ахлоқий) мезонларига тўхталамиз.

Ҳар бир китоб сўзсиз у ёки бу дарақлар ҳақида гапириб, уларни баён қилади ёки уларга суянади, бундан ташқари ҳар бир китобнинг ўзи ҳақиқат бўлиб, ҳаёт ҳодисасидир. Ҳар бир дарақни, у қайси соҳага тааллуқли бўлишидан қатъи назар, икки томонлама; биринчидан, ҳаётни қандай бўлса, шундай тадқиқ этувчи назарий, иккинчидан истак, интилиш, қизиқиш, зарурият, инсоннинг энг юксак орзуси нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин. Мана шулардан келиб чиқиб, ҳақиқат мезони бўйича баҳолаш — бу соф, беғараз фанлар (математика ва табиатшунослик) ёрдамида ўрганишдир. Адолат мезони нуқтаи назаридан баҳолаш — бу ҳар бир кишининг иши, унинг хоҳиши, қизиқишлари ва кайфиятига боғлиқ ҳолда ўрганишдир.

Ҳар қандай илмий китобни баҳолашнинг энг беғараз мезони ҳақиқатдир ёки борлиқда, ҳаётда бор нарсанинг инсон онгида акс этишидир. Албатта, ҳаёт билан ҳамма нарса текширилиши, таққосланиши мумкин, ammo у билан ҳеч қандай адабий асар тенглаша олмайди, уни ўлалигича акс эттира олмайди. Бу ерда китобни баҳолаш шу билан чекланадики, у илмий ўрганилади, турмуш ва унинг ҳодисалари билан таққосланади. Китобни баҳолашнинг илмий мезони нисбийдир, сабаби

фаннинг тез ривожланиши натижасида бугунги илмий тушуңчалар эртага оддий нарса бўлиб қолиши мумкин. Шундай экан, китоб илмий ҳақиқат мезони билан бир вақтда, адолат мезони ёки ахлоқий ва ижтимоий мезонлар бўйича ҳам баҳоланади. Маълумки, китобни баҳолаш — бу айни вақтда айрим кишига, унинг асарига билдирилган муносабатдир. Ижтимоий турмуш муносабатлари ва хилма-хил шахсий муносабатларни китобни баҳолашнинг энг юксак мезонларидан бири деб олиш мақсадга мувофиқдир. Биз гарчи бу мезонни ўз ҳаракатларимизда энг умумий кўрсаткич сифатида ҳис этсак ҳам, аслида уни энг буюк адолат мезони ролида фойдаланмай келдик. Турмуш шунини кўрсатмоқдаки, ҳозирги даврда, бутун инсоният ўз олдига тинчлик ва умумбашарий фаровонлик шиорини қўяр экан, инсонга бўлган муносабат, инсонийлик, инсонпарварлик, инсонга муҳаббат барча мезонлардан устун туриши табиийдир.

Бизнинг кўз ўнгимизда шубҳасиз назария соҳасида тўнтариш жараёни кечмоқда. Ҳозирги замон тузумининг асосий адолатсизлиги олдида назария демократлашмоқда, адолат идеалига яқинлашмоқда, бундай ўзгаришлар учун инсониятнинг энг яхши ва буюк ақлидрок эгалари унинг талаблари олдида таъзим қилиши мумкин. Бошқача бўлиши ҳақиқатга зиддир, бошқача ўйлаш — инсоният орзу-истакларига ишончни йўқотиш демакдир.

Янги замонга хос тарзда назарий мерос ҳам қайта кўздан кечириб чиқилди, демак, ўз навбатида китоблар ҳам кишилар томонидан назардан ўтказилади. Унлаб йиллар давомида жаҳон маданияти бир-бирига қарама-қарши икки синфга, икки мафкурага, икки сиёсатга бўлиб ўрганилиб келган бўлса, эндиликда уларга умуминсоний, умумбашарий нуқтаи назардан қаралмоқда. Натижада китобларга синфийлик, ғоявийлик, партиявийлик принциплари асосида баҳо бериш ўз-ўзидан кейинга сурилади, олдинги ўринларга ахлоқийлик, одамийлик ва адолат идеалларига асосланган принциплари чиқади.

Демак, юқорида қайд қилинганлардан хулоса қилиб, Ш. Р. Раиғанатаннинг «ҳар бир китобнинг ўз китобхони бўлсин» деган қонунининг моҳиятини ҳақиқат ва адолатга хизмат қилувчи ҳар бир китоб ўз китобхонини топади деб таърифлаш мумкин. Иккинчи томон-

дан, жамиятда турли шароитда, хилма-хил қарашлардаги кишилар яшайди, меҳнат қилади, уларнинг тушунчалари, ҳис-туйғулари, талаблари ранг-барангдир, бинобарин, шу жамиятда нашр этилган китоблар ҳам жамият аъзоларининг орзу-истакларини акс эттиради, уларнинг эҳтиёжларини қондиради, демак, ҳар бир китоб ўз китобхонини топади, дейиш мумкин.

Ш. Р. Рағанатанинг 2 ва 3-қонунлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бу ўз моҳияти билан китоб танлаш, уни маълум мақсадларда тарғиб қилиш ғоясига (принципига) ўхшаб кетади, лекин аслида ундай эмас, балки ҳар бир кишининг китоб ўқишдаги эркинлигини билдириб, у унинг руҳий ҳолати, маълумоти, тажрибаси, жамиятда тутган ўрнига боғлиқ бўлади.

Бизга маълумки, ҳар бир кишининг, китобхоннинг ўзига хос шахсияти, яъни фақат унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, фазилатлари, қизиқишлари ва ниҳоят, доимо ўзгариб турадиган шахсий, ижтимоий турмуш шароитларига боғлиқ кайфиятга эга бўлади, бу ўз навбатида унинг китоб ўқиш хусусиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Агар китоб ўқиш жараёнини кузатадиган бўлсак, китобхон билан унга ёқадиган ва унга ҳаммадан кўра кўпроқ нарса берадиган китоб ўртасида маълум муносабатнинг борлигини, аниқроқ қилиб айтилганда, ўхшашлик, яқинлик борлигини сезиш мумкин. Ҳар қандай яхши китоб ҳам ҳаммага ёқавермайди. Ҳатто буюк ёзувчилар ҳам ўзига ўхшаш машҳур ёзувчининг асарини ҳуш кўрмаслиги маълум. Аммо ҳар бир китобхоннинг ўзига ёққан бир ёки бир нечта муаллифлари, уларнинг асарлари бўлади. Нимага шундай? Нима сабабдан кўпчиликка ёққан китоб айримларга ёқмайди? Баъзи муаллифлар асарларининг китобхонга ёқиши сабаблари нимада?

Бу саволларга кутубхонашунослар психологлар билан ҳамкорликда жавоб беришга ҳаракат қилишган. Жумладан, Н. А. Рубакин ўзининг машҳур «Мустақил ўқиш тўғрисида китобхонларга хатлар» асарида бу масалага атрофлича тўхталиб, китобхонга ҳаммадан кўпроқ китобхоннинг ўзида у ёки бу даражада мавжуд муаллифнинг хусусиятлари таъсир қилишини таъкидлайди ва «муаллифнинг руҳий хислати билан мазкур китобхоннинг руҳий хислати ўхшаш китоб китобхонда

кучли таассурот қолдиради» деб хулоса қилади. У ўзининг бу ғоясини француз адабиётшуноси Э. Геннекен қарашлари асосида изоҳлаган бўлиб, уни Геннекен қонуни деб атайдди. Н. А. Рубакиннинг фикрича, Геннекен ўз таърифи билан китобнинг китобхонга таъсир этиши асосини, унинг моҳиятини аниқ ифодалаб беришга муваффақ бўлган. Ҳар қандай китоб ҳам китобхонга қандайдир таъсир кўрсатавермайди, ҳар хил китобхонга бир хилда кучли таъсир қила олмайди. Бундай бўлмоқ учун китобхонда муаллиф билан ўхшашлик, жўн қилиб айтганда, муаллифнинг баъзи бир хислатлари китобхонни кига тўғри келиши зарур. Агар буни бошқачароқ ифодаласак, муаллиф китобни ёзаётган вақтида ҳар қандай руҳий ҳолат, ҳар қандай хислат унинг асарида ўз аксини топади. Китобхон ўқиши жараёнида муаллифдаги айнан ўша хислатларни «қуш тилини қуш биледи» қабилда яхши қабул қилади.

Психологларнинг таъкидлашича, бошқаларнинг руҳий ҳолати ҳақида биз ўзимизга қараб хулоса чиқарамиз, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Минглаб фактлар билан тасдиқланган бу инсоний хусусиятни бир психолог олим «хайрихоҳлик кечинмаси» деб атаган эди. Бундай кечинма тўла ҳолида ҳам, қисман ҳам, ўткинчи ва узоқ давом этадиган бўлиши мумкин. Аммо ҳар хил китобхонларда китобни ўқиш жараёнида пайдо бўладиган таъсир ҳар хил бўлади, унинг кучига китоб ўқиладиган вақт ва ўша пайтдаги бошқача турли тасодифий вазият, масалан, ташқаридан келган ўткинчи кайфият ҳам таъсир этиши мумкин.

Шундай қилиб, Н. А. Рубакин мустақил ўқиш билан шуғулланувчи кишиларни руҳий, антропологик ва ижтимоий жиҳатдан асосий турларга ажратади. Ҳар бир тур эса ҳар хил руҳий хусусиятларнинг кўпроқ ёки камроқ намоён бўладиган мураккаб йиғиндиларидан иборат бўлиб, ўз навбатида уларнинг ҳар бири ўз туркумига эга бўлади. Демак, китобхон руҳиятининг айрим хусусиятлари сифат ва миқдор томонларига ҳам ўқиш жараёни, ҳам илмий машғулот, уларни ўрганиш ва унинг натижасига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида шундай турларга ўз муаллифлари хусусиятларини акс эттирувчи китоблар ҳам бўлинади. Муаллифнинг барча хусусиятлари, юқорида таърифлаганимиздек, китобда баён этиш услубида, ҳатто сюжетни танлаш ва талқин этиш усулида ўз аломатини қолдиради. Ана шу ўз

руҳиятига мос китобни китобхонга ётказишнинг энг оддий усули — китобхонга китобдан эркин фойдаланишга имконият яратиш ёки китоб фондининг маълум қисмидан бемалол фойдаланишни ташкил этишдир.

Барча ёшдаги ва турли маънавий ва моддий даражадаги, хилма-хил шароитда яшовчи кишиларга кутубхона фондини очиб беришга хизмат қиладиган турли каталог ва картотекалар, библиографик рўйхатлар ва қўлланмалар, замонавий автоматлашган ахборот — қидирув системалари китобхонларнинг ранг-баранг талабларини қондиришга, уларнинг ўзига мос китобларни танлашга ёрдам берадиган махсус усуллар ҳисобланади.

Бу ишларни яхши йўлга қўйиш ўз навбатида Ш. Р. Ранганатаннинг «китобхонлар вақтини асра» деб хитоб қилувчи тўртинчи қонуни талабларига ҳам жавоб беради.

Кутубхонанинг ижтимоий ролни очиб беришда Ш. Р. Ранганатаннинг «кутубхона ўсаётган организмдир» деб аталувчи бешинчи қонуни ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ранганатан бу ерда кутубхонанинг ўсишини тирик организмдаги янги ҳужайраларнинг тикланишига ўхшатиб, мавжуд китобларнинг ўрнини долзарб китобларнинг эгаллаб бориши йўли билан ривожланишини таъкидлайди. Албатта, китобхонларнинг ҳар қандай талабинини қаноатлантириш имкониятига эга бўлган кутубхонанинг ўзи йўқ, сабаби кутубхона фонди чексиз ўсиб бориши мумкин эмас. Аммо, ҳар бир кутубхона учун китоб фондини шакллантиришнинг энг мақбул чегараси мавжуддир. Бунда кутубхонанинг катта-кичиклигидан қатъи назар, китоб танлаш, зарурий нашрларни олиш асосий мақсаддир.

Ҳар қандай китоб ҳам доимий қийматга эга бўлавермайди, улардан баъзиларигина боқий бўлиб, кўпчилик китоблар кишилар каби «ўлиши» мумкин, яъни тез унутилиши мумкин. Китобларнинг мана шу хусусиятини қатъий ҳисобга олган ҳолда китоб фондини тўлдириб бориш барча даврларда, турли ижтимоий-сиёсий тузумга эга бўлган жамиятларда амалга оширилган дейиш мумкин. Масалан, собиқ СССРда кутубхона фондини шакллантириш ва тўлдиришда чуқур синфийлик ва партиявийлик принциплари ҳукмрон бўлиб, китоблар доимо шу нуқтаи назардан сараланиб олинар эди. Аммо маълум бир талаблар асосида тан-

лаш бошқа-ю, иложи борича кутубхонанинг тури, ҳажми ва вазифасига қараб, барча нашрларни эркин танлаш бошқадир. Шу хусусда йирик америкалик кутубхонашунос Джесс Хоук Ширанинг (1903—1982) маълум фикри диққатга сазовордир. У кутубхона фондини сараланган китоблар билан тўлдиришнинг аҳамиятини таъкидлаб, «қуёш нури соясиз бўлмаганидек, чиқитсиз саралаш ҳам бўлмайди» деб хулоса қилади. Бу ерда у кутубхонанинг жамият аъзолари учун ижтимоий аҳамиятини чуқур ҳис этиб, китоб фондини тўлдиришда китоб танлашнинг ўрнини, лекин тўла даражада юз фоиз саралашнинг иложи йўқлигини қайд қилади.

Кутубхонанинг китоб фондидан фойдаланиш қай даражада бўлишидан қатъи назар, унинг билимлар хазинаси эканлиги ҳақиқатлигича қолади, қайсики, унда инсониятнинг барча руҳий бойликлари дурдоналари тўплангандир. Гарчи китоб саралаш ўша дурдоналарни кутубхона заҳираларига тўплаш осон вазифа бўлмасда, бу ерда қийматга эга бўлган, сифатли нашрларни танлаб олиш кутубхоначилар олдида турган олий мақсад бўлиб қолиши зарур.

Кутубхонанинг қиммати олий мақсадларни бирлаштирганлигидадир ва айнан шу мақсадда унинг китоблари бир жойга тўпланади. Китобларнинг тасодифий уюми — бу ҳали кутубхона эмас, фақат китоблар мажмуидир. Ҳақиқий кутубхоначи нашрлар уммонидан зарур китобларни тўплаб, кутубхона фондини бойитадиган, ўша китоблар уюминини маълум тартибга келтирадиган, уларни ўз китобхонасига етказадиган шахсдир.

3-§. КУТУБХОНАЛАРНИНГ ТИПЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Кутубхоналарнинг типлари кутубхонашунослик фанининг энг долзарб ва мураккаб муаммоларидан биридир. Умумий кутубхонашунослик курсида бу мавзу асосий ўринлардан бирини эгаллаб, республикада аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг бутун мажмуини белгилаб берди.

Ҳозирги кунда оммавий, маданий-маърифий ва илмий ахборот муассасалари бўлиш кутубхоналарнинг роли узлуксиз ўсиб бормоқда. Кутубхоналар маданият ютуқларидан фойдаланиш борасида фуқароларнинг асосий инсоний ҳуқуқларини кенг рўёбга чиқариш имкони-

ни беради, онглиликни оширишга кўмаклашади, фаол ҳаётий дунёқарашни шакллантиради.

Ўзбекистонда кутубхоналар тармоғи кенг ва хилма-хилдир. Улар давр талабларини фақат биргалликда ва ҳамжиҳат бўлган ҳолда ҳал қилишлари мумкин. Шу боисдан ҳам кутубхоналарни ягона кутубхоначилик системасига бирлаштириш асосида уларни ташкилий вазифалари жиҳатдан қайта қуриш республикада кутубхоначилик қурилиши истиқболларини белгилаб берувчи энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида ягона кутубхоначилик системасини такомиллаштириш ана шу системادا ҳар бир кутубхона тармоғининг, ҳар бир кутубхона бўғинининг, ҳар бир кутубхонанинг ўрнини белгилашни назарда тутади. Ана шу вазифа асосида кутубхоналарни типларга ажратиш муаммоси долзарб масала бўлиб қолмоқда ва у ўзбек кутубхонашуносларининг диққат марказида турибди.

Кутубхона типлари — белгиларнинг умумийлиги (бир хиллиги) бўйича кутубхоналарнинг илмий таснифи бўлиб, у кутубхоналарни типлари, турлари ва хиллари бўйича тақсимлаш имконини беради.

Кутубхоналар типлари ва турларини билиш кутубхоналарни, умуман уларнинг тармоқлари ва системаларини ташкил қилишнинг умумий ўзига хос хусусиятлари, вазифалари, алоқалари, муносабатлари, даражалари тўғрисидаги тасаввурлар асосида уларни табақалаштиришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, китоб фондлари таркиби ва системасини шакллантириш, китобхонларнинг талабларини тўлароқ қондириш каби кутубхоначилик қурилишининг долзарб муаммоларини тегишли даражада ҳал этади ва пировард натижада кутубхоналар ягона системасининг самарали ишлашини таъминлайди.

Кутубхонашунослик фани тараққиётида кутубхона типлари муаммосини ҳал қилишга бир неча хил ёндашувлар илгари сурилган. Китоб фондининг таркиби, кутубхоналарнинг вазифалари, китобхонлар талабларининг таҳлили, кутубхоналарнинг бирон идорага мансублиги ва шу кабилар кутубхоначилик қурилишининг турли босқичларида кутубхоналарни типларга ажратиш мезони бўлган.

Ҳозирги вақтда кутубхонашунослар кутубхоналарнинг ижтимоий вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган бош мақсадини тур ҳосил қилувчи асосий ва энг муҳим белги деган яқдил фикрни билдирмоқдалар.

Кутубхонашунослик фани атамашунослигида таркиб топган, кутубхоналарни муҳим ижтимоий вазифа белгилари бўйича, мукамал усул асосида таснифлаш натижасида ҳосил қилинган гуруҳлар системалар деб аталади. Кутубхоналар фаолиятининг уйғунлашган мажмуи ҳамда китобхонларнинг кенг, аynи вақтда махсус турдаги ахборотга бўлган қизиқишлари ва талабларини қондиришга қаратилган ишлари бугунги кунда уларнинг ижтимоий вазифасини белгилаб бермоқда.

Ана шунга мувофиқ кутубхоналар универсал ва махсус турларга бўлинади (1-жадвалга қаранг).

Универсал кутубхона — бу, одатда, кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган бўлиб, китобхонларга ҳар

1-жадвал

Кутубхона тармоқлари, турлари ва хиллари, уларнинг асосий хусусиятлари

Типлар	Турлари ва хиллари	Асосий хусусиятлар
универсал	<p>Оммавий-универсал кутубхоналар</p> <ul style="list-style-type: none"> — район кутубхонаси — шаҳар кутубхонаси — ёшлар кутубхонаси — болалар кутубхонаси — касаба уюшмалар кутубхонаси — жамоа ҳўжалиги кутубхонаси — жамоатчилик кутубхоналари <p>Илмий-универсал кутубхоналар</p> <ul style="list-style-type: none"> — республика кутубхонаси — область кутубхонаси 	<p>Оммабоп китоб фонди-га эга, кенг китобхонлар оммасига хизмат кўрсатади.</p> <p>Универсал фондга эга, мажбурий нуска орқали барча фан тармоқлари бўйича фондини тўлдиради, депозитарий вазифасини бажаради, халқ ҳўжалиги барча тармоқларидаги илмий ходимлар ва мутахассислар, фан ва маданият ходимларига хизмат қиладди ҳамда ўз регионидagi барча кутубхоналарга методик ва илмий марказ ҳисобланади.</p>

Типлар	Турлари ва хиллари	Асосий хусусиятлар
Махсус	<p>Ижтимоий-сиёсий кутубхона — ижтимоий ихтисосдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлири кутубхоналари</p> <p>— мактаб кутубхоналари</p> <p>Табиий-илмий кутубхона — УзФА кутубхоналари тармоғи</p> <p>— тиббиёт кутубхоналари тармоғи</p>	<p>Маълум фан ва тармоқлар бўйича ихтисослашган китоб фондига эга, китобхонларнинг маълум гуруҳига табақалаштирилган асосда хизмат кўрсатади.</p>
	<p>Амалий кутубхона — техника кутубхоналари — қишлоқ хўжалигига оид кутубхоналар — бошқа тармоқ кутубхоналари</p>	<p>Кўп тармоқли соҳалар бўйича ўз фондиди тўлдирди, илм-фан арбобларига ихтисослашган хизмат кўрсатади. Ўз тармоқлари бўйича илмий-методик ҳамда ахборот марказлари ҳисобланади.</p> <p>Махсус ишлаб чиқариш характеридagi тор ихтисосдаги соҳавий адабиётлар билан ўз фондиди тўлдирди ва шу соҳа ходимларига хизмат кўрсатади.</p>

жиҳатдан хизмат кўрсатишга ва умуман бутун кутубхоналар системасини яхлит ҳолга келтиришга кўмаклашувчи кутубхонадир.

Универсал кутубхоналардан фарқли ўлароқ махсус кутубхоналар илмий, ишлаб чиқариш, ўқув фаолияти билан, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ахборот талабларини ва китобхонлар қизиқишларини қондириш учун мўлжалланган. Бироқ тадқиқотчилар ҳозирги босқичда кутубхоналарни таснифлаш, табақалаштириш ҳамда тип ва турларга бўлиш уларнинг турли, ўзига хос белгиларига ва китобхонлар мақсадига боғлиқдир деб ҳисобламоқдалар. Шу боисдан ҳам кутубхоналарни типларга ва турларга бўлиш-

да хилма-хиллик пайдо бўлмоқда. Кутубхона тип ва турларининг ҳар хил етакчи белгиларини кўп томонлама таснифлаш услуби билангина аниқлаш мумкин, бундай таснифлаш кутубхоналарнинг турли гуруҳларини аниқлаб чиқиш имконини беради.

Кутубхоналарни илмий типларга ажратиш муаммоси ҳозирги босқичда ягона кутубхоначилик системаси тушунчаси доирасида ишлаб чиқилмоқда, бу тушунча республика миқёсида бир бутун қилиб бирлаштирилган кутубхоналарнинг кўп поғонали мажмуасидан иборат.

Юқорида уқтириб ўтилганидек, кутубхоналарни бўлишнинг дастлабки белгиси (ижтимоий вазифаси) уларнинг типларини: универсал ва махсус кутубхоналарни вужудга келтиради.

Кутубхоналарнинг ахборот талаблари соҳасидаги ижтимоий эҳтиёжларини қондириш даражасини белгилаш билан боғлиқ бўлган иккиламчи белги кутубхоналарни турлари бўйича табақалаштиради.

Муайян мантиқий изчилликда жойлаштириладиган кутубхоналарнинг янада майдороқ бўлинишлари уларнинг хилларини вужудга келтиради. Кутубхоналарни табақалаштириш ва таснифлашнинг баъзи белгиларининг кўрсатиб ўтамиз, булар: регионал (маҳаллий) ва бирор идорага қарашли; ёш хусусиятлари билан боғлиқ; тармоқ ва мавзу белгиларидир. Универсал оммавий кутубхоналар ёш белгисига қараб катта ёшдаги кутубхоналарга хизмат қилувчи оммавий кутубхоналарга, ёшлар кутубхоналари ва болалар кутубхоналарига бўлинади.

Аmmo шу нарсени ҳам назарда тутиш керакки, кутубхона типлари ва турлари нисбатан барқарор система эмас, балки шу билан бирга ўзгарувчан система ҳамдир. Ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ўзгаришлар, ахборот ўзгаришлари, ижтимоий талаб эҳтиёжларининг ўзгариши таъсири остида кутубхоналарни турларга бўлиш ўзгариб боради. Масалан, ҳозирги шароитда турли типдаги ва турдаги кутубхоналарнинг бир-бирига яқинлашуви юз бермоқда. Кутубхоналарни айрим типлар ва турларга ажратиш турувчи тафовутлар йўқолиб бормоқда. Кутубхоналарнинг оралиқ типлари вужудга келмоқда. Масалан, марказлаштирилган кутубхоналар системалари (МКС) нинг универсал тоифадаги йирик кутубхона муассасаларига айланиб бораётганлиги, оммавий кутубхона тўғрисидаги анъана-

вий тасаввурларни ўзгартириб, уларни фан ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарга яқинлаштирмоқда. Маълумки, касаба уюшмаларининг кутубхоналари аъёнага кўра оммавий кутубхоналар қаторига ҳам киритилиши мумкин, чунки улар бадий ва илмий-оммабоп адабиётларни тарғиб қилиш билангина шуғулланиб қолмасдан, балки муайян тармоқдаги ишчилар ва хизматчиларнинг касбига оид китобларни ўқишни ҳам таъминламоқда. Махсус кутубхоналар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий-ўқув марказларининг ташкил этилиши, узлуксиз таълимни ривожлантириш шароитида кутубхоналарни илмий ва ишлаб чиқариш турларига бўлиш ҳам нисбий ажратиш бўлиб қолмоқда.

Кутубхоналарни таснифлаш кўп жиҳатдан бир кутубхонанинг ўзини, унинг учун хос бўлган кўпгина белгилар бўйича турли даражаларга киритиш имконини беради. Чунончи, Ўзбекистонда чиқадиган матбуот асарларининг мажбурий нусхаларини олаётган А. Навоий номидаги республика Миллий кутубхонаси айни вақтда ҳам илмий, ҳам оммавий, ҳам марказий, ҳам регионал, ҳам умумдавлат кутубхонаси сифатида иш кўрмоқда.

Умуман, кутубхоналарни типларга бўлиш кутубхоначилик ишини ривожлантириш, янги кутубхоналар барпо этиш, улар системаси, ўзаро алоқаларининг қийинлашиб бориши билан боғлиқ бўлган мураккаб жараёнларни акс эттирмоқда. Бу жараён Ўзбекистон кутубхоналари тарихи мисолида етарли даражада ёрқин кузатишмоқда.

Республика кутубхоначилик иш тарихининг ривожланиши жараёнида кутубхона типлари ва турларининг ривожланиши О. Г. Қосимова, А. И. Қормилицин, М. А. Раҳимова, Б. А. Қаримов ва бошқаларнинг илмий асарларидан кузатиш мумкин. Маълумки, 1917 йилги октябрь тўнтаришидан илгари Туркистонда, у Россия томонидан қўшиб олинганга қадар, сарой кутубхоналари, диний кутубхоналар (мадрасалар ҳузурда), хусусий кутубхоналар ва шу кабилар мавжуд эди.

Россия Урта Осиёни босиб олгандан кейин бу ерда кутубхоналар кўпайди. Бу даврда Туркистон халқ кутубхонаси ўз фаолиятини бошлади. Тўнтаришгача бўлган Туркистон ҳудудида жойлашган турли жамиятларнинг кутубхоналари пайдо бўлди. О. Г. Половцева,

О. Г. Гейер, Л. Бродский ва бошқаларнинг хусусий кутубхоналари кенг машҳур эди. Инқилобий кўтарилиш даврида халқ кутубхоналари, темирйўлчиларнинг жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхоналари, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларида яширин тарзда ишлайдиган кутубхоналар пайдо бўлди.

Октябрь социалистик тўнтариши Россия ва унинг чекка ўлкаларининг давлат тузилишини ва у ерлик халқларнинг маданий ривожланишини, шу жумладан кутубхоначилик қурилишини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Бу даврда биринчи «мусулмон» қироатхона-кутубхоналари вужудга келди. Бу кутубхоналар жумҳуриятнинг туб аҳолиси ўртасида саводхонликни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим эди. Уша пайтда дастлабки оммавий кутубхоналар ҳам пайдо бўлди.

Ҳозир Ўзбекистондаги кутубхоналарнинг асосий қисмини универсал кутубхоналар ташкил этади. Бу кутубхоналар фаолиятининг кенглиги ва кўп мақсадли тавсифга эга бўлиши, китоб фонди ва маълумотнома библиографик аппаратининг универсаллиги; кутубхона хизматининг регионал йўналишда бўлиши; муайян ҳудуд доирасида мувофиқлаштирувчи вазифага эга бўлиш уларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Қишлоқ кутубхонасидан тортиб республиканинг асосий кутубхонасигача бўлган кўпгина кутубхоналар универсал кутубхоналар тоифасига қиради. Бу кутубхоналарнинг ҳаммаси уч асосий вазифани: маълумот бериш, ғоявий-тарбиявий ва касбий вазифани бажаради. Фаолият доираси ва миқёсига қараб кутубхоналар *илмий-универсал* ва *оммавий-универсал* кутубхоналарга бўлинади.

Оммавий-универсал кутубхоналар (ОУК) республика ҳудудида аҳолига уларнинг истиқомат жойларида, ишлаш ва ўқиш жойларида кутубхона хизматини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистоннинг оммавий-универсал кутубхоналари қишлоқ ва шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларнинг сонин 7660 тадан зиёддир (2-жадвалга қаранг).

Оммавий давлат кутубхоналари асосан аҳоли барча табақаларининг маълумот олиш талабларини қондирадиган универсал ихтисосдаги кутубхона сифатида таркиб топди. Кутубхоналарнинг бу тури китобни тарғиб қилиш марказигина бўлиб қолмай, балки китобхоналарнинг маънавий раўнақини шакллантириш жойига ҳам

Ўзбекистонда 1940—1990 йилларда барча тип оммавий
ва универсал кутубхоналар тармоғининг ривожланиши

Йиллар	Кутубхоналар		
	jami	шу жумладан	
		шаҳарларда	қишлоқларда
1940	1792	497	1295
1970	5822	1021	4801
1990	7661	1502	6159
1940 йилга нисба- тан 1990 йилда фонд миқдо- рида	427	302	475

айланиб бормоқда. Китобхонларга янада самарали хизмат кўрсатиш учун ҳозирги вақтда оммавий давлат кутубхоналар МКС ларга бирлашган, юксак даражада ташкил қилинган кутубхоналар ҳисобланади. Ягона системага бирлашган бундай кутубхоналарнинг ҳар бири алоҳида кутубхонага хос бўлмаган янги интегратив хусусиятларга эга бўлмоқда.

Тошкент шаҳар маданият бошқаруви системасида 204 дан ортиқ оммавий давлат кутубхоналари ишлаб турибди, буларнинг 160 тадан кўпроғи катта ёшдаги аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Болалар кутубхоналари А. Гайдар номи марказий болалар кутубхонаси бошчилигида МКС га бирлашгандир.

Катталар учун мўлжалланган кутубхоналар Тошкент шаҳридаги Юнусобод, Шайхонтохур, Собир Рахимов, Мирзо Улуғбек, Миробод ва Ҳамза, Чилонзор ва Акмал Икромов; Сирғали ва Яккасарой районлари доирасида бешта МКС ни ташкил этади.

МКС бошида марказий кутубхона туради. Масалан, Фурқат номи кутубхона Акмал Икромов ва Чилонзор районлари МКСнинг марказий кутубхонаси ҳисобланади. Мазкур райондаги бу етакчи кутубхона регионда

китобдан фойдаланиш-ташкilotчиси ролини бажармоқда. Бу ва бунга ўхшаш кутубхоналарнинг хусусиятлари шу билан тавсифланадики, уларнинг иш мазмуни ва кўлами, китоб фондининг тавсифи ва тарқиб ушбу регион аҳолисининг китобга бўлган талабларини қондиришга мўлжаллангандир. Марказий кутубхона мазкур район доирасида аҳолига китоб билан хизмат кўрсатиш ягона (марказлаштирилган) системаси ташкилотчиси; райондаги оммавий кутубхоналар учун методик марказ; ўзига юклатилган вазифани муваффақиятли равишда рўёбга чиқариш имконини берадиган мураккаб тузилишга эга бўлган кутубхонадир.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатаётган кутубхоналар тармоғи ҳам ана шундай ташкил қилинмоқда. Бундай ҳолда МКС марказий кутубхона вазифасини бажараётган район кутубхонаси бошчилигида районлардаги қишлоқ кутубхоналарини бирлаштиради.

Бирор идорага мансублигига қараб оммавий универсал кутубхоналар икки турга — давлат кутубхоналарига ва идораларга қарашли кутубхоналар (касаба уюшмаси кутубхоналари) га бўлинади.

Оммавий давлат кутубхоналари учун ташкил қилишнинг ҳудудий белгиси хос бўлса, касаба уюшмаси кутубхоналари учун эса унинг ишлаб чиқаришга мос бўлиши асосий белғи ҳисобланади. Касаба уюшмаси кутубхонаси, одатда, муайян корхона (ташкilot) системасида бўлиб, айни вақтда ишлаб чиқариш кутубхонаси вазифасини ҳам адо этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон касаба уюшмаси кутубхоналари МКС ларига бирлашмоқда, бу эса универсал тусдаги оммавий кутубхоналар ана шу турининг анча самарали ишлашини таъминламоқда.

Оммавий давлат кутубхоналарининг барча турлари умумий маълумот берувчи китобларни ўқишга бериш; шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун зарур бўлган энг муҳим адабиётни танлаш ва китобхоналарга етказиш; китобни тарғиб қилишнинг энг фаол таъсирчан методларини қўлланиш, шахснинг ўқиш доирасини шакллантириш; ишчилар ва жамоа хўжалиги аъзоларига касбга оид китобларни ўқишда ёрдамлашиш; мутахассисларга касбга оид китоблар билан хизмат кўрсатиш ташкилотчилари сифатидаги ўзига хос аломатлар билан ажралиб туради.

Илмий универсал кутубхоналар (ИУК) кутубхона-

ларнинг маъмур тури учун умумий бўлган хусусиятлар билан бир қаторда махсус хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар уларнинг ҳуқуқий мақоми билан белгиланади.

Илмий универсал кутубхоналар кутубхоначилик системасида етакчи бўлибди. Одатда бу муассаса умумдават ва регионал аҳамиятга эга бўлиб, ҳудудий кутубхоналар йиғиндисининг илмий методик маркази ҳисобланади. Универсал кутубхоналар ана шу турининг асосий вазифалари китоб фондлари ва ишнинг бутун системасини район талабларига мувофиқлаштиришдан; жойлардаги раҳбар ходимлар ва ташкилотларга китоб ва ахборот билан хизмат кўрсатишни ташкил қилишдан; област ва республикага бўйсунувчи махсус кутубхоналар ишини уйғунлаштириш ва бирлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон илмий кутубхоналарнинг кенг тармоғига эга. Булар орасида универсал кутубхоналар етакчи ўринни эгаллайди. А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси республиканинг асосий кутубхонаси бўлиб, у айна вақтда энг йирик универсал илмий кутубхонадир. Бошқа ИУК лар орасида Қорақалпоғистоннинг Республика кутубхонаси ва 12 та область кутубхоналари бор. Бу кутубхоналарнинг ҳаммаси адабиётнинг бирмунча тўлиқ фондига эга. Бу кутубхоналар фонди халқ хўжалиги барча тармоқлари мутахассисларни учун қимматлидир, чунки улар умумий, тармоқлараро ва комплекс тусдаги адабиётдан, шунингдек маълумотнома ва библиографик нашрларнинг етарли даражада тўлиқ фондидан иборат. ИУК айна вақтда депозитарий вазифасини ҳам адо этади, булар орасида кам талаб қилинадиган адабиёт фонди бор. Шунингдек бундай кутубхоналар қироатхоналари ҳамда КАА бўйича шундай китобларга бўлган талабларни қондиради.

ИУК ўз фаолиятида ўз билимларини мустақил равишда оширишда олимлар ва мутахассисларнинг уларга ёрдам беришни, шунингдек, уларнинг касб-корига оид адабиётга, айниқса умумий илмий, муҳим, комплекс ва тармоқлараро тусдаги адабиётга бўлган талабларини қондиришни кўзда тутмоқда.

Универсал кутубхоналардан фарқли ўлароқ махсус кутубхоналар илмий, ишлаб чиқариш, ўқув фаолияти билан, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан боғ-

лиқ ахборот талабларини қондириш учун мўлжаллангандир.

«Махсус кутубхона» атамаси Буюк Британиядан келиб чиққан бўлиб, рус кутубхонашунослигининг таниқли арбоби Л. Б. Хавкина туфайли кутубхонашунослик фанига кириб келган. Бу атама 1934 йилдаги Бутуниттифоқ кутубхоналарни рўйхатга олиш натижаларига оид материалларда биринчи марта расмий жиҳатдан қабул қилинган эди.

Кутубхонашунос олимлар касбга оид китобларни ўқишни ташкил қилиш, истеъмолчилар муайян гуруҳларининг касбий ахборотга бўлган талаб эҳтиёжларини қондириш махсус кутубхонанинг асосий ижтимоий вазифасидир деб ҳисоблайдилар.

Махсус кутубхоналар ишлаб чиқариш, илм, фан ва маданият системасига мувофиқ барпо этилади.

Туркистон ҳудудида махсус кутубхоналар фақат XIX асрда пайдо бўлиб, чоризм манфаатларига хизмат қилди ва асосан юқори табақа вакилларининг имтиёзи бўлиб келди. Бундай кутубхоналар илмий-техникавий жамиятлар ҳузурида ташкил этилар эди. Асосан Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида жойлашган бундай кутубхоналар фақат рус аҳолисига хизмат кўрсатарди, булардан илмий ва муҳандис-техник ходимларнинг имтиёзли доиралари, илмий муассасалар маъмурияти вакиллари фойдаланар эдилар.

Сўнги йилларда республика ҳудудида махсус кутубхоналар сони анча кўпайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 5 мингдан ортиқ махсус кутубхона бор. Булардан энг йириклари Тошкент ва бошқа шаҳарларда жойлашгандир. Ҳозир республика доирасида махсус кутубхоналар системаси ишлаб турибди, улар фан ва халқ хўжалигини бошқаришнинг ташкилий системасига мувофиқ равишда турли кутубхона тармоқларини ўз ичига олади. Махсус кутубхоналар асосан, тармоқ кутубхоналар шохобчаларида, кәмроқ ҳудудий кутубхона тармоқларида ташкил қилинган.

Республика аҳамиятига молик бўлган турли махсус кутубхоналар кутубхона тармоқлари системасига кирази. Ўзбекистоннинг Республика илмий-тиббиёт кутубхонаси, Республика илмий-техника кутубхонаси, Республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси шундай кутубхоналар жумласидандир. Корхоналар, илмий-тад-

қиқот институтлари ва шу кабиларнинг қуйи кутубхоналари кутубхона тармоқлари системасининг бўғинларидир.

Китобхонлар ва китоб фондининг таркиби, мазмуни, китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил этишга оид иш шакллари ва методлари айрим махсус кутубхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида намоён бўлмоқда.

Хизмат кўрсатилаётган ижтимоий-ишлаб чиқариш тавсифи махсус кутубхоналар бўлинишининг иккиламчи белгисидир. Илмий кутубхоналар ўқув ва ишлаб чиқариш кутубхоналари ана шу белгига қараб ажратилмоқда.

1873 йилда расадхонанинг дастлабки мудирлари: И. И. Померанцев, П. К. Залесский, Д. Д. Геденовларнинг кутубхоналари негизда ташкил қилинган Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Астрономия илмий текшириш институти кутубхонаси; 1913 йилда асосланган Самарқанд областидаги Баҳорикор ерлардаги деҳқончилик илмий-тадқиқот институти кутубхонаси; 1911 йилда Самарқандда барпо этилган Ўзбекистон республикаси Маданият ва санъати тарихи Давлат музейи илмий-маълумотнома кутубхонаси республиканинг энг кўҳна махсус кутубхоналаридир.

Махсус кутубхона тармоқларини вужудга келтириш ва ташкил қилиш фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Деҳқончилик саноат бирлашмасини ривожлантириш республикада қишлоқ хўжалик кутубхоналари тармоғини барпо этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бундай кутубхоналар қишлоқ хўжалик ходимларига, ҳузурида қишлоқ хўжалик кутубхоналари бўлган қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, олий-ўқув юртлари ходимларига хизмат кўрсатадилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мутахассислари ва олимлари ана шу кутубхоналарнинг асосий китобхонларидир.

Махсус қишлоқ хўжалик кутубхоналари асосан илмий-тадқиқот ва тажрибачилик ишлари билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик ходимларининг талабларини бажарадилар ва жамоа хўжаликлари далалари ва фермаларида, бўлимларида ва участкаларида ишлаётган қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ишлаб чиқариш масалаларига оид талаблари жойлардаги қишлоқ жа-

моа хўжаликлари, касаба уюшмалари кутубхоналари ва бошқа кутубхоналар томонидан қондирилади.

Илм-фанга хизмат кўрсатаётган кутубхоналар системасида академия кутубхонаси етакчи ўрин эгаллайди. Одатда бу кутубхона илмий тадқиқот муассасасининг бўлинмаси бўлиб, унинг жамоасига кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил қилади.

Илм-фанга хизмат кўрсатаётган кутубхоналар тармоғи бир қанча даражадаги кутубхоналардан: миллий даражадаги махсус кутубхоналардан, тармоқ фанлар академиялари кутубхоналаридан, Ўзбекистон Фанлар академияси филиаллари ва илмий марказлари кутубхоналаридан; илмий тадқиқот институтлари, илмий станциялар ва экспедициялар қўйи кутубхоналаридан иборатдир.

Ўзбекистон Фанлар академияси ихтиёрида бўлган кутубхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президиуми ҳузурдаги кутубхоначилик кенгаши ва унинг муаммолари билан шуғулланувчи комиссиялари умумий раҳбарлик қилади ва фаолиятларини мувофиқлаштириб туради.

Ўқув юртлирининг кутубхоналари республика махсус кутубхоналари системасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай кутубхоналарнинг фаолияти халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча тармоқлари ва соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлашга қаратилгандир.

Ҳозирги даврда олий ўқув юртига тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бораётган илмий марказ сифатида қаралмоқда. Олий ўқув юрти кутубхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари уларнинг тарбия жараёнида фаол қатнашишларидан, талабаларга зарур адабиётни ўз вақтида беришдан, илмий тадқиқотларни ахборот билан тез ва тўлиқ таъминлашдан иборат. Бугунги кунда олий ўқув юрти кутубхонасига айни вақтда оммавий, илмий ва ўқув кутубхонаси вазифасини бажарувчи мураккаб организм сифатида қараш лозим. У илмий, ўқув-ёрдамчи ва маданий-маърифий муассаса ҳисобланади. Олий ўқув юртининг вазифаси олий ўқув юрти ҳамда тегишли ихтисосдаги бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари таркибини, илмий ходимларни адабиёт билан ва библиографик хизмат кўрсатиш билан таъминлашдан, талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан; ўқув юрти ихтисоси бўйича ада-

биёт ва библиография материалларни тарғиб қилишдан иборат.

Тошкент Давлат дорилфунунининг Илмий кутубхонаси Ўзбекистондаги энг йирик олий ўқув юрти кутубхонаси ва республика олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналарига методик марказ ҳисобланади.

Универсал ва махсус кутубхоналар тармоқларини кўриб чиқаётган вақтда ана шу тармоқлар ичида турли белгилари билан бир-биридан фарқ қиладиган ва тилга олинган кутубхоналар доирасидан четга чиқадиган кутубхоналар борлигини таъкидлаб ўтиш керак. Кутубхоналарни регионал белгиси бўйича республика, област, район, шаҳар ва шу каби кутубхоналарга бўлиш тамомила равшандир. Кутубхоналарни билим соҳалари бўйича табақалаштириш асосини ташкил этадиган тармоқ белгиси ҳам шундай равшан ва шубҳасиздир.

Жамоат ташкилотларининг кутубхонасини жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхонадан ёки жамоатчилик кутубхонасидан ажрата билиш керак. Жамоатчиликнинг фойдаланиши учун тўпланган шахсий китоблар жамоат кутубхонасининг асосини ташкил этади.

Кутубхоналарни бошқа муассасанинг бир қисминини ташкил этувчи мустақил ва мустақил бўлмаган кутубхоналарга табақалаштириш негизини ҳуқуқий мақом ташкил қилади. Масалан, олий ўқув юрти, мактаб кутубхоналари ўқув-юртларининг бир қисми ҳисобланади.

Миқдорий тавсифномалар кутубхоналарни энг йирик, йирик, ўрта даражадаги ва кичик кутубхоналарга табақалаштиради. Миллион жилд китоб фондига эга бўлган кутубхонани энг йирик кутубхона деб ҳисоблаш қабул қилинган. Юз минг нусха босма маҳсулоти бўлган кутубхона йирик кутубхоналар қаторига кириди. Ўрта даражадаги кутубхоналарда ўн минглаб нусха нашлаб, кичик кутубхоналарда эса ўн мингтагача нусхадаги нашрлар сақланади.

Депозитарий кутубхоналар тармоқ ва регионал принциплар асосида ташкил қилинади. Бундай кутубхоналар идоралараро асосда ишлаб, кам талаб қилинадиган адабиётни сақлашни таъминлайди. Бундай кутубхоналар йирик универсал, кўп соҳоли ва махсус илмий кутубхоналар негизида ташкил қилинади.

Мазкур мавзунинг қисқача баёнини яқунлар эканмиз, шунини таъкидлаб ўтиш керакки, кутубхоналарни

типларга ажратиш ҳам ҳозирги босқичда ягона кутубхоначилик системаси доирасида ишлаб чиқилмоқда.

Кутубхоналар аввало ижтимоий аҳамиятига қараб типларга ажратилмоқда, уларни бундай белги асосида бўлиш кутубхоналарга бирмунча кенг ижтимоий вазифаларни бажаришни тақозо этади. Кутубхоналарнинг асосий, универсал ва махсус типлари айти шу негизда бўлинган ва кутубхоначилик қонунида мустаҳкамланган.

Ана шундай табақалаштириш асосини ташкил этувчи кутубхонанинг ижтимоий аҳамияти кутубхона системасини тавсифловчи ягона белги эмас, албатта. Бу система ниҳоятда кўп қирралидир. Унинг ҳар бир қирраси кутубхоналарнинг турлари ва хилларини асослайдиган табақалаштириш ва таснифлаш белгиси сифатида кутубхонанинг аҳолига ҳар жиҳатдан ва комплекс хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Бу эса кутубхоналарни типларга ажратиш ижтимоий тараққиёт билан; республикада кутубхоначилик системасининг ривожланиши билан боғлиқ ҳодисадир деб таъкидлаш имконини беради. Республикада кутубхоналар тармоғини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларга мувофиқ, бугунги кунда ишлаб турган кутубхона типлари доирасида уларнинг янги турлари ва хилларини ажратиш табиий ҳолдир.

4-§. КУТУБХОНА ТАРМОҚЛАРИ ВА СИСТЕМАЛАРИ

Ҳозирги даврда кутубхоналарни маълум идораларга, соҳаларга бўйсунушига қараб соҳавий-тармоқ ёки соҳавий тармоқ территориал кутубхона системаларига ажратиш мумкин. Республикада мавжуд кутубхоналар тармоқларидан Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли давлат кутубхоналари системаси, республика Халқ таълими вазирлигига қарашли мактаб, олий ва махсус ўқув юртлири кутубхоналари, техника, тиббиёт кутубхоналари ва қишлоқ хўжалиги вазирликларига қарашли кутубхоналар, шунингдек, республика қасаба уюшмалари кутубхоналари системалари энг катта тармоқлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли давлат кутубхоналари системаларига республика, област, район, шаҳар, болалар, қишлоқ кутубхоналари тармоқлари киради. Бу энг кўп сонли тармоқ бўлиб,

уларнинг умумий миқдори 1991 йилда 6791 кутубхонадан иборат бўлди. Уларнинг умумий китоб фонди 83111,8 нусхани ташкил этиб, 6111,5 минг китобхонга 1991 йил мобайнида 128681,0 минг нусха китоб берган.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли универсал давлат кутубхоналари ўз ҳудудида аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг ташкилотчисидир. Марказий давлат кутубхоналари эса ҚАА, ташкилий-методик ишлар ҳамда кутубхоначилик ишларини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича бошқа тармоқ кутубхоналарига методик марказ вази-фасини бажаради. Тармоқнинг бош кутубхонаси А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир.

Республика давлат кутубхоналари (РДК)

РДКнинг фаолиятида барча универсал илмий кутубхоналарга хос бўлган умумий хусусиятлар мавжуддир. Бунда РДК фаолиятининг асосий йўналишлари: китоб фондини тўлдириш ва сақлаш, китобхоналарга хизмат кўрсатиш, илмий-ахборот, методик ва илмий тадқиқот ишларини ташкил қилишдир.

Республикада матбуот асарларининг давлат омбори бўлмиш РДК миллий адабиёт (маҳаллий тиллардаги нашрлар)нинг ҳозирги ва ўтган даврга оид фондини тўла-тўқис тўлдиришни амалга оширади. Бу фондни тўлдириш ва сақлаш республика ягона кутубхона фондини шакллантиришда асосий вази-фадир. Бундан ташқари, РДК бошқа хорижий тиллардаги нашрларни йиғади, сақлайди ва улардан фаол фойдаланишни ташкил этади, республика ихтисосига мувофиқ босма нашрларнинг бирмунча тўла мажмуини вужудга келтиришни таъминлаган ҳолда иш олиб беради.

Шу билан бирга республикадаги махсус кутубхоналар бирмунча тўлиқ олаётган нашрларнинг айрим типлари ва турлари нусхаларини камайтириш ва уларни фондга қўшмаслик РДК учун хос хусусиятдир. Босма нашрларнинг универсал омбори сифатида РДК ўз мақомига путур етказмаган ҳолда тўлдиришни мувофиқлаштириш, региондаги мавжуд китоб фондининг муайян қисмларидан янада фаолроқ фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратади. Хорижий адабиётни, аввало, вақтли нашрлар билан тўлдиришни мувофиқлаштириш

анчагина анъана тусини олган бўлиб, кенг оммалашгандир.

80-йилларнинг биринчи ярмида РДКнинг республика депозитарияси мақомини олганлиги давлат кутубхонаси вазифасини рўёбга чиқариш учун қулай шароитлар яратиб берди. РДК ана шу янги вазифани амалга ошириб, кам талаб қилинадиган адабиётни самарали сақлаш ва ундан фойдаланишни ҳамда кутубхона фондиди депозитар сақлаш тузилмасининг ишлашини илмий-методик жиҳатдан таъминлашни ташкил қилмоқда.

Республикада кутубхона хизматини ташкил қилиш РДКнинг иккинчи асосий вазифасидир. РДК жамоатчилигининг ахборотга бўлган талабини ўз фондидан фаол фойдаланиш йўли билан, шунингдек республика доирасида ва халқаро кўламда бошқа кутубхоналар, ахборот органлари ва архив муассасалари фондларидан ўзаро фойдаланишга кўмаклашиш орқали қондирмоқда. РДКнинг бу вазифаси бирмунча кўп қирралидир. Аввало РДК кутубхонадан илмий, ишлаб чиқариш, ўқув, мустақил билим олиш мақсадида фойдаланаётган китобхонларнинг ҳамма гуруҳлари учун ҳаммабоп кутубхона ҳисобланади. РДК кутубхоналараро абонемент ва йиғма каталогларнинг республика маркази сифатида иш кўриб, китобхонларнинг хорижий давлатлардаги бошқа кутубхоналар фондига бемалол кириб боришларини таъминлайди.

Универсал ихтисосдаги республика ахборот библиографик марказ вазифаси РДКнинг муҳим типологик хусусиятидир. РДК илмий ёрдамчи библиографик қўлланмалар яратиб, республика Китоб палатаси билан биргаликда ўтган даврга оид миллий библиография тайёрлашни таъминлайди.

Республика бошқарув органларига ахборот хизматини кўрсатиш РДК фаолиятининг яна бир жабҳасидир. РДК ахборот библиографик иш соҳасида кутубхоналараро ҳамжиҳатлик ташкилотчиси сифатида ҳам иш кўради. Тегишли мувофиқлаштирувчи, идоралараро ҳамжиҳатликни рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бундай режалар РДК ташаббуси билан ва унинг раҳбарлигида ишлаб чиқилади.

РДК кутубхонашunosлик, библиография ҳамда китобшunosлик иши бўйича методик ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боради. У кутубхоначилик ишини му-

вофиқлаштирувчи идоралараро республика органлари қарорларининг бажарилишини ҳам ташкил қилади.

РДКнинг методик фаолияти учун ўзаро боғлиқ бўлган икки жиҳат: идоравий ва идоралараро жиҳатлар характерлидир. Идоравий жиҳат республика Маданият вазирлиги системасидаги кутубхоналар ишининг ғоявий-сиёсий даражасини оширишда, китоб фонддини вужудга келтириш ва улардан фойдаланишни ташкил этишда, кутубхоналар илғор тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда жорий этишда Маданият вазирлиги системасидаги кутубхоналарга бевосита методик ёрдам беришдир.

Иккинчи, идоралараро жиҳат асосан ташкилий методик ва мувофиқлаштирувчи фаолият йўли билан рўёбга чиқарилади. Бу фаолият илмий методик ишнинг мувофиқлаштирилган режаларини ишлаб чиқиш, республикада кутубхоначилик иши мазмуни ва ташкил этилишига таъсир қиладиган ҳам мустақил, ҳам биргалликдаги тadbирларни ўтказишдир.

Илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) ни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш маркази сифатида РДКнинг фаолияти қуйидагилардан иборат. У республика Маданият вазирлиги ва кутубхоначилик ишини бошқаришнинг идоралараро органлари билан биргалликда муайян давр мобайнида илмий-тадқиқот ўтказишни талаб қиладиган муҳим муаммоларни белгилайди. ИТИнинг мувофиқлаштирилган режаси тузилади. РДК идоравий ва идоралараро миқёсдаги марказлаштирилган тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқади, уларнинг бажарилишини ташкил қилади; ИТИ ни режалаштиришнинг республика ва регионал даражаларининг ўзаро боғланишини таъминлайди; миллий, регионал тусдаги умумий оқимлар ва қонуниятларни тадқиқ этиш натижаларини таҳлил қилади, ИТИ хулосаларини республика кутубхоначилик амалиётига жорий этишга кўмаклашади.

Ҳозирги кунда РДК китоб фондининг ҳажми ва таркиби, китобхоналар сони, иш кўлами ва даражаси жиҳатидан энг йирик кутубхоналар қаторига киради.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат Миллий кутубхонаси ҳам қарийб шундай бир шароитда барпо қилинган бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Урта Осиё чор Россияси томонидан ишғол қилингандан кейин ташкил этилди.

Бу ўлкани истило қилишдан чор ҳукмдор доираларининг ўз ички ҳисоби бор эди: аввало, табиий бойликларни ўзлаштириш, арзон ишчи кучига эга бўлиш, ички ва ташқи бозорни кенгайтириш, шу ерлар ҳисобидан империя чегарасини мустаҳкамлаш ҳамда Ҳиндистон, Хитой ва бошқа Шарқ давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқани йўлга қўйиш ва ҳоказо. Мана шу узоқни кўзлаган мақсадни амалга ошириш йўлларида бири маҳаллий аҳолининг тарихи, маданияти ва адабиётини, турмушини, урф-одатларини ўрганиши, уларни атрофлича тадқиқ қилиниши зарур эди, бунинг учун эса шундай маданий марказ керак эди.

Чор Россиясининг Урта Осиёга бостириб кириши аслида ёвузлик, боққинчилик бўлса-да, иккинчи томондан, улар ўлкага илгор фикрларнинг, рус халқи маънавияти етук ғояларининг ёйилишига сабаб бўлди. Рус олимлари, ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, инженерлар Урта Осиёнинг ўтмиш ва ўша даврдаги сиёсий, иқтисодий аҳволини, ўлкада билимларнинг тарқалишини, маърифий ишларнинг аҳволини ўрганишга қизиқдилар. Улар ўлкада илмий-тадқиқотларнинг яратилишига, кутубхоналар ва музейларнинг ташкил қилинишига туртки бердилар.

1867 йил 16 августда ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман Халқ Маорифи министрлиги, Фанлар Академияси, Халқ кутубхонасига, Географик жамият ва Россиянинг Бош штабига кутубхона ташкил этиш ва унинг китоб фондиди тўлдиришда бевосита ёрдам беришни сўраб мурожаат қилди. Улар ўз жамғармаларидан дубликат китобларни Тошкентга — Туркистон ҳукуматига жўната бошладилар, Харьков университети эса мунтазам ўз наشرларидан жўнатиб турди. Бундан ташқари кўпгина шахслар совға сифатида ҳам китоблар юбориб турдилар. Шундай қилиб, 1870 йил апрелида 2200 том (1200 томда)дан иборат жамғарма йиғилди, бу эса бўлғуси Туркистон кутубхонасининг асосини ташкил қилди.

Кутубхонага келиб тушаётган ҳамма адабиётлар тавсиф қилинди, бу катта ишни ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернаторининг муншийхонаси ходими Н. В. Дмитровский амалга оширди. Дмитровский Тошкент Халқ кутубхонаси тарихида жуда катта роль ўйнади.

У ўлкани чуқур билувчи ва катта библиофил (ки-

тобсевар) сифатида умрининг охиригача кутубхона фаолиятида фаол қатнашди.

1870 йил май ойида Дмитровский тузган тавсиф кўриб чиқилгандан сўнг мушыйхона биносида Халқ кутубхонасини очиш имкони пайдо бўлди. Таниқли кутубхонашунос олим ва библиограф, кейинчалик А. Навоий номидаги республика Давлат кутубхонасининг илмий ходими бўлиб ишлаган Е. К. Бетгернинг маълумотларига кўра, кутубхона 1870 йил 7—12 июнь орасида очилган. Анча вақт кутубхона генерал-губернаторнинг назоратида ва бошқарувида бўлган. 1872 йил 14 июнда Н. В. Дмитровский кутубхонадан кетади ва унинг ўрнини мусиқачи мутахассислигига эга бўлган назоратчи В. В. Чуйкр (1884 йил 12 январгача) олади.

Кутубхона жамғармаси йилдан-йилга ўсиб боради. 1876 йилга келиб у 4401 нусхани ташкил этди. 1882 йилга қадар, аввал генерал-губернатор К. П. Кауфман, сўнгра вақтинча бу вазифани бажарувчи Г. А. Колпаковский кутубхона ишини яхшилашга, унинг фондини аниқ ҳисобга олиб боришга кўп эътибор қилишди. Лекин, 1882 йил ўлкага генерал-губернатор бўлиб келган М. Г. Черняев бўлса кутубхонанинг ҳатто ёпиб қўйилишига сабабчи бўлди. Черняевнинг буйруғи билан кутубхона тафтиш қилинди ва 1883 йил 1 январдан кутубхона фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарилди. Кутубхона фонди мазмунига кўра бир қанча бошқа ташкилотларга тарқатилди. Черняев вазифасидан озод қилингандан сўнг кутубхона ишини кузатиш комиссияси тузилди ва кутубхона яна ўз фаолиятини бошлади.

Кутубхона фонди у ташкил этилмасдан олдин 1867 йилдаёқ йиғила бошланган эди. Юқорида қайд қилинганлардан ташқари Оснѐ музейи, Петербург Ботаника боғи, Табиатни севувчиларнинг Моеква жамияти, Марказий статистика қўмитаси, Почта ва телеграф Бош қармаси, Император эркин иқтисодий жамияти, Румянцев музейи ҳам ўз китобларидан жўнатишган эди.

Айниқса, тўнтаришдан олдинги китоб фондининг асосий қисмини тўплашда машҳур библиограф В. И. Межов муҳим ўрин тутди. У Петербургда яшаб туриб, кутубхонага адабиёт олиш учун ажратилган маблағга «Оснѐ мазмунидаги адабиётлар»ни сотиб олиб, Туркис-

тон генерал-губернаторининг муншийхонасига кутубхона учун юбориб турди.

Кутубхона очилгандан сўнг айрим машҳур шахслар ҳам кутубхонага адабиёт жўнатдилар. XVI—XVIII асрларда нашр қилинган ҳарбий, тарихий, географик ва гуманитар мазмундаги адабиётлар келиб тушди. Улар орасида А. С. Пушкин жуда кўп фойдаланган 39 номдаги 189 томлик китоблардан бири ҳозирги кунда ҳам кутубхона фондида сақланмоқда. 1895 йили Тошкентда сургунда юрган буюк князь Николай Константинович Романов кутубхонага турли тилдаги Ўрта Осиё ҳақидаги 5000 китобни совға қилди. 10 йилдан сўнг эса яна турли мазмундаги Ғарбий Европа тилларидаги 447 номдан иборат 1293 китобни совға қилди. Турли китоб магазинлари, маҳаллий босмахоналар, журнал ва газета муҳарририятлари ҳам кутубхона фондининг бойишида ўз ҳиссаларини қўшганлар. Кутубхона ўз фондини тўлдиришда китоб алмашиш ва чет эл муассасаларидан китоб олиш - усулидан ҳам фойдаланди. 20-асрнинг биринчи ўн йиллигига келиб, кутубхона фондининг тўртдан бир қисмини тилшунослик ва оғзаки адабиётлар ташкил этарди.

1917 йилга келиб кутубхона фонди 80000 дан ошиб кетди. Уша пайтда кутубхонанинг асосий вазифаси Шарқ мазмунидаги барча адабиётларни сақловчи йирик ташкилотни юзага келтиришдан иборат эди. Кутубхонада жуда қимматбаҳо адабиётлар тўплана бошланди. 1905 йил Император халқ кутубхонаси Курьоннинг зеб-зийнатли нусхасини жўнатди. Профессор Н. И. Веселовский Гўр-Амир мақбарасини тавсифловчи тарихий-архитектура нашрини совға қилди. 1907 йил ҳарбий В. П. Колосовский контр-адмирал А. И. Бутаковнинг ўз қўли билан ёзган ҳужжатларини ва Амударё ва Орол денгизини тадқиқ этувчи ҳужжатларни келтириб берди. Уша пайтда Қошғардаги рус элчиси Н. Ф. Петровский 1909 йили Осиё ҳақидаги адабиётларни жўнатди, бу шарқшунослик адабиётлари Осиё ҳақидаги маълумотларни беришда бошқа ҳеч бир жойда йўқлиги билан аҳамиятлидир.

Айниқса, «Туркистон тўплами» муҳим манба бўлиб қолди. Бу тўплам Ўрта Осиё масаласига онд катта қомусий ва монументал асардир. Буни машҳур рус библиографи В. И. Межов тузган. У тўпламини Петербургда тузиб, тайёрини Туркистонга жўнатиб турган.

Тўплам 1887 йилгача мунтазам тузиб борилди. 20 йилда 416 томи тайёрланди. Унга 3 марта ёрдамчи кўрсаткич нашр қилинди. Булар алифбо ва системали кўрсаткичлардир. Тўплам 20 йиллик танаффусдан сўнг 1907 йилда бир қанча библиографлар: Н. В. Дмитровский, А. А. Семенов, Е. К. Бетгерлар томонидан давом эттирилди.

1916 йилга қадар яна 175 томи тайёрланди, шундай қилиб тўплам 594 томдан иборат бўлиб, унга киритилган мақолалар туркуми 10711 тани ташкил этди.

Утган асрнинг охирларида Туркистонда ташкил этилган биринчи маҳаллий босмахоналар ҳам ўзларининг тошбосма ва литографик нашрларини кутубхонага узатганлар. Улар орасида Хива хони Муҳаммад Раҳим томонидан ташкил этилган биринчи литографик босмахонадан чиққан А. Навоийнинг «Хамса»си (1880), Мунис «Девон»и ва бошқалар бор.

Кутубхона фаолият кўрсата бошлаган даврда китобхонларнинг асосий қисмини ҳарбийлар ташкил этган. Н. В. Дмитровскийнинг маълумотига кўра, офицерлар ҳарбий мазмундаги илмий адабиётларни кўпроқ сўраганлар. 1870 йилнинг майидан 1871 йил сентябригача кутубхонадан фойдаланган китобхонлар ҳақидаги маълумотга эътибор берсак, жами 75 китобхонга хизмат кўрсатилган. Шундан 45 таси офицерлар, 19 таси амалдорлар, 5 таси савдогарлар, 2 таси руҳонийлар, 2 таси ҳарбий ёзувчилар, 1 таси маҳаллий билим юрти талабаси, 1 таси аёл бўлган.

1876 йил биринчи марта кутубхонадан фойдаланиш қондаси нашр қилинган. Унда кутубхона ҳар кунни, бепул, соат 10 дан кеч 10 гача хизмат кўрсатади, деб кўрсатилган. Китоб уйга берилса, бир ойга 75 тийин, бир йилга 6 сўм ва 5 сўм гаров олинган. 1878 йили китобхонлар сони 182 тани ташкил этган. 1906 йилга келиб уларнинг сони 2183 тага етди, ўқув залига қатнов 36000 дан ошган. 1906 йилга келиб ўзбек китобхонлар сони 2059 та бўлса, 1916 йил уларнинг сони 12975 тага етган.

1918 йил Туркистонда Маориф Халқ комиссарлиги ташкил этилди. 1918 йил 21 апрелда Туркистон Халқ университетининг очилиш маросими бўлди. 1920 йил шу университет асосида Тошкент Давлат университети (ўша пайтда Туркистон Давлат Университети) ташкил

этилди. Туркистон Халқ кутубхонаси эса унинг тасарруфига ўтди.

Кутубхона фан, маданият арбоблари ва халққа хизмат кўрсата бошлади. 1919 йил май ойидан бошлаб, Маориф Халқ комиссарлигида кутубхоначилик бўлими ташкил этилгандан сўнг Туркистон Халқ кутубхонаси бевосита ана шу бўлим ихтиёрига ўтди. 1919 йил февралда кутубхона Туркистон Халқ кутубхонаси, 1920 йил эса ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Туркистон АССР Халқ Комиссарлиги Советининг қарори билан Туркистон Давлат кутубхонаси сифатида қайта ташкил этилди.

Энди Туркистон Давлат кутубхонаси республиканинг марказий кутубхонаси сифатида жойлардаги янги кутубхоналарга раҳбарлик ва амалий ёрдам ва зифасини бажара бошлади.

1918 йил 30 сентябрда Е. К. Бетгер кутубхоначилик иши бўйича ўлканинг раҳбар-инструктори этиб тайинланди. Бу иш бўйича яна бир қанча инструкторлар тайинланди. 1919 йил 14 апрелда граждандар уруши қизиган бир пайтда Туркистон ўлкасида кутубхоналарни миллийлаштириш ҳақида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг қарори чиқди. Ҳамма оммавий, шаҳар, жамоат, шахсий кутубхоналар Туркистон республикасининг Халқ таълими комиссариати ихтиёрига берилди. Уларнинг фаолиятини бошқариб бориш учун у ерда кутубхоначилик бўлими ташкил этилди.

Шулар қаторида Туркистон Халқ кутубхонаси ҳам бор эди. 1919 йил кутубхона ҳақида Низом қабул қилинди. Унда белгилаб берилганига кўра, кутубхона жойлардаги кутубхоналарга кўрсатма бериши, йўналтирувчи ва назорат қилиб турувчи агент-мутахассисларни жўнатиши, кутубхоначилик бўлими билан биргаликда ўлкада кутубхоначи ходимларни тайёрлаш курсларини ташкил қилиши, ўлка кутубхона ходимларининг қурултойларини ўтказиши, жойлардаги кутубхоналар учун ўлка китоб фондиди ташкил қилиши керак эди. Кутубхона Тошкент шаҳрида ва бошқа ҳудудларда кўчма кутубхоналар, кутубхона филиалларини ташкил қилиши ва нашриётчилик фаолиятини ҳам олиб бориши керак эди.

Ортиқча нусхадаги адабиётлар ва кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган адабиётлар кутубхона филиалларини ташкил этиш мақсадида ажратилди. 1921—22 йилларда улар аста-секинлик билан Халқ

Комиссарлари Совети ихтиёрига, кейинроқ эса Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими ихтиёрига ўтказилди. Бир неча йилдан сўнг улар асосида шаҳарнинг ҳозирги район кутубхоналари вужудга келди.

Туркистон Халқ кутубхонаси узоқ жойларда масалан, Керки, Казалинск, Черняев ва Самарқандда ўзининг бўлимларига эга бўлди.

1919 йил Ўрта Осиёда биринчи кутубхона ходимларининг икки ойлик малака ошириш курслари очилди. Уларда Н. А. Буров, А. А. Метленков, Е. Н. Бетгер ва бошқалар дарс беришди. Курсда 40 кутубхоначи ўқиди.

1921 йил Туркистон Халқ Комиссарлари Совети «Туркистон республикасида кутубхоначилик ишини марказлаштириш ҳақида» декрет қабул қилди. Унга мувофиқ Халқ Комиссарлари Совети ихтиёридаги ҳамма кутубхоналар, бошқа муассаса ва ташкилотларнинг кутубхоналари Туркистон Сийосий маориф бўлими ихтиёрига ўтди.

Кутубхона 1923 йил Бутунроссия қишлоқ хўжалик кўргазмасида, 1924 йил ва 1926 йилларда I ва II илмий кутубхоналарнинг Бутунроссия анжуманида ва Бутунроссия библиографик қурултойларда қатнашди.

Кутубхонанинг ташкилий тузилиши дастлаб умумий, Туркистон ва Шарқ бўлимларидан иборат бўлган бўлса, 1919 йил апрелида болалар ўқув зали, августдан вақтли матбуот нашрлари бўлими очилди, Туркистон ва Шарқ бўлимлари бирлаштирилиб, шарқшунослик бўлими ташкил этилди. 1921 йил охирида 7 та бўлим: умумий, шарқшуносликдан бошқа ҳамма адабиётларни қамраб олувчи китоб сақлаш бўлими, шарқшунослик, вақтли матбуот, каталоглар зали, китоб бериш бўлими, болалар бўлими, библиографик бўлимлар бор эди.

1921 йил сентябридан кутубхоналар ҳақидаги Низомга кўра кутубхона мудирини кутубхона директори деб юритила бошланди. Шу йили кутубхоналар фонддини марказлаштирилган ҳолда тўлдириш мақсадида Тошкентда Кутубхона коллектори ташкил қилинди. 1920 йилдан Туркистонда маҳаллий давлат нашриётлари ҳам ташкил қилина бошланди. Кутубхона фонди ана шу ташкилотлар орқали, бошқа республикаларнинг Китоб палаталари жўнатаётган адабиётлар эвазига тўла борди. Айниқса, кутубхона бу йилларда қадимги қўлёзма адабиётларни тўплашга катта эътибор берди.

Китобхонлар сони орта борди, уларга бепул хизмат кўрсатиш ҳам кенгайди. 1921 йил сентябрда «Кутубхона ҳақида Низом» қабул қилинди. Низомга кўра, кутубхона аҳолининг ҳамма қатламига бепул хизмат кўрсатиши (матбуот асарлари ва қўлёзмалар уйга берилмайди) таъкидланди, кутубхонадан фойдаланиш қондаси кутубхона кенгаши томонидан ишлаб чиқилиши керак деб белгиланди...

Китобхонлар таркиби ва сони ошди. Қизил армиячилар, сиёсий ходимлар, ишчилар гуруҳи пайдо бўлди. Китобхонларнинг асосий таркибини олий ва бошқа ўқув юрталарининг ўқувчилари ташкил қилди.

1923 йил 17 декабрда Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети Туркистон Давлат кутубхонасида справка-библиография бюроси ҳақида низом ва қондаларни тасдиқлади. Мақсад кутубхонада справка-библиография хизматини яхшилашдан иборат эди.

Кутубхона 1920 йилдан нашриётчилик фаолиятини ҳам бошлади. 1924 йил 16 сентябрда кутубхона қошида библиография комиссияси тузилди. Бу комиссия 1925 йил 4 апрелгача фаолият кўрсатди. Шу йил 26 декабрда кутубхона Урта Осиё Давлат кутубхонаси деб ўзгартирилди. 1934 йил 21 октябрда Урта Осиё ташкилотларининг тугатилиши билан кутубхона Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонаси деб қайта номланди. 1938 йил 27 февралдан кутубхона Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети ихтиёридан Ўзбекистон Халқ таълими комиссарлиги тасарруфига ўтди.

Ўзбекистон ССР Халқ маорифи комиссарлигининг 1933 йил 25 апрелдаги «Республика қўлёзма фондларини бирлаштириш ҳақида»ги қарорига кўра кутубхона Ўзбекистон ССР нинг қўлёзмаларни сақловчи марказий муассасасига айлантирилди.

1937 йил 17 майда методик марказ сифатида кутубхонада кутубхонашунослик ва библиография кабинети ташкил қилинди.

Уруш йилларида китобхонлар сони ортди, уларнинг таркиби ҳам кенгайди: талабалар, илмий ходимлар, ишчилар, ҳарбийлар, вақтинча Тошкентга кўчиб келган таниқли кишилар шулар жумласидандир.

Кутубхона ҳарбийлар касалхоналарида, завод-фабрикаларда оммавий ишлар олиб борди.

Маълумотнома-библиография ишлари кенгайди. Тавсия библиографияси турли мавзулар, турли муаммолар

бўйича аввалгига нисбатан жуда ҳам кўплаб тузилди.

Уруш йилларида илмий сессия ва йиғилишлар ҳам ўтказиб турилди. Кутубхона тарихида биринчи марта 1942 йили Улуғ Октябрнинг 25 йиллигига бағишланган биринчи сессия бўлиб ўтди. Унда йирик кутубхонашунос ва библиограф олимлар турли муаммолар юзасидан маърузалар билан қатнашдилар.

Иккинчи сессия 1944 йили ўтказилди. Бу республиканинг 20 йиллигига бағишланди. 1945 йил 25—27 июлда кутубхона ташкил топганининг 75 йиллик юбилейига бағишланган сессия бўлди. Унда Е. К. Бетгер, Т. Г. Стерн, М. Н. Яковлева, Н. Н. Бенедиктова, профессор А. А. Семеновлар қатнашди.

Урушдан кейинги йилларда кутубхона фонди яна бойиб борди. Болгария, Польша, Руминия, АҚШ, Япония, Франция, Англия, Германия, Корея Халқ Демократик Республикаси ва бошқа давлат кутубхоналари билан китоб алмашди.

1970 йилга келиб дунёнинг 90 дан ортиқ йирик кутубхоналари билан китоб алмаша бошлади. Улар орасида Арабистон, Туркия, Эрон, Афғонистон каби мамлакатлар ҳам бор эди.

1971 йилга келиб, кутубхонанинг китоб фонди 3.718333 дан ошди. 50 дан ортиқ мамлакат кутубхоналари билан КАА орқали китоб алмашди.

Кутубхона 1948 йил 15 майдаги ЎзССР Вазирлар Кенгашининг қарорига кўра, буюк мутафаккир ва шонр А. Навоий номи билан атала бошлади.

Кутубхонанинг таркибий тузилиши Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланганди. Унда дирекция, кутубхона фондиди тўлдириш бўлими ва ички ва халқаро китоб алмашув сектори: китоб фондига ишлов бериш ва каталогларни ташкил этиш ҳамда Ўрта Осиё халқлари адабиётига ишлов бериш, алифбо ва системали каталог, адабиётларга группали ишлов бериш секторлари билан бирга, китобхоналарга хизмат кўрсатиш бўлими: кутубхоналараро абонемент, санъат, оммавий ишлар, чет эл адабиётлари бўлими ва ўқув зали, китоб фондиди сақлаш бўлими, миллий библиография, маълумотнома-библиография, илмий-тадқиқот, илмий-методик, ноёб нашрлар, ўсмирлар бўлими мавжуд эди.

Кутубхона ҳозирги вақтда босма асарларнинг миллий хазинасига айланган бўлиб, унинг умумий миқдо-

ри 5 млн. босма бирликни ташкил этади. 1991 йилда 77,9 минг нусха янги матбуот асарлари билан тўлдирилди. Олинган нашрларнинг 11,6 фоизи, яъни 9100 нусхадан ортиғи ўзбек тилидаги нашрлардир.

Кутубхона 35 та хорижий мамлакатнинг 97 кутубхонаси билан, собиқ иттифоқдош республикаларнинг 190 кутубхонаси билан нашрлар алмашади.

Кутубхона республика миллий кутубхонаси сифатида Ўзбекистонда чиқадиган нашрларнинг бепул мажбурий нусхасини олади. У тавсия библиографиясининг ҳамда кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик бўйича илмий-тадқиқот ишларининг маркази ҳисобланади. Шунингдек, у маданият ва санъат масалалари юзасидан ахборот, кутубхоналараро абонемент ва халқаро китоб айирбошлаш муаммолари бўйича мувофиқлаштирувчи марказдир.

Кутубхона республика миқёсида бош методик марказ ролини бажаради. У барча област кутубхоналари фаолиятини ўрганади, уларга тавсиялар, оператив хатлар, методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш, семинарлар, конференциялар тайёрлаш ва ўтказишда методик ёрдам кўрсатади, раҳбарликни амалга оширади.

Кутубхона бош методик марказ сифатида республикадаги бошқа тармоқ методик марказлари фаолияти билан ўз ишларини мувофиқлаштиради, илғор тажрибаларни ўрганади, таҳлил қилади ва тегишли кутубхоналар ишларига жорий қилади. Илмий-методик ишлар бўйича мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажара бориб, А. Навоий номидаги республика миллий кутубхонаси методик ишларининг йнғма истиқболли ва жорий режаларини («Ўзбекистонда кутубхона ишига онд методик қўлланмалар системаси 1986—1990 ва 2000 йилларгача») такомиллаштирмоқда. У республика кутубхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низомини ишлаб чиқади, илмий-амалий конференциялар ўтказади, кутубхоналарнинг иши кўригини ташкил қилади.

Миллий кутубхона оммавий кутубхоналар учун 1961 йилдан бошлаб ўзбек ва рус тилларида «Муҳим саналар календари», 1976 йилдан илмий, назарий ҳам амалий масалалар ёритиладиган «Ўзбекистон кутубхоналари» тўпламини, ҳар йили 30 номга яқин методик қўлланмалар нашр этиб, кутубхоналарга тарқатади.

Област давлат универсал илмий кутубхоналари (бундан кейин қисқача област кутубхонасини ОК деб

атаймиз). ОК ташкил қилинган дастлабки йиллардаёқ бу кутубхоналарнинг маданий-тарбиявий фаолияти уларнинг адабиётга бўлган касбий талабларни қондириш вазифаси билан қўшиб олиб борилмоқда. 30- йиллардан бошлаб расмий ҳужжатларда, 1965 ва 1983 йиллардаги намунавий уставларда ОК донмо универсал илмий кутубхона деб ҳисобланади.

ОКнинг туркумий хусусиятларига таъриф берган вақтда улар тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Биринчидан, 60- йилларнинг ўрталарига қадар ОК маълум даражада оммавий кутубхоналар вазифасини бажарди, бу эса, илмий ва махсус адабиётдан етарли фойдаланмасликка олиб келди. Иккинчидан кўп йиллар мобайнида бу кутубхоналардаги илмий адабиётларнинг универсал фонди мавжуд региондаги деярли ягона муассаса бўлиб келганлиги оқибатида айрим ОК ўз фаолиятининг вазифа ва мавзу чегаралари тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмасдилар ҳамда 60- ва 70- йилларда вужудга келган махсус кутубхоналарнинг имкониятларини ҳисобга олмай, барча ахборот талабларини ўз кучлари билан қондиришга ҳаракат қилдилар.

Мафкуравий ва ахборот муассасаси бўлган ОК этибори меҳнаткашларни ахлоқий тарбиялаш мақсадида ва илмий-техника тараққиётига ёрдам бериш юзасидан адабиётни кенг тарғиб қилишга қаратилгандир.

Универсал илмий кутубхоналар сифатида ОК ни ривожлантириш табақалаштириланган тарзда хизмат кўрсатишни шундай ташкил қилишни тақозо этадики, токи у китобхонлар барча гуруҳларнинг ортиб бораётган қизиқишларини қондирадиган бўлсин. Шу боисдан ишчилар, хизматчилар, талабалар ва бошқа гуруҳдаги китобхонларнинг махсус талабларини қондириш, илмий ходимларга ва халқ хўжалиги мутахассисларига хизмат кўрсатиш ОКнинг муҳим вазифасидир. Бунда ОК давлат бошқариш органлари ходимларига, олимларга, халқ хўжалиги мутахассисларига, халқ маорифи ва маданият ходимларига, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорларига, ихтирочиларига кўпроқ этибор беради.

ОКнинг универсал илмий кутубхоналар сифатида қарор топиши ва ривожланиши Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий районлари иқтисодиётини, фанини ва маданиятини ривожлантириш билан чамбарчас боғлақ-

ган. ОК ягона ҳудудий маълумотнома ахборот фондларини вужудга келтириш доирасида областнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, табиий-географик, демографик хусусиятларига мувофиқ билимларнинг барча соҳалари бўйича ўз китоб фондиди тўлдиради. У мазкур ҳудудда яшаётган халқлар тилларидаги адабиётни ва ўлкашунослик адабиётларини зўр бериб тўплайди. Пуллик мажбурий нусха негизида таркиб топган гоят бой универсал фондга эга бўлган ОК (бир ОКга ўрта ҳисобда 500 минг нусха тўғри келади) регионда матбуот асарларининг марказий омбори вазифасини бажаради. ОКлар область аҳамиятига эга бўлган депозитар кутубхона ҳисобланадилар. Ўлкашунослик соҳасидаги регионал ахборот библиографик, илмий-тадқиқот ҳамда услубий марказ вазифасини бажариши ОКнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Китоб фондиди тўлдириш, маълумотнома-қидирув аппаратини ва кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишни ташкил этишдан иборат барча кутубхоналар учун умумий бўлган вазифани. ОК областда таркиб топган ахборот қўрларини ҳамда бошқа система ва турли идораларга қарашли кутубхоналар ва илмий-техника ахбороти органлари тақдим этадиган ана шундай қўрлардан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиб адо этади. Универсал иҳтисосдаги бирдан-бир ҳудудий илмий кутубхона сифатида ОКнинг ўзига хос хусусияти ана шундайдир.

Илмий-техника ахбороти умумдавлат системаси ҳамда маданият ва санъат бўйича ахборот ҳудудий органларининг йўқлиги область кутубхоналарида ҳудудий илмий-техника ахбороти марказларини ташкил қилишни тақозо этди. Ҳозирги вақтда ОКнинг асосий кўпчилигида шундай бўлинмалар ишлаб турибди. Маълумотнома-ахборот фондлари вужудга келтирилмоқда, ахборот абонементлари доираси белгиланмоқда, муассасаларда ҳамда маданият ва санъат мухлисларига ахборот хизмати кўрсатиш шакллари таркиб топмоқда.

ОК да табиий-илмий ва тиббий, физика-математика ва техника, санъат ва бадий, гуманитар фанларга оид адабиёт; қишлоқ хўжалиги, ўлкашунослик ва миллий адабиётлар мажмуидан иборат бўлимлар ташкил қилинди.

Регионнинг илмий-техника имконияти даражасига (саяоат ишлаб чиқариш тузилиши, илмий муассасалар

ва олий ўқув юртлари тармоғи, олимлар ва мутахассислар сони ва таркиби) ҳамда махсус кутубхоналар ва илмий-техника ахбороти органларининг мавжуд тармоғига қараб ОКни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Илмий ва лойиҳа ташкилотлари кўп бўлган, халқ хўжалиги тармоқлари кенг ривож топган, инженер-техник ходимлар ва халқ хўжалигининг бошқа мутахассислари ҳамда талабалар кўп тўпланган, бошқа системалардаги ва турли идораларга қарашли кутубхоналар тармоғи ривожланган, марказий ҳудудий тармоқ кутубхоналари ҳамда ахборот органларининг илмий-техника ахбороти кутубхонаси, област тиббий кутубхонаси, Фанлар академияси илмий кутубхоналари ва шу кабилар мавжуд бўлган энг йирик област, республика марказларида жойлашган кутубхоналар биринчи гуруҳга кириди (масалан Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона област кутубхоналари).

ОК нинг иккинчи гуруҳи илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг тармоғи камроқ ривож топган, асосан саноат корхоналари кўп бўлган, тор тармоқлар бўйича махсус кутубхоналар ишлаб турган, илмий-техника ахбороти территориал марказлари бўлмаган йирик област марказларида жойлашади (Бухоро, Наманган областлари кутубхоналари).

Учинчи гуруҳни ўртача катталиқдаги шаҳарларнинг ОК, шунингдек кичик шаҳарларда янгидан барпо этилган ОК ташкил этади. Бундай шаҳарларда мутахассислар ўртасида илмий ходимлар табақаси кўп эмас, инженерлар сони анча кам, махсус кутубхоналар тармоғи суст ривожланган (Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Навоий областлари кутубхоналари).

Ушбу гуруҳ ОК вазифаларининг муайян даражада табақалаштирилганлигини кузатиш имконини беради. Чунинчи, биринчи гуруҳдаги ОКлари умумий, тармоқлараро муаммоларга оид адабиётни шакллантириш ва тарғиб қилишга ҳамда фанлар ўртасидаги боғланишларга алоҳида эътибор бераётган бўлсалар, иккинчи гуруҳ учун китоб фондларини вужудга келтиришда катта универсаллик ҳамда эътиборни кўпроқ инженер-техник ходимлар, ўқитувчилар, маданият арбоблари, талабалар ва ўқувчилардан иборат китобхоналарга хизмат қилишга қаратиш характерлидир. Учинчи гуруҳ

региондаги аҳолининг барча гуруҳларига хизмат қилувчи кутубхона-ахборот маркази сифатида иш кўради ҳамда махсус кутубхоналар учун ҳам хос бўлган иш шакллари ва усулларини қўллайди.

ОК мазкур гуруҳларидан келиб чиқадиган умумий хулоса шундан иборатки, региондаги махсус кутубхоналар тармоғи қанчалик кенг бўлса, олимлар ва мутахассисларнинг тор донрадаги талабларини қондиришда ОКнинг вазифаси ўшанча тор бўлади ва шу билан бирга мувофиқлаштирувчи марказ сифатидаги унинг роли анча катта бўлади. Ҳозирги ОК региондаги бошқа кутубхоналарга фақат методик ёрдам бераётган, шунингдек регионал кутубхона системасининг йўқ бўғинларини ёки яхши ишлаётган бўғинларининг ўрнини босадиган муассасалардан анча ўзиб кетди. Бундай кутубхоналар ўз фаолият тарзи, фондининг сифати ва ҳажми, кадрларнинг тайёргарлиги жиҳатидан региондаги барча кутубхоналар билан келишилган ҳолда режали ишлашни таъминлайдиган марказ бўлиши мумкин. ОК региондаги энг йирик халқ кутубхонаси, кутубхоналарро абонементларнинг, тавсия библиографиясининг, турли идоралар кутубхоналарининг ахборот-библиографик, методик ва илмий-тадқиқот ишларининг универсал маркази ролида иш кўриб; ана шу вазифани ҳал қилмоқдалар.

Вужудга келган анъанага мувофиқ ОК илмий ва методик ишни аввало давлат ва касаба уюшмаси марказий кутубхоналарига, мактаб кутубхоналарига, шунингдек ўз методик марказларига эга бўлмаган бошқа кутубхоналарга ёрдам тариқасида олиб борадилар. ОК бошқа идоралар (ИТА, академия, олий ўқув юртлари ва бошқа идоралар) методик марказлари билан ўз ишларини мувофиқлаштириш асосида боғланади.

Илмий-методик марказ сифатида ОК областда китобни тарғиб қилиш шакл ва усулларини такомиллаштирадилар: илғор тажрибаларни аниқлайдилар, ўрганадилар ва умумлаштирадилар, илмий тадқиқотлар ва илғор тажриба натижаларини жорий этишни ташкил қиладилар; илмий-амалий конференциялар, кенгашлар, семинарлар, практикумлар ўтказадилар, стажировкалар уюштирадилар, илғор тажриба мактабларини ташкил қиладилар, кутубхона ходимларининг малакасини ошириш курслари ишида қатнашадилар; асосан ўлкашунослик мазмунидаги методик қўлланма-

лар ва тавсияномалар, илмий-ёрдамчи ва тавсия библиографик кўрсаткичлар нашр этадилар; барча турдаги мусобақа ва конкурслар (масалан, энг яхши илмий иш учун) ташкил этиш ва ўтказишда қатнашадилар.

Кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳасида маҳаллий илмий-тадқиқотлар ўтказишда ва марказлаштирилган ана шундай тадқиқотларда қатнашишда, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-методик ишлар (ИТИ ва ИМИ)нинг республика мувофиқлаштирувчи режаларига таклифлар тайёрлашда ва шу режаларнинг бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилишда ОК қўшаётган ҳисса режали равишда ортиб бормоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ИТИ ва ИМИ ни ташкил этишнинг таъсирчан (амалий) механизми қарор топди. ОК ҳузурида МКС директорларининг кенгаши, илмий-методик кенгаш таҳририй нашриёт гуруҳи, муваққат илмий ва методик комиссиялар тузилмоқда. ИТИ сектори бўлган илмий-методик бўлим област кутубхоналари ИТИ ва ИМИ бутун муаммоларини ва ташкил этиш ишларини ўзида тўплаётган област кутубхонасининг муҳим бўлигмаси ҳисобланади.

Оммавий давлат кутубхоналарининг марказлаштирилган системалари

Шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат қилувчи оммавий давлат кутубхоналари марказлаштирилган кутубхона системаларига (МКС) бирлашгандирлар. Оммавий давлат кутубхоналари маъмурий ҳудудий бўлинишга мувофиқ жойлаштирилади. Марказлаштириш оммавий давлат кутубхоналари тузилишининг ташкилий принциpidир.

Оммавий давлат кутубхоналарининг марказлаштирилган системаси — бу умумий китоб фонди ва штатига эга бўлган, марказлаштирилган асосда адабиётлар билан тўлдирилган ва ишлов берилган ташкилий ва техникавий бирлик асосида ишлайдиган, тузилиш жиҳатидан бир бутун кутубхоналар мажмуидир.

Оммавий кутубхоналарнинг марказлаштирилган кутубхона системаларига бирлаштирилиши катта китоб фондига, бирмунча мукамал маълумот-библиографик

аппаратга эга бўлган йирик кутубхона муассасаларини вужудга келтириш имконини беради, китобхонларнинг талабларини кўп, қўшимча чиқим қилмай, кутубхона системаси фондларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига тез ва бирмунча тўлиқ қондириш юзасидан уларнинг имкониятларини анча кенгайтиради ва кўпайтиради. МҚС ягона кутубхона фондига адабиётни ҳар томонлама танлаш, кенг ахборот ишларини оlib бориш, китобни ва китобхонлар билан ишлашни юксак даражада тарғиб қилиш асосида аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишни таъминлайди.

Марказлаштирилган кутубхоналар ишини ташкил этиш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш улар фаолиятининг ажралиб қолишини бартараф этишга, ходимларнинг иш унумини оширишга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Маданият ишлари Вазирлигига қарашли оммавий давлат кутубхоналари системасида 199 та марказлаштирилган кутубхоналар системаси ишлаб турибди. Оммавий давлат кутубхоналарини очиш ва маълум регионларда жойлаштириш, марказлаштирилган системалар барпо этиш тартиби оммавий давлат кутубхоналарини марказлаштириш тўғрисидаги махсус Низом билан тартибга солиниб турилади.

Вазифа юзакни мажбурий бўйсундиришдан, қуйи кутубхоналарни марказий кутубхоналарга маҳкам боғлаб қўйишдан ва уларнинг фаолиятини икки-чаккирларигача қаттиқ тартибга солишдан иборат эмас, балки кутубхоналар системаси барча бўғинларини марказлаштириш ва номарказлаштиришнинг оқилона нисбатини белгилаш ва рўёбга чиқаришдан ҳамда улар ўртасидаги вазифаларни аниқ тақсимлашдан иборат. Кутубхоналарни бошқаришда марказлаштирилган асосларнинг фаол ролини сақлаган ҳолда кутубхоналарнинг ташаббусини ва мустақиллигини, умуман кутубхона системаси мақсадлари ва вазифалари билан уларнинг ишлаш бирлигини таъминлаш зарур.

Кутубхоналар тармоғини марказлаштириш, уларни адабиётлар билан тўлдириш ва фондга ишлов беришнинг, маълумотнома-библиографик хизмати кўрсатишнинг қолақ ва кам самара берадиган усулларининг ўрнини босади, бошқа қўрлардан кенг фойдаланган ҳолда малакали мутахассисларнинг батартиб ишлашини тақозо этади. Оқибат натижада марказлаштириш

кутубхоналар системаси таркибига кирувчи барча кутубхоналарни ривожлантириш йўллари белгилашда ҳам, унинг маълум тартибда ишлашга оид асосий муаммоларини ҳал қилишда ҳам ҳамжиҳатликни таъминлайди.

Ҳаддан ташқари ортқча тартибга солиб туриш марказлаштиришда хавфли, салбий омил ҳисобланади, бу ҳол баъзан шунга олиб келадики, натижада қўйи кутубхоналарнинг шароитлари ва хусусиятлари ҳисобга олинмайди. Ҳолбуки, кутубхоналар мақсад ва вазифаларининг муштараклиги ва бирлиги уларни бир-бири билан чамбарчас боғлайди. Бироқ улар функционал ва ҳудудий жиҳатдан табақалаштирилши муносабати билан кутубхоналарнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажараверади. Шу билан биргана кутубхоначилик жараёнлари бўйича кутубхоналар фаолиятини келишиб олиш, зарур бўлган барча муаммоларни бир марказдан туриб ҳал қилиш мумкин эмас. Тўғри, электрон ҳисоблаш техникаси янги имкониятлар очиб бермоқда. Ягона ва тез ишлайдиган ҳисоблаш системасининг вужудга келтирилиши бошқа йўллар билан қамраб олиш мумкин бўлмаган жараёнларни марказлаштирилган тарзда ўзаро боғлаш имконини беради. Лекин бу имкониятлар ҳам чексиз эмас.

Номарказлаштириш кутубхонада китобхонларга бирмунча оператив хизмат кўрсатишни таъминлайди, конкрет вазиятни яхшироқ ҳисобга олиш имконини беради. Қўйи кутубхоналарнинг китобхонларга бевосита яқин бўлиши, уларнинг талаб-эҳтиёжларини яхши билиш, уларга хизмат кўрсатиш шакли ва усулларини эпчиллик билан алмаштириш, уларнинг талабларини аниқ ва жадал қондириш имконини яратиб беради. Айни вақтда номарказлаштириш бир қанча салбий жиҳатлар билан характерланади. Кадрлар малакасининг анча паст бўлиши туфайли бу ҳол баъзан ҳато ечимларга олиб келиши мумкин.

Марказлаштириш ва номарказлаштириш даражаси баравор бўлиши лозим. Кутубхоналарни марказлаштириш билан уларнинг кундалик ишлаб чиқариш мустақиллиги ўртасида қулай нисбатнинг бўлиши уларнинг самарали ишлашига ёрдам беради. Марказлаштириш кутубхоналарга китоб фондини режали равишда, ўзаро фойдаланиш имкониятини таъминлайди, ўз фондини кам фойдаланиладиган ёки ихтисосга оид бўлмаган ада-

биётдан мунтазам равишда бўшатиб, уларни марказий кутубхона ёхуд бошқа бирон кутубхонага топшириш ҳуқуқини беради. Адабиётнинг узлуксиз айланиб туриши, бутун кутубхона системаси фойдаланаётган кутубхона фондининг ҳаракатда бўлиши, айрим кутубхоналар доираси билан чекланган фондлар ҳақида ахборот — буларнинг ҳаммаси ҳар бир кутубхонага ўринсиз харажатларга йўл қўймаслик, ўз фондини вужудга келтиришни, хизмат қилаётган район (корхона, олий ўқув юрти, илмий муассаса) ихтисосига ва иш режасига бўйсундириш имконини беради. Марказлаштириш филиал кутубхоналарни бир қанча вазифалардан (фондин адабиёт билан тўлдириш ҳамда ишлов беришдан ва шу каби бошқа ишлардан) халос этади, уларга диққат-эътиборини китобхонлар талабини бирмунча тўлиқ қондиришга қаратиш имконини яратади.

Ҳар бир марказлаштирилган системаги вужудга келтиришдан олдин бирлаштирилган кутубхоналар ва кутубхоналар тармоғи хусусиятларини синчиклаб ўрганиш зарур. Марказлаштирилган кутубхона системалари (МКС) вазифалар ва ҳуқуқларни тақсимлашнинг бир хил тайёр қолипи асосида ягона умумий андаза бўйича барпо этилмайди. Кутубхона жараёнларини марказлаштириш даражаси, шакллари, ҳажми ва уларни бошқариш вазифалари бир хил бўлмаслиги мумкин. Турли МКСларда кутубхона тармоқларини тўла марказлаштириш ҳам рўй беради, бунда марказий кутубхонанинг филиалларига айланадиган кутубхоналарнинг ҳуқуқий аҳволи ўзгаради, шунингдек, айрим кутубхоначилик жараёнларини қисман марказлаштириш содир бўлади, бунда кутубхоналарнинг тегишли ташкилотлар ва муассасаларга маъмурий бўйсунishi ўзгармай қолади. Аралаш типдаги МКСлари ҳам ташкил қилиниши мумкин, бундай системаларга филиалларга айланттирилган кутубхоналар ҳам, қисман марказлаштириш асосида бирлаштирилган кутубхоналар ҳам киради.

Кутубхона жараёнларининг бирлигини, кутубхона системасининг бошқарувини таъминлаш ва шу асосда китобхонларга кутубхона хизматини кўрсатиш ва кутубхона фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш — марказлаштириш даражасини белгилаш гоёят муҳим мезондир. Ана шу мезон нуқтаи назаридан кутубхоналар мустақил ишлаши ёки филиаллар ҳуқуқида бўлишидан қатъи назар, МКСнинг таркибий

қисмидир. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам кутубхоналар асосий йўналишларни, биринчи навбатда, кундалик масалаларни марказлаштирилган тартибда, белгиланган доираларда ҳал қилишда муайян мустақилликка эгадирлар. Мисол тариқасида Фарғона области Кува район МКСнинг (МК ва системанинг бир филиали) фаолиятини ҳавола қиламиз.

Кува МК 1978 йилда қишлоқ ва колхоз кутубхоналарни негизда ташкил топган. Кува район кутубхонасининг ўзи эса 1946 йил июнь ойида Фарғона област маданият бошқармасининг фармонида кўра барпо қилинган. 1991 йилга келиб, система таркибида МК, 53 филиал, 2 болалар кутубхонаси ва 3 жамоа ҳўжалиги кутубхонаси мавжуд бўлиб, район меҳнаткашларига намунали кутубхоначилик хизматини уюштирмақдлар.

Кува МКнинг китоб фонди 1990 йилда 366.688 нусхани ташкил этиб, 41916 китобхонга 883.432 китоб берган, кутубхона хизмати билан район аҳолисининг 43,3 фонзини қамраб олган.

Аҳолини гоявий, сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда уларни умумтаълим, маданий ва касбий билимларини оширишда МКСга қарашли кутубхоналар муҳим ишларни амалга оширганлар. Айниқса, ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, 1991 йилда буюк маърифатларвар шоир А. Навоий таваллудининг 550 йиллик муносабати билан кутубхоналарда турли суҳбатлар, китоб кўرғазмалари, адабий-бадний кечалар, учрашувлар ўтказилган, «Китоб мунозараси», «Шарҳлар», «Китобхон бенефиси» каби янги китоб тарғиботи усуллари кенг қўлланилган.

МКСнинг Марказий кутубхонасида жами 25 та ходим ишлайди. Улардан 16 киши — олий махсус, 4 — ўрта махсус, 2 киши — тўлиқсиз олий, 3 киши — ўрта маълумотга эга. Улар иш стажига қараб қуйидагича тақсимланади: 6 киши — 15 йилдан кўп, 3 — 10 йилдан 15 йилгача, 6 — 5 йилдан 10 йилгача, 10 — 5 йилгача иш стажига эга.

МКда асосан китоб фондини тўлдириш ва унга ишлов бериш китобхонларга хизмат кўрсатиш, кутубхона фондини сақлаш ва илмий библиография бўлимлари мавжуд. Барча бўлимларда малакали ходимлар фаолият кўрсатади.

МКСнинг ягона фонддини тўлдириш, ҳисобга олиш ва унга ишлов бериш

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи 1991 йил август—сентябрида ўтган жумҳурият Олий Кенгашининг сессиясида таъсис этилган янги байрам — «Мустақиллик куни»ни биринчи марта нишонлади. Эндиликда кутубхоначилар олдида янги вазифалар — ҳақиқий демократик парламент ечимларини халқ оммасига кенг ва тўғри тушунтириш масаласи турибди. Қува район МК «Адабиётлар билан тўлдириш ва ишлов бериш» бўлими меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талаб-эhtiёжларини қондиришни ўзининг асосий ва масъулиятли вазифаси деб билади. Бу бўлимда 6 та ходим: бўлим бошлиғи, болалар адабиёти билан ишловчи, бош муҳаррир, кичик муҳаррир, катта кутубхоначи, кутубхоначи ишлайди.

Бўлим мудирини — МКС бўйича фондларни адабиёт билан тўлдириш ва унга ишлов бериш ишига раҳбарлик қилади.

Болалар адабиёти билан ишловчи — МКС ни болалар адабиётлари билан тўлдириш юзасидан бўлим мудирини билан бирга иш олиб боради.

Муҳаррирлар МКС бўйича каталог, картотекаларни ташкил этиш ишларини текшириб боради, методик ёрдам ташкил қилади.

Катта кутубхоначи — адабиётларга қайта ишлов бериш ишига раҳбарлик қилади.

Кутубхоначилар — катта кутубхоначи билан бирга адабиётларга сифатли ишлов берадилар ва уларни тез фурсатда хизмат кўрсатиш бўлимига ўтказадилар.

МКС фондлари Маданият вазирлигининг «Кутубхона фондларини тўлдириш ва улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари» тўғрисидаги қатор фармонлари асосида, китоб фонддини тўлдиришда тематик-туркумий режа, кундалик режа, жорий тўлдириш картотекасидан ҳамда маълумотнома аппаратидан, МКС ишнинг ташкил этиш кўрсатмаларидан фойдаланган ҳолда тўлдирилади.

1989—1991 йилларда система фонди 52387 нусхага кўпайиб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда китоб билан таъминланганлик кўрсаткичи 5,4 дан 6,3 ни ташкил этди. Фондда буюртма қилинган адабиётлар кутубхона коллектори томонидан юборилмаслиғи ҳамда буюрт-

ма қилинмаган адабиётлар коллекторга қайтарилмаслиги натижасида кераксиз адабиётлар учрайди.

1989—1991 йиллар давомида марказий ва маҳаллий нашриётларнинг 275 номдаги кутубхона сериясига (КС) оид китоблар буюртма қилиниб, шундан 265 номда «КС» га оид адабиёт қабул қилинди.

МК фонди 70 мингга ташкил этиб, билим соҳалари бўйича унинг таркиби қуйидагичадир: ижтимоий-сиёсий адабиётлар (10138), табиий-илмий адабиётлар (8138), техника адабиётлари (2547), қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар (1993), санъат ва спортга доир китоблар (2064), бадий адабиёт, адабиётшунослик ва тилшунослик (45120). Китоб фондининг сифат таркиби ва олинаётган нашрлар китобхоналарнинг ўсиб бораётган хилма-хил талабларини тўла қондира олмаяпти. МКС кутубхоналарида ўзбек ва бошқа маҳаллий миллатлар тилларида соҳавий ва бадий адабиётлардан қониқиш ҳосил қилинмаяпти. Маҳаллий тармоқ адабиётларининг нашрлари етарли эмас. Бундан ташқари, она тилида чиқарилган маълумотнома туридаги адабиётлар, болалар ва ўсмирларга мўлжалланган табиий-илмий китоблар ҳам етарли эмас.

Кутубхона фондларини тўлдириш билан бирга улар мазмунан ескирган, йиртилган, яроқсиз ва тажрибий нашрлардан тозалаб турилади. Тўлдириш бўлимига кутубхона коллекторлари томонидан юборилган адабиётлар дарҳол фактура асосида текширилади. Ҳар бир тўп адабиётни текшириш учун бир кун вақт кетади. Адабиётларга ишлов бериш жараёни ва операцияларни бажариш режали ташкил этилган. Болалар адабиёти билан ишловчи фактура бўйича адабиётларни текшириб, бир нусхадан ажратади ва уларни МКС бўйича ташкил этилган ҳисоб дафтари — инвентарь китобига киритади. Қолган ходимлар бошқа адабиётларни кутубхона усулида ишлаш бўйича операцияларни бажарадилар. Бундай операциялар бўлим ходимлари ўртасида тақсимланган. Катта кутубхоначи адабиётларга шифр қўйиб, бир кунда ўрта ҳисобда 350 та адабиётга ишлов беради. Бундан кейинги жараён кутубхоначилар зиммасида бўлиб, улар адабиётларга техник ишлов берадилар. Ундан сўнг китоб паспорти, каталог индикаторлари ёзилиб, МКСнинг бўлимлари ва филиалларига 100 тадан улашма қилиниб жўнатилади.

МКС бўйича адабиётларнинг кўргазмалари ва оммавий тарғибот қилиш усуллари билан, ўқишга раҳбарлик қилиш шакли ва услубларини такомиллаштириш йўли билан китоб фондидан тўлароқ фойдаланишга эришилган. МКСнинг ҳар бир филиалида «Танишинг — янги адабиётлар!» номли кўргазма бўлиб, унда ҳар ойда олинган янги адабиётлар кўргазмаси намойиш қилинади. Матбуот ва радио орқали янги адабиётлар ҳақида обзорлар бериб борилади.

МКСнинг маълумотнома-библиографик ва ахборот иши

Маълумотнома-библиографик ва ахборот иши бўйича методик библиография бўлими шуғулланади. Бу бўлимнинг вазифаси маълумотнома-библиография аппаратини такомиллаштириш, китобхонларга ахборот-библиографик хизмати кўрсатишни, ўқишга раҳбарлик қилишда тавсия, библиографик қўлланмалардан фойдаланишни, кутубхоначилик-библиография бўлимларини тарғиб этишни ўз ичига олади.

МКСда маълумотнома ва ахборот ишлари бўйича йиллик, квартал иш режалари тузилган бўлиб, унда маълумотнома фонди билан ишлаш, библиография, ахборот ишлари, тавсия библиографияси, библиографик бўлимни тарғиб қилиш, методик ишларни ташкил қилиш бўйича вазифалар режалаштирилган.

МКС 1983 йилда тўлиқ КБЖ (КБЖ — кутубхона-библиографик жадваллар) системасига ўтган.

Библиографик кўрсаткичлар соҳа библиографияси асосида терилган, улар кам нусхада бўлганлиги учун фақат Марказий кутубхонада сақланади.

1992 йил ҳисобига кўра, барча филиал кутубхоналари ва марказий кутубхонада китобхонларга ахборот хизмати кўрсатишда ахборот хизматининг барча турларидан фойдаланилган. Жумладан, мутахассисларга анкета, телефон орқали ахборот бериш яхши йўлга қўйилган, «Мутахассис кунлари», «Ахборот кунлари» ўтказилган.

МКСнинг ташкилий-методик иши

Қува районида аҳолига кутубхоначилик хизматини ташкил этиш доимо яхшиланиб борган. Бу китобхонлар ва уларга берилган китоблар сонининг ортиб бо-

раётганлигида эмас, балки энг муҳими кутубхоналар иш мазмунининг яхшиланганлигида ўз ифодасини топади. МҚнинг методик-библиография бўлими бу соҳада муҳим аҳамиятга эга. Бўлим район ҳудудида жойлашган 53 та филиал кутубхона, 2 та болалар ва 3 та жамоа хўжалиги кутубхоналарига ташкилий-методик ёрдам беради.

Методик-библиография бўлимида 5 та ходим: бўлим бошлиғи, катта йўриқчи, болалар йўриқчиси, кичик йўриқчи, бош библиограф иш олиб боради.

Бўлим бошлиғи — МҚТ бўйича методик-библиография ишига раҳбарлик қилади. Ишни ташкил қилишда бўлим ходимларига кўрсатмалар беради. Семинар машғулотларни уюштириб, методик қўлланмалар тайёрлайди. Болалар йўриқчиси райондаги болалар кутубхонаси, 8 болалар филиали ва 53 филиал кутубхоналарнинг болалар бўлими учун методик ёрдам ташкил этади. Библиограф МҚС маълумотнома-библиография ишини ташкил қилиш ва бошқариш ишига раҳбарлик қилади, ташкилий-методик ёрдам беради ҳамда библиографик қўлланмалар тайёрлаб, жойларга юборади.

Бўлимнинг истиқболли беш йиллик режаси, йиллик жорий режа ва 1987 йилдан буёнги МҚСнинг статистик ва ёзма ҳисоботлари бор. Беш йиллик режада методик-библиография бўлими амалга ошириши керак бўлган вазифалар белгиланган. Статистик ҳисоботларда МҚС бўйича маълумотлар ёритилган. Ёзма ҳисоботларда эса шу йиллар ичида амалга оширилган (оммавий-сиёсий) ишлар ёритилган.

Бўлим ҳужжатлари:

1. Режалар.
2. Белгиланган тадбирлар.
3. Амалга оширилган ишлар.
4. Мусобақалар ҳақидаги маълумотлар.
5. Семинар машғулотлари материаллари.
6. Филиал кутубхоналарига юборилган қўлланмалар.
7. Юқори ташкилотлардан келган хатлар.
8. Маданият бўлиmidан келган хатлар.
9. Юқори ташкилотларга юборилган хатлар.
10. Маданият бўлимига юборилган хатлар.
11. МҚ ходимларининг бўлимларга ва филиалларга методик ёрдами.
12. Тушунтириш хатлари.

13. Кутубхона ходимларига берилган характери- стикалар.

Илғор тажрибаларни ўрганиш ва ёйиш, жорий этиш методик-библиография бўлими шуғулланадиган энг муҳим масалаларнинг биридир. Область, район семинарларида тажриба алмашинади. Масалан, МКС-нинг 33 филиал-кутубхонасида қишлоқ хўжалиги му-тахассисларига тарғибот ишларини ташкил қилиш соҳасидаги иш тажрибаси ва 25- филиалнинг маълумотнома-библиография ва ахборот ишини уюштириш соҳасидаги тажрибаси муҳокама қилинган. МКС га қарашли энг яхши кутубхоналар базасида шундай кўча семинар-машғулотлари ўтказилади. Кутубхона ходимлари ана шу кутубхоналарга бориб, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб, қабул қилишларига кўмаклашади, қолақларга ёрдам кўрсатади. Семинар машғулотларида илғор иш тажрибасига онд масала-лар муҳокама қилинади. Бундай муҳокамалар самарали натижалар беради. Бу семинарлар амалий-кўр-газмали тарзда ўтиб, тажрибаси кам кутубхоначилар учун яхши мактаб вазифасини ўтайди. Бундай семинар машғулотлари ҳар сўнинг 3- нчи ҳафтасида ўтказилиб, йилига 12 мартаба ўтказишга эришилади. Семинар-ларда барча система ва идоралардаги кутубхоналар-нинг иши таҳлил қилинади, муваффақиятлар ва кам-чиликлар кўрсатилади. Семинар режасидаги машғул-лотлар методик бўлим ходимлари томонидан ўткази-лади. Филиал кутубхона ходимларига кўрсатмалар, йўл-йўриқлар ва вазифалар берилади.

Методик-библиография бўлимида кутубхона ходим-ларига маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш мақсадида маданият бўлими билан биргаданда, жойлардаги ку-тубхоначилар ишларини ўрганиш ва уларга амалий-методик ёрдам бериш бўйича гуруҳ ташкил қилиниб, унинг таркиби зоналарга бirkитилган бўлиб ва ҳар бир ходимга ўртача 4—5 тадан кутубхона тўғри кела-ди. Ҳар бир ходимнинг чиқиш жадвали белгиланган. Ҳафтанинг маълум кунда ўзига бirkитилган зона-даги кутубхоналарнинг фаолиятини ўрганади, амалий-методик ёрдам беради. Ойнинг охирида ўша зона қишлоқ кенгашида йиғилиб, бир ойлик текшириш ва методик ёрдамнинг таҳлили ўтказилади. Бундай йиғи-лиш район маданият бўлимида ҳам ўтказилиб бори-лади. Унда бутун гуруҳ ходимларининг жойларда олиб-борган ташкилий-методик ишлари ҳақида район мада-

ният бўлимига ҳисобот берилади. Жумладан, марказий кутубхона ходимлари 1991 йилда 291 маротаба филиал кутубхоналарига бориб, уларга амалий-методик ёрдам берган.

Методик-библиография бўлими ходимлари китоб тарғиботи ва китоб ўқишга раҳбарликнинг фоявий-назарий савиясини оширишга алоҳида эътибор бериб, ҳар йили юқори методик марказлардан 14—15 та қўлланма олиб, уларни маҳаллий шароитга мослаб, 15 та методик қўлланма чиқардилар. Масалан, 1991 йили филиал кутубхоналарига «Китоб — ёш қурувчиларга», А. Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб «Ғазал мулкининг султони» номли кечани ўтказиш методикаси, «Навбаҳор байрамга тахминий сценария» каби қўлланмаларни ўз ишларида амалий қўллаганлар. Методик бўлим ходимлари бундай қўлланмаларни тайёрлашда республика, област методик марказларидан олинган қўлланмалардан ва МКС фондидан фойдаланадилар.

Методик-библиография бўлим ходимлари бошқа идоралар, масалан, жамоа хўжалиги ва мактаб кутубхоналарига амалий методик ёрдамлар бериб борадилар. Бошқа идораларнинг кутубхоналарига методик ёрдамлар бериш бўлимнинг режаларида алоҳида ажратилиб, мавзулари белгиланади. Бундан ташқари, махсус билими ва иш тажрибаси бўлмаган ходимлар учун 10 кунлик практикумлар уюштирилади. Практикум дастури кутубхона ишига оид қарорлар ва асосий йўл-йўриқлар билан бирга марказлаштирилган кутубхона системасининг иш техникаси, китоб фондини жойлаштириш билан танишиб чиқиш, абонементда китобхонларга хизмат кўрсатиш, китоб ўқишга раҳбарлик қилиш, оммавий иш ва шу сингари масалаларни ўз ичига олади. Кутубхоналараро мусобақани ташкил қилиш методик-библиография бўлими ходимларининг фаолиятида муҳим йўналишлардан биридир. Ҳар йили МКнинг бўлимлари ва филиал ҳамда жамоа хўжалиги кутубхоналари ўртасида мусобақа ўтказилади. Мусобақа тўғрисидаги низом, кўрсаткичлар жадваллари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Мусобақадорларга мусобақа шартлари белгиланган варақалар тарқатилади. Уларга тўлдириш методикаси бўйича тавсиялар берилади. Ўзаро текшириш ва мусобақа якунларини тўплаш учун ҳар йили район маданият бўлимининг фармони билан ўзаро текшириш комиссияси тузилади.

Ўзаро текширувчи филиал ходимлари бир-бирларини текширганлиги ҳақида методик бўлимга маълумотнома берадилар.

Комиссия аъзолари методик бўлимдаги текширишлар вақтида берилган тавсиялар билан танишиб, сўнг-ра кутубхонанинг ўзи билан танишиб чиқилганидан кейин хулоса ва тавсиялар ходимларга маълум қилинади. Мусобақада ғолиб чиққан кутубхоналар эгаллаган ўрниларига қараб, диплом, пул, эсдалик совғалари ва област, район маданият бўлимининг Фахрий ёрликлари билан мукофотланадилар.

МКнинг методик-библиография бўлимида кутубхона ходимларига ёрдам берувчи методик бурчаклар ташкил қилинган. Бурчакда республика ва област кутубхонасидан келган қўлланмалар ва материаллар, оммавий тадбирлар ўтказиш методлари ҳақидаги маълумотлар, системада ўтган айрим-оммавий тадбирларнинг альбомлари, илғор тажрибалардан намуналар ёритилган. Бўлимда, шунингек, кутубхона тармоқлари картотекаси, назорат картотекаси, қўлланмалар картотекаси, кадрлар картотекаси, ўлкашунослик картотекаси, библиографик қўлланмалар картотекаси ва бошқа турли мавзудаги картотекалар мавжуд.

МКСда меҳнат ва бошқаришнинг ташкил этилиши

МКСни марказий кутубхона директори бошқаради. Директорнинг вазифаси МКС бўйича меҳнатни ташкил этиш ва уни режали бошқаришдир. У ходимларни иш билан таъминлайди, меҳнат шароитларини яхшилаш каби вазифаларни бажаради. МКСдаги ҳамма ходимларнинг лавозим кўрсатмалари бўлиб, улар шу асосда иш олиб борадилар.

МКС режали асосда бошқарилиб борилади. Бошқаришга система ходимлари ҳам жалб қилинади. Директор қошида кенгаш бўлиб, унинг таркиби 5 кишидан иборат. Кенгаш ҳар ойда чақирилиб турилади. Кенгашда асосан МКС меҳнатни илмий ташкил этиш ва бошқариш масалалари муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, системанинг ҳар бир бўлимларида ишни ташкил қилиш ва амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида доимий мажлислар ёки ишлаб чиқариш мажлислари бўлиб туради. Масалан, хизмат қилиш бўлимида ҳар ой бошида ишни ташкил

қилиш ва амалга ошириш мақсадида ойлик иш режа белгиланиб, шу режадаги вазифалар бўлим ходимлари ўртасида тақсимланиши учун мажлис ўтказилади. Бундан ташқари, тўлдириш бўйича ҳам кенгаш ташкил қилинган бўлиб, унинг таркиби олти кишидан иборат. Бу бўлимнинг кенгаши белгиланган режа асосида иш олиб боради. Йиғилишлари ҳар кварталда ўтказилади. Масалан, 1991 йил III квартал йиғилишида кутубхона фондининг аҳволи ва коллекторлар билан алоқаларнинг бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинган.

Кутубхона фаолиятининг ҳамма жиҳатини таҳлил қилмай ва умумлаштирмай туриб, методик ишни олиб бориш мумкин эмас. Кутубхоналар фаолиятини яхшилаш учун илмий методик ишни тўғри ташкил қилиш мақсадида кутубхона кенгаши фаол иш олиб бормоқдалар. Муҳокама қилинадиган масалалар асосан МКС сидаги ташкилий-методик ва библиографик ишларни яхшилашга қаратилгандир.

Умуман олганда, МКСни фақат йириклаштирилган оммавий давлат кутубхоналарининг тармоғи деб, филиал кутубхонани эса Марказий кутубхонанинг бўлими деб қараш ярамайди. Филиал кутубхоналарнинг ҳудудий жиҳатдан тарқоқлиги бир қанча ишлаб чиқариш ва маъмурий-хўжалик вазифаларини ҳал қилишда уларнинг кўп жиҳатдан мустақил иш кўришини тақозо этади. Айни вақтда филиал кутубхона марказлаштирилган системанинг узвий қисми бўлиб, умуман МКСни ривожлантириш ва унинг фаолиятига донр барча масалаларни жамоа бўлиб ҳал қилишда фаол иштирок этади. Китобхонларга хизмат кўрсатишда са китоб фондидан фойдаланишда барча бошқа бўлимлар билан мустаҳкам алоқалар боғлаб туради.

Оммавий давлат кутубхоналарининг марказлаштирилган системаси бошқа идораларнинг универсал ва махсус кутубхоналари ёки уларнинг марказлаштирилган системалари билан ўз ишини мувофиқлаштириб олиб боради ва ҳамжиҳат бўлиб ишлайди. Ишни мувофиқлаштириш эса кутубхоналарни режали равишда жойлаштиришни, китоб фондини тўлдиришда асоссиз такрорлашнинг олдини олишни, улардан ўзаро фойдаланишни ташкил этишни, китобхонларга маълумотнома-ахборот хизматини ва методик ишни такомиллаштиришни кўзда тутади. МКС бошқа идоралар ва

ташкiлотларнинг шаҳарда, районда жойлашган кутубхоналарига (илмий-техника кутубхоналаридан ташқари) методик ёрдам беради.

Ҳозирги шароитда МКС аҳолига кутубхоначилик, ахборот ва маълумотнома-библиографик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан марказлаштириш замирида бўлган имкониятлардан тўлиқ фойдаланмапти. Ягона муассаса сифатида МКСни шакллантириш жараёни ҳали барқарорлашгани йўқ. Аҳолига табақалаштирилган тарзда хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун ҳамма жойда ҳам шарт-шароитлар яратилган эмас. Халқ хўжалиги (жумладан агросаноат) мутахассисларига ахборот хизматини кўрсатиш системасини янада такомиллаштириш талаб қилинади, бир қанча областларда маданият ва санъат масалалари юзасидан ахборот билан таъминлаш системаси қарор топгани йўқ, МКС фондини вужудга келтиришда аҳолининг ўсиш-ўзгаришидаги, демографик тузилишдаги фарқлар, халқ хўжалигини ҳудудий ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маданий соҳадаги ўзгаришлар суст ҳисобга олинмоқда. Айрим областлар, шаҳар ва қишлоқ МКСлар ўртасида, китоб билан таъминлаш миқдорини белгилашда, соҳавий адабиётларни тақсимлашда номутаносиблик ҳоллари кузатишмоқда, МКС сермеҳнат жараёнларни механизациялаш ва марказий кутубхонанинг филиаллари билан алоқасини таъминлаш учун ҳозирча зарур техникавий воситаларга эга эмас.

Республикани ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан илгари сурилган вазифалар МКС фаолиятини такомиллаштириш зарурлигини белгилаб бермоқда. Китобхонларнинг муайян мавзу ва жанр қизиқишларига хизмат қилиш учун мўлжалланган ихтисослашган кутубхоналарнинг филиалларини ташкил қилиш, кутубхона билан улар ҳамжиҳатлигининг янги шакл ва методларини қидириш (кутубхоналар ҳузурида қизиқишлар бўйича клублар, ҳаваскорларнинг бирлашмалари ва шу қабилар ташкил қилиш) истиқболли йўналишлардан биридир.

МКС самарадорлигининг ошиши ягона китоб фондидан тўла фойдаланиш билан боғлиқдир. Бу муаммонинг ҳал этилиши тармоқ таркибини тартибга солишни, МКС ягона фондини тўлдирешнинг тематик-типология режаларини ишлаб чиқиш, МКС фондини ташкил

қилиш ва улардан фойдаланиш бўлимларини тузишни ва система ичида китоб алмашишни ривожлантиришни тақозо этади. Ягона ҳудудий фондда МКС фондининг тутган ўрнини ва халқ хўжалиги мутахассисларининг ахборотга бўлган талабларини қондиришдаги унинг имкониятларини аниқлаб олиш, оммавий кутубхоналар фондининг бошқа идоралар кутубхоналар фондига нисбатан оқилона такрорлаш нисбатини, шунингдек МКС ҳал қилаётган вазифаларга қараб билимнинг айрим тармоқлари бўйича адабиёт билан тўлдиришнинг тўлалиги даражасини аниқлаш зарур.

МКС фаолиятининг такомиллаштирилиши МКС ишининг ташкилий принциплари билан боғлиқ муаммоларни: кутубхона жараёнларини марказлаштирилган чоғда регионал хусусиятларини, шунингдек филиал кутубхоналар китобхонларининг марказий кутубхона фондидан фойдаланиш объектив шарт-шароитларни, марказий кутубхонада ва филиалларда ҳамда бошқа кутубхоналарда кутубхона ходимларини бир текис иш билан таъминлаш зарурлигини ҳисобга олишни талаб қилади. Технологик жараёнларни бир шаклга келтириш ва уларнинг бирмунча самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни вужудга келтириш асосида МКС да кутубхона технологиясини тартибга солиш (МКС технологик жараёнлари тузиллишига таъсир ўтказувчи асосий омилларни аниқлаш, технологик жараёнларнинг намунавий андозасини ва шу кабиларни ишлаб чиқиш) лозим.

Ана шу ва бошқа масалаларни ҳал қилиш (системалар фаолиятида демократик асосларни кучайтириш). МКС барча бўлимларига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона кутубхона муассасаси сифатида МКС нинг самарали ишлашини таъминлайди.

Марказий болалар кутубхоналари болаларга кутубхона хизматини режали равишда ташкил қиладилар. Уларнинг зиммасига, биринчидан, мактабгача ёшдаги ва ундан катта болаларга ва 14 ёшгача бўлган ўқувчиларга китоб билан хизмат кўрсатиш, иккинчидан, ўқитувчилар, ота-оналарнинг ва болалар билан иш олиб борувчи бошқа ходимларнинг болалар китобларига, педагогик ўқиш материалларига бўлган талабларини қондириш; учинчидан, региондаги мактаб кутубхоналарига методик ёрдам бериш вазифаси юкланади.

Болалар кутубхонаси фонднинг мазмуни болалар ва ўсмирлардан иборат ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялашни таъминлаши лозим.

Болалар кутубхоналари тармоғи марказлаштириш асосида ташкил қилинади. Ҳозирги вақтда икки қилдаги МКС бўлиб, буларда болалар ва ўсмирларга кутубхона хизматини кўрсатиш ташкил қилинган. Шаҳарда болалар кутубхоналари сони кўп (камида 8—10 та) бўлса, улар мустақил МКСга бирлашадилар. Қолган ҳолларда болалар кутубхоналари оммавий давлат кутубхоналари МКС таркибига киради. Марказлаштирилган мустақил болалар кутубхоналари системалари Ўзбекистон Республикасининг Тошкент ва Андижон шаҳарларида ташкил этилгандир.

Марказлаштирилган мустақил болалар кутубхоналари системасига: 1) марказий шаҳар болалар кутубхонаси; 2) болалар филиал кутубхонаси; 3) хизмат қилишнинг сайёр шакллари (китоб бериш жойлари, библиобуслар) киради.

МКС марказий шаҳар (район) кутубхонасида китоб фонддини тўлдириш ва ишлов бериш, кутубхона хизматини ташкил қилиш, методик ва библиографик бўлимларда МКСда болаларга кутубхона хизматини кўрсатиш юзасидан тегишли фаолият кўрсатувчи мутахассислар мавжуд.

Шаҳар (район) марказий болалар кутубхонаси (МБК) болалар билан иш олиб борувчи барча идоралар кутубхоналарининг ташкилий-методик ва мувофиқлаштирувчи марказидир. Бу кутубхона регионда болалар билан ишлашнинг йўлга қўйилишини ва мазмунини белгилаб беради, 1—8-синфларнинг ўқувчиларини мунтазам равишда китоб ўқишга жалб этишни ташкил қилади. МБК китоб ўқишга раҳбарлик қилиш ва болалар учун мўлжалланган адабиётни тарғиб этиш шакллари ва усулларини такомиллаштиришга, маълумотнома-библиографик ва ахборот хизмати кўрсатишни кенгайтиришга, шунингдек болалар ва ёшларга хизмат кўрсатишда давомийликни амалга ошира бориб, МКСнинг барча бўлимлари билан ўзаро алоқани мустаҳкамлашга кўмаклашади. МБК болалар ва мактаб кутубхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Мактаб кутубхоналарининг тармоғи ўқиш жойида болаларга китоб билан хизмат кўрсатиш учун таш-

кил қилинган. Мактаб кутубхонаси мактабнинг бўлини-маси бўлиб, унинг узвий қисми сифатида ривожланади. Бу кутубхона ўқувчиларга нисбатан таълим-тарбия ва ахборот тусидаги ҳамда ўқитувчиларга нисбатан ахборот-методик тусдаги бир қанча ўзаро боғлиқ вази-фаларни бажаради. У дарсликларнинг бепул мажбурий фондини, синфдан ташқари ўқиш учун дастурий ада-биётни, шунингдек, ўқитувчилар учун мўлжалланган назарий ва методик адабиёт билан ўз фондини тўлди-ради.

Маданият ишлари вазирлиги системасидаги бола-лар кутубхоналари ва Ўзбекистан халқ таълими сис-темасидаги мактаб кутубхоналари Республика кутуб-хоналарининг ягона системасини ташкил этади. Фао-лиятнинг асосий вазифалари ва принципларининг муш-тараклиги бу кутубхоналарни бирлаштириб туради. Бу кутубхоналар ёш авлодга билим бериш ва уларни ахлоқий тарбиялашга кўмаклашади.

Болалар ва мактаб кутубхоналарининг ўзаро ҳамжи-ҳат бўлиб ишлаши ёш авлодни тарбиялашда китобнинг, ўқишнинг ролини ошириш, ўқувчиларни кутубхона хизмати билан тўлароқ қамраб олиш, регионал кутуб-хона кўрларидан янада самаралироқ фойдаланиш иши-даги тарқоқлик ва ажралганликни тугатиш мақсадида зарурдир. Бундай ҳамжиҳатлик мактабда ва мактаб-дан ташқарида кутубхоналар амалга ошираётган бо-лалар ва ўсмирлар билан таълим ва тарбия иши мақ-сади, вазифалари ва мазмуни бирлиги, ягона илмий-педагогик принциплар асосига қурилади: болалар ва ўсмирларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кутубхона-лар фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши маданият ва халқ маорифи бўлимлари тасдиқлайдиган ёки шу ма-ҳаллий кенгаш маданият ва халқ таълими депутатлар комиссияси қабул қилган ва тавсия этган ягона идо-ралараро режа МКС ва мактаб кутубхоналари ҳам-жиҳатлигини ташкилий негизидир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 2 та республика дав-лат болалар кутубхонаси, А. Навоий номидаги Ўзбекис-тон миллий кутубхонасининг ёшлар бўлими, 12 област болалар кутубхоналари, 2 та болалар марказий кутуб-хонаси, 475 та болалар филиал кутубхоналари ишлаб турибди.

Республика давлат болалар кутубхонаси

Республика давлат болалар кутубхонаси болалар кутубхоналари системасида етакчи кутубхоналардан биридир. 1963 йили барпо этилган бу кутубхона нисбатан қисқа вақт ичида болалар ва болалар ўқиши раҳбарлари учун мўлжалланган адабиётнинг марказий омбори, болалар билан кутубхонада ишлаш ва болалар адабиёти ҳамда библиографияси соҳасида илмий-методик муассаса, болаларга хизмат кўрсатаётган ҳамма кутубхоналарга ёрдам берувчи илмий-методик марказ, болалар адабиёти тарғиботи маркази, барча болалар кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш ташкилотчиси бўлиб қолди.

Узининг 25 йиллик фаолиятида кутубхона жуда катта ютуқларга эришди. 1991 йилда кутубхона фонди 252 мингдан ортиқ бўлиб, 17 мингга яқин китобхоннинг китобга бўлган талабини бажариб келмоқда.

Кутубхонага умумий раҳбарлик, унинг бюджети ва сметасини тузиш режалари, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари билан унинг директори ва тегишли ўринбосарлари шуғулланади.

Кутубхонанинг қуйидаги асосий бўлимлари мавжуд:

1. Китоб фондиди тўлдириш;
2. Китобларга ишлов бериш;
3. Қичиқ ёшдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш;
4. Урта ва катта ёшдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш;
5. Библиография;
6. Китоб фондиди сақлаш;
7. Санъат бўлими;
8. Илмий-методик ишлар.

Республика давлат болалар кутубхонасининг асосий мақсади болалар кутубхоналари ишининг методик даражасини ошириш ва барча кутубхоначилик жараёнларига фаол таъсир кўрсатиб фан, маданият ҳамда ишлаб чиқариш заруриятини ҳисобга олган ҳолда барча кутубхоначилик қўрларидан янада тўлароқ ва унумлироқ фойдаланишга ёрдам беришдир. Республикадаги 12 та област болалар кутубхоналарига бевосита ташкилий ва методик ёрдам кўрсатиш (болаларга кутубхоначилик ишларини уюштириш, болалар билан ишлаш ва уларнинг ўқишга раҳбарлик қилиш) бўлимларнинг асосий мақсадидир.

Илғор кутубхоначилик ишларини ўрганиш ва тар-

қатиш мақсадида област кутубхоналари директорларига, методистларига, кутубхоначиларга услубий ёрдам беради. Республика давлат болалар кутубхонасининг асосий ишлардан яна бири методик қўлланмалар тузиб, област кутубхоналарига тарқатишдир.

Шундай қилиб, болалар кутубхонаси олдида бири-бири билан боғлиқ бўлган икки вазифа: республика миздаги барча болаларни кутубхона фондидан фойдаланишга жалб этиш ва болаларда мунтазам ўқиш маъласини ошириш ва тарбиялаш вазифаси илгари сурилган.

Бу вазифаларни бажаришда, болаларда ўқиш маданиятини шакллантиришда кутубхонанинг олиб бораётган оммавий ишлари қўл келмоқда. Улардан бири «Китоб ҳафталиги» бўлиб, унда ҳар йили март ойининг охириги ҳафтасида ёш китобхонлар ўзларининг севимли ёзувчи ва шоирлари билан учрашадилар. Уларнинг эртақларидан парчалар томоша қиладилар. Бу ўтказилаётган тадбирлар бир мақсадга қаратилган — у ҳам бўлса ёш авлодни билимли, меҳрли қилиб тарбиялашдир.

Одатда, марказлаштирилган кутубхоналар системаси (МКС) марказий кутубхонаси ҳузурида ёшлар бўлими ёки бўлим ҳуқуқидаги абонемент, филиал кутубхоналар қошида эса ёшлар гуруҳлари бўлимлари ташкил қилинади. МКС шаронтида ёшлар системали бўлимлари (бўлим, кичик бўлим) ва ёшларга кутубхона хизмати кўрсатишдаги бошқа бўғинлар (гуруҳ, бўлим) ўртасида мустаҳкам алоқалар, шунингдек болалар ва ёшлар бўлимлари ишида давомийлик ўрнатилади.

Таълим ва тарбиянинг ҳозирги вазифаларига мувофиқ ёшлар бўлимлари ёшларни ахлоқий поклик, меҳнатсеварлик, эстетик тарбиялаш, уларнинг умумий билим, маданий, касбий даражасини ошириш мақсадида адабиётни ҳар томонлама тарғиб қиладилар: ёшлар турли гуруҳларининг талаблари, манфаатлари ва эҳтиёжларини ўрганиш асосида китобхонларга табақалаштирилган тарзда хизмат кўрсатишни ташкил қиладилар. МКСнинг ёшлар бўлимлари ёшлар билан ишлаш соҳасида мувофиқлаштирувчи, методик ва ахборот вазифаларини бажарадилар.

60-йилларнинг охириларидан бошлаб республикада ва областларда ёшлар кутубхоналари системаси қарор топа бошлади. Бундай кутубхоналар қайси идорага

бўйсуннишидан қатъи назар, барча кутубхоналар учун ёшларга кутубхона-библиография хизмати кўрсатиш масалалари юзасидан илмий-методик ва мувофиқлаштириш марказлари, шунингдек ахборот-библиография ҳамда ёшлар муаммоларига оид тавсия библиография марказлари ҳисобланади. Республикада ёки областларда ёшларга кутубхона-библиография хизмати кўрсатиш тизилмасини ташкил қилиш, унинг ишини ўрганиш ва таҳлил этиш, унинг ишини яхшилаш юзасидан таклифларни маданият органларига ва идоралараро кутубхоначилик комиссияларига тақдим қилиш шу кутубхоналар вазифасига киради.

Республика ва област ёшлар кутубхоналари мустақил равишда ҳам, бошқа кутубхоналар билан биргаликда ҳам, шунингдек, китобсеварлар жамияти бўлимлари ва шу кабилар билан биргаликда ҳам методик тавсияномалар, ахборот ва библиографик нашрларни ишлаб чиқадилар ва нашр қиладилар. Илғор тажрибаларни, кутубхоналарда ёшлар билан ишлашнинг энг самарали шакллари аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда уларни кутубхона амалиётига жорий этиш (улар илмий-амалий конференциялар, семинарлар, практикумлар ўтказадилар, илғор тажриба мактабларини ва шу кабиларни ташкил қиладилар) шу кутубхоналар ишида муҳим ўрни эгаллайди. Бундай кутубхоналар республика ва област универсал ва илмий кутубхоналари билан ҳамкорликда ишлаб, кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, методик марказларнинг илмий-методик ва илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштиришнинг йнғма режаларини, республика ва област ёшларига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг ягона идоралараро режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда қатнашадилар.

Ўзбекистон кутубхоналарида ёшлар билан ишлаш бўйича маълум ижобий тажрибалар тўпланган. Республика кутубхоналаридаги китобхонларнинг 20 фондидан ортиқроғи 14 ёшдан 21 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу гуруҳдаги китобхонларга Маданият ишлари вазирлиги системасидаги 8 мингга яқин оммавий универсал давлат кутубхоналари хизмат кўрсатади.

Ҳозирги вақтда республикада ёшларга хизмат кўрсатадиган кутубхоналар тармоғи қуйидагилардан иборат: А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхо-

насининг ёшлар бўлими, област кутубхоналари ҳузурдаги ёшлар бўлими, Хоразм област МКСси қошидаги ёшлар филиаллари (3) ҳамда ёшлар учун 120 адабиёт бериш кафедралари, Махсус ёшлар бўлинмаси йўқ кутубхоналарда китобхонларнинг ёшлар гуруҳлари ажратилган.

А. Нароий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ёшлар бўлими 1970 йилда ташкил этилган бўлиб, 14 ёшдан 21 ёшгача бўлган китобхонларга — мактаб ўқувчиларига, техникум ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ҳамда ишчи ёшларга хизмат кўрсатади. Бўлимнинг махсус ўқув зали ва ёрдамчи китоб фонди 32 мингдан ортиқ турли фан соҳаларига оид адабиётлардан ташкил топгандир. Очиқ китоб фонди жовонларида ижтимоий-сиёсий мавзулардаги ҳамда фан ва техниканинг муҳим тармоқлари бўйича илмий-оммабоп адабиётлар, ўзбек, рус ва хорижий муаллифларнинг бадний асарлари, хилма-хил журналлар тақдим этилган.

Ўзбекистон миллий кутубхонасининг бу бўлими ёшлар ўртасида китобларни тарғиб қилиш ва ёшларга кутубхона-библиография хизмати кўрсатишни ташкил этиш бўйича Республика Маданият ишлари вазирлиги бўйича методик марказ ҳисобланади ва барча манфаатдор ташкилотлар билан ўз ишларини мувофиқлаштириб олиб боради. Жумладан, ёшлар муаммоларига оид илмий ахборот ишларини олиб боради; ёшлар учун тавсия библиографик қўлланмалар тайёрлайди ва нашр этади; ёшларнинг ўқиш социологияси юзасидан илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилади; ёшлар кутубхоналари тармоғи, ёшлар абонементлари, филиаллари, катталар кутубхоналари ҳузурдаги китоб бериш кафедралари учун методик тавсияномалар ишлаб чиқади. Бу ишлар китоб тарғиботи бўйича турли тадбирларни, биргаликда тайёрладиган қўлланмалар, мажлислар, семинар-кенгашлар мавзуларини ўз ичига олган мувофиқлаштирилган иш режалари асосида амалга оширилади. Шундай тадбирлардан бири — 1991 йилда республикада биринчи марта «Ўз касбининг аълочиси» унвони учун ўтказилган республика кўрик-конкурси эди. Конкурсада мингдан ортиқ кутубхоналар қатнашган бўлиб, бу оммавий тадбирни Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги коллегияси маъқуллаган эдилар. Ҳозирги кунда республика ёш кутубхоначилари мала-

касини оширишнинг бундай шакли МКС да кенг қўлланилмоқда.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ёшлар бўлими томонидан нашр қилинган «Тарбияси оғир ўспиринлар ва кутубхона», «Жасорат мактаби», «Мулоқотда кўнгил очилсин», «Қизиқишлар бўйича клублар тажрибасидан», «Ёшларнинг ўқиш маданияти» каби методик қўлланмалар ва илғор тажрибалар тўғрисидаги тавсиялар кутубхоначи ходимларга ёшлар билан ишлашда ёрдам беради. Бу нашрларни бошқа тармоқ кутубхоналари ҳам ўз фаолиятида ишлатмоқда.

Ташкилий-методик марказ сифатида област кутубхоналари ёшлар бўлимларининг ташкил қилиниши ва мустақкамланиши областларда ёшлар билан олиб бориладиган ишларнинг мазмуни ва даражасини кўтаришга имкон берди. Жумладан, Бухоро, Фарғона областлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасидаги ёшларнинг меҳнат жамоаларида, қиз ва йигитларнинг яшаш жойларида китоб билан хизмат кўрсатиш яшиланди. Бу жойларда район ва шаҳар марказлари даражасида «Кутубхона — китобхон» тажрибаси иш фаолиятига жорий этилмоқда. Бажарилган ишларнинг самараси ўлароқ, янги китобхонлар сони ортиб борди. Жумладан, 1991 йилда айтиб ўтилган ҳудудларда ўспирин ёшдаги китобхонларнинг сони 1990 йилдагига нисбатан Бухоро областида 34,3 минг кишига, Фарғонада—32,3 мингга, Қорақалпоғистонда эса—14,7 минг кишига ортган. Шундай ўсишларни Хоразм ва Сурхондарё областларида (ҳар бирида 6,4 минг кишидан), Наманган (6,0 минг) ва бошқа областларда кузатиш мумкин.

Кутубхоналар амалиётига янги иш методлари — бригада, оилавий, доиравий, синф абонементлари, ҳамдўстлик шартномалари; қизиқишлар бўйича клублар кенг жорий этилмоқда. Қизиқишлар бўйича клублар шаҳар ва район марказий кутубхоналаридагина эмас, балки кўплаб қишлоқ кутубхоналари ҳузурида ҳам иш олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республика бўйича 600 га яқин шундай клублар ишламоқда. Сирдарё, Хоразм, Андижон ва Самарқанд областлари кутубхоналарида барпо қилинган «Нуқтан назар», «Ким? Нима? Қачон?», «Муносабат», «Мулоқот», «Имон» каби ёшларнинг баҳс клублари жуда қизиқарли ишлар олиб бормоқда.

Улар ҳақиқатан ҳам ёшларнинг ҳордиқ чиқариш марказига айланган.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли махсус кутубхоналар

Махсус кутубхоналар орасида кўрлар кутубхоналари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу кутубхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда махсус ахборот тарқатувчилар қавариқ нуқтали ҳарфда босилган ҳолда магнит лентасига ёзилган китоблар ва вақтли нашрлар — гапирувчи китоблардан, шунингдек, пайпаслаб сезиш ва тинглаб идрок қилиш учун мослаштирилган ана шу ахборотни етказиш воситаларидан фойдаланилади.

Кўрлар учун тўлжалланган кутубхоналар диктофонлар, автоахборотчилар, махсус асбоблар: «гапирувчи» китобларни якка-якка тинглаш учун наушниклар, лупалар (заррабинлар), қавариқ нуқтали ҳарф билан ёзиш учун ишлатиладиган асбоблар ҳамда машинкалар шунингдек, кўзи ожиз китобхоналарга каталоглар ва кўргазмалардан фойдаланиш имконини берадиган махсус ускуналар билан жиҳозланган бўлади.

Нисбатан кам сонли махсус кутубхоналар кўрларга хизмат қилади. Бундай кутубхоналар хизмат кўрсатилаётган китобхоналар таркиби, хусусиятлари, иш мазмуни ва ҳажмига қараб уч гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга асосан пенсионер-китобхоналарга, кам сонли ишчиларга хизмат қилувчи кичик кутубхоналар киради. Бундай кутубхоналар оммавий кутубхона вазифасини бажарадилар.

Иккинчи гуруҳга кирувчи кутубхоналар ана шу асосий вазифалар билан бир қаторда, бирмунча тайёргарлиги бўлган китобхоналарнинг ўқув ишлаб-чиқариш ва ҳаваскорлик талабларини қондирадилар. Шу гуруҳдаги кутубхоналар китобхоналари орасида ўқув ишлаб-чиқариш корхоналари (УИК)нинг ишчилар ва хизматчилари кўпчиликини ташкил қилади. Учинчи гуруҳ ишчилар, УИК мутахассислари, айни вақтда кўпгина талабаларга, илмий ходимларга хизмат кўрсатадиган ҳамда оммавий, ўқув ва илмий кутубхона вазифасини бажарадиган йирик кутубхоналар ташкил қилади.

Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси.

1965 йил 15 майда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши «Ўзбекистон кўрлар жамиятига ёрдам бериш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилган эди. Ундан мақсад Ўзбекистон кўрлар жамиятининг фаолиятини яхшилаш, аҳолининг кўзи ожизлар қисмини ижтимоий-фойдали меҳнатга кенгроқ жалб қилишдан иборат бўлиб, қарорда УзССР Маданият вазирлигига қуйидаги вазифалар белгилаб берилган эди: 1966—1970 йиллар режасига Тошкент шаҳрида кўрлар учун кутубхона билан маданият уйи қуриш лойиҳасини киритиш, Тошкент шаҳрида мавжуд шаҳар кўзи ожизлар кутубхонасини Республика кутубхонасига айлантириш; област кутубхоналарида Брайль ҳарfli (шрифтли) адабиётлар бўлимини ташкил этиш; бунинг учун алоҳида кутубхона ходимлари ажратиш кўрсатилади.

Ўзбекистон кўрлар жамиятига республика кутубхонасига адабиётлар олиш учун 10 минг, боласть кутубхоналари учун 5 минг сўм ажратиш таъкидланади.

1965 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Маданият вазирлигининг «Тошкент шаҳар кўрлар кутубхонасини Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонасига айлантириш ҳақида»ги буйруғига мувофиқ, 1966 йил 1 январдан бу амалга оширилди.

1966—1969 йилларда ҚҚАССР республика кутубхонасида, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм област кутубхоналарида Брайль ҳарfli адабиётлар бўлимлари очилди. Улар бевосита област кутубхоналари биносида жойлаштирилиб, 1—2 ходим иш олиб борди, улар област кутубхонасига ажратилган маблағ билан таъминланди. Бу ходимлар кўзи ожиз китобхонлар мавжуд аҳоли яшаш жойларида, муассасаларда, кўрлар жамиятлари ётоқхоналарида, қизил бурчакларда кўчма кутубхоналар ташкил этди, 1970 йилга келиб, уларнинг сони 41 тага етди.

Уша пайтдаёқ кўрлар кутубхоналари ва бўлимларнинг вазифалари қуйидагича белгилаб берилди: китобни ҳар бир кўзи ожиз китобхонга етказиш; адабиётларни тарғиб қилиш; кўзи ожизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга кенгроқ жалб этиш; китоб билан ишлашнинг фаол шакл ва усулларини ривожлантириш; Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига маданий-оммавий, сиёсий-тарбиявий тадбирларни ўтказишда ёрдам бериш.

9-беш йилликка келиб област кутубхоналаридаги бўлимларда иш олиб бориш мураккаблашди ва уларни мустақил кутубхона сифатида ташкил этиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

1971 йил 14 майда ЎзССР Вазирлар Кенгаши «Кўрлар учун махсус кутубхоналар ҳақида» қарор қабул қилди. Унда шундай дейлади: республика аҳолисининг кўзи ожизлар қисмига кутубхоначилик хизмати ни яхшилаш мақсадида республиканинг шаҳар ва район марказларида, кўзи ожизлар кўпчилигини ташкил этадиган аҳоли яшаш жойларида кўрлар учун махсус кутубхоналар очиш, Ўзбекистон Молия ва социал таъминот вазирлиги келишилган ҳолда кўрлар кутубхонасининг Низомини ишлаб чиқиш, намунали штатларни тасдиқлаш чоралари белгиланди, шунга кўра, кутубхонада абонемент, ўқув зали, «гапирувчи китоблар бўлими, кўчма кутубхоналар, тўлдириш ва қайта ишлов бериш бўлимлари ташкил этилди.

Шаҳар, район марказлари ва аҳоли яшаш жойларида ташкил этилган кўрлар кутубхонаси молиявий, хўжалиқ, ғоявий-тарбиявий жиҳатдан мустақил бўлиб, маданият бўлимлари тасарруфига киритилди. 1973 йилга келиб, республикада кўрлар кутубхоналари тармоғини ташкил этиш тугалланди. Китобхонларга хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари олдинги беш йилликка нисбатан 2,5—3 мартага ошди.

10-беш йилликда кутубхоналар давр талабларидан келиб чиқиб, асосий эътиборни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияга қаратдилар.

Беш йиллик охирида китоблар сони 1,6 марта, китоб берилиши 2,4 марта, китоб фонди 1,6 марта ошди. Янги кутубхона ва китоб бериш жойлари очилди. Уларнинг сони 100 дан ошди. 50 дан ошиқ методик қўлланмалар; 200 оғзаки ва ёзма консультациялар, 40 ижодий сафарлар амалга оширилди. «Област кўзи ожизлар кутубхоналарининг Низоми», кутубхона ходимларининг лавозим кўрсатмалари, Ўзбекистон кўзи ожизлар кутубхоналари учун техник ёритиш воситалари рўйхати, кутубхоначилик иши жараёнларининг нормалари ишлаб чиқилди.

Кутубхоналарда китобхонларга кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ошди. 1975 йилга нисбатан 1980 йилда китобхонлар 2,7 марта, китоб берилиши 2,3 марта (176870 нусха),

китоб жамғармаси 1,4 мартага (922588, «Брайль, гапирувчи китоблар», грампластинкалар) етди.

1981 йил январда ЎзССР Маданият Вазирлиги «Кўрлар учун област кутубхоналари ҳақида Низом» қабул қилди. Низомга кўра кутубхоналарга илмий-услубий раҳбарлик вазифаси юклатилди.

11-беш йилликка келиб, кутубхонанинг иш кўлами ва вазифалари кенгайди. Аҳолининг кўзи ожизлар қисмини 100 фоиз қамраб олиш, китоб берилишини 600 мингга, китоб жамғармасини 340 мингга етказиш, 21 област кўзи ожизлар кутубхонаси, 200 филиал кўчма кутубхона ва китоб бериш жойларини ташкил этиш белгилаб олинган эди. Республика кўзи ожизлар кутубхонасининг илмий-методик марказ ва раҳбарлик ишини амалга ошириш, кутубхоначилик, библиографик ва ахборот хизмати кўрсатишининг илғор тажрибаларини аниқлаш, ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш вазифалари белгилаб олинди. Айниқса, кутубхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар сифатини яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш лозим эди. Аммо, бу белгиланган вазифаларнинг асосий қисми шу кунга қадар бажарилгани йўқ. Ҳозирги вақтда Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг ташкилий тузилиши амалдаги Низомга кўра белгиланган бўлиб, улар раҳбарият, хўжалик бўлими, илмий-методик бўлим, китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими (абонемент, ўқув зали, кўчма кутубхоналар ва китоб бериш жойлари), китоб сақлаш бўлими, кутубхона фондиди тўлдириш ва қайта ишлов бериш бўлимларидан иборат.

Кутубхонада 15 кутубхоначи ходим ишлайди. 1991 йил охирига келиб, кутубхонанинг китоб фонди 144200 нусхани (шундан 23600 ўзбек тилида) ташкил этиб, 5900 китобхонга (шу жумладан 300 дан ортиқ болаларга, 500 дан ортиқ ўсмирларга) 181300 нусха китоб берилган (70320 таси ўзбек тилидаги нашрлар). Йил мобайнида кутубхонага жами 7690 нашр, шу жумладан, 1300 нашр ўзбек тилида келиб тушган.

1991 йили Республикада мавжуд кўрлар кутубхоналарининг умумий китоб фонди 1204100 нусхани, китобхонлар сони 24 мингга, уларга берилган китоблар эса 1813700 нусхани ташкил этди.

Ўзбекистон фанлар академияси системасидаги кутубхоналар

Фанлар академияси системасидаги кутубхоналарнинг ривожланиши, уларнинг тузилиш ва ташкил қилиниши илм-фаннинг юксалиши, илмий тадқиқот муассасалари сонининг ўсиши билан белгиланади.

Академия институтлари илмий тадқиқот ишлари мавзуларининг хилма-хиллиги марказий кутубхоналар фондининг кўп соҳалилигини, шунингдек, уларнинг тадрижий чуқурлигини белгилаб беради. Бу кутубхоналарда илмий ахборот, маълумотнома тарзидаги нашрлар, ўзбек, рус ва бошқа қатор хорижий тиллардаги даврий нашрлар сақланади. Академия кутубхоналари илмий тадқиқотларнинг ҳужжатли негизини таъминлаб туради, ахборот вазифасини бажаради.

Академия кутубхоналари кутубхоналар тармоғини марказлаштириш ҳамда бирмунча сермеҳнат кутубхоначилик-библиографик жараёнларни асосий кутубхонада тўплаш асосида илмий ходимларга хизмат кўради тишни ташкил қиладилар. Китоб фондини тўлдириш, ҳисобга олиш ва ишлов бериш, нашр этиш, КААдан талабномалар тўплаш, аудиовизуал материалларни ва кутубхона жиҳозлари, ускуналарини тақсимлаш, микронусхалар ҳамда фотонусхалар тайёрлаш каби ишлар изчиллик билан марказлаштирилган асосда ташкил этилади.

Фанлар академияси системасида асосий ва махсус кутубхоналарнинг ўзаро муносабатлари соҳасида уч турдаги марказлаштирилган система таркиб топган. Биринчи тур — бу системадаги илмий муассасаларнинг барча кутубхоналари ўз мустақиллигини йўқотиб, марказий кутубхонанинг филиали бўлиб қолади. Бу ерда штатлар, пул билан таъминлаш ва кутубхона жараёнлари тўла-тўқис марказлаштирилади.

Марказлаштирилган системаларнинг иккинчи тури — бу системадаги бир хил кутубхоналар асосий кутубхонанинг филиаллари (бўлимлари) ҳуқуқида иш кўрадилар, бошқалар эса ўз илмий муассасаларининг дирекцияларига бўйсуниб, мустақилликни сақлаб қолади. Бунда китоб фондини тўлдириш учун харажатларнинг бир қисми марказий кутубхонадан, бир қисми эса тегишли илмий муассасалар сметасидан сарфланади. Асосий кутубхоначилик жараёнлари марказлаштирилади.

Учинчи турдаги марказлаштирилган системалар махсус кутубхоналарнинг тўла-тўқис маъмурий ишлаб чиқариш мустақиллиги (ўзлари тегишли бўлган муассаса дирекциясига бўйсунди), асосий кутубхоначилик-библиографик жараёнларининг ва китоб фондиди тўлдириш учун сарфланадиган маблағларнинг марказлаштирилиши ҳамда асосий кутубхона методик жиҳатдан раҳбарлик қилаётганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Фанлар академияси МКС га кирувчи кутубхоналарнинг ўзига хос хусусияти шуки, улар икки маҳкамага (асосий кутубхонага ва илмий-тадқиқот муассасасига) бўйсунди. Бу эса уларнинг ўзлари хизмат кўрсатаётган илмий-тадқиқот муассасалари билан узвий алоқаларини бузмаган ҳолда шу кутубхоналарни ягона кутубхона тармоғига киритиш имконини беради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонасининг ташкил топиши республика фанининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи билан узвий боғлиқдир.

1931 йил октябрида ЎзССР Марказий ижроия комитети Кенгашининг қарори асосида Ўзбекистон илмий-тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилиш бўйича Комитет (Фан комитети) ташкил этилади. 1933 йилда шу Комитет қошида кутубхона барпо қилинади. Кутубхонанинг асосини 39422 нусха нашрга эга бўлган ЎзССР халқ Комиссарлар Кенгаши қошидаги Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтлари бирлашмасининг китоб фонди ташкил этган эди.

1940 йилга келиб, республикада олий малакадаги илмий кадрлар ва бир неча ўнлаб илмий-тадқиқот институтларининг мавжудлиги натижасида Ўзбекистон фан Комитети негизида СССР ФА сининг филиалини ташкил этиш учун илмий ва моддий зарурат вужудга келади. Кутубхона мустақил илмий ёрдамчи бўлим сифатида филиал таркибига киради.

Улуғ Ватан уруши бошларида СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали илмий кадрлар етиштириб чиқарадиган ўчоққа, республика илмий фикри марказига айланади. Кутубхонанинг бу йиллардаги фаолияти мутлақ катта аҳамиятга эга бўлди. Сабаби, айнан шу даврда Тошкентга Москва, Ленинград каби йирик марказлардан илмий муассасалар кўчириб келтирилган эди. 1942 йили кўчиб келган муассасаларга яхши хизмат кўрсатганлиги учун СССР ФА филиалининг кутубхонаси Олий таълим ва илмий муассасалар ходимлари

Союзи Республика Комитетининг ёрлиги билан мукофотланади.

1943 йил 27 сентябрда, уруш авжига чиқиб турган бир вақтда СССР ҳукумати ЎзССР Фанлар академиясини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқаради. Шу вақтдан эътиборан кутубхона янги ташкил топган академиянинг Асосий кутубхонаси бўлиб қолади.

1964 йилдан Ўзбекистон ФА кутубхоналари системаси марказлаштирилиб, 24 илмий-тадқиқот институтлари кутубхоналарини бирлаштарди. 1983 йилдан кутубхона махсус қурилган янги бинога кўчиб ўтди.

Ҳозирги вақтда кутубхона республика ягона ахборот-маълумотнома фондининг (РЯАМФ) аъзоси бўлиб, табиий фанлар бўйича депозитарий вазифаси юкланган, КААнинг тармоқ маркази, хорижий нашрлар билан тўлдиришнинг бош кутубхонаси ҳамда ФА кутубхоналари учун методик марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон ФАнинг илмий-тадқиқот институтлари ходимлари ва аспирантлари ҳамда олий ўқув юртлари сўнгги курс талабаларидан иборат китобхонлар гуруҳига ахборот-кутубхоначилик хизматини кўрсатиш кўп тармоқли ягона китоб фонди ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг умумий миқдори 2,5 млн дан ортиқ табиий ва турдош фанларга оид, шу жумладан, 500 минг нусхадаги чет эл нашрларини ўз ичига олади.

Китоб фондини тўлдириш 1990 йилга қадар Бутуниттифоқ китоб палатасининг пуллик мажбурий нусхасини олиш, китоб савдоси шохобчаларидан сотиб олиш, обуна бўлиш орқали, собиқ иттифоқдош республикалардан китоб алмашиш, республикада чиқадиган нашрларнинг бепул мажбурий нусхасини олиш ҳамда олимларнинг инъом тариқасида топширган нашрлари эвазига таъминланар эди.

Тўққиз тилдаги чет эл адабиётлари 20 та мамлакатдан марказлашган тартибда сотиб олинади ҳамда халқаро китоб алмашиш орқали келтирилади. Баъзи хорижий нашрларни кутубхона микрофиш тарзида олади.

Кутубхонанинг кўптармоқли ягона фонди алифболи, системали, Тошкент шаҳри кутубхоналарига келиб тушган янги хорижий китоблар, Ўзбекистон кутубхоналари оладиган чет эл вақтли матбуоти каби қатор каталоглар системаси ёрдамида очиб берилади.

Китобхонлар талабини тез ва тўла қаноатлантириш мақсадида хилма-хил хизмат шаклларидадан фойдалани-

лади: ватан ва чет эл журналлари ва монографияларидан мақолалар нусхасини кўчириб бериш, ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш, олимлар ва мутахассисларни ҚАА ёрдамида, шу жумладан Халқаро абонемент бўйича ҳужжатлар билан таъминлаш, олимларни ахборотни танлаб тарқатиш системаси бўйича ахборот билан таъминлаш ва ҳоказо.

Ўзбекистон ФАнинг Асосий кутубхонасида 205 ҳодим 9 та бўлимда фаолият кўрсатади. Кутубхонанинг ватан адабиётлари билан тўлдириш ва ички китоб алмашиш бўлими 22 илмий-тадқиқот институти ва 2 филиални марказлашган асосда адабиётлар билан тўлдиради. Чет эл нашрлари билан тўлдириш ва халқаро китоб алмашиш бўлими сўнгги йилларда 40 дан ортиқ мамлакатларнинг 298 муассасаси билан халқаро китоб алмашишмоқда.

Кутубхонанинг китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимлари 23,0 мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатади. Бу бўлимда қуйидаги бўлинмалар мавжуд: илмий адабиётлар абонементи, бадиий адабиётлар абонементи, ҚАА, халқаро абонемент, ижтимоий, табиий фанлар бўйича, академиклар учун ўқув зали, газета ва журналлар ўқиш, микрофильмларни ўқиш учун, маълумотнома-библиографик адабиётлар бўйича 9 та 500 кишига мўлжалланган махсус ўқув заллари мавжуд.

Булардан ташқари, кутубхонанинг адабиётларга қайта ишлов бериш ва каталогларни ташкил этиш, илмий-библиография, ахборот библиография, китоб фонди ва адабиётларни сақлаш, илмий ва методик ишлар бўлимлари мавжуд.

Кўرғазмалар залида эса китобхонлар янги олинган адабиётлар билан доимо таништирилиб борилади ва зарур ахборот билан таъминланади. Зал кутубхонанинг иккинчи қаватига жойлашган бўлиб, унда бир ҳафта мобайнида келиб тушган маҳаллий ва чет эл нашрлари намойиш қилинади. Янги олинган нашрлар кўрғазмасида ўртача 300 нусхагача китоблар қўйилиб, жума кунлари алмаштирилади. Ахборот сифатини янада ортириш мақсадида, ҳар бир кўрғазмада «Ўзбекистон ФА Асосий кутубхонасига келиб тушган янги адабиётлар» кўрсаткичи ҳавола қилинади.

Бундан ташқари, кутубхонада ҳар хил мавзулардаги доимий кўрғазмалар ҳам ташкил қилинади.

**Ўзбекистоннинг махсус кутубхоналари.
Техника кутубхоналари системаси.
Республика илмий-техника кутубхонаси**

Ўзбекистоннинг махсус кутубхоналари системасида жами 9,5 мингга яқин кутубхоналар бўлиб, уларни олий ва махсус таълим, халқ таълими вазирликларига қарашли кутубхоналар (шу туркумдаги кутубхоналарнинг 85 фоизини), илмий-техника кутубхоналари — 8 фоизни, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларга қарашли махсус кутубхоналар 7 фоизни ташкил этади. Техника кутубхоналари тармоғи тузилиши қуйидагича:

1. Заводлар, фабрикалар, шахталар, қурилишлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari, илмий-тадқиқот институтлари (ИТИ) ва шу кабиларнинг техника кутубхоналари.

2. Саноат, ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг илмий-техника кутубхоналари (БИТК).

3. Илмий-техника ахбороти ҳудудий марказларининг Республика илмий-техника кутубхоналари (РИТК) ва марказий илмий-техника кутубхоналари (МИТК).

Корхоналар ва бирлашмаларнинг кутубхоналари техника кутубхоналари системасида асосий, энг оммавий бўғиндир. Бундай кутубхоналар раҳбарлар, илмий, инженер-техник ходимлари ва ишчиларга хизмат кўрсатади, бирлашма, корхона соҳасига доир илмий ва ишлаб чиқариш адабиёти ҳамда ҳужжатларнинг барча турлари, шунингдек турдош тармоқларига оид ва ижтимоий-сиёсий мавзудаги нашрлар билан тўлдирилади.

Ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари кутубхона тармоғи таркибига корхоналарнинг техника кутубхоналари билан бир қаторда илмий-техника ташкилотлари — илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик ва технологик бўлинмалар ва шу кабиларнинг кутубхоналари киради. Бундай кутубхоналар янги техникани ярашиш ва жорий этиш — илмий изланиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларнинг бутун комплексига кутубхона-библиографик хизмат кўрсатишни таъминлайди. Бу ерда, одатда, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи ИТИ кутубхонаси бош кутубхона сифатида иш кўради. Бирлашма кутубхоналар системасига юридик мустақилликка эга

бўлган ва бўлмаган филиал кутубхоналар, шунингдек, китоб бериш жойлари киритилади. Металлургия, нефть, энгил, озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш бирлашмаларида, шунингдек, ўз кутубхоналарига эга бўлмаган ва бош корхонадан узоқда жойлашган кўпгина майда ва ўрта даражадаги корхоналарда китоб бериш жойларини ташкил қилиш зарурати айниқса катта.

Ҳудудий тармоқ гуруҳларининг энг йирик кутубхоналари негизда бош (таянч) ИТК ташкил қилинади. Ҳозирги вақтда бундай кутубхоналар аслида бошқарувчи тармоқни ҳудудий принцип билан қўшиб олиб борувчи кутубхона қўрларини ташкил этишнинг ягона шаклидир. Ўз зиммаларига юкланган вазифаларга мувофиқ бош ИТК ўз ҳудудий тармоқ бирлашмаларида тўлдиришнинг йиғма мавзулар бўйича режаларини тузади ва нашриёт режалари асосида тахминий буюртмалар тайёрлайди, кутубхоналарнинг хорижий адабиётга бўлган талабини аниқлайди, унга марказлаштирилган тарзда обуна бўлишни амалга оширади ва ундан фойдаланишни таъминлайди, кам талаб қилинадиган адабиётлар сақлашни ва ундан фойдаланишни, йиғма каталоглар жорий этишни, мувофиқлаштирувчи режа асосида ахборот-библиографик ва справка-библиографик ишни ташкил қилади, КААнинг ихтисослаштирилган марказлари ҳисобланади, методик раҳбарликни амалга оширади.

Илмий-техника ахбороти ҳудудий марказларининг РИТК республикада, областларда техника адабиёти билан хизмат кўрсатувчи кўп соҳали регионал марказ, техника адабиёти фондиди вужудга келтириш борасидаги ишларни тармоқлараро ва идоралараро мувофиқлаштириш маркази, республикадаги барча идораларнинг техника кутубхоналарига методик ёрдам берувчи марказ ҳисобланади.

Республика илмий-техника кутубхонаси (РИТК) 1957 йилда илмий-техника давлат Қўмитаси қошида барпо қилинган. 1969 йилдан бошлаб Ўзбекистон илмий-техника ахбороти ва иқтисодий техник тадқиқотлар институти (ЎЗИНТИ) таркибига киритилган. Кутубхонанинг китоб фонди нисбатан тез ўсиб борди: агар 1971 йилда унда 982046 босма бирлик бўлган бўлса, 1981 йилга келиб 13,6 миллион, 1991 йилга келиб эса 16,3 миллион босма бирликни ташкил этди. Улар таркибидаги 400 минг нусха техник-нормалаштириш ҳужжатлари, патентлар ва бошқа ахборот мате-

риаларининг ихтисослаштирилган республика жамғармаси мавжуд бўлиб, катта қимматга эгадир.

РИТҚнинг китобхонлар сони 17,7 мингдан ортиқ бўлиб, 1,5 мингдан ортиқ киши КААдан фойдаланишади. Йилига 600 минг қатнов, 300 минг китоб берилиши амалга оширилади. Кутубхонанинг китобхонлари таркибида ишчилар, техник ва раҳбар ходимлар, институтлар ўқитувчилари, аспирантлар, дипломантлар ва сўнгги курс талабалари мавжуддир.

РИТҚнинг китоб фонди асосан мажбурий нусха орқали, ички бозордан китоб сотиб олиш, бошқа кутубхоналар билан китоб алмашиш йўли билан тўлдирилади. Китоб фонди қуйидаги нашр турларини ўз ичига олади:

1. Расмий нашрлар — давлат, жамоатчилик ва тармоқ раҳбарлик органлари номидан нашр қилинган қонуний ва йўл-йўриқ тарзидаги китоблар ва рисоалар.

2. Илмий нашрлар — монографиялар, авторефератлар, илмий конференциялар материаллари, илмий асарлар тўплами каби назарий ёки тадқиқот тажрибаларини акс эттирувчи китоблар ва рисоалар.

3. Маълумотнома нашрлари — илмий ёки амалий тарздаги қисқача илмий маълумотномаларни ўз ичига олувчи китоб ва рисоалар, маълумотномалар, лугатлар, қомуслар.

4. Ишлаб чиқариш нашрлари — хилма-хил малакадаги мутахассисларга мўлжалланган ишлаб чиқариш техникаси, технологияси ташкил этишга оид китоб ва рисоалар.

5. Уқув нашрлари — ўрганиш учун қулай шаклда баён қилинган илмий ёки амалий мазмундаги маълум изчилликдаги маълумотларни ўз ичига олган китоб ва рисоалар; дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, амалий машғулотлар.

6. Илмий-оммабон нашрлар — мутахассис бўлмаган шахсларга тушунарли даражада баён қилинган илмий тадқиқотлар тўғрисидаги китоб ва рисоалар.

7. Чет эл нашрлари — чет тиллардаги китоб ва рисоалар.

8. Нормалар, нормалаштириш материаллари амалий фаолиятнинг барча соҳалари бўйича маълум талабларни белгилувчи, вақтли аҳамиятга эга бўлмаган нашрлар.

9. Нархномалар (прейскурант) — маҳсулотлар, ма-

териаллар ёки ускуналар, шунингдек, ишлаб чиқариш муаммолари, маиший хизматларнинг нархи кўрсатилган, баъзида қисқача таърифи берилган расмий ишлаб чиқариш-нормативли ёки маълумотнома нашрларининг системали рўйхати.

10. Журналлар — мазкур нашр тури бўйича расмий бекитилган, хилма-хил масалалар бўйича мақола ва унинг мазмунини ёритувчи вақтли нашрлар.

11. Эълон қилинмаган ҳужжатлар—кам нусхаларда кўпайтирилган қўлёзма материаллар: конструкторлик чизма ҳужжатлар, ҳисоботлар, таржималар, сақлашга топширилган қўлёзмалар.

12. Ахборот материаллари — илмий-техника ахбороти органлари, шунингдек, бошқа ахборот фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар томонидан тезда танишишга қулай шаклда чиқарилган. Эълон қилинган ёки қилинмаган ишлар тўғрисидаги бир тартибга туширилган маълумотномаларни ўз ичига олган материаллар.

13. Библиографик нашрлар — библиографик ёзмаларнинг тартибга келтирилган йиғиндисидан иборат ахборот материаллари.

14. Рефератив нашрлар — рефератлар, шу жумладан экспресс ахборотларни ўз ичига олувчи ахборот нашрлари.

15. Обзор нашрлар — бир ёки бир нечта обзорларни қамраб олган ахборот нашри.

16. Ахборот карталари — маълум тўлдириш шаклига эга бўлган, янги чиқарилаётган нашрлар, технологик жараёнлар, илмий-тадқиқот ишлари, ихтиролар, кашфиётлар ва ҳоказоларнинг натижалари тўғрисидаги махсус бланка тарзидаги ҳужжатлар. Ахборот карталари таърифланаётган ишни бажарувчи ёки тавсифланаётган маҳсулотларни чиқараётган корхоналар ва муассасалар томонидан тузилиб, тегишли ахборот органига етказиб берилади.

17. Чет эл нашрлари — бу ерда барча турдаги ахборот материаллари кўзда тутилади.

Кутубхонада ўтказилган тадқиқот маълумотларига кўра, сўнгги 5—10 йил мобайнида чиққан техника, энергетика, радиоэлектроника, машинасозлик, кон ишлари, қурилиш, ҳисоблаш техникаси, кимё саноати бўйича ҳужжатларга энг кўп талаблар тушган, улар айниқса, илмий ходимлар, ўқитувчилар, аспирантларда катта қизиқиш уйғотган.

Нашр турларидан китоблар, уларга бўлган қизиқишнинг барқарорлиги ва мувожаатнинг тез-тез такрорланиши кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Буни шу билан тушунтириш мумкинки, айнан китоблар бошқа нашр турларига нисбатан ўзининг аҳамиятини узоқроқ сақлаб қолади. Интервью натижасида олинган материаллар, кутубхонанинг китобхоналари вақтли нашрлардан ҳам фаол фойдаланишини тасдиқлайди. Очиқ китоб фонди имкониятларини янада кенгайтириш ва мукамал тарғибот қилинганда вақтли нашрлар айланиши кўпайиши мумкин.

Тадқиқот натижалари китобхонларнинг техника-норматив ҳужжатларига (ТНХ) жуда кўп қизиқаётганликларини кўрсатди. Ҳужжатларнинг шу турининг ўқишлиши кўп йиллар мобайнида доимо ўсиб борган. Сабоби, техника-норматив ҳужжатлар бўлими республикадаги корхона ва ташкилотларни ТНХнинг мавжудлиги тўғрисида, уларни алмаштириш ёки уларнинг ҳаракат муддатининг тугаганлиги тўғрисида ахборот билан таъминлайдиган ягона марказ ҳисобланади.

Оммавий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиб бориши, иқтисодий тежам тартибининг кучайиши билан республика корхоналари ва ташкилотларининг амалдаги ТНХга бўлган талаби кескин ошиб борди.

Кутубхонада қуйидаги асосий бўлимлар иш олиб боради:

1. Босма нашрлар билан тўлдириш.
2. Босма нашрларга ишлов бериш.
3. Китобхонларга хизмат кўрсатиш ва босма нашрларни сақлаш.
4. Чет эл нашрлари бўлими.
5. Маълумотнома-ахборот бўлими.
6. Методик бўлим.
7. Техника-норматив ҳужжатлар бўлими (бу бўлим мустақил тарзда ўз фондларини тўлдиради).

Кутубхона фондидан кенг фойдаланишни ташкил этишда унинг каталог ва картотекалари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, алифболи ва системали каталог ва картотекалардан журналлар, чет эл китоблари ва журналлари, ахборот материаллари, республика халқ хўжалигининг иқтисодиёти бўйича мавзулар картотекаси; республика саноат корхоналари ва ташкилотларининг адрес картотекаси; республикада илғор тажрибалар картотекаси; Ўзбекистон илмий-техника ахбо-

роти илмий-тадқиқот институти нашрлари картотекаларини санаб ўтиш мумкин.

Кутубхона янги олинган китоб ва рисоаларнинг ретроспектив кўрсаткичларини, чет эл журналларининг йиғма каталогини «Республика андазалари (стандарти) ва техник шартлар» ахборот кўрсаткичини нашр этади.

Республика илмий-техника ахбороти институти (РИТАОИ), республика илмий-техника кутубхонаси (РИТК), республика илмий-техника ахбороти системасига кирувчи илмий-техника кутубхоналарига методик раҳбарликни амалга оширади. ИТКга у методик раҳбарликни амалга ошира бориб, республикада соҳа бўйича кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштиради, ИТК ишлари аҳволини таҳлил қилади ва баҳолайди, соҳа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техника-норматив ва илмий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқади, ташкилий-методик тадбирлар ўтказди, кутубхона ходимларининг малакасини оширишни таъминлайди.

1974 йилда РИТК методик бўлими Ўзбекистон илмий-техника ахбороти илмий-тадқиқот институти (ИТАИТИ) нинг илмий-методик бўлими таркибига киритилиб ва «Илмий-техника ахборотини ташкил қилиш ва методикаси» номи билан ягона бўлимга айлангандан сўнг, унинг республика ИТКга методик раҳбарлик қилиш бўйича вазифаси анча кенгайди. Бўлим республика ИТК учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш ёки кутубхоначилар учун методик семинарлар ўтказибгина қолмай, балки Ўзбекистондаги қатнашчи-кутубхоналарнинг (уларнинг сони 87) Республика ягона ахборот-маълумотнома фондини (РЯАМФ) ривожлантиришда ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади, кутубхона ишларининг янги шакллари ва усуллари ҳамда РЯАМФ қатнашчи-кутубхоналари ўртасида илгор тажрибани тарқатиш тўғрисидаги маълумотларни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади, бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида РЯАМФ қатнашчи-кутубхоналари учун аниқ методик тавсияларни ишлаб чиқади ва таҳлил қилади. Жумладан, 1991 йилда бозор иқтисодиётни шароитида РЯАМФнинг фаолиятини уюштириш масалалари бўйича ҳужжатлар тўплами ишлаб чиқилган, кутубхоначи ходимлар учун «ИТК ва илмий-техника ахбороти (ИТА) органларида янги иш шакллари ва пуллик хизмат турлари» мавзuida семинар ўтказилган. «Қорхона ва ташкилотларда

ахборот-маълумотнома хизматини ташкил қилиш» мавзуида доимий ишлайдиган стажировка ташкил этилган. УЗИТАИТИ амалиётида биринчи марта ИТК ва ИТА органлари ходимлари учун кутубхоначилик маркетинги, иқтисодиёти, тижорат, реклама, амалий мулоқот асослари билан таништирадиган дастурларни мавжуд «Тижорат мактаби» очилган ва ҳоказо.

Методик бўлим ходимлари биринчи марта икки қисмдан иборат «Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари оладиган ватан вақтли нашрларининг йиғма каталогини» тайёрлади ва босмадан чиқарди. Каталог ИТК ва ИТА органлари ходимларига мўлжалланган бўлиб, республика кутубхоналари бўйича яхшигина йўл кўрсаткичдир. Каталогдан фойдаланиш осон ва ҳар қандай ахборот манбаи ва уларни йиғувчилар (кутубхоналар, ИТА органлари) тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик кутубхоналари системаси

Қишлоқ хўжалик кутубхоналари системасига қуйидагилар кирди:

1. Илмий тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, қишлоқ хўжалик олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, механизаторлар ва чорвадорларнинг ҳунар-техника билим юртлари кутубхоналари.

2. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг кутубхоналари.

3. Республика аҳамиятига молик тармоқ ихтисослаштирилган кутубхона марказлари — Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясига қарашли ва қишлоқ хўжалик вазирлигининг илмий тадқиқот институтлари кутубхоналари.

Қишлоқ хўжалик кутубхоналари системасида Республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхоналари катта роль ўйнайди. Бу кутубхоналар республика қишлоқ хўжалик ходимлари хизмат қилаётган барча кутубхоналарга ёрдам берадилар. Улар ўз фаолиятини республиканинг давлат кутубхоналари билан мувофиқлаштириб, республика миқёсида РИҚХК хос бўлган вазифани бажарадилар. Қишлоқ хўжалик кутубхоналари ўз фаолиятини универсал, илмий-техника кутубхоналари ва ахборот органлари билан мувофиқлаштирадilar.

Қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг ташкил эти-

лиши туфайли қишлоқ хўжалик кутубхоналарининг ҳамжиҳатлиги айниқса муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот муассасалари кутубхоналарини, озиқ-овқат ва уни қайта ишлаш саноати корхоналари техника кутубхоналарини ва қишлоқ хўжалик корхоналари жамоаларига хизмат қилувчи давлат ва касаба уюшмаларининг оммавий кутубхоналарини бирлаштирувчи системаларнинг таркиб топиш жараёни содир бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг Республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси (РИҚХК) 1929 йилда Бутуниттифоқ пахтачилик институти кутубхонаси негизида ташкил топган. 1991 йилга қадар собиқ Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги академияси Урта Оснё бўлимининг илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси (МИҚХК) деб аталган. 1991 йилдан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясининг Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси (РИҚХК) деб юритилади. 1972 йилдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги бўйича ватан ва хорижий адабиётларни сақлайдиган депозитар кутубхона, пахтачилик соҳасидаги адабиётларнинг марказий омборидир.

1991 йил охирига келиб, кутубхонанинг китоб фонди 517246 босма бирликни ташкил этиб, улардан 45238 таси депозитар бўлимда, 2900 га яқини китоб алмашиш бўлимидадир. Ягона китобхонлик рўйхати бўйича 4500 киши ҳисобга олинган, уларга 1991 йилда 200 минг нусха китоб берилган.

Кутубхонанинг вазифаси — олимлар, мутахассислар, талабалар, умуман, ўсимликшунослик, чорвачилик, уруғларни сақлаш ва ишлатиш, пиллачиллик, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалигининг бошқа масалалари билан қизиқувчиларга кутубхоначилик-библиографик ҳамда ахборот хизматини амалга оширишдир.

Сўнги йилларда кутубхона ўз фондиди қишлоқ хўжалигида ижара пудрати, хўжалик ҳисоби, қишлоқда кичик корхоналар ташкил қилиш, тижорат ва бошқа долзарб масалаларга бағишланган адабиётлар билан тўлдиришга асосий эътиборни қаратган. Кутубхона фондиди бутлашда республика кутубхона коллектори, китоб дўконлари, «Китоб — почта», халқаро ва ички китоб алмашиш каби барча анъанавий манбалардан фойдаланишмоқда. Кутубхона фаолиятида КАА ҳам кенг ўрин олган.

РИҚХК си республикадаги 16 та илмий-тадқиқот

институтлари, 3 та олий ўқув юрти, 36 та ўрта махсус билим юрти, 9 та тажриба станциялари, 7 та илмий-тадқиқот институтлари филиаллари қошидаги барча қишлоқ хўжалиги кутубхоналарининг илмий-методик маркази ҳисобланади. Тармоқ ходимларига ёрдам тариқасида хилма-хил шакл ва даражадаги қатор методик материаллар ишлаб чиқади ва тарқатади.

Республика илмий-тиббий кутубхоналар системаси

Тиббий кутубхоналар системасига:

1. Тиббий илмий тадқиқот институтлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, даволаш — касалликнинг олдини олиш муассасалари, клиникалар, касалхоналар ва шу кабиларнинг кутубхоналари,

2. Бош илмий тадқиқот институтлари кутубхоналари;

3. Республика ва область илмий-тиббий кутубхоналари киради.

Тиббий кутубхоналарнинг қуйи тармоғи илмий ходимларга, врачларга, талабаларга, ўрта тиббий ходимларга ўз ҳудудидаги барча кутубхоналар системаси фондига таяниб хизмат кўрсатади. Шу мақсадда бундай кутубхоналар йиғма каталоглардан, маълумотномалардан, етакчи тиббий кутубхоналардан (давлат илмий-тиббий кутубхонаси, область тиббий кутубхонаси) кенг фойдаланади, КАА орқали турли материалларнинг асл нусхалари ва кўчирмаларини китобхоналарга етказиб беради.

Ҳудудий методик марказ ҳисобланган Республика илмий-тиббий кутубхонаси (РИТК) ва область тиббий кутубхонаси (ОТК) тиббий кутубхоналар системасида муҳим ўрин эгаллайдилар. РИТК ва ОТК сида илмий ва махсус адабиётдан ташқари илмий оммабоп тиббий адабиётлар етарли бўлади. Бу кутубхоналар республика ва область марказларидагина эмас, балки шаҳарлар, район марказлари ва қишлоқларда яшаётган врачлар ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш ходимларини китоблар, махсус нашрлар ва турли ҳужжатлар билан таъминлаб турадилар, айни вақтда маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига хизмат кўрсатадилар.

Бу кутубхоналар ташкилий-методик ва ахборот-библиографик марказлар бўлиб, ҳудудий депозитарийлар сифатида ҳам фаолият кўрсатади, қуйи кутубхона-

ларнинг китоб фондларини марказлаштирилган асосда тўлдиришни ҳамда тиббий қурултой ва конференциялар материалларидан, рус тилида нашр этиладиган халқаро тиббий журналлардан, ҳамдўстлик мамлакатларидаги етакчи умумтиббий журналлардан олинган мақолаларни марказлаштирилган тарзда предметлаштиришни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика илмий-тиббий кутубхонаси (РИТК) таъбат фани ва соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича махсус кутубхонадир. У Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1935 йилда ташкил топган. Дастлабки пайтда унинг битта кутубхоначи ходими, 47 та китобхони ва атиги 348 нусха китоби бўлган эди. Ҳозирги вақтда у республикадаги 240 та тиббий кутубхоналарнинг қарийб 5 млн. нусхадан иборат китоб фонди асосида 185 мингга яқин китобхонга 5 млн. нусха адабиёт бера оладиган катта кутубхоначилик системасини бирлаштиради ва бошқаради.

РИТК нинг китоб фонди 1,2 млн. босма бирликдан иборат бўлиб, ўзининг ҳажми жиҳатдан Урта Осиёдаги йirik кутубхоналардан бири ҳисобланади ва ҳар йили 20 минг атрофидаги соғлиқни сақлаш ходимларига, талабаларга (сўнгги курс), илмий ходимларга 1 млн. босма бирлик миқдориди хилма-хил нашрлар билан хизмат қилади.

Кутубхонанинг китоб фонди ҳар йили турли мавзулардаги 30 мингдан ортиқ рус, ўзбек ва чет тиллардаги нашрлар билан тўлдирилиб борилади. Кутубхона фондида Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунари»нинг араб тилидаги нусхаси, XVIII—XIX асрларда нашр қилинган тиббий ноёб китоблар, ватан ва жаҳон тиббиётининг йirik арбоблари асарлари, вақтли матбуот нашрлари, авторефератлар, қисман фан номзоди ва докторлик диссертациялари тўпланган.

Кутубхонанинг китоб фонди РИТК нинг маълумотнома-библиографик аппарати (МБА) ёрдамида тарғиб қилинади. МБАнинг таркибий қисмларидан бири — марказлаштирилган тиббий кутубхоналарнинг каталог ва картотекалар системасидир. РИТКнинг каталог ва картотекалар системаси эса кутубхона фондиди тўлдириш, уни сақлаш ва ишлатиш самарадорлигини ошириш, библиографик ва ахборот, методик ва илмий-тадқиқот ишлари каби барча асосий вазифаларнинг бажарилшини таъминлайди.

РИТК каталог ва картотекалари системасининг қуйидаги асосий функциялари мавжуд: ғоявий-тарбиявий ва илмий-ахборот. Унинг ғоявий-тарбиявий функцияси китоб тарғиботи ёрдамида китобхонларда илмий дунёқарашни шакллантириш, таъбат ходимларини ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик руҳда тарбиялашга ёрдам беришдир. РИТК каталог ва картотекалар системасининг илмий-ахборот функцияси эса таъбат ходимларининг касбий малакалари даражасини кўтариш, фан ютуқлари, илғор тажрибаларни ёйиш, тиб илмининг ривожланишига ёрдам бериш, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўсиши тараққиётини тезлаштиришга ёрдам беришини белгилаб беради.

РИТК марказлаштирилган системасида қуйидаги каталог ва картотекалар мавжуд:

1. Алифболи каталог.
2. Системали каталог.
3. Ийғма ҳудудий алифболи каталог.
4. Предмет каталог.
5. Вақтли матбуот нашрлари картотекаси.
6. Методик хатлар, кўрсатмалар, тавсиялар, ахборот хатлари картотекаси.
7. Институтлар асарлари картотекаси.
8. «Ихтиролар тавсифи» картотекаси.
9. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар картотекаси.
10. «Иқлимшунослик» картотекаси.
11. «Акупунктура» картотекаси.
12. Тақризлар картотекаси.
13. Ўзбекистон тиббиёт олимлари асарлари картотекаси.
14. «Ўлка паталогияси» картотекаси.
15. Обзор мақолалар картотекаси.
16. Китоблараро библиография картотекаси.
17. Чет эллар таъбати картотекаси.

Булардан алифболи каталог асосий китоб сақланадиган жойнинг, шунингдек РИТК нинг китоб алмашиш ва депозитор сақлаш фонди учун маълумотнома вазифасини бажарса, системали каталог шу фондлар учун ахборот вазифасини ўтайди. Ийғма ҳудудий алифболи каталог РИТК марказлашган системасининг асосий, алмашиш ва депозитар сақлаш фондлари ҳамда қатнашчи кутубхоналар Тошкент Давлат тиббиёт институти, Андижон Давлат тиббиёт институти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Самарқанд

тиббиёт паразиталогия илмий текшириш институти, Зардоб ва эмлаш илмий тадқиқот институти, Тошкент область илмий-тиббий кутубхонаси учун марказий каталог вазифасини бажаради.

Жами бу каталог ва картотекаларда 5 млн. дан ортиқ карточкалар жойлашган бўлиб, китобхонларнинг хилма-хил саволларига жавоб беради.

РИТҚ да тўлдириш, китобларга ишлов бериш, хизмат кўрсатиш, илмий-тадқиқот ва методик ишлар, китоб сақлаш, библиография, илмий ахборот, чет эл адабиётлари, нашриётчилик, таҳририй ҳамда маъмурий-хўжалик каби асосий бўлимлар фаолият кўрсатади.

Кутубхона ҳузурида республика миқёсида етакчи мутахассисларга ахборотни жамоа бўйича ва танлаб тарқатувчи Республика илмий-тиббий ахборот бўлими (РИТАБ) ишлайди; у бўйича муҳим илмий-техника масалаларга доир илмий кенгашлар ва муаммо комиссиялари раислари, дастурлар раҳбарлари учун обзорли ва рефератив ахборот берилади.

Бўлимда соғлиқни сақлаш вазирликлари ходимлари учун раҳбарларга табақалаштирилган асосда хизмат кўрсатиш системаси ҳам ташкил этилган.

РИТҚ си Республика илмий-техника кутубхонаси ва илмий-қишлоқ хўжалиги кутубхонаси сингари туркумий хусусиятларга эга. У республика тиббий ва тиббий-техника ахбороти, илмий тадқиқот институтлари билан биргаликда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш бўйича ягона маълумотнома-ахборот фондиди вужудга келтиради.

Тиббий кутубхоналарнинг ўзаро ҳамда бошқа тармоқ ва соҳаларга қарашли кутубхоналар билан уйғунлашуви ва мувофиқлашуви РИТҚ сининг тиббий кутубхоналарга ташкилий-методик раҳбарлик қилиш вазифаларининг самарали ривожлантирилишига боғлиқдир. Республика тиббий кутубхоналарига методик ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида режали тарзда чиқишлар уюштирилади, илмий-амалий конференциялар, семинар-кенгашлар ташкил қилинади, долзарб мавзуларда кутубхоначи ходимларнинг семинар машғулотлари ўтказилади, қатор методик қўлланмалар, кўрсатмалар, ишланмалар тайёрланади ва кутубхоналарга тарқатилади, илгор тажрибалар оммалаштирилади.

Ўзбекистон халқ таълими системасидаги кутубхоналар ва бошқа идораларнинг кутубхоналари

Олий ўқув юрти кутубхонаси илмий, ўқув-кўмакчи ва маданий-маърифий муассасадир. Бундай кутубхона институтнинг профессор-ўқитувчилар таркибини, илмий ходимларни, аспирантларни, талабаларни ва бошқа ходимларни адабиёт билан таъминлайди ва уларга кутубхоначилик-библиографик хизмат кўрсатади. Тегишли ихтисосдаги бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг ходимлари ҳам ундан фойдаланишлари мумкин. Институт кутубхонаси талабаларни ахлоқий руҳда тарбиялашга, уларнинг мустақил ишлашини, келгусидаги касбни эгаллаш борасида ижодий ташаббусини ривожлантиришга фаол кўмаклашади.

Илмий тадқиқот ишлари зўр бериб олиб борилаётган, илмий адабиётлар фондлари ғоят кўп тўпланган энг кўҳна ва энг йирик институтлар кутубхоналари — илмий кутубхоналардир, лекин улар, табиийки, таълим-тарбия жараёнини таъминлаш вазифасини ҳам бажарадилар. Бошқа ҳолларда институт кутубхоналари асосан ўқув хусусиятига эга, аммо улар у ёки бу даражада ўқув юрти илмий тадқиқот ишини таъминлаш вазифасини ҳам адо этадилар.

Олий ўқув юртларида кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этишнинг уч поғонали тузилиши таркиб топган, бу асосий кутубхона, институт факультетларидаги ва бошқа бўлинмаларидаги филиал кутубхоналарни ҳамда кафедралар, кабинетлар ва лабораториялар ҳузуридаги факультет ва институт кутубхоналарининг бўлинмаларини ўз ичига олади.

Асосий (марказий) кутубхона умумий ташкилий методик раҳбарликни, китоб фондиди марказлаштирилган тарзда бутлашни, уларга ишлов беришни, китобларни сақлашни, библиографик ишни амалга оширади. Китобхоналарга хизмат кўрсатиш учун ихтисослаштирилган ўқиш заллари ва кабинетлари системаси ташкил қилинади.

Олий ўқув юртлари кутубхоналари тармоғи ривож топган йирик шаҳарларда бош кутубхоналар ажратилади. Шаҳар олий ўқув юртлари кутубхоналари тармоғига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш, унда ягона маълумотнома аппаратини вужудга келтириш, китоб фондиди тўлдириш, ахборот-библиографик фаоли-

ят, шунингдек китобхонларга хизмат кўрсатиш соҳасида бошқа системалардаги кутубхоналар билан ишлаш режаларини мувофиқлаштириш масалаларини ҳал қилиш шу кутубхоналар вазифасига киради.

Энди шаҳарларнигина эмас, балки йирик иқтисодий районларни ҳам қамраб оладиган олий ўқув юртлари кутубхоналарининг ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ишлашини янада кенгайтириш 80-йилларнинг охириларида олий ўқув юртларининг зонал кутубхоналарини ташкил қилиш билан боғланган эди (масалан, Самарқанд Давлат университети Асосий кутубхонаси ва бошқ.) Бундай кутубхоналар кутубхоначилик ишининг айрим турларига оид ташкилий ва методик масалаларни ишлаб чиқишда қатнашадилар. Китоб фондларини оқилона бутлашга ва ташкил қилишга, китобхонларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатишнинг самарали системасини яратишга, илғор кутубхоначилик тажрибасини ўрганишга, умумлаштиришга ва жорий этишга, кутубхона ходимларининг малакасини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказадилар, бошқа турдаги ва бошқа идораларга қарашли кутубхоналар билан уйғун иш кўришни амалга оширадилар.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида бутун кутубхоначилик ишини кутубхоначилик-библиографик ишлар бўйича республика илмий-методик Кенгаш (КБИБРИМК) мувофиқлаштиради. Тошкент давлат университетининг илмий кутубхонаси базасида иш олиб борувчи бу кенгаш раиси ўринбосари шу кутубхона директори ҳисобланади.

Тошкент давлат университетининг илмий кутубхонаси 1918 йилда Туркистон халқ университети қошида собиқ эркаклар ва аёллар гимназияси негизида барпо қилинган. Унинг китоб фонди дастлаб тарқатиб юборилган ташкилотлар ва ўқув юртлари кутубхоналари ҳисобидан ҳамда аҳолидан китоб йиғиш асосида туپланди. 1918 йил ёзида кутубхонанинг фонди 15 минг наشر бирлигидан иборат ўқув ва илмий адабиётлардан иборат эди. Шу йили Туркистон халқ университетини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар билан таъминлаш ишларини йўлга қўйиш мақсадида Москвада ташкилий Комитет тузилган бўлиб, 1919 йил бошларида унинг қошида кутубхоначилик ишлари билан шуғулланувчи махсус комиссия ташкил этилди. Унинг таркибига йирик алломалар ва олимлар киритилган ва унга профессор И. Г. Александров раҳбарлик қилар эди. Комиссия 1919 ва 1920

Йилнинг биринчи ярмигача тинмай ишлаб, Туркистон халқ университети кутубхонаси учун 50 мингга яқин турли мавзулардаги ўқув ва илмий адабиётларни Тошкентга юборди.

1921 йилда Тошкентдаги И. А. Тимирязев номидаги халқ маорифи институти педагогика факультети сифатида университетга қўшиб юборилди, натижада унинг 24598 жилддан иборат кутубхонаси университет кутубхонаси таркибига олинди. Умуман, бу жараён 1930 йилга қадар давом этиб, кўплаб ўз фаолиятини тўхтатган муассасаларнинг кутубхоналари ҳамда совға қилинган адабиётлар ҳисобига университет кутубхонаси фонди бойиб борган бўлса, шу давр мобайнида университет таркибидан мустақил 13 олий ўқув юрти ажралиб чиқди ва уларнинг кутубхоналарини барпо қилишда университет кутубхонаси оталиқ қилди.

Ҳозирги вақтда кутубхонанинг китоб фондида 3.5 млн. дан ортиқ турли фан соҳаларига доир адабиётлар мавжуд бўлиб, ўзининг таркиби ва миқдори жиҳатдан Урта Осиё ва Қозоғистон давлатлари олий ўқув юртлари кутубхоналари ичида энг йирик кутубхона ҳисобланади.

Унинг китоб фонди таркибида 1127485 илмий ва ўқув адабиётлари, 233174 нусха чет тиллардаги нашрлар, 202 мингдан ортиқ алмашув-резерв қўри мавжуд. Биргина 1991 йилда унинг китоб жамғармасига янгидан 16332 номдаги, 80847 босма бирликдан иборат хилма-хил нашрлар, 1911 номда 30368 нусха ўқув-педагогик адабиётлар, 3759 номда 5768 та бадиий ва 1782 номда 16965 нусха бошқа нашрлар, шунингдек 12909 вақтли матбуот нашрлари олинган.

Илмий кутубхонанинг қуйидаги 8 функционал ва 9 соҳавий бўлимлари мавжуд:

1. Китоб фондини тўлдириш бўлими (бўлимда ватан адабиётлари билан тўлдириш, чет эллар билан китоб алмашув, ички китоб алмашув секторлари мавжуд);
2. Китобларга илмий ишлов бериш ва каталоглаштириш бўлими (адабиётларни чет ва шарқ тилларида тавсифлаш, системалаштириш ва каталогларни ташкил қилиш секторлари);
3. Китоб фондини сақлаш бўлими (нодир китоблар ва қўлёзмалар, илмий ва махсус адабиётларни сақлаш, адабиётларни тақсимлаш ва факультет кутубхоналарида сақлаш секторлари);
4. Илмий-библиография бўлими (ретроспектив биб-

лиография, маълумотнома-библиографик ишлар, кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш секторлари);

5. Ғоявий-тарбиявий ишлар бўлими (кўргазмаларни тайёрлаш ва безаш, оммавий тадбирлар тайёрлаш секторлари);

6. Илмий-методик ишлар бўлими (олми ўқув юртлари кутубхоналари, ўрта-махсус билим юртлари кутубхоналари секторлари);

7. Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими (абонемент, ўқув заллари, КАА ва факультет ва кафедралар кутубхоналари секторлари);

8. Кутубхоначилик-библиографик ва ахборот жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўлими (нусха олиш ва кўпайтириш, фотолаборатория, китоб муқовалаш секторлари).

Илмий кутубхонанинг бу функционал бўлиmlаридан ташқари университет асосий бивоси ва факультетларда жойлашган 9 ўқув кутубхона филиаллари мавжуддир. Улар: ўқув кутубхонаси (асосий бивода), кимё, биология, физика, филология, тарих, ҳуқуқшунослик, шарқшунослик факультетлари ва тайёрлов бўлимининг чет эл талабалари учун кутубхоналаридир.

1991 йилда илмий кутубхона китобхонларга 9 абонемент, 972 ўринлик 13 ўқув заллари орқали ҳамда 45 кафедралар ўқув кабинетларида кутубхона хизмати кўрсатган. Кутубхона ютуқларидан бири унинг асосий китоб фонди китобхонлар учун «очик дастур» бўйича ташкил этилишидир, яъни талабалар филиал-кутубхоналар фондининг маълум қисми бевосита ўзлари кириб, адабиёт танлашади. Бу албатта, вақтни тежашда муҳим аҳамиятга эгадир. Махсус залларда янги олинган адабиётлар билан таништириш учун «Ахборот ҳафталиклари» ташкил қилинади (1991 йилда 9 марта уюштирилган). «Кафедралар кўни», «муv-тахассислар кўни», «дипломантлар кўни» каби ва бошқа кўргазмалар уюштирилган (жами 152 кўргазма).

Илмий кутубхонада ягона китобхонлик билети жорий қилинган бўлиб, 1991 йилда 20311 китобхонга хизмат кўрсатилган. Улардан 17427 таси университет талабаларидир. Китобхонлар томонидан жами 1115000 нусха бирликдаги турли нашрлар ўқилган. Шу жумладан, 725765 босма бирликни ўқув-педагогик нашрлар, 283294 илмий адабиётлар, 73856 нусха бадий ва 32585 та бошқа нашрлар ташкил этади. Жами берилган ада-

биётларнинг 270751 нусхаси ижтимоий-сиёсий, 8820 нусхаси чет тиллардаги нашрлардир.

Бир йиллик умумий қатновлар сони 671139 та бўлиб, ўртача китоб ўқилиши 55,2 ни, ўртача қатнов 33 ни, китоб билан таъминланиш 160 ни, кутубхона фонднинг айланиши кўрсаткичи эса — 0,3 маргани ҳосил қилади.

Тошкент университетининг илмий кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари бўйича ҚААнинг мувофиқлаштирувчи маркази, олий ва махсус ўқув юртлари кутубхоналарига методик марказ вазифасини ўтайди. Кутубхонанинг илмий-методик ишлар бўлими ўз ишини кутубхоначилик-библиографик ишлар бўйича республика илмий-методик кенгаши (КБИБРИМК) нинг режаси ва раҳбарлигида амалга оширади.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси олий таълим вазирлигининг Республика ўқув-методика кабинети (РЎМК) қошида барпо қилинган бўлиб, Республика олий ва махсус таълим ўқув юртлари кутубхоналарининг методик маркази ҳисобланган Тошкент давлат университетининг илмий кутубхонаси базасида иш олиб боради. Кенгаш республика методик маркази ҳудудий шаҳар методик марказлари (м — н, СамДУ асосий кутубхонаси) олий ўқув юртлари айрим кутубхоналарининг (м — н, ТИИМСХ илмий кутубхонаси) методик ишлар бўйича тузган ҳисобот ва иш режаларининг кўриб чиқади, улар томонидан тайёрланган методик ҳужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Тошкент Давлат техника университети (ТДТУ).

Тошкент қурилиш-меъморчилик институти (ТҚМИ)
ва Тошкент кимё-технология институти (ТҚТИ)ларининг
ўқув юртлариаро кутубхонаси

Кутубхона 1929 йилда Ўрта Осиё пахтачилик-суғориш политехника институти (1933 йилдан у Ўрта Осиё саноат институти дейилади) негизда ташкил топган. 1949 йилда институти Ўрта Осиё политехника институти 1961 йилда эса у Тошкент Политехника институти (ТПИ) деб юритилади. 1990 йилда ТПИ дан механика ва самолётсозлик факультетлари ажралиб чиқиб, улар асосида Тошкент машинасозлик институти (ТМИ) барпо қилинади. Кутубхона эса иккита олий ўқув юр-

тига хизмат кўрсатганлиги учун ТПИ ва ТМИ ларининг институтлараро кутубхонаси бўлиб қолади.

1991 йил июлида ТПИ ва ТМИ қайта қурилиб, Тошкент Давлат техника университети (ТДТУ) га айланади, унинг меъморчилик, саноат ва гражданлик қурилиш ва қурилиш-муҳандислик факультетлари негизида Тошкент меъморчилик-қурилиш институти (ТМҚИ), кимё факультети асосида эса Тошкент кимё-технология институти (ТКТИ) ташкил этилади. Натижада ТПИ ва ТМИ ларининг институтлараро кутубхонаси эндиликда Тошкент Давлат техника университети (ТДТУ), Тошкент қурилиш-меъморчилик институти (ТҚМИ) ва Тошкент кимё-технологик институтларининг (ТКТИ) институтлараро кутубхонаси сифатида фаолият кўрсатади.

Кутубхона ҳақ тўлаш бўйича 1 гуруҳга киритилган. Кутубхонада 106 киши иш юритади, уларнинг асосий қисми олий ва ўрта махсус маълумотга эгадир.

Институтлараро кутубхонанинг 17 филиал кутубхоналари бўлиб, улардан 7 таси республиканинг турли шаҳарларида (Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Жиззах, Қарши, Андижон, Нукус) жойлашган, 1992 йил 15 мартдан бошлаб яна қўшимча равишда ТДТУ ва ТМҚИ ларининг жойларда 8 филиал-кутубхонаси барпо қилинади (Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Термиз, Наманганда, қўшимча равишда яна Жиззах, Қарши, Нукус ва Андижон шаҳарларида).

Кутубхонанинг китоб фонди 1781677 босма бирликни ташкил этади. Кутубхонанинг умумий майдони 2994 кв. м. бўлиб, 833 ўринли 18 ўқув залига эга. Ягона китобхонлик билети бўйича кутубхона 40250 кишига хизмат кўрсатади. Умумий қатнов 807975 мартани ташкил қилади, жами китоб берилиши миқдори — 111960 нусхадир.

Кутубхонанинг китобхонлари қаторида ўқитувчи-профессорлар, илмий ходимлар, аспирантлар, талабалар, малака ошириш факультетлари тингловчилари ва ҳоказоларни кўриш мумкин.

Кутубхонада қуйидаги бўлим ва бўлимчалар мавжуд:

1. Босма нашрлар билан тўлдириш.
2. Босма нашрларга ишлов бериш.
3. Китобхонларга хизмат кўрсатиш ва босма нашрларни сақлаш.
4. Маълумотнома-библиография.

5. Методик бўлим.
6. Ғоявий-оммавий тарғибот сектори.
7. КАА сектори.
8. Чет эл адабиётлари сектори.
9. Бошқа шаҳарлардаги тармоқ кутубхоналари сектори.

Кутубхонада алифболи ва системали каталог, чет эл адабиётлари каталоги, журналлар, илмий асарлар ва диссертациялар картотекаси мавжуд. Булардан ташқари, ТДТУ, ТМҚИ ва ТКТИ томонидан нашр қилинган методик қўлланмалар, янги олинган нашрлар, олий таълим бўйича картотекалар, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги журналлар мақолаларининг картотекалари олиб борилди.

Кутубхонанинг илмий-методик бўлими вазифаларига асосий кутубхона барча бўлимлари ва соҳавий кутубхоналар методик ишларини мувофиқлаштириш, кўрсатма ва тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқди, кутубхонада меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган айрим иш жараёнларини бир хилга келтириш ва бирлаштиришлар кирди. Кутубхона ходимларининг малакасини ошириш мақсадида бўлим тарафидан амалий семинарлар, ёш кутубхоначи мактаблари ташкил этилади, уларни қизиқтирган масалалар юзасидан тушунтиришлар, маслаҳатлар берилди. Масалан, қуйидаги мавзуларда семинарлар ўтказилган; Олмалиқ кутубхоналари базасида илғор тажриба алмашиш; бўлимнинг йиллик режаси ва ҳисоботини тузиш; кутубхоначининг иш вақти бюджетини ҳисоблаб чиқиш; режа ва ҳисобот учун статистик жадваллар тузиш. Соҳавий кутубхоналар ходимлари учун «Китоб билан таъминлаш картотекаси билан ишлаш» мавзuida семинар ташкил қилинган ва ҳоказо. Кутубхона шаҳардаги институт кутубхоналарининг методик маркази ҳисобланади.

Олий ўқув юртлари кутубхоналари учун конференциялар, семинарлар ташкил этилади. Кутубхоналарга тааллуқли хилма-хил қарорлар, фармонлар чиққанда институт кутубхоналари ходимлари чақирилади ва унга муносабат билдирилади, бошқа давлатларда у ёки бу масалалар бўйича конференция ва кенгашларда қатнашганлар бўлса, улардаги институт кутубхоналари тўғрисида ахборот берилди, тажриба алмашинади.

Кутубхона «ТДТУ илмий асарларидаги илмий ишлар кўрсаткичи»ни чиқаради. Ҳозир унинг 5 та чиқари-

лиши тайёрланган. «Қайнашда иссиқлик чиқиши» (теплоотдача при кипении). деган кўрсаткич эса нашрга тайёрланмоқда.

Тошкент қишлоқ хўжалик университетининг асосий кутубхонаси

Тошкент қишлоқ хўжалик университетининг (ТҚХУ) асосий кутубхонаси 1932 йилда Урта Осиё университетининг қишлоқ хўжалиги—факультети, Урта Осиё пахтачилик институти, Урта Осиё пиллачилик институтлари кутубхоналари фонди негизда ташкил топган. Утган 60 йил мобайнида у республикадаги йирик институт кутубхоналаридан бирига айланиб, ҳозир унинг китоб фонди 1,5 млн. нусхага етди. Умумий миқдорнинг 48 фонзини дарслик ва ўқув қўлланмалари ташкил этиб, талабаларни дарсликлар билан таъминлашда катта ютуқларга эришилган (1 талабага 3 тадан дарслик тўғри келади).

Кутубхонанинг китоб фонди ҳар йили 20—30 минг нашрга кўпайиб боради. Кутубхона биргина 1990 йили 67776 сўм 79 тийинлик вақтли матбуот нашрларига обуна бўлган (1989 йили 5315 сўм 98 тийин эди). Кутубхона фондини тўлдириш университетнинг ўқув режаси, илмий-тадқиқот ва ғоявий-тарбиявий ишлари режасига мувофиқ қатъий илмий асосда амалга оширилади. Китоб фонднинг айланиши бир маромда, сўнгги йилларда у 1,2 мартадир.

Кутубхона китобхонларга хизмат кўрсатишнинг бир мақсадга йўналтирилган, университетнинг ўқув ва илмий жараёнини таъминлашга қаратилган аниқ системасига эга. Унинг асосини ҳам китобхонлар гуруҳлари, ҳам адабиёт турлари ва хиллари бўйича табақалаштирилган асосда хизмат кўрсатиш ташкил этади. Талабаларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш дарсликлар фонди негизда ташкил этилади. Бунда гуруҳлар ва потоклар бўйича хизмат кўрсатиш, аввалдан тайёрланган дарсликлар тўпидан фойдаланиш, ёзмасдан адабиёт бериш системаси каби илғор иш усуллари ишлатилади.

Кутубхона жамоаси ҳозирги замон долзарб масалаларига бағишланган адабиётлар тарғиботининг хилма-хил шаклларида фойдаланади. Масалан, 1989 йил мобайнида 352 мавзудаги китоб кўرғазмаси расмий-

лаштирилиб, намоиш қилинган 4 марта ахборот кунлари, 2 марта кафедралар кунлари ўтказилган. Кутубхонанинг лингафон хонасида муҳим библиографик обзорлар радио орқали эшиттирилган, кўплаб ўқитилаётган предметлар бўйича машғулотлар пайтида кино ва диафильмлар кўрсатилган, маърузаларни ёзиб олиб, талабалар талаби бўйича эшиттириш уюштирилган, университетнинг «Агроном» номли кўп тиражли газетасида ахборотлар бериб борилган. Шу ишларнинг натижаси ўлароқ, кутубхонага аъзо бўлган 11276 китобхонга 1,14 млн. нусхадан ортиқ китоб берилиб, ўртача китоб ўқилиши 101 нусхани ташкил этган.

Кутубхонанинг маълумотнома-библиографик бўлими китобхонларга ҳар йили ўртача 16 мингта маълумот беради. Ҳар 3 ойда бир марта, мунтазам равишда ахборот кунлари уюштирилади. Кафедра библиографлар кафедралари ойига 1 марта янги келиб тушган адабиётлар рўйхати билан таъминлайдилар. Раҳбарларга табақалаштирилган тарзда хизмат кўрсатиш системаси самарали амалга оширилган. Кутубхоначилик-библиографик илм асослари бўйича машғулотлар узлуксиз ўтказиб борилади.

Кутубхона жамоаси ўз ишини ташкил этишда жамоатчилик органларига суянадилар. Жумладан, кутубхона ҳузурда ишлаётган кутубхона кенгаши ўз режасини университетнинг ўқув ва илмий фаолияти билан келишган ва мувофиқлаштирилган асосда тузиб олган. Унинг мажлисларида кутубхона фондиди тўлдириш, сақлаш ва уни тарғиб қилиш муаммолари, талабаларни дарсликлар ва бошқа ўқув-методик материаллар билан таъминлаш масалалари, қарздор китобхонлар билан ишлаш ва ҳоказолар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинади.

Республика илмий педагогика кутубхонаси

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими системасидаги йирик кутубхоналардан бири республика илмий педагогика кутубхонасидир. Кутубхона 1934 йилда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ёрдамчи бўлинмаларидан бири сифатида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда республика халқ таълими системасидаги кутубхоналарнинг илмий-методик, ахборот-библиографик ва мувофиқлаштирувчи маркази ҳисобланади.

Кутубхонанинг бешта бўлими мавжуд: илмий-методик, илмий-библиографик, адабиётлар билан тўлдирish, нашрларга илмий ишлов бериш ва каталоглаштириш, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва китоб сақлаш.

1991 йилга келиб, кутубхонанинг фонди 400 минг босма бирликдан ошиб кетган. Ҳар йили унинг китоб фонди ўртача 18—20 минг нусха китоблар, 365 номдаги журналлар, 46 номдаги газеталар билан тўлдирилиб борилади.

Шу нарса диққатга сазоворки, кутубхонада МДХ ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган халқ таълими ва педагогикага оид барча журналлар, биринчи чиққан йилидан бошлаб, барча сонлари тўла сақланади.

Ватан уруши йилларида кутубхона ўз фаолиятини фаоллаштиради. Бу йилларда унинг фондидан кўплаб болалар уйларига, мактабларга китоблар берилган. У республика пойтахтидаги маданий марказлардан бирига айланган эди. Унинг ўқиш залларида Тошкентга кўчириб келтирилган ёзувчилар, шоирлар, олимлар тўпланишар эди.

Ҳозирги вақтда кутубхона 5 мингдан ортиқ китобхонларга хизмат кўрсатади. Улар илмий-педагогик кодимлар, аспирантлар, мактаб ўқитувчилари, педагогика институтлари ва педагогик билим юр்தларининг ўқитувчи-профессорлари ва талабаларидир.

Кутубхонанинг маълумотнома-ахборот аппарати қатор каталог ва картотекалар системасидан иборат бўлиб, улар орасида халқ маорифи бўйича газета ва журналлар мақолалари картотекаси катта аҳамиятга эгадир. Бу картотека китобхонларга 1920 йилдан то ҳозирги вақтга қадар мамлакатда ва Ўрта Осиё республикаларида халқ маорифининг шаклланиши, ривожланиши ва тараққиёти масалалари билан таништиради ва ахборот беради.

РИПК халқ таълими системасидаги — педагогика институтлари, педагогика ўрта махсус билим юр்தлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ҳамда мактаб кутубхоналарига ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади. Шу мақсадда система кутубхоналари учун методик қўлланмалар, тавсиялар, хатлар тайёрлайди, семинар-кенгашлар ташкил қилади, кутубхона ходимлари малакасини ошириш курсларини уюш-

тиради, илғор кутубхоначилик тажрибаларини аниқлайди, ўрганади, умумлаштиради ва амалиётга жорий этади.

Кутубхона методик ишларининг асосий йўналишларидан — соҳага қарашли кутубхоналар фондиди тўлдиришни такомиллаштириш; кутубхоналар фондиди кутубхона-библиографик жадваллар бўйича жойлаштиришга ёрдам бериш ва кутубхоналар амалиётига СИБИБ системаси («Система стандартов по информации, библиотечному и издательному делу» — «Ахборот, кутубхоначилик ва нашриёт ишлари бўйича стандартлар системаси»)ни жорий этишдир.

Кутубхона шаҳар мактаб кутубхоналарини тармоқ бўйича марказлаштириш тажрибаларини поёнига етказган.

Қасаба уюшмаларининг кутубхоналари

Қасаба уюшмаларининг оммавий кутубхоналари давлат кутубхоналаридан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш принципи асосида ташкил қилинади. Бундай кутубхоналар қорхоналар (ташкilotлар, муассасалар) тузиллишида бўлиб, конкрет меҳнат жамоасига китоб хизмати кўрсатиш вазифасини бажаради.

Қасаба уюшмаси кутубхонаси универсал оммавий кутубхона вазифасини бажариб, китобхонларнинг ишлаб чиқариш талаб эҳтиёжларига хизмат кўрсатишга, шунингдек қасаба уюшмаси фаоллари билан ишлашга катта эътибор беради. Ана шу вазифаларга мувофиқ тарзда қасаба уюшмаси кутубхонасининг фонди бутланади. Бу фонд ижтимоий-иқтисодий адабиётлар билан, жумладан, меҳнат (меҳнат иқтисодиёти, унинг унумдорлигини ошириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат ҳуқуқи, меҳнатни ташкил қилишнинг бригада шакли, меҳнат жамоаси, меҳнатни ташкил қилиш ҳамда нормалаш ва шу қабилар), ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот, қасаба уюшмалари кадрлари, қасаба уюшмалари фаоллари, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнатқашларнинг иштироки, мусобақа назарияси ҳамда уш ташкил этиш ва бошқа шу қабил мавзулардаги адабиёт билан давлат оммавий кутубхонасига нисбатан кўпроқ тўлдирилиб борилади.

Қасаба уюшмаларининг кутубхоналари фонди давлат оммавий кутубхоналари сингари универсал маз-

мунга эга, лекин булар хизмат кўрсатилаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш соҳасини ва ишлаётганларнинг таркибини ҳисобга олиб вужудга келтирилади.

Қасаба уюшмаларининг кутубхоналари клубларда, маданият уйлари ва саройларида ҳамда корхоналарда жойлаштириладиган кўчма кутубхоналарни ўз ичига олади. Бундан ташқари, заводлараро, қасаба уюшмаларинро (ёкки ва бундан кўп қасаба уюшмаси) жумҳурият, область, шаҳар таянч кутубхоналари ташкил қилинади.

Қасаба уюшмалари оммавий кутубхоналари маблаглар, штатлар ва иш жараёнларини ҳам тўлиқ, ҳам қисман марказлаштириш асосида бирлашадилар. Маъмурий район ёки шаҳар доирасида турли қасаба уюшмаларининг кутубхоналарини бирлаштирувчи уюшмалараро МКСлар, бир тармоқ қасаба уюшмасининг қасаба уюшмалари кутубхоналарини бирлаштирувчи заводлараро МКС лар ҳам мавжуд. Йирик корхоналарда цех филиал кутубхоналари, китоб бериш жойлари системаси билан мустақил қасаба уюшмалари кутубхоналари сақланмоқда.

Қасаба уюшмалараро МКС тармоқ қасаба уюшмасига мансублигидан қатъи назар, қасаба уюшмаси комитетларининг кутубхоналарини бирлаштирадилар. Буларга, одатда, камида 5 минг кишидан иборат ишловчиси бўлган корхоналарга хизмат қилувчи кутубхоналар, шунингдек уюшма ташкилотларининг балансида бўлган клублар, маданият уйлари ва саройларининг кутубхоналари кирадилар. Қасаба уюшмаларининг кутубхоналари корхоналарга кутубхона хизмати кўрсатишни техника кутубхоналари билан тифиз ҳамкорлик асосида ташкил қиладилар. Улар техника кутубхоналари билан биргаликда цехларда ва ишлаб чиқариш участкаларида филиал кутубхоналар ва китоб бериш жойларининг ягона тармоғини ташкил қиладилар, махсус адабиётнинг йиғма каталогларини тузадилар, янгидан келтирилган китобларнинг ахборот бюллетенларини нашр этадилар, биргаликда оммавий тадбирлар (кўрик-кўргазмалар, ахборот кунлари, мутахассис кунлари, библиография кунлари ва шу кабилар) ўтказадилар. Техника кутубхоналари билан қасаба уюшмалари кутубхоналари ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг асосий принциплари Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Кенгаши ҳамда фан ва техника давлат комитети тасдиқлаган умумий тавсияларда белгилаб берилган.

Ўзбекистоннинг барча йирик саноат корхоналарида кутубхона бирлашмаларини вужудга келтириш, уюшма ва техника кутубхоналарининг асосий қисмини идоралараро ҳамжиҳатлик системасига режали равишда жалб этишни таъминлайди.

1976 йилдан бошлаб Ўзбекистон қасаба уюшмалари кутубхоналарининг ҳудудий методик маркази — республика таянч қасаба уюшмалари кутубхонаси ишлаб турибди. Таянч кутубхона қасаба уюшмаси кутубхоналар тармоғига методик ёрдам беради ва давлат методик марказлари билан қасаба уюшмаси тармоғи ўртасида боғловчи бўғин ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 1100 га яқин қасаба уюшмалари кутубхоналари меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда. 1990 йилга келиб, Республикада 12 область таянч қасаба уюшмаси кутубхонаси, 24 уюшмалараро, 20 заводлараро ва 16 мустақил йирик марказлашган системалар ишлаб турибди.

1981 йилда Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган уюшмалараро марказлашган системанинг китоб фонди 150 минг нусхадан ошиб кетди, бу кутубхона 20 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчиларга хизмат кўрсатади. Шаҳарда ишлаётган 40 мингга яқин меҳнаткашларни янада кўпроқ кутубхонага жалб қилиш мақсадида кўплаб филиаллар, кўчма кутубхоналар, китоб бериш жойлари барпо қилинган.

Кутубхоначилик ишини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш кутубхоналарининг ҳамжиҳатлиги шакллари

Ҳар бир кутубхона ва кутубхона тармоғи вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ўзлари хизмат қилгани лозим бўлган китобхонларнинг ахборотга бўлган талабларини ҳисобга олиб, улар кутубхоналар олдига қўйган вазифаларга мувофиқ тарзда ташкил қилинади ва ишлайди. Ана шу омиллар вазифалардаги, китобхонлар таркибидаги, уларнинг қизиқишларидаги, китоб фондидаги, ташкилий тузилиш ва бошқарувдаги муайян (кўпинча муҳим) тафовутларни белгилайди.

Кутубхоналарнинг идоралар ва ташкилотлар бўйича тарқатиб (сочиб) юборилишига китобхонларни муайян табақаси билан ишлашнинг ўзига хос хусусияти, китобхонларга яқинлаша бориш, унинг талабларини қондириш зарурати кўп даражада сабаб бўлди. Суриш-

тирмай ҳамма кутубхоналарни бараварлаштириш ярамайди, система ихчам бўлиши керак. Китоб кимга жуда зарур бўлса, энг керакли китобни ўшанга ўз вақтида бериш лозим — ана шу кутубхона шiori бу иш ҳақида бир қанча идоралар ва ташкилотлар ғамхўрлик қилган чоғдагина амалга оширилиши мумкин.

Бироқ, ҳар бир кутубхона кутубхоналар ягона системасининг таркибий қисми сифатида эмас, балки бошқа кутубхоналардан ажралган муассаса сифатида ривожланидиган бўлса, бу ҳол кутубхоналар тармоғили жойлаштиришда, кутубхоналар фонддини шакллантиришда такрорлашга ва параллелизмга, улардан етарли фойдаланмасликка, китобхонлар талабларини тўлароқ қондирмасликка ва давлат маблағларини ноқиллона фойдаланишга, яъни оқибат натижада кутубхоналар иш самарадорлиги ва сифатининг пасайиб кетишига олиб келади.

Айрим идоралар ичндагина эмас, балки улар ўртасида ҳам кутубхоначилик ишида ҳамжиҳатлик, ўзаро алоқа бўлиши лозим. Бунда айрим кутубхоналар ҳам, шунингдек, кутубхона тармоқлари ҳам уйғунлашиб, баҳамжиҳат иш кўриши зарур. Кутубхоналарнинг асосий муаммоларини ҳал қилишга — китобхонларнинг талабларини бирмунча тўлароқ қондиришга ва кутубхона кўрларидан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилиш — барча идоралар кутубхоналари фаолиятини уйғунлаштириш борасида ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Мувофиқлаштириш жараёнида умуман кутубхона системаси манфаатларигина эмас, шу билан бирга унинг идоравий тармоқ ва ҳудудий кутубхоналар системаларини ташкил этувчиларнинг манфаатлари ҳам назарда тутилади. Шу боисдан мувофиқлаштиришнинг моҳияти, бир томондан, айрим кутубхоналар ва кутубхона тармоқларининг ўзаро вазифаларини келишиб олишдан, иккинчи томондан эса кутубхоналар фаолиятини улар ягона системаси умумий мақсадлари билан келишиб олишдан иборат.

Мувофиқлаштириш — амалга ошириладиган иш мазмунини ва ташкилий шаклларни белгилаш — кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги энг муҳим масаладир. Мувофиқлаштириш барча асосий кутубхона-библиографик жараёнларни қамраб олади. 1984 йилги Низомнинг II моддасида бундай дейилган: «Кутубхоналарнинг ягона системаси кутубхоналар фон-

дини бутлаш, ихтисосини келишиб олиш, илмий-методик, маълумотнома-библиографик ва илмий тадқиқот ишларини биргаликда ташкил қилиш, техника воситаларидан фойдаланиш, қайси идорага бўйсунибдан қатъи назар, кутубхоналар ишини мувофиқлаштириш ва бирлаштиришнинг бошқа шаклларини амалга ошириш асосида шаҳар, район, область, республика, умуман мамлакат миқёсида, шунингдек, халқ хўжалиги айрим тармоқлари кўламида ташкил қилинади, ривожланади ва ишлайди». Кутубхоналарни мувофиқлаштиришда улар фаолиятининг йўналишлари унга ажралган ҳолда эмас, балки бир бутун, ҳамжиҳат тарзда сингдирилган тақдирдагина бирмунча тўлиқ амалга оширилади. Кутубхона фондини тўлдиришни мувофиқлаштириш ана шу бирликнинг негизидир.

Кутубхоналарни мувофиқлаштиришнинг қўлланилаётган шакллари қаторида иш режаларини келишиб олиш, кутубхоналар ўргасида турли шартномалар тузиш, иш ҳақида ўзаро ахборот бериш, муайян масалалар юзасидан биргаликда бажариладиган ишларнинг таркиби ва муддатларини келишиб олиш, ўзаро қизиқини туғдирадиган ва биргаликда ишлаб чиқишини талаб қиладиган мавзуларни тайёрлаш чоғида вақт-вақти билан алоқа боғлаш ва ана шу материалларни айирбошлаш, мувофиқлаштириш органлари, кенгашлар, конференциялар ишида кутубхоналар вакилларининг ўзаро иштироки, бир қанча масалаларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш учун биргаликда иш кўрадиган гуруҳлар ташкил қилиш сингари масалаларни кириштириш мумкин.

Кутубхоналарни мувофиқлаштириш тармоқ ва ҳудудий принциплар асосида ташкил қилинади. Бир тармоқ доирасида кутубхоналарни мувофиқлаштириш—соҳавий (ички тармоқ, шохобча) мувофиқлаштириш, турли тармоқлар кутубхоналари ўртасида кутубхоналарни мувофиқлаштириш эса идоралараро (шаҳобчалараро) мувофиқлаштириш деб аталади.

Ҳудудий принцип асосида ташкил этилган кутубхоналарни мувофиқлаштириш энг самарали мувофиқлаштириш ҳисобланади. Турли идораларга қарашли бир неча кутубхонанинг муайян ҳудудда марказлаштирилиши кутубхона қўрларини биргаликда, келишиб вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Режали равишда мувофиқлаштириш асосида

кутубхоналар ўртасида муттасил, барқарор, алоқа бўлса, анча катта самара олинади. Кутубхоналарни ҳудудий мувофиқлаштириш китобхоналарнинг адабиётга бўлган талаб-эҳтиёжларини бирмунча тўлиқ ва тезда қондириш имконини беради.

Кутубхоналарни мувофиқлаштириш уларни ихтисослаштириш, яъни кутубхона қўрларининг тегишли турларини вужудга келтириш ва китобхоналарнинг тегишли талабларини қондириш юзасидан фаолият соҳасини келишиб, чегаралашга, бўлишга асослангандир. Кутубхоналарни ихтисослаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш — кутубхоналарни мувофиқлаштириш жараёнининг асосий мазмуни, «марказий ўзаги»дир. Кутубхоналарни ихтисослаштиришни уч асосий турга бўлиш мумкин, булар: кутубхона тармоқларини ихтисослаштириш, кутубхоналарни ихтисослаштириш ва кутубхона ички ишларини ихтисослаштиришидир.

Ихтисослаштиришнинг дастлабки икки тури хизмат кўрсатилаётган ташкилот ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа фаолияти мазмуни ҳамда йўналишлари билан белгиланадиган мустақил кутубхоналар сони ва кутубхона тармоқларининг шаклланиш ва кўпайиш жараёнидан иборат. Кутубхона ички ишларининг ихтисослаштирилиши, унинг тузилишидаги бўлинмаларини ва кутубхоналарнинг ходимларини ихтисослаштиришда ўз ифодасини топади. У кутубхона тури, тарихан таркиб топган китоб фонди, китобхона таркиби тузилиши ва шу кабилар билан боғлангандир.

Мазмунига қараб ихтисослаштириш қуйидагиларга бўлинади: а) *соҳавий ихтисослаштириш*, бу кутубхоналарнинг фаолиятини айрим тармоқлар ва мавзулар бўйича адабиётлар билан тўлдириш, библиографиялашни ва ундан фойдаланишни билдиради; б) *функционал ихтисослаштириш*, бу кутубхоналарнинг фаолиятини муайян гуруҳдаги мутахассисларга хизмат кўрсатиш ва муайян турдаги ахборот талаблари (амалий ишлаб чиқариш, ўқув, илмий-тадқиқот) ва шу кабиларни қондиришни билдиради; в) *муайян турдаги наشرларни*, масалан, картографик, нома-мусиқа, патент, норматив-техника ва бошқа ҳужжатлар билан тўлдиришни ва улардан фойдаланишни *ихтисослаштириш*. Мувофиқлаштиришдан махсус кутубхоналаргина эмас, шу билан бирга, оммавий кутубхоналар ҳам ман-

фаатдордир. Оммавий кутубхоналарнинг тармоғи бир хил бир андаза бўйича ташкил қилинган кутубхоналарнинг тармоғи бўлиши керак эмас.

Шундай қилиб, кутубхоналарни мувофиқлаштириш — умумий вазифани, меҳнат тақсимоти (ихтисослаштириш) асосида ҳамда меҳнаткашларни китобдан фойдаланиш учун энг кўп даражада жалб этиш, уларнинг талабларини тўлароқ қондириш, кутубхона кўрларини оқилона вужудга келтириш ва улардан самарали фойдаланиш вазифасини биргаликда ҳал қилиш мақсадда мамлакат кутубхоналари (идоравий-тармоқ ва ҳудудий кутубхона тармоқлари) ўртасида узоқ вақт давом этадиган ўзаро алоқаларга мўлжалланган муайян, ягона режада ишни ташкил қилишдир. Кутубхона ҳамжиҳатлигининг бошқа шакли — кооперативлаш мувофиқлаштириш билан боғлиқдир. Кутубхона ишларини кооперативлашни кутубхоналар баҳамжиҳатлигини ташкил қилишнинг шундай шакли сифатида таърифлаш мумкинки, бунда кутубхоналар бир жараёнда ёки турли, лекин ўзаро боғлиқ бўлган кутубхона жараёнларида бир-бири билан ҳамкорликда ишлайдилар.

Кутубхоналар фаолиятини кооперациялаш кутубхоначилик ишининг турли жиҳатларига алоқадордир. Ҳозирги кутубхоначилик иши, кутубхона кўрларининг марказлаштирилиши, кутубхона жараёнларининг мураккаблашуви уларнинг техника билан таъминланиши ва шу кабилар туфайли кутубхоналар фаолиятини кооперациялашни кескин равишда ривожлантириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиради. Кооперация асосларини янада ривожлантириш зарурати янада кўпроқ ўткирлашиб бораверади, чунки келгусида кутубхоначилик ишининг характери ва кўламлари ажралган кутубхоналар ва кутубхона тармоқларининг мавжудлигига зиддир.

Кооперативлаш бир корхона ҳудудида жойлашган давлат ва қасаба уюшмаси оммавий кутубхоналарини, турли идораларга қарашли майда кутубхоналарни қамраб олади. Кооперативлаш кутубхона системалари шартномаси асосида ишлайди. Шартномага китоб фондини тўлдиришнинг йиғма мавзулар режасини тузиш, библиографик кўрсаткичларни, йиғма каталогларни биргаликда тайёрлаш ва нашрдан чиқариш, кўргазмалар ташкил қилиш, маълумотнома-библиографик иш-

ни, кутубхоналараро абонементни уюштириш, кам талаб қилинадиган адабиётни сақлаш ва ундан фойдаланиш, адабиётларга ишлов бериш марказини барпо этиш, материаллардан нусхалар кўпайтириш ва микрофильмлар тайёрлаш, механизмлар ва ускуналардан кооперация йўли билан фойдаланиш орқали ягона китоб фондини вужудга келтириш соҳасида кутубхоналараро алоқаларни ташкил қилиш тўғрисида тузилган битимлар кириши мумкин.

Кутубхоналар ўртасида тузиладиган шартномалар бевосита кутубхоналар учун мажбурий бўлган мувофиқлаштирувчи режанинг муайян топшириғига асосланади ёки шартнома тузувчи кутубхоналар режанинг бажарилишига кўмаклашади. Шундай қилиб, шартнома кутубхоналараро алоқаларни ташкил қилиш дастури ва тартибини белгилаш тўғрисида режали ечимларни келишиб қабул қилиш учун ҳуқуқий ҳужжат сифатида фойдаланилади. Шартнома комплекс тусга эга бўлиши, зиммага олинган ўзаро мажбуриятларни, уларни бажариш шартлари ва тадбирларини, шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки сифатсиз бажарганлик учун кутубхоналар жавобгарлигини ўз ичига олиши лозим. Шу боисдан шартнома муносабатлари мажбурий-ҳуқуқий актлар билан тартибга солиниб турилиши керак.

Кутубхоналарнинг ҳамжиҳатлиги объектив зарурат бўлиб қолган, энди кутубхоналар ўзаро ҳар томонлама алоқаларни ривожлантирмасдан ва чуқурлаштирмасдан ажралган ҳолда иш кўролмайдиган кутубхона қурилишининг ҳозирги босқичида кутубхоналарни мувофиқлаштириш ва кооперациялаш мажбурий шарт бўлиб бормоқда, бу тадбир тегишли давлат ҳужжатлари асосида амалга оширилмоқда. Кутубхоналарни мувофиқлаштириш ва кооперациялашнинг ҳозирги босқичи учун ҳос бўлган бир томонламалик ва беқарорликни фақат шу тарзда бартараф қилиш, кутубхоналардан ҳар бирининг таркиб топган хусусияти ва мустақиллигига путур етказмай, кутубхоналарни ягона баҳамжиҳат система қилиб жипслаштириш мумкин. Бундай система барча идоралар ва ташкилотлар кутубхоналари ишини ташкил этиш ва фаолият принципларининг бирлигини таъминлаб, айни вақтда аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишни яхшилашдан, уларнинг манфаатдорлигидан тўлиқ фойдаланиш, ҳар бир ку-

тубхона ва кутубхона тармоғи тажрибаси ва хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олиш имконини беради.

Кутубхонани мувофиқлаштириш ва кооперациялаш ҳамма кутубхоналарнинг ишини яхшилашга рағбатлантиради. Бу тадбир кутубхоналарнинг идоравий тарқоқлигини ва маҳдудлигини тугатишга ёрдам беради ва айрим кутубхоналар ишини имкони борича яхшироқ йўлга қўйиш муддаосини вужудга келтиради. Бу кутубхоналарнинг ҳар бирига бошқа кутубхоналар билан биргаликда ишлашга тўғри келади. Мувофиқлаштириш ва кооперация ўз мазмунини билан аслида барча кутубхона жараёнларини ва кутубхона фаолиятининг асосий йўналишларини қамраб олиб, кутубхоналарнинг куч-қайратини муҳим муаммоларни ҳал қилиш учун бирлаштириш, нооқилона харажатларнинг олдини олиш, жамоа меҳнати самарадорлигини, кутубхоначилар ишининг ижтимоий характерини ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, турли идоралар ўртасида мувофиқлаштириш ва кооперацияни ривожлантириш даражаси кутубхоначилик иши самарадорлигининг муҳим омилдир. У сифат кўрсаткичларида ҳам, сон кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Сифатий таъриф учун ҳар бир босқичда қўлланиладиган кутубхоналарнинг биргаликдаги фаолият шаклларининг таҳлили, уларнинг китобхонлар талаб-эҳтиёжларини қондиришга ва кутубхона қўрларидан фойдаланишга ўтказадиган таъсири даражаси муҳимдир. Миқдорий таъриф кучи кутубхоналар ва кутубхона тармоқларини мувофиқлаштириш ва кооперативлашга киритиш кўрсаткичларидан фойдаланиш; чунончи: ҳудудда ўз ишини мувофиқлаштирувчи ва кооперативлаштирувчи кутубхоналар сонини; кутубхоналарни мувофиқлаштириш йўналишларининг миқдори ва улардан ҳар бири бўйича кооперативлаштирилган иш ҳажми; айрим кутубхоналар, кутубхона тармоқлари ва ҳудудлар бўйича тармоқлар ва идоралараро, район ичидаги ва районлараро мувофиқлаштириш ва кооперациялаш шаклларининг нисбатини кўрсатиб ўтиш мумкин. Биргаликда қўлланиладиган ана шу кўрсаткичлар мувофиқлаштириш ва кооперативлашнинг тугалланмаганини намоён этади, буларнинг кенгайиб бориши ёки сусайишини акс эттиради.

Кутубхоначилик ишида марказлаштириш

Марказлаштириш кутубхоначилик қурилишининг энг муҳим принципларидан биридир. Марказлаштириш принципи кутубхоначилик ишини марказлаштириш тўғрисидаги қарорларда асосланиб берилган ва мустақамланган. Марказлаштириш принципи хўжалик ва маданий қурилишга ягона марказлаштирилган, режали раҳбарликни, маҳаллий ташаббусни ривожлантириш билан, муштарак мақсад сари ҳаракат йўллари, усўллари ва воситаларининг хилма-хиллиги билан узвий қўшиб олиб боришни кўзда тутати.

Уша бир хил омиллар, одатда, марказлаштириш ва марказлаштирамаслик сабаблари сифатида намоён бўлиши мумкин. Масалан, кутубхона қўрларининг ўсган қўламлари марказлаштиришни зарур қилиб қўяди ва айни бир вақтда, кутубхона қўрларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланишнинг барча масалаларини марказлаштирилган тарзда бутунлай ҳал этиб бўлмайдиган қилиб қўяди. Фан-техника тараққиёти техник жараёнларни марказлаштиришга бўлган талабни кучайтирмоқда ва айни вақтда, кутубхоналарнинг мустақилликни сақлаш эҳтиёжини ҳам оширади. Шу тариқа марказлаштириш ва марказлаштирамаслик (мустақиллик) ички бир-бирига боғлиқ нарса бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Бу икки принципни қўшиб олиб боришнинг мақбуллигини аниқлаш учун буларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини билиб олиш керак. Марказлаштириш, аввало, муайян кутубхона жараёнларини бошқариш ва бирмунча малакали даражада қарорлар қабул қилиш имконияти, кутубхона қўрлари тақчиллиги шароитида шу қўрларни тақсимлашнинг самарали йўлларини топиш имконияти сингари ижобий омиллар билан таърифланади. Марказлаштириш йирик, узоқ муддатли муаммоларни ҳал қилишда мужасамлашмоқда, бундай муаммолар кутубхона системасининг бирлигини, кутубхона қўрларини ривожлантиришнинг мутаносиблигини (кутубхона системаси ривожланишининг асосий йўналишларни ва истиқболларини белгилаш, кутубхона қўрларини шакллантириш, жойлаштириш ва улардан фойдаланиш борасида ягона сиёсатни ўтказиш, кадрлар билан ишлаш, уларнинг малакасини ошириш, илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш ва ҳ. к.) таъминлайди; айни вақтда марказлаштириш кутубхоналар фаолиятининг жорий, кундалик масалаларини қамраб олмаяпти.

Ҳозирги шароитда кутубхона ишидаги марказлаштириш турли даражаларда ва турли шаклларда рўёбга чиқарилмоқда, булар:

— давлат миқёсида, областлар, шунингдек, халқ хўжалиги тармоқлари миқёсида кутубхона фондларини марказлаштирилган тарзда тўлдиришни, китоблар ва бошқа матбуот асарларига марказлаштирилган йўсинда ишлов беришни амалга ошириш;

— стандартлаштиришни ўтказиш, яъни стандартларни — нормалар, қоидалар, кутубхоналарга, кутубхона жараёнларига, кутубхоначилик ишига талаблар мажмуини белгилаб берувчи норматив-техник ҳужжатларни белгилаш ва қўлланиш;

— кутубхоналарни тегишли марказий кутубхона бошчилиқ қилаётган идоравий-тармоқ ва идоралараро (тармоқлараро) марказлаштирилган кутубхоналар системаларига бирлаштиришдир.

Кутубхона жараёнларини марказлаштириш. Кутубхона жараёнларини марказлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда, бу эса меҳнаткашларга кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга катта таъсир ўтказмоқда.

Кутубхоналарни китоблар билан марказлаштирилган тарзда, режали равишда тўлдиришни ҳамда ана шу жараёнда уларга библиографик ва методик ёрдам бериш кутубхоначилик иши эришган энг муҳим ютуқлардан биридир. Бу иш республика, област марказларида, шунингдек йирик саноат шаҳарларида ишлаётган кутубхона коллектори ёрдамида амалга оширилади. Кутубхона коллекторлари Матбуот давлат комитетининг ихтисослаштирилган китоб савдоси муассасалари бўлиб, кутубхоналарнинг олдиндан берган буюртмалари асосида уларни режали равишда нашриёт маҳсулотлари билан тўлдиришни ташкил этади.

Кутубхона коллекторлари қуйидаги вазифаларни: нашриётларнинг тахминий режа-мавзулари асосида адабиёт танлашда кутубхоналарга ёрдам бериш, кутубхоналарни китоб савдосига оид ахборот билан таъминлаш; адабиётга буюртмалар қабул қилиш; матбуот асарларига ишлов бериш ва муқовалаш; адабиётни тақсимлаш ва кутубхонага етказиш; кутубхоналарни кутубхоначилик техникаси жиҳозлари билан таъминлаш вазифаларини бажаради.

Кутубхона коллекторларининг қуйидаги турлари мавжуд:

— область (республика, ўлка, шаҳар) коллекторлари, булар барча туркумдаги кутубхоналарни тўлдиришни таъминлайди;

— ихтисослаштирилган коллекторлар, булар илмий-техника; болалар ва мактаб кутубхоналарини тўлдириш учун мўлжалланган.

Кутубхона коллекторлари орқали кутубхоналарни китоб билан тўлдириш, бу борада улар билан молиявий шартномалар тузиш ҳамда нашриётлар ва «Китоб савдоси бюллетени» чиқарадиган матбуот асарларининг тахминий режа-мавзулари асосида амалга оширилади. Нашриёт маҳсулотларининг мажбурий нусхалари системаси кутубхона фондларини марказлаштирилган тарзда тўлдиришда муҳим роль ўйнайди. У қуйидаги тартибда амалга оширилади: матбуот асарларининг ҳар бир номидан муайян миқдордаги маҳсулот энг йирик илмий кутубхоналарга, библиографик муассасаларга ва илмий-техника ахбороти органларига юборилади. Бепул мажбурий нусха (буни собиқ Бутуниттифоқ китоб-палатаси муайян ва ҳудудий кутубхоналар ҳамда ИТА органларига жўнатар эди), пуллик (буни ИКМК энг йирик республика ва ҳудудий кутубхоналарига тақсимлайди), идоравий нусха (тегишли идораларнинг марказий кутубхоналарига уларнинг ихтисоси бўйича юборилади), маҳаллий нашриётлар маҳсулотини ўз ичига олган бу нусхалар республиканинг китоб палатаси, республика ва область кутубхоналарига етказиб берилади.

Давлат ва қасаба уюшмалари оммавий кутубхоналарини марказлаштирган тарзда тўлдиришнинг ҳозирги системасида «Кутубхона серияси», мактаб кутубхоналари ва ҳунар-техника билим юртлари кутубхоналарини бутлашда эса «Мактаб кутубхонаси серияси» муҳим ўрин эгаллайди. «Кутубхона серияси» нашрларининг асосий моҳияти, биринчидан, оммавий кутубхоналар фондининг китоб ўзагини режали равишда шакллантиришни таъминлашдан, иккинчидан, китобхонларга манзур бўлган юксак қоявий-бадий ва илмий даражадаги китобларни кутубхоналарнинг қафолатли равишда олишини таъминлашдир. «Кутубхона серияси»га оид китобларни марказий ва маҳаллий нашриётлар чиқарадилар.

Оммавий кутубхоналар учун бундай туркумлар 1973—1974 йиллардан буён чиқарилмоқда. «Кутубхона серияси»да китобларнинг ярмидан кўпроғини нусха ҳолида ҳам, шунингдек номлари бўйича ҳам бадиий ва болалар адабиёти ташкил этарди. Сериянинг соҳавий бўлимида ижтимоий-сиёсий мавзуларга оид, табиёт ва тиббиёт, техника ва қишлоқ хўжалиги, санъат ва спорт, тилшунослик ва адабиётшуносликка доир китобларга кенг ўрин берилган.

Босма каталог карточкаси ва китобда эълон қилинган ва аннотацияланган каталог карточкасининг намунаси китобларни ва бошқа матбуот асарларини марказлаштирилган тарзда ишлашнинг асосий шакллари дир. Библиографик тавсифларни марказлаштирилган йўсинда тузиш, системалаштириш ва предметлаштириш — марказлаштирилган тарздаги каталоглаштиришнинг таркибий қисми дир.

Ҳозирги кунда нашрлар ҳар хил турларининг: китоблар, хариталар, ноталар, шунингдек вақтли нашрлардан олинган мақолаларнинг марказлаштирилган каталоглари ташкил қилинган. Китоб ва мақолаларнинг аннотацияланган босма каталог карточкаларини Республика китоб палатаси (илмий, махсус кутубхоналар ва ИТА органлари ҳамда йирик оммавий кутубхоналар учун) тайёрлайди.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси оммавий кутубхоналарга мўлжалланган китобларга, илмий кутубхоналар учун мўлжалланган ноталар ва картографик нашрларга аннотацияланган карточкалар чиқаради.

Ҳудудий жиҳатдан ягона ва кўп миллатли бўлган, нашриёт маҳсулоти ўсиб бораётган бир шароитда оммавий кутубхоналар учун марказлаштирилган тарзда каталог тузишнинг ана шундай системаси мақсадга мувофиқ дир, бундай система кутубхоналарни айни бир вақтда китоб ва каталог карточкалари билан таъминлай олади. Аннотация ёзилган карточка намунаси китобларга ягона ишлов бериш муаммосини ҳал қилади.

Аннотацияланган каталог карточкасининг намунасини бевосита китобда эълон қилиш ёки нашрда каталоглаштириш марказлаштирилган каталоглаштириш шакллари дан биридир. Нашрда каталоглаштириш — каталог карточкаларини тезда тайёрлаш билан бирга оммавий кутубхоналарни шундай карточкалар билан марказлаштирилган тарзда таъминлаш системасини

яратишда дастлабки бўғиндир. Республика кутубхона коллекторида адабиётларга марказлаштирилган йўсинда ишлов бериш ана шу системанинг иккинчи бўғинидир.

Кутубхона коллектори аннотацияланган каталог карточкаси намунасидан кутубхона талабига қараб нусха кўчиришда фойдаланади ва уларни китоблар билан тарқатади. Нашрда каталоглаштириш ва адабиётларга марказлаштирилган тарзда ишлов беришнинг давлат характери уларни янада ривожлантириш учун кенг истиқболлар очиб беради.

И Б О Б

УЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИНING ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

1-§. УЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЧИЛИК ИШINI ТАШКИЛ ЭТИШНИING ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ташкил этишда ҳудудий ва миллий хусусиятлар мавжудки, уларни ҳисобга олмаслик ғоявий ишларнинг самарадорлигини пасайтиради. Жумладан, кўп миллатлилик ва у билан боғлиқ бўлган кўп тиллилик; туғилишнинг юқори даражаси ва натижада ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кўплаб болалик оналарнинг мавжудлиги; ижтимоий меҳнат тузилишида қишлоқ хўжалик меҳнатининг саноат меҳнатидан, жисмоний меҳнатнинг ақлий меҳнатдан устунлиги; меҳнат шароитининг бир хилда эмаслиги; аҳоли ўртасида диний анъана ва ақидалардан ахлоқий тарбиялашда фойдаланишни йўлга қўйиш; табиий иқлим шароити ҳар хил бўлган минтақаларда қишлоқ хўжалигининг пахтачилик ва яйлов чорвадорлиги каби сермашаққат соҳалари мавжудлиги кутубхоначилик хизмати кўрсатишни ташкил этишда махсус шакллардан фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида 120 миллат вакиллари ягона, аҳил оила бўлиб яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистонда иккита давлат тили: Ўзбек, қорақалпоқ тиллари амалда ишлатилиб, давлат ва бошқа ҳужжатлар шу тилларда юритилади, барча нашрлар асосан шу тилларда чоп этилади, бундан ташқари, рус, тожик,

татар, қозоқ тилларида вақтли матбуот нашрлари чиқарилиб, радио ва телевидение эшиттиришлари тайёрланади.

Ҳозир Ўзбекистонда аҳолининг тез ўсиб бориши кузатилаётганда. Масалан 1975 йилда республикада 136 89000 киши (ЎзССР маъмурий-территориал бўлиниши, 1975 йил 1 апрелгача бўлган маълумот.—Т.; 1975, 5-бет.) истиқомат қилган бўлса, 1991 йилда аҳоли 21 миллион кишидан ошиб кетди. Ўзбекистон ҳудудида ҳар бир квадрат километрга тўғри келадиган аҳоли 1959 йилдаги 18,1 киши ўрнига 44 кишини ташкил этади. Аҳоли энг зич жойлашган област Андижон (411 киши), энг кам жойлашган област Навоий области ва Қорақалпоғистон Республикаси (7 киши) ҳисобланади. Айни вақтда, шунини таъкидлаш зарурки, аҳолининг табиий ўсиши 1980—1986 йилларда доимо ортиб борганлиги (минг аҳолига чаққанда 1980 йилда 26,4 кишидан 1985 йилда 30,0 кишигача ва 1986 йилда 30,8 кишини ташкил этган), бундан кейинги йилларда бу кўрсаткич пасайганлиги (1987 йилда—30,1, 1988—28,3) кузатилади, бу тахминан 1970 йилги ўсишдан сал кўпроқдир (28,1 киши). Республикадаги туғилишлар сони эса 1980 йилдаги 540,0 минг кишидан 1987 йилда 714,4 минггача ўсиб, 1988 йилда бу кўрсаткич 694,1 минг кишини ташкил этган.

Бу ерда аҳоли ўсиши ва туғилишлар миқдорининг камайиб боришини табиий бир ҳол деб тушуномқ зарур. Унга жуда кўп омиллар таъсир қилган бўлиб, улардан энг аввало қайта қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари нисбатининг бузилиши, моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва издан чиқиши, халқ хўжалигини бошқариш системаларининг инқирози натижасида аҳоли турмуш даражасининг пасайиб бориши, никоҳга кирувчилар ва ажралишлар нисбатида олдингисининг камайиб, кейингисининг ортиб бориши (1000 аҳолига 1985 йилда 11 никоҳ, 1,4 ажралиш тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1988 йилда тегишли равишда 9,8 ва 1,6 кишини ташкил қилган), шунингдек, аҳоли маънавий дунёси ортанлиги кўрсаткичларидан бири бўлган, халқ хўжалигида ишлаётганлар таркибида олий ва ўрта махсус билимли мутахассисларнинг, шу жумладан хотин-қизлар ҳиссасининг (51 фонз) ортиб бориши ва ҳоказоларни қайд қилиш зарур.

Ўзбекистон аҳолишунослигидаги энг муҳим жиҳат

шундан иборатки, республика саноатининг юксак даражада ривожланиши натижасида шаҳар аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Масалан, 1926 йилда Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси 22 фоизни, қишлоқ аҳолиси эса 78 фоизни ташкил этган бўлса, 1959 йилда тегишли равишда 33 ва 67 фоизни, 1989 йилда эса шаҳар аҳолиси 40,7 фоизни, қишлоқ аҳолиси 59,3 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон аҳолишунослигидаги бу оқимларни аниқлаш, ўрганиш ва ҳисобга олиш Республикада кутубхоначилик қўрларини ташкил қилишни режалаштиришда, унинг истиқболини белгилашда (айниқса, йиллик, беш йиллик ва узоқ муддатли башорат режаларини тузишда) катта аҳамиятга эга. Масалан, аҳолининг илмий-асосланган ўртача ўсиши даражасини библиоасосида маълум муддатда Республикадаги аҳоли миқдорига мувофиқ зарур кутубхоналар тармоғини вужудга келтириш (аҳолининг кутубхоналар хизмати билан қамраб олиниши), кутубхоналар фонднинг қай даражада ортиб бориши (аҳолининг ва кутубхоналарнинг китоб билан таъминланганлик даражаси) белгиланади, уларга мувофиқ кутубхона биносини қуриш лойиҳалари тайёрланади ҳамда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий меҳнат билан банд бўлган кишилар жами аҳолининг 40,3 фоизини ташкил этиб, бу мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари ўртача кўрсаткичидан 7 фоиз камдир. Аини вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони саноатда ишлайдиганларга қараганда кўпчиликни ташкил этади. Масалан, 1989 йилда Республика халқ хўжалигида банд бўлган кишилар тармоқлар бўйича қуйидагича тақсимланади (ўртача фонд ҳисобида): саноат ва қурилишда 23,7, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 37,8, транспорт ва алоқа соҳасида 6,5, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва унн сотиш, тайёрлашда 6,5, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, социал таъминот ва бошқа тармоқларда 6,5 фоизни (Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 году. 23-бет) ташкил этади.

Республикада кутубхоначилик қўрларидан тўғри фойдаланиш учун ана шунга ўхшаган кўрсаткичларни ҳисобга олмоқ зарур. Жумладан, Ўзбекистонда яшовчи аҳоли жон бошига ўртача 4,0 кутубхона китоби тўғри келса, Жиззах, Навоий ва Қашқадарё областларида

ўртача 2,8—3,2 та китоб тўғри келади. Бу кўрсаткич МДХ бўйича эса — 8 та (1988 йилги маълумот) китобни ташкил этади. Аҳолини кутубхона хизмати билан қамраб олиш кўрсаткичи (универсал ва оммавий давлат кутубхоналари томонидан) Ўзбекистон бўйича 29,2 фоизга бу кўрсаткич Қашқадарёда—20,6, Жиззахда—24,3, Сирдарёда—24,7, Сурхондарёда—25,6 фоизга тенг. Ҳолбуки, МДХ бўйича аҳолининг 54,6 фоизи кутубхона хизмати билан қамраб олинган.

Биз юқорида қишлоқ хўжалигида ишловчилар миқдори республика халқ хўжалигида энг кўп миқдорни (1888,2 минг киши) ташкил этишни қайд қилган эдик. Республикамиздаги ҳар бир тармоқ кутубхоналари фондида қишлоқ хўжалиги адабиётлари жами фонднинг 6,20 фоизини ташкил этгани ҳолда, шу соҳада китоб берилиши жами берилган адабиётларнинг 4,51 фоизини ташкил этган эди (1980 йилги маълумот). Китобхонларнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги адабиётлар билан таъминлаиш даражаси ҳар бир китобхонга 0,76 китобдан тўғри келади, шу соҳада китоб ўқилиши кўрсаткичи эса 1,11 китобни ташкил этади.

Демак, Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий тармоғи ходимларини қишлоқ хўжалик адабиётлари билан етарлича таъминлаш республика кутубхоналари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бунинг учун эса шу соҳада ноширлик ишларини кенгайтиришни, бошқа регионларнинг шундай нашрларини таржима қилиб тарқатишни тегишли ташкилотлар олдига вазифа қилиб қўяди.

Ўзбекистонда аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил қилишда яққол кўзга ташланадиган хусусиятлардан бири тил масаласига боғлиқ муаммолардир. 1989 йили аҳоли рўйхатига кўра, республика аҳолисининг 68,9 фоизини ўзбеклар ташкил этгани ҳолда, республикада мавжуд 17 мингдан ортиқ кутубхонадаги жами китоб фонднинг 26,3 фоизигина ўзбек ва бошқа туб аҳоли тилларидаги адабиётлардир.

Республика универсал ва оммавий давлат кутубхоналарида бу кўрсаткич бирмунча юқори (44,6 фоиз) бўлиб, ўзбек тилидаги нашрларнинг энг кам нисбати Тошкент шаҳар кутубхоналарида (4,1 фоиз), Сирдарё области кутубхоналарида (33,9 фоиз), энг юқори кўрсаткич эса Андижон области кутубхоналарида — 64,6 фоизни ташкил этади. Шу туркумдаги кутубхоналарга 1991 йилда олинган янги адабиётлар таркибининг 58,8

фонзи ўзбек тилида бўлганлиги (энг юқори кўрсаткич Самарқанд областида — 73,4 фонз) республикада кутубхоначилик қўрларини қайта шакллантиришдаги ижобий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Бу жараён республика кутубхона жамоатчилиги олдига қатор муаммоларни ҳал этиш вазифасини қўяди. Энг аввало китоб фондини шакллантиришга тиллар бўйича адабиётларнинг энг мақбул нисбатини таъминлаш зарур. Шу муносабат билан икки ва ундан кўпроқ тилларда зарур бўлган китоблар миқдорини белгилаб берадиган кутубхона фондини шакллантириш меъёрини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги вақтда А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан оммавий кутубхоналарнинг китоб фонди ўзагини ўзбек тилидаги нашрлар билан тўлдириш юзасидан олиб борилган тадқиқот ишлари тугалланди. Ҳан тармоқлари бўйича миллий адабиётларнинг энг зарур миқдори аниқлаб чиқилган бўлиб, бу нашрларсиз кутубхоналар республиканинг туб аҳолисини китоб орқали илғор маданият билан таништириш, уларнинг ғоявий ахлоқий савиясини ошириш, она тилидаги зарур ижтимоий-сиёсий, илмий-техника ва бадий адабиётларни улар ихтиёрига ҳавола қилиш каби ижтимоий вазифаларни бажара олмайди. Бундай китоб фонди ўзагини вужудга келтириш яна шунинг учун ҳам зарурки, рус тилини етарли эгаллай олмаган кўплаб қишлоқ аҳолиси, айниқса, кекса авлод вакиллари учун кутубхоналарда тўпланган ўзбек тилидаги адабиётлар уларнинг сиёсий ва илмий билимларини эгаллашларида муҳим масалалардан бири ҳисобланади. 1973 йилдан бошлаб Ўзбекистон нашриётлари республика, оммавий кутубхоналари китоб фонди ўзаги учун махсус мақсаддаги китобларни чиқара бошлади. Фақат 1990 йилда шу хилдаги адабиётлардан республикада жами 2080 номда китоб ва рисола нашр этилган бўлиб, улардан 874 таси ўзбек тилида 32408,4 минг нусхада чоп қилинди.

Республика мустақиллигини ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатда таъминлаш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республика кутубхоналари фондини ўзбек тилидаги адабиётлар билан тўлдириш тўғрисидаги масала катта амалий аҳамият касб этади, негаки, айнан миллий тилларда фан ва техника ютуқларини оммалаштиришни янада тезкорлик билан уюштириш мумкин. Бизнинг фикримизча, кутубхоначилар

нашриёт ишларига янада фаол таъсир ўтказишлари мумкин ва зарур.

Оммавий кутубхонани ўзбек тилидаги яхши танланган китоблар билан тўлдиришнинг самарали воситаси республика «Кутубхона серияси»дир. Бу соҳада бир қанча тadbирлар амалга оширилган бўлиб, 1985—1990 йиллар мобайнида республика «Кутубхона сериялари» бўйича 892 номдаги китоб ва рисола оммавий кутубхоналар фондидан жой олди ва қишлоқ филиаллари учун шундай сериялар нашр этишга киришилди. Серияларга кўпчилик китобхонларга фойдали бўлган, кутубхоналар амалда олиши мумкин бўлган энг яхши китоблар киритилиши ва оммавий кутубхоналар фонди ўзаги учун муҳим бўлган қимматли китобларни олишга ёрдам бериш зарур. Шунга эришиш муҳимки, сериялар маданият органлари ва кутубхоначилик методик марказлари томонидан кўрсатилган ҳамда китобхонлар талаби чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниши асосида аниқланган китобларни ўз ичига олсин. Шунингдек, кутубхоналар талабномасида кўрсатилган, кўп сўраладиган айрим нашрларнинг тиражини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Матбуот асарларини таржима қилиш, босиб чиқариш ва китобларни қайта нашр қилиш тўғрисидаги мулоҳазалар тасодифий характерда бўлмасдан, балки олдиндан тузилган истиқболли режага эга бўлиши зарур.

Кутубхона фондларининг ишлатилиши кўрсаткичларида тил билан боғлиқ муаммолар яққол кўзга ташланади. 1991 йилда Ўзбекистондаги унверсал оммавий давлат кутубхоналарида жами китобхонлар томонидан ўқилган адабиётларнинг 63,9 фоизи ўзбек тилидаги нашрлар бўлган, бу кўрсаткич қишлоқ кутубхоналарида 76,8 фоизни ташкил қилган. Шу ерда ўқилган китобларнинг кутубхона фондига нисбатини таққосласак, республикада кутубхона фондининг ишлатилишини кўрсатувчи нисбий сифат кўрсаткичи — кутубхона фондининг айланиши даражаси чиқади. Жумладан, 1991 йилда юқорида қайд қилинган кутубхоналарнинг умумий китоб фонди китобхонлар қўлида 1,5 маротаба бўлганлигини ёки айланганлигини кўрамиз (кутубхона фондининг айланиши = $\frac{\text{жами китоб берилиши}}{\text{умумий китоб фонди}}$).

Бу кўрсаткич ўзбек тилидаги нашрларга нисбатан — 2,2 даражани (рус тилидаги нашр бўйича — 1,01) кўр-

сатади. Демак, кутубхоналардаги мавжуд миллий тиллардаги нашрлар китобхонлар тарафидан бошқа тиллардаги адабиётларга нисбатан кўп ўқилиши (айни вақтда кўп сўралиши) маълум бўлади.

Республика кутубхоналарида ўзбек тилидаги нашрларга бўлган китобхонлар қизиқишини (талабини) кенгроқ ўрганиш мақсадида А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти «Кутубхонашунослик» кафедраси ўқитувчилари А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Китобхон» жамияти аъзолари билан биргаликда тадқиқот ўтказдилар. Китобхонлар талаб ва эҳтиёжларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун ижтимоий-сиёсий, табиий-илмий, ишлаб чиқариш, бадий, санъат ва спорт каби энг муҳим адабиётлар комплекси танлаб олинди.

Ўрганилган талаблар мазмун қуйидаги тартибда тақсимланди: бадий адабиётлар—45 дан 55 фоизгача, ижтимоий-сиёсий адабиётлар—20 дан 30 фоизгача, табиий-илмий нашрлар—10 дан 20 фоизгача, ишлаб чиқариш адабиётлари—6 фоиз, санъат ва спорт нашрлари—3—5 фоиз бўлди.

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўйича китобхонлар талабини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар орасидан ўзбек тилидаги дарсликлар ва маълумотнома нашрлари етакчи ўрни олди. Педагогика бўйича, онла тарбияси, айрим фанларни, шунингдек, бошланғич синфларда ўқитиш методикасига оид адабиётлар ҳам муҳим ўрни эгаллаган. Республиканинг турли областларида тарихий ва мемуар нашрларга бўлган талабларда хилма-хиллик ўрни олган.

Табиий-илмий адабиётлар бўйича китобхонлар талаби таркибида чекланган соҳалардагина, асосан, соғлиқни сақлаш (кўплаб областларда 90 фоизгача) соҳаси ҳисобга олинган бўлиб, Абу Али ибн Сино асарларига, доривор ўсимликларни ишлатишга оид адабиётларга катта қизиқини қайд қилинган ва ниҳоят, тиббиёт бўйича оммавий нашрлар, амалий қўлланмалар талабларнинг асосий туркумларини ташкил этган.

Ишлаб чиқариш адабиётларига бўлган талаблар таҳлил қилинганда республиканинг турли минтақаларига хос умумий йўналишлар аниқланмади, амалий аҳамиятга эга бўлган (қишлоқ хўжалик ходимларининг хилма-хил гуруҳлари учун методик қўлланмалар,

маълумотнома нашрлари) адабиётлар бундан истисно. Умуман, соҳавий адабиётларга бўлган талабларда китобхонларнинг амалий қизиқишлари катта ўрин олган.

Бадий адабиёт бўйича китобхонлар қизиқиши ўрганилганда 60 дан 80 фоизгача талаб ҳозирги замон ўзбек адабиёти асарларига тушганлиги маълум бўлди. Ўзларининг оммабоплиги даражасига кўра биринчи ўнликка С. Аҳмад, А. Мухтор, О. Еқубов, Ғ. Ғулом, Мирмуҳсин, А. Орипов, У. Ҳошимов, Э. Воҳидов, П. Қодиров, У. Умарбековлар киритилган. Ўзбек классик адабиёти бўйича Навоий, Машраб, Фурқат, Чўлпон асарлари катта қизиқиш уйғотган.

Жами муаллифлар рўйхатини 74 киши ташкил этган. Ўзбек китобхонлари томонидан аталган номларнинг ярмиси шоирларга тааллуқлидир. Бошқалардан кўра А. Орипов ва Э. Воҳидов каби замонавий шоирларнинг номи тез-тез тилга олинган.

Китобхонлар қизиқишини ўрганиш хулосалари, кутубхоначилик ишини бошқариш органларининг расмий рақамли материаллари ҳамда республика кутубхоналари ишининг аҳволи нашриётлар ва кутубхоначилик жамоатчилиги олдига қўйидаги энг муҳим ва бир-бири билан боғлиқ бўлган 4 муаммони ҳал этиш зарурлигини кўрсатди: биринчи навбатда, ўзбек тилидаги адабиётларни нашр қилиш муаммосидир. Ҳар йили нашр қилинаётган китоб маҳсулотлари таҳлили натижаси кўрсатишича, улар ўзининг ҳажми ва мазмуни бўйича амалдаги мавжуд китобхонлар талабига мувофиқ келмайди.

Ўзбек тилидаги адабиётларни нашр қилиш муаммосини самарали ҳал этмоқ учун нашриётлар ўқиш муаммосини ўрганувчилар (социологлар), республика китоб палатаси ходимлари ҳамда йирик кутубхона системалари билан ўз алоқасини кенгайтирмоғи лозим. Шу аснода, ноширлик фаолияти муаммоси қўйидаги йўл билан ечилмоғи зарур: буюртма — тадқиқот-амалиётга жорий этиш. Бу ерда тадқиқотчилар (социологлар) талаб ва эҳтиёжни чуқур ўрганиш натижасида кутубхоналар томонидан тушадиган буюртмаларнинг асослигини ва нашрдан чиқадиган китобларнинг талабга мувофиқлигини таъминловчи восита ролини бажаради.

Иккинчи даражадаги муаммолар ўзбек тилидаги кутубхона фондларини шакллантириш ва уларни тўлдириш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Маданият ишлари Вазирлиги системасига қарашли универсал ва оммавий

давлат кутубхоналари фондининг тақсимланиши таҳлили шуни кўрсатадики, кутубхоналар фонди она тилидаги адабиётларга бўлган эҳтиёжларга миқдорий жиҳатдан мувофиқ келмайди. Республикада нашр қилинаётган босма маҳсулотларнинг ярмисигина кутубхоналарга келиб тушади. Шу сабабдан, ўзбек тилида чиқаётган нашрлар билан кутубхоналар фондини аҳолининг миллий таркибини ҳисобга олиб шакллантиришни тартибга келтириш долзарб масала бўлиб қолади. Она тилидаги адабиётларга бўлган катта талабни ҳисобга олиш, биринчи навбатда бадний адабиёт фондини тўлдиришда айниқса зарурдир.

Учинчи даражадаги муаммолар кутубхона фондини тарғиб қилиш билан боғлиқдир. Ўзбек тилидаги фонд ҳажми, унинг тузилиши билан китобхоналар талаби миқдори ўртасидаги узвий алоқани мувофиқлаштириш мақсадида республика китоб фонди ишлатилиши коэффицентини оширмоқ учун китобларни оммавий ахборот воситалари системаларни, ишлаб чиқариш ўқиши шакли ёрдамида, бевосита китобхоналар оилаларида ва кутубхоналардаги қизиқишлар бўйича бирлашмаларда, клубларда тарғиб қилиш йўли билан эришиш мумкин.

Тўртинчи даражадаги муаммолар республика кутубхоналари фондини халқаро китоб алмашиш орқали она тилидаги адабиётлар билан таъминлашга боғлиқдир. Бундай тажрибалар республика кутубхоналарида мавжуддир: Хўжанд област кутубхонаси тожиқ тилидаги нашрлар эвазига 1500 ўзбек тилидаги китобларни алмашди. Шу сабабли, кутубхоналари фондида ўзбек тилидаги адабиётлари мавжуд хорижий мамлакатлар кутубхоналари (масалан, Афғонистон, Туркия ва ҳокказо) ҳамда МДҲ давлатлари билан халқаро китоб алмашиш ҳуқуқига эга бўлган кутубхоналар сонини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу муаммога республикада яшаётган бошқа миллатлар тилидаги адабиётлар билан кутубхоналарни таъминлаш масаласи ҳам қўшилиб кетади. Ҳозир республикада ташкил топган ва иш юритаётган миллий маданий марказлар билан, турли бошқа жамиятлар, ватандошлар уюшмалари билан алоқа ўрнатиш бу ишда жуда муҳимдир.

Бу масалада республика ҳудудида яшаётган барча халқлар вакилларининг миллий талаб-истакларини қондириш учун база яратишдек масъулиятли вазифа юк-

ланган Ўзбекистон миллий кутубхонаси катта жавобгарликни ҳис этмоғи зарур.

Республикада тил масаласига боғлиқ муаммоларни қараб чиқар эканмиз, Ўзбекистон Фанлар академиясининг шарқшунослик институти ва бошқа кўплаб илмий кутубхоналар фондида сақланаётган республика ҳудудида яшаётган халқларнинг тарихи ва маданиятига доир қадимий ва нодир қўлёзмаларни оммавий ўрганиш даврининг келганлигини таъкидлаш зарур. Ўз миллий маданиятимиз ва маънавий меросимизни илмий асосда дастурий ўрганишни амалга оширмоқ учун республиканинг қадимий маданий марказлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарларида араб, форс ва инглиз тилларини ўқитишни йўлга қўйиш зарур бўлади. Зеро, бу вазифа амалга оширилар экан, унда нафақат Ўзбекистон, балки Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, Миср, Буюкбритания, Фарангистон, Олмония каби хорижий мамлакатлар кутубхоналари ҳамда архивларида мавжуд Урта Осиё ва Туркистон халқлари тарихига оид маънавиятимизни ўрганиб, уларни оммалаштириш имконига эга бўлар эдик.

Ўзбекистон кутубхоналари томонидан ҳисобга олинмиши зарур бўлган хусусиятлардан яна бири — маҳаллий миллат хотин-қизларига кутубхоначилик хизматини ташкил қилишдир.

Ўзбекистон хотин-қизлари жами аҳолининг 50,7 фоизини ташкил этади. Уларни ва хотин-қизларнинг қолган қисмини, айниқса маҳаллий миллат вакилларини бунёдкорлик ишига жалб қилиш, жаҳон маданияти ютуқларидан баҳраманд қилиш ҳар қандай адолатли, инсонпарвар жамиятига хос ҳодисадир.

Хотин-қизлар ўқиши, билим олиши, ишлаши, жамиятдаги барча моддий ва маънавий бойликлардан, имтиёзлардан фойдаланиши учун социал-иқтисодий шароитларнинг яратиланлиги натижасида Ўзбекистонда жами ишловчиларнинг 43 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва социал таъминот соҳасида улар — 2,7 фоизни, маданият соҳасида—57,8, халқ маорифида 59,4, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 53,7 фоизни ташкил этади (Народное хозяйство УзССР в 1988 г. Стат. ежегодник. Т., Узбекистан, 1989, 28-бет). Кўрсаткичлар кейинги вақтларда республикада маиший хизмат соҳасининг, мактабгача тарбия муассасалари тармоғининг

янада ривожланганлиги, умуман, хотин-қизлар моддий ва маънавий аҳволининг яхшиланганлигини таърифлайди.

Айни вақтда ишлаб чиқаришда банд бўлмаган жами аҳолининг кўпчилиги қисмини (59,7 фоиз) уй-рўзгор ишлари билан ва шахсий ёрдамчи хўжалик билан шуғулланувчи меҳнатга лаёқатли, кўп болали аёллар ташкил этади. Ўзбекистон ҳар 1000 кишининг ҳисобига туғилганлар сони жиҳатидан МДҲда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди (35,1 киши). Шу билан биргалликда, Ўзбекистондаги серфарзандлик шароитида тўлиқ бўлмаган иш куни, иш ҳафтаси, касаначилик хотин-қизларнинг иш билан оқилона банд бўлишини таъминлашнинг самарали шакллари ҳисобланади. Масалан, касаначиликни кенг жорий этишнинг нафли томони шундаки, у бундай шароитда сафоатда иш жойларини ҳосил қилиш учун кетадиган капитал маблағларни (ҳисоб-китобларга кўра 100 миллион сўмдан ҳам қимматга тушадиган 15 минггача ўринни) тежаб қолишга имкон беради. Тадқиқот натижалари республикада 200 мингга яқин аёл уйда меҳнат қилиши мумкинлигини кўрсатмоқда (ҳозир эса 16 минг кўп болалик аёллар уйда ишляпти).

Тобора воқеликка айланаётган бозор муносабатларига ўтиш, мулкни хусусийлаштириш жамиятни иқтисодий инқироздан қутқариб, тараққиёт йўлига кириш учун кафолат берадими, иккинчи томондан у жуда кўп соғли ишсизларни келтириб чиқаради ва бунга аксарият аёллар дучор бўладилар. Бу мутлақо табиий бир ҳолдир, сабаби, оилали, бола-чақали аёл ишининг унумдорлиги доимо юқори бўлавермайди. Ишлаб чиқариш корхона эгалари эса бундай аёллар меҳнатидан манфаатдор эмаслар. Мана шуларни ҳисобга олиб, республика президенти томонидан уйда бола тарбияси билан шуғулланувчи аёлларга тарбиячи сифатида маош тўлаш, томорқа хўжалигида ишлаётган аёллар меҳнатини иш стажига қўшиш, кўп болали аёлларга алоҳида имтиёзлар бериш, нафақалар тўлаш, уй бекаларини уйларида иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиб бериш каби қатор хайрли ишларни йўлга қўйишга ёрдам берадиган фармонлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Кутубхоналарнинг асосий вазифаси бундай уй бекалари ўртасида ҳукуматнинг оналар ва болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлигини ҳар

гомонлама тушунтириш ва уларни ижтимоий меҳнатга тортиш устида тарғибот ишлари олиб боришдир.

Ўзбекистон кутубхоналари даставвал фермалар, дала шийпонлари, майший, савдо корхоналари, соғлиқни сақлаш муассасалари каби хотин-қизлар меҳнати кенг тарқалган жамоаларга китоб етказишга ҳаракат қиладилар. Масалан, Андижон областидаги Избосган Марказий район кутубхонаси болалар тарбияси, ахлоқ, турмуш маданияти масалалари бўйича суҳбатлар, овозли ўқишлар ташкил этади, уларни кутубхонада ўтказиладиган суҳбатларга чақириб, аёллар гигиенаси, турмуши, меҳнати, маданий даражасига боғлиқ бўлган қизғин тортишувлар ўтказади.

Кўплаб кутубхоналар ҳузурида «Нафосат», «Саодат», «Иқбол» каби хотин-қизлар клублари, «Ота-оналар мактаблари» ташкил этилган бўлиб, улар асосида маданий-тарбиявий тадбирлар комплекси уюштирилади. Бу тадбирларни амалга оширишда кутубхоналар, Ўзбекистон ҳукумати томонидан ташкил этилган Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг областлар, районлар, шунингдек, бошқа йирик ташкилот ва муассасалар қошида тузилган бошланғич ташкилотлари билан ўз ишларини келишилган ва мувофиқлаштирилган асосда ҳамкорлик қилмоқлари лозим. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай, текинга, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган собиқ Хотин-қизлар советлари ўрнига ташкил топган эди. Бу ҳукуматнинг жамият маънавияти ҳазиналарининг бири бўлган аёлларга кўрсатган ғамхўрлигининг яна бир кўриниши бўлиб, у хотин-қизларнинг моддий ва маънавий муҳофазасини таъминлашга, уларни маданиятли, бой ички дунёга эга бўлган шахс сифатида тарбиялашга эътиборни янада чуқурлаштиришга ҳаракат қилинаётганлигидан далолат беради.

Республикада ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг демократлашуви шароитида Ўзбекистон кутубхоначилари ҳисобга олиши зарур бўлган хусусиятлардан яна бири — ислом дини ва унинг ақидаларига муносабат масаласидир. Энг аввало, бизда қарор топган атеистик ишларнинг илмий-тадқиқот, маърифий-тарғибот, ташкилий-услубий фаолият, уларнинг принциплари ва мезонлари, услубий ёндошувларнинг ғоя-

вий мазмуни ва шакллари каби бутун тизимига қайта баҳо берилиши лозим.

Ўзбекистон кутубхоналари ишидаги регионал хусусиятлардан бири — пахтакорларга кутубхоначилик хизмати кўрсатишни ташкил этишдир.

Республикамиздаги мавжуд 837 та жамоа хўжалигининг кўпчилиги қисми, 1030 дан зиёд хўжаликларнинг 384 таси энг сермеҳнат соҳа — пахтачиликка ихтисослашгандир. Ўзбекистонда пахта етиштириш асосий соҳа бўлганлигидан уни комплекс механизациялаштириш негизида меҳнат унумдорлигини ошириб боришга тўғри келади. Бунда механизатор кадрлар тайёрлаш, айниқса ўрта бўғин мутахассисларини (звено, бригада бошлиқлари, далачилик агрономлари, агрохимиклар ва бошқаларни) ўқитиш, малакасини ошириш, уларга фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари, илғор тажрибалар ҳақидаги ахборотларни ўз вақтида етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахтакорларга малакали кутубхоначилик хизмати кўрсатиш — қишлоқда янги турмуш маданиятини шакллантириш умумий муаммойнинг бир қисми бўлиб, уни ҳал этиш устида республика давлат ва жамоатчилик муассасалари тинмай иш олиб бормоқдалар.

Ҳозирги вақтда деярли барча марказий қишлоқ кутубхоналари ва марказий район кутубхоналарида «Қишлоқ хўжалиги билимлари ва илғор тажрибаларни тарғиб қилишнинг ягона режаси» тузилган бўлиб, уларни тегишли хўжалик раҳбарияти ёки агросаноат бирлашмаси тасдиқлагандан сўнг, бошқа маданий-маърифий муассасалар хизмати ва қишлоқ хўжалиги муассасалари билан биргаликда оммавий-сиёсий ва маданий оқартув тадбирлари олиб борилади.

Қишлоқ хўжалик мутахассисларига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг муҳим вазифаларидан бири — қишлоқ хўжалиги адабиётларини тарғиб қилишнинг шакл ва методларини такомиллаштиришдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши барча мутахассислар ва раҳбар ходимларга бир мақсадга йўналтирилган, амаллий, чуқур мазмунли ахборот беришдан иборат. Самарқанд областидаги Пойариқ, Пастдарғом районларининг, Фарғона областидаги Бағдод, Андижон вилоятидаги Ленин, Хоразм областидаги Гурлан районларининг марказлаштирилган кутубхоналар системалари қишлоқ хўжалик мутахассисларига хизмат кўрсатиш борасида муайян иш тажрибасига эгадир. Масалан, Пой-

ариқ МКСда қишлоқ хўжалик мутахассисларига хизмат кўрсатишда рязанликларнинг «доиравий формуляр» деб аталувчи тажрибаси тўла ўзлаштирилиб жорий этилмоқда.

Гурлан марказий район кутубхонаси район хўжалигининг кўп тармоқли экаңлигини назарда тутиб, қишлоқ хўжалигининг ҳар хил тармоқларида ишлаётган мутахассисларнинг картотекасини тузди, улар тегишли гуруҳларга бўлинди. Ҳар бир гуруҳнинг китобга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ўрганилиб, уларга ёппасига ва якка тартибда янги чиққан адабиётлар рўйхати тавсия қилинади.

Қишлоқ хўжалигида машғул бўлган ходимларга кўчма кутубхоначилик хизмати кўрсатиш шакли кенг қўлланилади. Ҳар йили қишлоқ хўжалик ишлари мавсуми даврида дала шийпонларида 15 мингта кўчма кутубхона ва китоб бериш пункти, библиобуслар қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ишлаб чиқаришга онд ва бошқа адабиётлар тарғиботини йўлга қўйишга ёрдам беради. Бу жойларда кутубхоначилар томонидан ўтказиладиган суҳбатлар ва овозли ўқишларда, кўргазмалли ташвиқот материалларида (плакатлар, китоб кўргазмалари, «Илғорларга тенглашинг» стенди, мусобақа ғолиблари бурчаги, «Пахтакорлар экрани», «Халқ назорати кўзгуси» ва бошқалар) илғорлар ташаббуслари, мусобақа натижалари оммалаштирилади, камчиликлар очиб ташланади.

Ўзбекистонда чорвачилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муҳим соҳаларидандир. Республикада чўпонлар, сут соғувчилар, молбоқарлар, паррандачилар, чорвачилик фермалари механизаторлари орасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларини ўтказиш бўйича бир қанча тажрибалар тўпланган: суҳбатлар, маърузалар, сиёсий ахборотлар ўтказилади, уларни янги вақтли матбуот нашрлари, бадний ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Чорвадорларга турғун ҳолда кутубхона хизмати кўрсатиш амалда бир неча ойгина (октябрдан—май ойигача) давом этади, чунки қолган вақтда улар узоқ яйловларда бўлишади. Бундай шароитда кутубхоначилар мавжуд библиобуслар ва бошқа транспорт воситаларидан максимал даражада фойдаланиб, чўпонларга китоб, газета, журналлар ва бошқа тарғибот ва ташвиқот воситаларини етказишга ҳаракат қиладилар. Таркибига албатта кутубхоначилар ҳам киритил-

ган, ахборот-тарғибот гуруҳлари чўпонлар билан қис-қача суҳбатлар ўтказадилар, халқаро ва ички сиёсат масалаларини шарҳлаб берадилар, республика, област, район ва жамоа хўжаликлари янгиликларни ҳақида сўзлайдилар.

Қишда чорвадорлар яйловдан қайтиб келишгандан сўнг уларга иш жойи ва яшаш жойларида хизмат кўрсатиш фаоллаштирилади. Бу даврда оммавий тadbирларни уюштириш қулайдир. Масалан, уч авлод учрашувлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар, дам олиш кечалари, савол-жавоб кечалари, оғзаки журналлар, шунингдек илғор тажрибаларни ўрганишга доир семинар машғулотлари ва ҳоказолар ўтказилади. Бундай тadbирларни ташкил этишда фермалардаги кўчма кутубхоналар фонди, китоб кўргазмалари яхши ёрдам беради. Бу улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун аввало малакали кутубхоначи кадрлар бўлиши, сўнгра мавжуд кутубхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, етарли китоб фондига эга бўлиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳар бир хўжаликнинг олдида турган аниқ вазифаларни ҳисобга олган ҳолда юритиш ва, ниҳоят, кутубхоначилар жамиятимиздаги ишлаб чиқаришдаги салбий ҳодисаларга, жумладан, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмаслик, давлат мулкига кўз олайтириш, юлғичлик, ичкиликбозлик каби иллатларга қарши фаол кураш олиб бориш зарур.

2-§. КУТУБХОНАЧИЛИК ИШINI ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Ўзбекистонда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги туб қайта қуриш ва янгиланишлар бевосита кутубхоначилик иши ривожланишига таъсир кўрсатади. Китоб фондида жуда катта руҳий бойликларни жамлаган кутубхоналар жамиятга хизмат қилиши, унинг турли жабҳаларига—фан, маориф, маданият, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бериши зарур. Ўз навбатида жамият ва унда рўй бераётган ҳодисалар кутубхоналар фаолиятига таъсир қилади. Бу таъсир бирон бир конкрет тарихий даврга хос ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда намоён бўлади. Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш шароитида кутубхоналар ўзининг асосий диққатини жамиятни

демократлаштириш, халқнинг миллий маданиятини тиклаш, шахснинг ижодий имкониятларини очиш, кишиларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ўстириш каби ижтимоий муҳим мақсадларга қаратишлари лозим.

Мана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг қуйидаги асосий принципларини қайд қилиш мумкин:

1) кутубхонанинг оммабоплиги ва унинг ишини демократлаштириш;

2) кутубхоналар фаолиятини инсонпарварлик йўналишида олиб бориш;

3) кутубхоначилик ишининг давлат характери;

4) мустақил кутубхоначилик сиёсатини юритиш;

5) кутубхоначилик системасини табақалаштириш асосида ташкил этиш;

6) кутубхоналарни ташкил этиш ва унинг фаолиятида кенг жамоатчиликнинг иштирок этиши.

1. Кутубхоналарнинг оммабоплиги ва унинг ишини демократлаштириш. Кутубхоналарнинг оммабоплиги Республикада кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг энг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Кутубхоналардан фойдаланишнинг бепуллиги, кутубхона шахобчаларини аҳолига яқинлаштириш, китоб тарғиботи ва аҳолига хизмат кўрсатишда фаол, пухта шакл ва методларни қўллаш, китобхонлар учун китобхонада қулайликлар яратиш кутубхоналарнинг ҳаммабоплигини амалга ошириш шарҳлари ҳисобланади.

Кутубхоналар иши самарадорлигининг асосий мезони ва бош вазифаси амалда кутубхоначилик кўрларининг оммабоплиги принципини амалга ошириш ҳисобланади. Бу принципга биноан Ўзбекистон фуқаролигига республика кутубхоналаридаги мавжуд ахборот манбаларидан барабар даражада эркин фойдалана олиш ҳуқуқи ва имконияти таъминланиши зарур. Шу билан бирга китобхонлар бевосита ёки кутубхоналарро абонемент орқали барча кутубхоналар фондидан бемалол фойдаланиш; кутубхоналар фондидаги уларни қизиқтирган ҳужжатларни эркин ва ҳеч қандай тақиқлашларсиз танлаш; кутубхоначилик хизматининг барча асосий турлари бўйича бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кутубхоначилик ишини республикада юз бераётган ўзгаришлар асосида қайта қуриш, унинг ижтимоий нуфузини кўтариш кутубхоначилик хизмати кўрсатишини

янада демократлаштириш билан белгиланади. Кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг барча системасида китобхонлар қизиқиши ва талаби устунлигини таъминлаш кутубхоначилик технологияси масаласини чуқурлаштирибгина қолмайди, балки ўз навбатида китобхонларнинг кутубхоналар ишларини режалашда қатнашувини, унинг шаклини ва кутубхонанинг тузилишини белгилаш, китоб фондини тўлдириш ва ҳоказоларни шунингдек кутубхоначилик муассасалари қошида китобхонлар ташаббускорлик органларининг ишлаётганлигини характерлайдиган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этишни тақозо этади. Кутубхона хизмати кўрсатишни демократлаштириш механизми кутубхона тармоқларини, айниқса оммавий кутубхоналарни янада ривожлантиришни кутубхона шохобчаларини жойлаштириш нормативларини китобхонлар яшаш ва иш жойига яқинлаштириш мақсадига, китобхонларнинг янги талаблари ва кутубхоначилик муассасаларининг янги шакллариининг тараққий этишини ҳисобга олиб, мунтазам кўриб боришларни ўз ичига олмоғи зарур.

Кутубхоналарнинг оммабоплиги ва кутубхона фондларини очиб қўйиш кафолатини кутубхонага аъзо қилиш қондаларини соддалаштириш, уларнинг иш тартибини китобхонларга қулайлик нуқтаи назардан кўриб чиқиш, китоб фондларини очиб қўйишни кенг жорий этиш кутубхоналараро абонемент имкониятларини амалга ошириш учун шароит яратиш йўли билан куцайтириш зарур.

Кутубхоначилик хизматининг оммабоплиги қишлоқ аҳолисига кутубхоначилик хизмати кўрсатишни шаҳар даражасига яқинлаштириш бўйича тадбирларни изчил амалга оширишни тақозо этади (шохобчаларни ривожлантириш, қишлоқ кутубхоналари фондини айниқса ўзбек тилидаги фонд таркибини яхшилаш ва ҳоказо).

Кутубхоначилик ишини янада демократлаштиришнинг ва кутубхоналарнинг ижтимоий таъсир доирасини кенгайтиришнинг муҳим йўналиши—кутубхоначилик муассасаларининг кам ўқийдиган ёки умуман ўқимайдиган шахслар билан, шунингдек, ўзининг ижтимоий-молиявий ёки бошқа шароитига кўра ўқишга бўлган талабларини қондириш учун имконияти бўлмаган аҳоли гуруҳлари билан (ногиронлар, жисмоний камчилиги бор шахслар, кўп фарзандли оилалар, меҳнат ва

уруш фахрийлари ва ҳоказо) олиб бориладиган мақсадга мувофиқ ишлардан иборат бўлмоғи зарур.

Ўзбекистон кўп миллатли республикадир. Бундай шароитда кутубхоналарнинг миллий маданиятни ривожлантириш йўналишидаги фаолиятининг бир қисми сифатида миллий маданиятнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирини бойитиши ҳамда миллатлараро мулоқот тили катта аҳамият касб этади. Миллий тилларда адабиётлар билан хизмат кўрсатишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартирмоқ ва барча миллатларга кутубхоначилик хизмати кўрсатишда тенг имкониятлар яратмоқ учун республика, област, марказий район ва шаҳар кутубхоналарининг туб аҳоли тилларидаги адабиётларни иложи борича тўла тўплайдиган ва уларни библиографик жиҳатдан очиб беришни таъминлайдиган китоб фонди сифатидаги ролини кўтариш зарур. Шунингдек, ўзининг миллий давлат ва миллий-ҳудудий тузилмасидан ташқарида яшаётган кишиларга кутубхоналардан она тилида китоб олиш имкониятини яратиш ва уларнинг бошқа маданий-миллий талабларини қондириш учун кутубхоналарда ихтисослаштирилган фондлар ташкил этиш, уларда нашрлар алмашишни кенгайтириш ва такомиллаштириш йўли билан шароит яратиш жуда муҳимдир. Миллий тиллардаги адабиётлар нашрини жиддий кенгайтиришнинг марказлаштирилган дастурини йўлга қўйиш, кутубхоналарнинг миллий тилни ўрганиш ва эгаллашга ёрдами бўйича ишлари системаси ва шакллари ишлаб чиқиш, ўзбек адабиётини тарғиб қилиш бу тадбирларни амалга оширишнинг ҳал этувчи шарти ҳисобланади.

2. Кутубхоналар фаолиятини инсонпарварлик йўналишида олиб бориш. Жамиятдаги инсонпарварлик жараёнулари кутубхоналардан шахсга бўлган эътиборни кучайтиришни, айниқса унинг умуммаданий даражасини кўтаришни талаб этади, бу жамиятнинг руҳий, маънавий ва ахлоқий қувватини янгилаш заруратидан келиб чиқади. Шу муносабат билан ўқишнинг, уни тушунишнинг анъанавий, жаҳон маданияти ҳодисалари билан мулоқат қилиш усули сифатидаги аҳамияти тикланиши зарур. Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида кутубхоналарнинг вазифаси — умуминсоний ҳазиналарнинг сақловчисигина бўлмай, балки миллий хотира фонди ҳам бўлишидир. У кутубхоналарнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган функцияси — фондини шакллантиришда намоён бўлади. Фондлар самараси-

нинг бош мезони — нашрларнинг оммабоплигидир, унинг даражаси эса жамиятнинг ахборотга, китобга бўлган талабининг қондирилишидир. Миллий мероснинг сақланишида, авлодларнинг жонли алоқасини амалга оширишда, қадимги маданиятнинг қайта тикланишида, миллий тилнинг ривож топишида кутубхоналарнинг роли жуда каттадир.

Кишининг ўзгараётган оламни тушунишга ва унда тўғри йўл топа олишига ёрдам бера бориб, кутубхона унга умумбашарий масалаларни тушунишга имкон беради, унинг ижодий имкониятларининг очилишига кўмаклашади. Илмни оширадиган билимларни эгаллаш шахснинг ўзлигини англашига хизмат қилади, бозор иқтисодиётидаги фаолиятининг рақобатда енгилмаслиги кафолоти бўлади. Кутубхоналар фаолиятининг инсонпарварлик йўналиши шахснинг янги компьютер маданиятини қабул қилишга тайёрланишига ёрдам беради, илмий-техника тараққиётининг инсон қалбининг бирлигини барбод этишга олиб боровчи кишиларнинг дағал, маънавий қашшоқ типини таркиб топтириш каби салбий таъсирини бекор қилади.

3. Кутубхоначилик ишининг давлат характери. Ўзбекистонда кутубхоначилик ишига давлат раҳбарлиги амалга оширилади. Бошқаришнинг давлат-жамоатчилик органлари кутубхоначилик хизматига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг самарали системасини барпо этишга зарур маблағлар ва кўр яратишни асослайди, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт режалари ва бюджетларини кўриб чиқишда кутубхоналар эҳтиёжини ҳимоя қилади ва уларни мақсадга мувофиқ таъминлашга эришади, кутубхоначилик иши ривожига ажратилган маблағларни тўла ва самарали ишлатишга ёрдам беради, кутубхоналар ва уларни бошқариш органлари ташаббусини, манфаатдорлигини оширувчи янги ҳужайралик механизмини яратиш ишлари билан шуғулланади.

Кутубхоначилик ишини бошқаришнинг давлат-жамоатчилик органлари кутубхоначилик қурилишининг ҳуқуқий ва норматив асосларини шакллантиради, кутубхоначилик қонунилари ва тегишли ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамал системасини ишлаб чиқади.

Республика даражасидаги идоралараро бошқариш органлари (Маданият ишлари Вазирлигининг Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси, идоралараро кутубхоначилик давлат комиссияси ва

А. Навоий номидаги Ўзбекистон давлат миллий кутубхонаси қошидаги идоралараро кутубхоначилик Кенгаши) томонидан кутубхоначилик ишини ташкил этишининг тахминий ижтимоий-иқтисодий нормативлари ва контрол кўрсаткичлари белгиланади, жамиятнинг кутубхоначилик хизматига, китоб билан таъминлаш системасига, марказлаштирилган каталоглаштиришга, кутубхоначи кадрларни тайёрлашга, кутубхоналарни бошқаришга бўлган умумий талаблари ўрганилади ва асосланади, шунингдек республика аҳамиятидаги кутубхоналарни сақлаш, област кутубхоналарига ёрдам берish, кутубхоналарни техник жиҳозлаш ва уларни автоматлаштириш дастурини амалга оширишнинг давлат буюртмаси ҳаражатлари учун республика жамғарма фонди шакллантирилади, кутубхоначилик иши бўйича асосий давлатлараро муносабатлар тартибга солинади.

Олий даражадаги ҳуқуқий ва норматив актлар фақат умумреспублика манфаатлари учун хизмат қилмоғи ҳамда бошқаришнинг маҳаллий органлари, кутубхоналар ва китобхонларнинг қонуний ҳуқуқларини чеklangмаслиги зарур.

Бошқаришнинг област даражасида (област ҳокимиятининг маданият бошқармаси) област кутубхоналари ва уларга ёрдам берадиган муассасаларнинг област жамғармаси барпо қилинади, кооператив асосда барчага зарур бўлган у ёки бу тарздаги кутубхоначилик фаолияти, турли хил кутубхоначилик иши бўйича област тадбирларини маблағ билан таъминлаш жамғармаси ташкил қилиниши мумкин.

Раҳбарликнинг район даражасида (район ҳокимиятининг маданият бўлими) кутубхоналарга маблағ ажратиш район бюджети ҳисобидан кетади, район кутубхоналари ҳаражатлари, қишлоқ Кенгашлари кутубхоналарини очиш, кутубхоначилик хизмати моддий жиҳатдан паст даражадаги қишлоқ Кенгашларига ёрдам жамғармаси шакллантирилади, район марказидаги ҳар хил типдаги ва бўйсунушдаги кутубхоналар учун иш тартиби белгиланади, районда кутубхоначилик ишини ривожлантириш ва тартибга солишнинг тармоқлараро режаси тузилади ва тасдиқланади.

Шаҳарларда (шаҳар ҳокимиятининг маданият бошқармалари ёки бўлимлари) кутубхоналарни бошқаришнинг давлат-жамоатчилик органлари томонидан шаҳар кутубхоналарини маблағ билан таъминлаш бў-

Йица қарорлар қабул қилинади, шаҳар ҳудудидаги ҳар хил тидаги ва бўйсунишдаги кутубхоналарнинг иш тартиби белгиланади, кутубхона тармоқларини ривожлантиришнинг идоралараро режаси тузилади. Районларга бўлинадиган шаҳарларда (масалан, Тошкент, Самарқанд) бундай функцияларнинг асосий қисми район даражасидаги бошқариш органлари зиммасига юклатилади.

Қишлоқ Кенгашлари даражасида маблағлар уларга бўйсунадиган ҳар бир кутубхона учун тасдиқланади, қишлоқ кенгаши ҳудудида кутубхоначилик ишини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилинади, улар фаолияти назорат қилинади.

Айрим корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда кутубхоналарни маблағ билан таъминлаш ўша корхона, ташкилот ва муассаса ҳисобидан олиниб, у билан боғлиқ барча қарорлар раҳбарлик томонидан меҳнат жамоаси Кенгашлари билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

Давлат-жамоатчилик раҳбарлик системаси барча органларининг бошқариш фаолияти жамият ва кутубхона ўртасида, кутубхоналар билан бошқа муассасалар ҳамда кутубхона жамоатчилиги аъзолари ўртасида белгиланган янги иқтисодий-ҳўжалик муносабатлари асосида қурилади. Кутубхоналарни маблағ билан таъминлаш деганда жамият ҳаражатларига ташкил қилинган кутубхоналарнинг маълум тур ва сифатдаги хизмати учун ўша жамият ёки жамоа томонидан кутубхоналарга тўланадиган тўлами тушунилади.

Тўламга асосий жамғармани барпо қилишдаги ҳаражатлар кутубхоналарни жорий сақлаш, кутубхоначилик жамоаси меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий ривожлантириш маблағлари киритилади. Кутубхоначилик хизмати кўрсатиш қимматига чиқимлар билан бирга маълум киримлар ҳам киради.

4. Мустақил кутубхоначилик сиёсатини юритиш. Бу янгиланиш давридаги кутубхоналарнинг энг муҳим принципларидан бири бўлиб, у меҳнат жамоаси қатнашувида ўз дастурини қабул қилиш ва унинг бажарилишини таъминлаш; бошқариш жараёнида номарказлаштириш, ўзини-ўзи ривожлантириш системаси сифатидаги имкониятларини амалга ошириш, иқтисодий мустақиллик ва ҳуқуқий кафолат каби кутубхоначилик сиёсатини юритишни тақозо этади.

Бу принципга кўра кутубхоналар мавжуд ҳаражат-

лар доирасида ўз ходимлари миқдори ва кутубхона тузилишини аниқлашга, уларнинг уставиди ҳамда кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг умумреспублика ва ҳудудий дастурида қайд қилинган мақсад ва функцияларига мувофиқ фаолиятининг аниқ йўналишлари ва шаклларини белгилашга ҳуқуқлидир.

Давлат кутубхоналари оммабоп кутубхона тарзида барча учун очиқ. бўлиши ва асосий кутубхоначилик хизматини бепул амалга ошироқлари лозим. Улар турли йўллар билан келиб тушадиган ҳаражатлардан, энг аввало республика ва маҳаллий бюджетлардан, ўз хизмати эвазига тушган маблағлар, жамоатчилик ташкилотлари ҳаражатлари, жамоа ва шахсий қайр-эҳсонлар ҳисобидан маблағ билан таъминланадилар.

Турли гуруҳлар ташаббуси бўйича барпо қилинадиган жамоатчилик кутубхоналари уларнинг ўзи томонидан ҳаражат олади. Аҳоли ижтимоий фаоллигининг ортиб бориши ҳаётга жамоатчилик кутубхоналарининг янги шаклини олиб келиши мумкин.

Туб иқтисодий ислоҳотнинг ўтказилиши ва янги ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши жараёнида хилма-хил тижорат кутубхоналари пайдо бўлди. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принципига амал қилиб, бундай кутубхоналар пуллик кутубхоначилик-ахборот хизмати шакллари кенгайтиришдан манфаатдор бўлади.

Тегиншли ҳуқуқий нормалар билан таъминланган хўжалик мустақиллиги туфайли кутубхоналар ўз хоҳишларига кўра кооператив ва бошқа муносабатдаги алоқаларга кира олиши, янада тараққий этиш сиёсатини белгилаши мумкин.

Кутубхоналарнинг хўжалик фаолиятидаги янгилик хўжалик юритишдаги ҳаражатларни сарф қилишдан қўрларни асраш механизмига ўтиш натижасида маблағларни янада унумли ишлатишга ўтиши ҳисобланади. Бунинг шарт кутубхоналарнинг хўжалик мустақиллиги ҳисобланиб, унга кўра кутубхона жамоаси меҳнати ҳақ тўлашнинг тегиншли системаси бўйича рабатлантирилади ва ўз меҳнатининг сўнги натижасидан бевосита манфаатдор бўлади. Кутубхона бюджетини шакллантиришда кутубхона жамоасининг ташаббускорлиги (спонсорларни қидириш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш) сезиларли роль ўйнайди. Бюджетдаги маблағларни сарфлаш барқарор нормативлар ёрдамида амалга оширилиб, улар меҳнатга ҳақ тўлаш, мод-

дий рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тараққиётга ажратиладиган маблағларнинг улушини белгилашда асос бўлади.

5. Кутубхоначилик системасини табақалаштирилган асосда ташкил этиш. Кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг асосий йўналиши кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини, кучайтириш, ихтисослаштириш, улар фаолиятини барча соҳаларда мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш ҳисобланади. Республика мустақиллиги, ҳудудий хўжалик ҳисобини жорий этиш ва маҳаллий кенгашлар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши, ўз ишларини ривожлантиришда кутубхоналар мустақиллигининг кучайиши кутубхона системаси бирлиги ва бутунлигини амалга ошириш масаласини янгирақ ечишни талаб қилади.

Кутубхона тармоқлари бирлиги эндиликда буйруқли-бошқариш актлари асосидаги кутубхоналарнинг ташкилий бирлашмаси ва кутубхоначилик системаси сифатида қаралиши мумкин эмас. У кутубхоначилик қўрларини уйғунлаштиришда кутубхоналарнинг ўзаро қизиқишлари, кутубхоначилик қўрларини шакллантириш ва ишлатишни мувофиқлаштириш шаклларини ривожлантириш, тегишли кутубхоначилик — библиографик восита ва методларни (йиғма каталог, КАА ва ҳоказо) тараққий эттириш натижасида таъминланади.

Ҳозирги шароитда кутубхона тармоғи жуда ўзгарувчан бўлиши табиийдир. Китобхон ва унинг қизиқиши ҳудудий кутубхоначилик системаларини тартибга солиш ва уни янада тараққий эттиришда асосий омил бўлиб қолади. Қатъий тармоқлар бўйича тузилган кутубхона системаси ва унинг марказлаштирилган асосда жорий этилган ташкилий шакли ўрнига кўп вариантли ўзгарувчан тузилиш вужудга келади. Масалан, кутубхоналарнинг тузилган мақсадлари бўйича (кутубхона-қироатхона, клуб-кутубхона, кутубхона-мулоқот маркази, оилавий ўқиниш кутубхонаси), фондларнинг мавзун, таркиби бўйича (тарихий адабиётлар кутубхонаси, санъат материаллари бўйича кутубхона), **ва нашр турлари бўйича** (вақтли матбуот нашрлари кутубхонаси, нота, мусиқий нашрлар кутубхонаси, видео ёзмалар кутубхонаси), китобхонларнинг ёш гуруҳлари бўйича (болалар кутубхонаси, ёшлар кутубхонаси, катталар кутубхонаси) каби табақалаштирилган янги типлари тараққий этади.

Кутубхона тармоқларининг бирлиги амалдаги мав-

жуд марказлаштирилган кутубхоналар системалари фаолиятини такомиллаштириш билан бир қаторда, барча тип ва турдаги ҳудудий кутубхоначилик системаларини (ХКС) барпо қилиш тажрибасини кенгайтиришни тақозо этади. Бундай бирлашмалардаги мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш даража ва меъёрлари турлича бўлиши мумкин ва у кутубхоначилик ишининг хилма-хил соҳаларини қамраб олади. Бу хилдаги бирлашмалар маҳаллий шароит ва имкониятларни ҳисобга олган бўлиши, кутубхоналар ўз эрки билан, ўзаро қизиқиш ва манфаатдорлик асосида бирлашиши унинг ҳаётийлиги шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон кутубхоналари китобхоналарининг энг кўп қисмини болалар ва ёшлар ташкил қилади. Уларга турли хилдаги кутубхоналар (оммавий универсал, махсус болалар, мактаб кутубхоналари ва ҳоказо) кутубхоначилик хизматини кўрсатади. Бу гуруҳлардаги китобхоналарга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш хилма-хил турдаги кутубхоналар функциясини китобхоналар қизиқиши ва ўқиш мақсадлари бўйича хизмат кўрсатишни янада чуқурроқ ихтисослаштириш, болалар ва ўспиринларга хизмат кўрсатишда янада аниқроқ ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш асосида белгилашни талаб қилади. Маҳаллий шароитга мувофиқ болалар ва ўспиринларга хизмат кўрсатадиган идоралараро кутубхоначилик муассасалари (болалар ва мактаб кутубхоналарининг марказлашган системаси)ни барпо қилиш мумкин, бунда китобхоналарнинг ўзгарувчан талабларига хизмат кўрсатишнинг янги вазифаларга жавоб бера оладиган хилма-хил маданий-кутубхона ва кутубхоначилик-таълимий марказларнинг пайдо бўлиши мумкин.

Кутубхоначилик муассасалари хилма-хил ташкилий шаклларининг ўсиши, улар вазифаларининг ўзгариши ва кенгайиши, кутубхоналарни турли хилдаги маданий комплекслар ва бошқа муассасалар таркибига киритилиши кутубхоналар тармоғи бирлигининг янги муаммоларини келтириб чиқаради.

Кутубхоналар ягона системаси ривожланишининг умумий қонунияти ва муҳим хусусияти унинг жўшқинлиги ва ҳаракатчанлигидир. Ўзбекистон кутубхона тармоқларининг ягона системаси ўзининг тарихига эга бўлиб, унинг бошланиши, шаклланиши вақт синовидан ўта бориб, ривожланиш ва такомиллаштириш босқичларини ўтмоқда. Барча ижтимоий система каби у ҳам

мураккаб тузилиши, унинг қисмлари бирлиги ва қарама-қаршилиги, таркибий қисмларининг доимо ўзгариб туриши билан характерланади ва тараққийёт қонуниятлари билан тартибга солинади. Кутубхоначилик системасига ташқи муҳитдаги ўзгаришлар—демографик ва илмий техника ислохотлари катта таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсирида унинг таркибий қисмлари таркиби, кутубхоналарнинг типлари, тузилиши ўзгаради, табақаланади ва бир бутун системага айланади.

6. Кутубхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятида кенг жамоатчиликнинг иштирок этиши. Кутубхоначилик ишини тараққий эттириш ва такомиллаштиришда касбий ўзини-ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожлантирилиши, кутубхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятида жамоатчиликнинг иштироки жуда муҳим масала ҳисобланади.

Касбий ўзини-ўзи бошқаришнинг олий органи—Ўзбекистон кутубхона ходимларининг қурултойи ҳисобланади. Кутубхона ходимларининг қурултойи идораларда аҳамиятга эга бўлиб, барча ҳудудий даражаларда вақти-вақти билан чақирилиб турилади. Кутубхона ходимлари қурултойларида кутубхона қурилишининг узоқ ва ўрта муддатли дастурлари, кутубхоначилик иши бўйича энг муҳим норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг лойиҳалари қараб чиқилади, умумдават кутубхоначилик дастурларида жамоатчиликнинг иштироки бўйича қарорлар қабул қилинади.

Касбий ўзини-ўзи бошқаришнинг Республика органи (қурултой) кутубхоначилик иши бўйича қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ёки Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

Кутубхоначилик ишини бошқаришда жамоатчилик ўзининг сайланма-вакиллик органлари орқали, шунингдек кутубхоналар ва кутубхона ходимларининг кўпчилиги касбий жамоатчилик бирлашмалари (иттифоқлари; жамиятлари), кутубхоналар иши билан боғлиқ манфаатдор шахслар орқали иштирок этади.

Кутубхоначилик бирлашмалари (иттифоқ, жамиятлари) кутубхоначилик хизматини такомиллаштириш ҳамда кутубхоначилик касбининг ижтимоий ҳимоя қилишда кутубхоначилар ҳаракатини бирлаштириш мақсадида ҳудудий ёки соҳавий принцип бўйича, кутубхоналарнинг типлари ва турлари бўйича, кутубхоначилик

ишининг йўналишлари бўйича барпо қилиниши мумкин.

Жамоатчиликнинг айрим кутубхоналарни бошқаришда қатнашуви кутубхона ишидан манфаатдор ва энг фаол шахслардан сайланган васийлар кенгаши орқали амалга оширилади.

Кутубхоначилик ишининг ўзини-ўзи касбий бошқариш системаси асосий иш кўрсаткичлари режасини, кутубхоначилик қўрларини тақсимлаш, ички кутубхоначилик жараёнларини тартибга солиш, ҳар хил тармоқ кутубхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи, уларнинг фаолиятини турли кутубхоначилик бирлашмалари доирасида мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш, кутубхоначиларнинг ижтимоий мавқеи, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, иш ва турмуш шароити бўйича жамият талабларини ишлаб чиқиш каби муаммоларни ечишни ўз зиммасига олиши зарур.

Юқорида қайд қилган принципларни амалга ошириш ўзбек кутубхонашунослиги моҳиятини, унинг иш мазмунини бойитади ва аҳамиятини кўтарди.

Кутубхоналарнинг асосий функциялари

Жамиятда кутубхоналарнинг функцияларини белгилаш ва моҳиятини аниқлаш муаммоси кўпга кутубхонашунослар диққатини ўзига жалб этган. Бу масалада барча етакчи олимлар ўз «изларини» қолдирган. Масалан, О. С. Чубарьян кутубхоналарнинг тарбиявий, ахборот ва маърифий функцияларига тўхталган бўлса, И. М. Фрумин унинг тарғибот-ташвиқот, педагогик, ишлаб чиқариш ва эстетик функцияларини ажратиб кўрсатди. 60—70-йилларда кутубхонашунослар ўртасида ўтказилган мунозара натижасида гоёвий-тарбиявий, маърифий ва касбий ўқишга ёрдам бериш каби асосий ижтимоий функциялар ажратиб кўрсатилди. 80-йилларда кутубхоналарнинг роли мафкуравий, маданий-маърифий ва илмий ахборот муассасалари сифатида қонунлаштирилган эди.

Айрим ишланмалар орасида кутубхоналарни жамият томонидан ҳужжатларда материаллашган тажрибаларни тўплаш, социал, замон ва маконга узатиш учун хизмат қиладиган ижтимоий институт сифатида қараладиган Ю. Н. Столяров концепцияси диққатга сазовордир. Е. Силиверстов ҳам кутубхоналарнинг функциясини тавсифлашда ўз концепцияси билан чиқа-

ди. У кутубхоналарнинг кўп функциялари орасидан асосийсини иккинчи даражалисидан, муҳимини номуҳимдан ажратишга ҳаракат қилади.

Ҳозирги кунда энг асосийси — кутубхоналарга унинг ижтимоий институт сифатидаги асосий моҳиятини қайтаришдир. Бунинг учун уларни партия тарғибот органлари системасига киритиш каби нотўғри тажрибадан воз кечиш ва уларни илмий-техника ахбороти органлари системасига тобелик аҳволдан чиқариш ҳамда уларнинг маданиятнинг пойдевори сифатидаги, инсониятнинг ҳужжатлашган хотираси, миллий хотира маркази сифатидаги аҳамиятини тиклаш зарур.

Умуман кутубхоналарнинг бир-бирига бўйсунадиган функцияларини қуйидаги тартибда тавсифлаш мумкин:

Бош (кутубхонанинг моҳиятини белгилаб берувчи) функциялар — кумулятив, хотира, ахборот-коммуникатив (алоқа учун хизмат қиладиган) функциялар;

Асосий (тип ҳосил қилувчи) функциялар — ўқишга, касбий-ишлаб чиқаришга, илмий ишга, мустақил билим олишга ёрдам берувчи функциялар;

Ҳосила функциялари — маърифий, тарбиявий, ишлаб чиқариш функциялари.

I. Кутубхоналарнинг махсус ижтимоий институт сифатидаги моҳиятини белгилаб берадиган, уларнинг нима учун барпо қилиниши ва ишлаши зарурлигини, шунингдек бошқа муассасалардан фарқи ёки турдошлар билан нима бирлаштиришини кўрсатадиган хусусиятлар бош функциялар ҳисобланади.

Кутубхоналар меҳнатини очиб берувчи функциялар уларнинг катта-кичиклигидан, уларнинг фонди ҳажмидан, китобхонлар таркиби, уларнинг тип ва турларидан қатъий назар барчасига тааллуқлидир. Афтидан, ҳужжатларни тўплаш, сақлаш ва ишлатишни ташкил қилиш, яъни кумулятив, хотира ва ахборот-коммуникатив функциялар шу сабабдан ҳам асосий ҳисобланади.

Кумулятив функция китобхонларнинг хилма-хил талабларини қондиришга, зарур бўлган барча ҳужжатларнинг кутубхоналарга (ёки системага) келиб тушиш тўлаллигини таъминлашга хизмат қилади.

Хотира функцияси эса ҳужжатларда мустаҳкамланган барча билимлар мажмуини келажак авлодга етказиш учун сақлаб беришни таъминлайди.

Ахборот-коммуникатив функция ҳужжатлардан бемалол фойдаланиши ва уларга эҳтиёж сезган барча истеъмолчиларнинг уларни тезда олиши учун шароит

яратади. Айнан шу функциялар кутубхоналарни ўқув юртлари, клуб муассасалари ёки ишлаб чиқариш корхоналаридан ажратиб туради. Айни вақтда баъзи бир функцияларнинг ўхшашлиги кутубхоналарни бошқа ҳужжатли алоқа системалари, музей, архив каби муассасалар ўртасидаги ўрнини белгилаб беради.

Гарчи ҳар бир кутубхонага барча бош функциялар хос бўлса-да, аммо уларнинг мазмуни кутубхоналар фондининг даражаси ва ҳажмига, шароитга боғлиқ бўлади. Масалан, қишлоқ ва област кутубхоналари учун, корхона кутубхонаси ва марказий тармоқ кутубхоналари учун ҳужжатларни танлаш тўлаллиги ҳар хил бўлади.

Кутубхонанинг моҳиятини очиб берувчи функциялар барқарор хусусиятга эга, у ўзгармайди, ҳатто унга ижтимоий-иқтисодий тузумнинг ўзгариши ҳам таъсир этмайди. Кутубхоналар қандай жамиятга хизмат қилиши бундай функцияларга боғлиқ эмас.

Қўп асрлик тарих даврида кутубхоналарнинг моҳиятини очиб берувчи функциялар ўзгаришсиз қолган ҳолда, жамиятда юз берган ўзгаришлар таъсири остида ўзининг мазмунини янада чуқурлаштириши, такомиллаштириши мумкин. Масалан, ҳўжалик юритишининг янги иқтисодий шароитида ва ишлаб чиқариш ҳужжатларни тақсимлаш системасидаги ўзгаришларга боғлиқ равишда кумулятив функцияларнинг ўзгаришини кутиш мумкин. Гарчи ҳужжатларни сақлашдаги янги технологиянинг таъсири муқаррар бўлса-да, хотира функцияси ҳам сақланади. Ахборот-коммуникатив функцияси янги иш шакллари билан (кутубхоналарда социологик хизматларни ташкил этиш, аҳолига китоб сотишни ташкил этиш, чет тилларни ўрганиш бўйича тўғарақлар ташкил қилиш; овозли ҳужжатларни ижарага бериш ва ҳоказо) анча бойитилади.

2. Асосий функциялар негизида инсон фаолияти жараёнида пайдо бўлаётган китобхонлар талаби ётади (масалан, ўқиш, касбга оид фаолият ёки дам олишни ташкил этиш). Шу хусусият кутубхоналарнинг халқ маорифи системасида, иқтисодиётда ёки маданият соҳасида ишлаб туришини тақозо этади, шунингдек уларнинг ўқишда, мутахассисларнинг касбий ўсишида, аҳолининг умуммаданий даражасининг ортишида, мустақил билим олишида, дам олишида ёрдам бериши бўйича вазифалари намоён бўлади. Китобхонлар талаб ва эҳтиёжга мувофиқ биз кутубхоналарни типларга ажра-

тамиз: универсал (оммавий ва илмий), махсус, ўқув кутубхоналари ва ҳоказо.

Қайд қилганимиздек, асосий функциялар тип ҳосил қилувчи роль бажарар экан ва улардан ҳар бири тегишли кутубхоналар типда устун туради: ўқув кутубхоналарида (мактаб, техникум, ўрта махсус билим юрти, олий ўқув юрти) ўқишга ёрдам бериш, махсус кутубхоналарда (корхоналар, муассасалар, ташкилотлар) касбий, ишлаб чиқариш ва илмий ишларга ёрдам бериш, оммавий кутубхоналарда мустақил билим олишга, дам олишга ёрдам беради.

Асосий функциялардан ҳар бири, агар бунинг учун зарурий фонди бўлса, бошқа типдаги кутубхоналарда ҳам бажарилиши мумкин. Масалан, ўқув кутубхонаси (олий ўқув юрти) илмий ишга ёрдам бериш имкониятига эга, оммавий кутубхона эса барча учта функцияни ҳам бажара олади. Шундай бўлса ҳам ҳар бир типдаги кутубхона учун маълум бир функция устун бўлиб қолавереди.

Асосий функциялар нисбатан барқарордир. Уларнинг барқарорлиги амалда мавжуд кутубхона типларининг ва турларининг барқарорлигидир. Жамиятда янги жамоатчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши, янги ижтимоий гуруҳларнинг шаклланиши албатта шундай тегишли ахборот эҳтиёжининг шаклланиши билан бирга содир бўлади; агар мавжуд кутубхоналар уларни қаноатлантира олмасалар, унда бу янги типдаги кутубхонани барпо қилишга олиб келиши мумкин. Демак, кутубхоналарнинг асосий функциялари шу даражада барқарорки, у жамият бағридаги кутубхоналар хизмат қиладиган система барқарорлигига боғлиқ бўлади.

3. Кутубхоналар ижтимоий функцияларининг учинчи гуруҳини ҳосила функциялар ташкил этади. Китобхонлар орасида ҳужжатларни тарқатишда воситачи сифатида фаолият кўрсата бориб, кутубхоналар натижада ўзлари бўйсунадиган тармоқлар, муассасалар ҳал этадиган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига имкон яратади. Масалан, Маданият ишлари вазирлиги системасидаги оммавий кутубхоналар биринчи навбатда уларнинг маърифий фаолиятига боғлиқ бўлган маданиятпарварлик вазифаларини бажариши, аҳолининг дам олишини ташкил қилишда қатнашмоғи лозим.

Юқорида қайд қилинганлардан ташқари кутубхоналарга уларнинг кутубхоначилик системасидаги роли ва ўрнига қараб қўшимча функциялар берилиши мумкин.

Одатда, бундай функциялар тармоқ эҳтиёжини таъминлаш имконига эга бўлган ва кутубхоначилик системасини барпо қилишга имкон яратадиган йирик кутубхоналарга берилади.

Ҳосила функциялар ўзгаришларга кўпроқ мойил бўлади, сабаби улар кутубхона системасидаги туб қайта қуришлар билан боғлиқ бўлмайди ва агар кутубхоналар эътиборини у ёки бу ижтимоий муаммога қаратиш зарур бўлса, аввалдан шаклланган фонд негизида ўз турини ўзгартириши мумкин. Масалан, маърифий функцияни амалга оширишда барча тип ва турдаги кутубхоналар экологик масалаларга жамоатчиликнинг диққати қаратилганлигини ҳисобга олмоқлари зарур. Бошқариш соҳасида демократлаштиришнинг авж олиши кутубхоналардан депутатлар ҳайъатини тегишли ахборотлар билан таъминлашни ташкил этишни талаб қилади ва бу давлатни, халқ ҳўжадигини омилкорлик билан, малакали бошқаришни йўлга қўйишга ёрдам беради.

Ҳар бир кутубхона учун функциялар мажмуи қуйидагича бўлади: учта бош функция ва кутубхона типига мувофиқ асосий функциянинг биттаси, шунингдек хоҳлаган миқдордаги тегишли ҳосила функциялар. Оммавий кутубхоналарга хос функциялар бўйича саволлар пайдо бўлиши мумкин. Улар универсал фондга эга бўлган ҳолда фақат мустақил билим ортирувчиларнинггина эмас, балки маърифий, касбий эҳтиёжларни ҳам қондиради. Бу ҳақ, аммо бу талаблар эмас, балки ижтимоий-маданий эҳтиёжлар оммавий кутубхонанинг ихтисосини белгилайди, шу сабабдан уларнинг бош вазифаси бадний, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий адабиётларга, ўлкашунослик бўйича нашрларга, санъатга, вақтли матбуот ва кинофото ҳужжатларга бўлган талабларни қондиришдир. Оммавий кутубхоналардан ташқари биронта бошқа кутубхона жамият учун энг муҳим бўлган маърифий, тарбиявий функцияларни бажара олмайди.

Кутубхоналарнинг бош ижтимоий функцияларини тушуниб етиш кутубхоначига ўзининг касбий фаолиятини тўғри амалга оширишга ёрдам беради. Ихтисослашган бўлимлар бўйича фондни тўлароқ тўлдириш, барча зарурий ҳужжатлар билан бемалол таъминлаш учун китобхоналарга хизмат кўрсатишни унумли ташкил этиш ва ҳоказо.

Кутубхоналарнинг ҳосила функцияларга кўпроқ

урғу бериши, кўпинча иш сифатини баҳолашда янглиш мезон тапашга, оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича рақамли кўрсаткичларни ўстириш орқасидан кетишга, соҳавий ва бошқа адабиётлар билан тўлдиришда хато-ларга йўл қўйишга олиб келади.

Айни вақтда, кутубхоналарнинг ўзлари бош функцияларни сифатли бажараётганликларини тўғри аниқлашни билмайдилар: китобхоналар талабини тўла қондира олдими, бошқа кутубхоналар билан тўлдиришни қандай мувофиқлаштиради, фонднинг айрим қисмлари қай даражада тўла тўлдирилган ва ҳоказо.

Кутубхоначилик функцияларнинг кенгайиши жамият эҳтиёжининг ўзгариши таъсири остида, янги технологиянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда, ҳужжатлар оқимидаги қайта ўзгаришлар, шунингдек ҳужжатларни сақлаш ва қидириш системасидаги ўзгаришлар таъсири остида юз беради.

Жамиятдаги хилма-хил тармоқлар таркибига кирган ва уларнинг вазифаларини бажара бориб, кутубхоналар айни вақтда улар билан бирлашиб кетмайди, балки ижтимоий мақсади ҳужжатларга бўлган талабларни қондиришдек туб функциясида ифодаланган мустақил муассаса бўлиб қолади.

3-§. РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА КУТУБХОНА ХИЗМАТИ КўРСАТИШНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

Қишлоқ аҳолисига кутубхона хизматининг ташкил қилиниши

Қишлоқ аҳолисини кутубхона хизмати билан қамраб олиш ҳар бир юқори маданиятга эришган мамлакатга хос бир хусусиятдир. Шу нуқтаи назардан ҳозирги Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи қишлоқ меҳнаткашларига кутубхона хизмати кўрсатишнинг асосий босқичларини, ҳозирги аҳолини ва истиқболларини назардан кечириш муҳим аҳамиятга молик масаладир.

Статистик маълумотларга кўра, 1928 йил бошида республикада жами 161 та оммавий кутубхона бўлиб, уларнинг китоб фонди 308,8 минг нусха эди. Шундан 63 та кутубхона қишлоқлар саҳнида жойлашган бўлиб, атиги 36,9 минг китоб фондига эга бўлган, яъни ҳар бир кутубхонага ўртача 586 та китоб тўғри келган эди. Буларнинг асосий кўпчилиги қизил чойхона ва қи-

роатхоналар қошидаги кутубхоналар бўлиб, уларнинг моддий негизи жуда заиф, кутубхоначи кадрлар ма-лакаси деярли йўқ, фондда эса ўзбек ва бошқа маҳал-лий тиллардаги китоблар ниҳоятда камчил эди.

1930 йилда округларнинг тугатилиши натижасида республикада район кутубхоналари тармоғи кенгайди, собиқ округ кутубхоналари район кутубхоналарига айлантирилди, қишлоқ кутубхоналари асосий кутубхо-на типи бўлиб қолди. Бундай кутубхоналардан 1933 йилда қишлоқда 219 муқим, 79 кўчма кутубхоналар ишлаб турганди, уларнинг жами китоб фонди 301300 нусха эди.

1932 йилда китоб фондларининг тўлдирилишини 41 та кутубхона бўйича таҳлил қилсак, уларга 74700 нус-ха китоб ёки ўртача битта кутубхонага 1822 китоб олинган. Айни вақтда 31 та кутубхона бўйича бир йилда 16200 та китоб ёки ўртача битта кутубхонадан 506 та китоб чиқарилган.

1934 йил октябрда ўтказилган Бутуниттифоқ кутуб-хоначилик рўйхатига кўра, Ўзбекистонда жами 2555 та муқим, 362 та кўчма кутубхоналар бўлиб, уларнинг умумий китоб фонди 5177018 та китобни ташкил этган. Шундан 1397 муқим, 34 та кўчма кутубхоналар қиш-лоқ жойларда жойлашган бўлиб, уларнинг умумий ки-тоб фонди 592290 та нусхани ташкил этади. (Всесоюз-ная библиотечная перепись 1 окт. 1934 г. Т. 1. Основ-ные итоги. М., 1936, 134—136-бетлар).

Қишлоқ кутубхоналарининг аҳволини яхшилашда ЎзССР МИКнинг «Ўзбекистон ССРда кутубхоначилик иши тўғрисида» (1934 йил май)ги, ЎзССР ХКСнинг «Республикада кутубхоначилик иши тўғрисида»ги (1937 йил) март қарорлари ҳамда қишлоқда кутубхоначилик ишини йўлга қўйишда энг яхши район учун ўтказилган Бутуниттифоқ конкурси катта роль ўйнайди. Конкурс 1935 йил 15 июндан 1936 йил 1 январгача давом этди. Бу давр мобайнида Ўзбекистонда 626 та янги кутуб-хона ташкил этилди, улардан 12 таси район, 204 таси колхоз, 12 таси МТС, 90 таси қишлоқ, 122 таси клуб қошида ва 16 таси бошқа муассасалар ҳузурдаги ку-тубхоналар эди. Қишлоқ кутубхоналарининг китоб фонди 100 минг нусхадан ортиқ нашрлар билан тўл-дирилди. Бу ишга 498 та китоб элтувчи ва фаоллар жалб қилинган эди. (Киров В. Большое внимание

национальным библиотекам.— Красный библиотекарь. 1936, 10 сони, 14- бет).

Кўрилган турли чоралар натижасида қишлоқда оммавий кутубхоналарнинг тармоғи тез ўсди ва уларнинг моддий аҳволи мустақамланиб борди. Қишлоқда оммавий давлат кутубхоналарининг сони 1933 йилда 219 тадан, 1939 йилда 975 тага етди, уларнинг китоб фонди 301300 нусхадан 729400 тага кўпайди. Янги кутубхоналар миқдори 4 баравардан ортиқроқ, китоб фонди эса қарийб 2,5 баравар юксалди. Кутубхоначи кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта эътибор берилди. 1937 йилда Тошкентда кутубхоначилик техникумининг очилиши, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Хивада бир йиллик, олти ойлик курсларнинг кенгайтирилиши қишлоқ кутубхоначиларини тайёрлашда муҳим роль ўйнади. Фақат 1938—1939 йиллар мобайнида бир йиллик курсларда 694, қисқа муддатли курсларда 145 та кутубхоначи кадр тайёрланди, шу йили 58 киши кутубхоначилик техникумини битириб чиқди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда урушдан олдинги беш йилликлар давридаёқ қишлоқ кутубхоналарининг асосий системаси таркиб топди. Улар район кутубхоналари, қишлоқ, колхоз, совхоз, МТСлар, клублар қошидаги, болалар ва мактаб кутубхоналари, шунингдек кўплаб кўчма кутубхоналар тармоғи сифатида вужудга келган эди. 1941—1945 йиллар урушидан кейинги йилларда бу жараён давом этди. 50-йилларнинг ўрталарида республикада ҳар бир қишлоқ советида давлат оммавий кутубхонасини ташкил этиш муаммоси асосан ҳал этилди, ҳар бир колхозда колхоз кутубхонаси, совхозларда касаба союз кутубхоналари тармоғи вужудга келди.

1972 йилга келиб (давлат оммавий кутубхоналарини марказлаштирилган кутубхона системаларига ўтказиш арафасида), республика қишлоқ аҳолисига 4843 та оммавий кутубхоналар хизмат кўрсатди, уларнинг умумий китоб фонди 18771 минг нусхани ташкил этди. Бундан битта қишлоқ кутубхонасига 2,2 минг аҳоли, жон бошига 2,3 кутубхона китоби тўғри келганлигини кўриш мумкин. Норматив бўйича битта қишлоқ кутубхонаси ўртача 750—1000 аҳолига хизмат кўрсатишини ҳисобга оладиган бўлсак, республикада қишлоқ кутубхоналари тармоғининг етарли даражада ривож топганлигини кўрамыз.

Кўрсаткичлар	маъи кутуб- хона- лар	Шу жумладан				қишлоқ кутуб- хона- лари
		област	район	шаҳар	бола- лар.	
Кутубхоналар миқдори	3082	11	163	251	294	2363
Китоб фонди, минг нус- ха	24975,0	2161,5	3510,8	5028,3	5163,8	9110,6
Битта кутубхонага тўғ- ри келадиган ўртача китоб фонди, минг нусха	8,1	196,5	21,5	20,0	17,6	3,9
Битта кутубхонага тўғ- ри келадиган ўртача китобхоналар миқдори	725	6036	1572	1212	1348	481
Битта кутубхонага тўғ- ри келадиган ўртача кутубхона китоби	11,2	32,6	13,7	13,2	13,0	8,0
Битта китобхонага бе- рилган ўртача кутуб- хона китоби	13,6	20,4	14,0	19,5	18,1	9,5

Шу йилда Маданият ишлари вазирлигига қарашли кутубхоналарнинг ўртача кўрсаткичларини таққосласак, қишлоқ кутубхоналарида улар анча паст эканлигини кўриш мумкин (3-жадвалга қаранг).

Шуни таъкидлаш керакки, республикада қишлоқ кутубхоналарининг ўртача кўрсаткичлари иттифоқ кўрсаткичларидан анча кам бўлишига қарамай, уларнинг ўсиш даражасини меъёрида дейиш мумкин. Масалан, биз юқорида қайд қилганимиздек, кутубхона тармоқларининг, умуман кутубхоначилик ишининг республикада жуда тез ривожланган даври бўлган 30-йиллар ўрталарида республикамиз қишлоқларидаги 1379 та кутубхонанинг ҳар бирига ўртача 424 та кутубхона китоби тўғри келган бўлса, 1972 йилда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларидаги аҳолига хизмат кўрсатадиган 4843 та кутубхонанинг ҳар бирига ўртача 3875 та кутубхона китоби тўғри келган эди.

Ўзбекистон қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этишда, айниқса 1959 йил 21 октябрдаги «Республикада кутубхона ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги» қарор муҳим роль ўйнади. Қарор асосида ҳар хил тармоқ кутубхоналари ҳамкорлигини яхшилаш ишлари амалга оширилди. Масалан, республикадаги мавжуд 7144 аҳоли

турар жойларидан 3102 таснда (ҳар бирида 500 дан ортиқ аҳоли яшайди) кутубхоналар йўқ ёки бу жойларга энг яқин кутубхона улардан 5 км нарида жойлашган эди.

Шу сабабли бундай аҳоли яшаш жойларида янги кутубхоналар очиш, бир-бирига яқин жойлашган кичик кутубхоналарни бирлаштириш ёки бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, ёки бўлмаса, кутубхона филиалларини ташкил қилиш ишлари қатъий режа асосида олиб борилди. 1966 йилга келиб, ҳар бир йирик аҳоли турар жойида, қишлоқ советларида, қочхоз ва совхозларда кутубхоналар тармоғи вужудга келди. Жумладан, 1176 та колхоз, 1109 та клуб қошидаги кутубхоналар янгидан ташкил этилди. «Қишлоқ жойларида маданий-оқартув муассасалари ишини яхшилаш ва улар тармоғини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарор (1968 йил) асосида бундай кутубхоналар оммавий давлат кутубхоналарига айлантирила бошлади. Умуман республикада (1972 йил охиригача) кутубхона шахобчаларини тартибга солиш жараёнида 2804 та оммавий кутубхона очилди. 200 дан ортиқ кутубхона кичик аҳоли турар жойларидан йирикларига кўчирилди, 500 дан ортиқ кутубхона қайтадан ташкил этилди, 69 та филиал барпо қилинди, кўчма кутубхоналар миқдори 5552 тага етказилди.

Ўзбекистонда кутубхона шахобчаларининг тартибга солиниши натижасида мавжуд кутубхоналардан фойдаланиш самарадорлиги оширилди, республика қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш анча яхшиланди, деярли ҳамма аҳоли турар жойлари кутубхонанинг у ёки бу шаклдан баҳраманд бўлди, кутубхона тармоқларини марказлаштиришнинг мустақкам замини вужудга келди.

Қишлоқ жойларида оммавий давлат кутубхоналарини марказлаштириш аввал мустақил бўлган кутубхоналарни маълум район ёки шаҳар миқёсида, марказий кутубхона ажратилиб, бошқа давлат кутубхоналари унга филиал сифатида бирлаштирилган, умумий китоб фонди ва ходимлар штатига, ягона раҳбарликка эга бўлган, марказлаштирилган тўлдириш ва адабиётларга ишлов бериш амалга ошириладиган ягона кутубхоналар системасини яратишни мақсад қилиб олган эди. Кутубхона ўз ишини шу тариқа қайта ташкил этар экан, системага бирлаштирилган айрим кутубхо-

налар имкониятларини кенгайтириш асосида системадаги бирлаштирилган кутубхоналар фаолиятини тубдан яхшилади, ягона китоб фондига адабиётлар танлашни такомиллаштириш, уни кенг оммалаштириш аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиш сифатини яхшилашни таъминлайди, китоб тарғиботи ва китобхоналар билан ишлашда оммавий кутубхоналарнинг ролини кучайтиради, кутубхона ишларини уйғунлаштириш ва бирлаштириш иши самарадорлигини оширади.

Кутубхона тармоқларининг марказлаштирилиши натижасида уларнинг фаолиятида чуқур ўзгаришлар содир бўлди. 1974—1990 йиллар мобайнида республика оммавий давлат кутубхоналарининг фонди 49 миллиондан ортиқ кўпайиб, 89369300 нусхани ташкил этди, шундан 52791400 таси қишлоқ жойларидаги кутубхоналарда жамлангандир. Аҳоли жон бошига китоб билан таъминланиш кўрсаткичи 1974 йилдаги 2,7 китобдан 1990 йилда 4,4 китобга (қишлоқда 4,3) етди. Бу кўрсаткичлар Андижон областида (қишлоқда) 5,6, Хоразм областида 6,3, Бухоро областида 4,5, Тошкент областида 4,9 тани ташкил этди. Маҳаллий миллат тилларидаги китоблар салмоғи жами нашрларнинг 42,5 фоизини, шу жумладан қишлоқ кутубхоналарида 57,8 фоизни ташкил этиши ҳам бу соҳада бирмунча силжиш бўлганлигидан далолат беради.

Филиал кутубхоналарида китоб фондини тўлдириш, уларга ишлов бериш, справка-библиографик аппаратни ташкил этиш каби жуда катта малака ва вақт талаб қиладиган иш жараёнлари марказлаштирилган ҳолда бажарилганлиги сабабли китобхоналарга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди, тарғибот ишларини олиб бориш учун кенг шароит яратилди, ахборот ишлари кенгайтирилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ташкил топгандан кейинги 65 йил мобайнида қишлоқ аҳолисига кутубхоначилик хизматини кўрсатиш тараққиётини кўздан кечирар эканмиз, республика қишлоқларида қуйидаги туб ўзгаришларни қайд қилишни лосим деб топамиз. *Биринчидан*, саводсизликнинг тугатилиши, умумий бошланғич ва етти йиллик ҳамда ўрта таълимнинг жорий этилиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига янгидан-янги техникаларнинг ишлатилиши, механизатор кадрлар ҳамда қишлоқ знолиларининг ортиб бориши, агротехник, агрохимик илмларга бўлган зарурат

1940—1990 йилларда Ўзбекистонда барча типдаги универсал ва оммавий давлат кутубхоналарининг ривожланиш кўрсаткичлари¹

Йиллар	Жами кутубхоналар	Уларнинг китоб фонди (миңг нуска)	Шу жумладан				100 кишига тўғри келадиган кутубхона китоби		
			шаҳар жойларда,		қишлоқ жойларда		жами	шаҳарларда	қишлоқларда
			кутубхоналар сон	кутуб фонди (миңг нуска)	кутубхоналар сон	кутуб фонди (миңг нуска)			
1940	1792	2553	497	1579	1295	974	37	92	19
фонд миқдоридан	100	100	277	61,8	723	372	254	311	221
1970	5892	31237	1081	13976	4801	17261	254	311	221
фонд миқдоридан	100	100	18,5	44,4	81,5	54,6	440	476	410
1990	7661	87,7261	1453	38652,8	6208	49074,3	440	476	410
фонд миқдоридан	100	100	18,9	44,0	81,1	56,0	440	476	410
1940 йилга нисбатан 1990 йилда ўсиши (фондларда)	427	3436	292	2447	479	5038	1189	517	2157

¹ Бу ва бундан кейинги жадваллар муаллифлар тарафидан статистик маълумотномалар; йилномалар рақамлари асосида мустақил ҳисоблаб чиқилган.

қишлоқ меҳнаткашларининг китобга, кутубхонага бўлган эҳтиёжини орттирди ҳамда кутубхоналардаги китобхонлар сонини кўпайтириш имконини берди. Ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини хусусийлаштириш ва демократиялаштириш, хўжалик ҳисобига ва эркин баҳога ўтиш шароитида кутубхоналарнинг ролди яна ортиб бориши табиийдир.

Иккинчидан, қишлоқ жойлардаги кутубхоналар тармоғининг ўсиши шу даражага етдики, натижада бутун қишлоқ аҳолисини халқнинг маданий савиясини кўтаришнинг қудратли қуроли бўлган китобдан мунтазам фойдаланишга жалб қилиш вазифасини амалда бажариш мумкин бўлиб қолди. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши ривожланишининг асосий босқичлари кўрсаткичларини қиёсий таққослайдиган бўлсак, 1940 йилга нисбатан республикадаги жами универсал ва оммавий кутубхоналар сони 427 фоиз ошган бўлса, уларнинг умумий китоб фонди 3436 фоиз ошган, шу жумладан қишлоқ жойларда бу кўрсаткич тегишли равишда 479 ва 5038 фонзни ташкил этган (4-жадвалга қarang).

Жадвалдан кўриниб турганидек, 1940—1990 йиллар орасида қишлоқ жойларидаги кутубхона тармоқлари ва уларнинг фонди шаҳар жойларга нисбатан қарийб икки барабар (қarang: шаҳарда улар тегишли равишда 292 ва 2447 фоиз ўсган) ортиқ тараққий этган. Эътиборни жалб қиладиган яна бир рақам — ўша йилларда қишлоқда кутубхоналар сони 479 фоиз ўсганда, уларнинг китоб фонди 5038 фоиз ўсганлигидир. Бу қайд қилинган даврда нашриётчилик ишининг жуда кенг ривож топганлигидан далолат беради.

Жадвалга кўра, қишлоқ кутубхоналари кўрсаткичлари 1970 йилгача тез ўсиб бориб, сўнгги 20 йил мобайнида уларнинг муқаррарлашиб қолганлигини кузатиш мумкин. Масалан 1940 йилда қишлоқ кутубхоналари сони умумий миқдорнинг 72,3 фонзини ташкил этган бўлса, уларнинг китоб фонди жами китобларнинг атиги 37,2 фонзини ташкил қилган. 1970 йилда эса бу кўрсаткич тегишли равишда 81,5 ва 54,6, 1990 йилга келиб 81,1 ва 56,0 фонзни ташкил этган.

Учинчидан, қишлоқда кутубхоначилик ишининг тараққий этиш жараёни жиддий сифат ўзгаришлари билан бирга борди. Масалан, 20—30-йилларда оммавий кутубхоналарнинг ходимлари бошқа ишлардан озод

5- жадвал

**1950—1990 йилларда Ўзбекистондаги барча типдаги
оммавий кутубхоналарда ишлаётган кутубхоначи
ходимлар тўғрисидаги маълумот**

Йиллар	жами кутубхоначилар	Шу жумладан			
		шаҳар кутубхоналарида	фонд хисобидан	қишлоқ кутубхоналарида	фонд хисобидан
1950	1166	515	44,1	651	55,9
1990	11930	4931	41,0	6999	59,0
			(Маданият ишлари вазирлиги кутубхоналарида)		

қилинмаган ҳолда иш олиб борган бўлса (қизил чойхоналар ҳузуридаги қироатхоналар, клуб қошидаги кутубхоналар ва бошқ.), 60—70-йилларга келиб, кутубхона тармоқларининг тартибга солиниши натижасида барча оммавий кутубхоналар мустақил бўла борди ва уларда шу соҳага қизиққан ва касбга меҳр қўйган кишилар ишлай бошлади. Агар 1950 йил охирида Ўзбекистондаги жами оммавий кутубхоналарда 1166 та маош олиб ишлайдиган кутубхона ходими ишлаган бўлса, 1970 йилда уларнинг сони 6588 тага, 1990 йилда эса 11930 кишига етди (5-жадвал).

Жадвалда кўрсатилганидек, кутубхоначилар миқдори қишлоқ кутубхоналарида ортиб бориши кузатилади. Бу албатта қишлоқ жойларидаги кутубхоналарнинг ўсиш миқдорига боғлиқдир (улар жами кутубхоналарнинг 81,1 фоизини ташкил этади, 5-жадвалга қarang). Яна шу нарса диққатга сазоворки, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли 6999 та қишлоқ жойларидаги кутубхоналарда ишлаётганлардан 3582 таси ёки 51,2 фоизи олий ва махсус кутубхоначилик маълумотига эгадир. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1970 йилда шу типдаги кутубхоналарнинг жамисида 30 фоизни ташкил этган эди.

Бироқ шунга қaramасдан, қишлоқ аҳолисиغا кутубхоначилик хизматини кўрсатиш муаммолари тўла ҳал этилди деб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, қишлоқда иқтисодий муносабатларни тараққий эттириш, хусусий ва ижтимоий меҳнатни ташкил этишнинг ишбилармонларини ўстириш манфаатлари кутубхоначилик иши ва китоб тарғи-

ботини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу талаб амалда қишлоқ кутубхоналари ишининг даражасини янада кўтариш, уларни ҳақиқий маданият ўчоғига айлантириш, шу мақсадда қишлоқ жойларидаги кутубхоналар (марказлашган кутубхоналар системасининг филиаллари) китоб фонди сифатини яхшилаш ва улардан тўлароқ фойдаланишни йўлга қўйиш, китоб тарғиботининг янгидан-янги шакл ва услубларидан, чунончи, китобхонлар қизиқишлари бўйича клублар, мутахассислар кўни, ахборот кўни, онлавий ўқишлар, давра суҳбатлари, китобхон бенефиси, «Китоб премьераси» ва ҳоказоларни ҳар жиҳатдан тараққий эттириш ҳамда китобларни онлавий звено, бригада пудрати ва бошқа ишлаб чиқариш майдонларига яқинлаштириш зарурлигини билдиради.

Қишлоқ кутубхоналарининг турлари

Қишлоқ кутубхона шохобчалари ҳозирги кунда район марказлашган системаси таркибидаги район марказий кутубхонаси ва филиал кутубхоналарини, жамоа хўжалиги (колхоз), давлат хўжалиги (совхоз) ёки унга қарашли қасаба уюшмаси кутубхоналарини ҳамда мактаб кутубхоналарини ўз ичига олади.

Район марказлашган кутубхоналар системаси Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли оммавий давлат кутубхоналарининг асосий бўғини ҳисобланиб, у район халқ депутатлари кенгашининг қарорига мувофиқ ташкил қилинади.

Оммавий давлат кутубхоналарининг марказлаштирилган системаси бир-бирига бўйсунадиган бир нечта босқичдан ташкил топади. **Биринчи босқич** марказий кутубхона бўлиб, унинг асосий вазифаси районда аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишни уюштиришдир. Бундан ташқари, марказий кутубхона системаси ягона фондини шакллантиради, ахборот-библиографик ишларини ташкил этади ва бутун система китобхоналари талабини қондиришга ҳаракат қилади, система кутубхоналарга ташкилий ва методик раҳбарликни амалга оширади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 73 марказий район кутубхонаси, уларнинг 5504 катталар ва 165 болалар учун филиал кутубхоналари, МКС га кирмаган, аммо Маданият ишлари вазирлигига қарашли оммавий давлат кутубхонаси жами 5742 оммавий давлат кутубхона-

лари қишлоқ аҳолисига кутубхона хизматини кўрсатмоқда. МКС таркибидаги 5669 кутубхона қишлоқдаги жами кутубхоналарнинг 91,3 фоизини ташкил этиб (5-жадвалга қаранг), улар қишлоқдаги барча кутубхоналарнинг ишини ташкил қилишда муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ жойларидаги кутубхоналарнинг умумий китоб фонди 52791,4 миллион нусхадан ортиқ бўлиб, 1990 йили улар 4.404.0 млн. китобхонга 87.781.7 нусха китоб берган. Бу китобларнинг 83,7 фоизи ўзбек тилидаги нашрлар бўлиб, ўртача ҳар бир китобхон йилига 20,6 китоб ўқиган.

Иккинчи босқич регионал филиалдир. Бу саҳни жиҳатдан бир нечта регионларни бирлаштирадиган қишлоқ районларида ёки йприк шаҳарларда ажратилади. Унинг асосий вазифаси ўзининг микрорайонигагина эмас, балки региондаги барча аҳолига кутубхона хизматини ташкил этиш, маълум миқдордаги (ўз региондаги) филиалларга методик раҳбарлик қилишдир. Регионал филиал мудри китоб фондини тўлдириш бўйича кенгаш аъзоси бўлиб, ўз региондаги филиаллар фондини тўлдиришнинг мавзу режасини юритади ва регион китобхоналари ўртасида илғор тажриба мактаби ҳисобланади, регион филиалларининг справка-библиографик аппаратини ўзида мужассамлаштиради. Китобхонлар талабини қондиришда филиаллар мана шу регионал филиалга мурбжаат қиладилар, агар сўралган нашр ўзида йўқ бўлса, уни марказий кутубхонага регионал филиал жўнатади. Филиаллар билан марказий кутубхона ўртасида бундай бўғиннинг бўлиши филиалларга ўз вақтида ва аниқ раҳбарлик қилишни яхшилайдди.

Учинчи босқич филиаллардир. Филиаллар марказлаштирилган системанинг таркибий қисми сифатида, ўзининг микрорайонида аҳолини ўқийга жалб этиш ва уларга кутубхона хизматини кўрсатишга жавобгар бўлиб, бевосита регионал филиал ёки марказий кутубхона раҳбарлигида ишлайди.

Тўртинчи босқич китоб бериш жойлари ёки кўчма кутубхоналардан иборат бўлади. Бу босқичнинг аҳамияти уларни бевосита кичик аҳоли турар жойларида ёки меҳнаткашларнинг иш жойида уюштиришнинг мумкинлигидир.

Бешинчи босқич библиобус ҳисобланади. Унинг маълум маршрут схемаси, тўхташ жойлари белгиланган

бўлиб, маълум муддатларда узоқ қишлоқларга, чорвачилик районларига, фермаларга кутубхона хизмати кўрсатишдир.

Шундай қилиб, кутубхона тармоқларини марказлаштиришдан мақсад, маълум раойндаги ёки шаҳардаги кутубхоначилик қўрларини бирлаштириш, унинг айрим бўғинлари фаолиятини микрорайон соҳасига, аҳолининг миллий таркиби ҳамда талабига мувофиқ ихтисослаштириш, марказлаштирилган ахборот-библиография хизмати системасини барпо қилиш, асосан меҳнаткашларнинг кутубхона китобига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришдан иборат.

Қишлоқ кутубхоналари (бу ерда МКС филналлари ва бошқа оммавий кутубхоналар кўзда тутилмоқда) китобни тарғиб қилишнинг ва қишлоқ аҳолиси барча табақаларининг маданий савиясини кенгайтиришга кўмаклашишда уларнинг ўқишларини ташкил қилишнинг асосий негизига айланиб қолди. Қишлоқ кутубхонаси бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган меҳнаткашлар учунгина эмас, балки шу ерда ишлайдиган зиёлиларнинг (ўқитувчилар, шифокорлар, агрономлар ва бошқаларнинг) аксарият кўпчилиги учун бирдан-бир жуда яқин муассасадирки, улар ана шу муассаса тўғриси мамлакатимиз ҳамда жаҳон маданиятининг ютуқлари билан танишишлари, умумий маълумот олишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси илмий оммабоп нашрларни, сиёсий ва илмий билимлар олишга ёрдам берадиган бадний адабиётнинг энг янги асарларини тўплаб бориши лозим бўлган қишлоқ кутубхоналарининг китоб фонди таркибига таъсир қилади.

Лекин шу билан бирга қишлоқ кутубхонаси қишлоқдаги ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишга, агро-саноат кадрлари орасида илғор қишлоқ хўжалик тажрибасини ёйишга ёрдамлашишда ҳам китобдан фойдаланишни йўлга қўювчи муассасадир. Қишлоқ кутубхоналарининг ишлаб чиқариш адабиёти фондидан: 1) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ташкилотчилари ва мутахассислари; 2) қишлоқ хўжалик механизаторлари—тракторчилар, комбайнчилар ва бошқалар; 3) айрим ишлаб чиқариш гуруҳларининг вакиллари (пахтакорлар, чорвадорлар, сабзавотчилар ва бошқалар) фойдаланадилар. Қишлоқ кутубхоналарининг китобхоналари орасида агрозоотехника ва агрохимия курсларида ўқийдиган ёки уларни битириб чиққанлар; қишлоқ хўжалик илғорла-

ри; ўрта мактабни тамомлагандан кейин қишлоқ хўжалигида ишлаётган ёшлар бор. Қишлоқ кутубхоналари ўз китобхонларининг (айниқса, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг) хилма-хил эҳтиёжларини ўз фонди ёки МКСнинг ягона фонди билангина эмас, балки илмий ҳамда махсус кутубхоналарнинг, айтиқса область, республика кутубхоналарининг ахборот материалларидан кутубхоналараро абонементдан фойдаланиш йўли билан ҳам қондирадлар.

Қишлоқ кутубхоналари касаба уюшмаси ва жамоа хўжалиги кутубхоналари билан яқиндан алоқа боғлаган ҳолда қишлоқ совети ҳудудида яшайдиган барча аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишни филиалларнинг бевосита ўзлари томонидан ёки кўчма кутубхоналар, китоб бериш жойлари, китоб элтувчилик ёрдамида йўлга қўйишга даъват этилгандир. Қишлоқ советига қарашли кутубхоналарнинг бу ташкилотчилик роли гоят муҳим аҳамият касб этди.

Қишлоқ кутубхоналарида китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий шакли уйга китоб беришдир (абонемент), чунки кўпчилик кутубхоналарнинг қироатхоналари йўқ. Қишлоқ кутубхонасида адабиётни тарғиб қилишнинг ҳар хил техник воситалари билан таъминланган, қишлоқ хўжалик ходимлари ва қишлоқ зиёлиларини газета ҳамда журналларнинг янги сонлари, янги китоблар билан таниша оладиган марказлаштирилган қироатхона ташкил этиш қишлоқ кутубхонасини аҳолига яқинлаштириш ва қишлоқ меҳнаткашларига китоб билан хизмат кўрсатишни юқорироқ даражага кўтариш имконини беради.

Қишлоқ кутубхоналарининг иш шакли ва услублари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши хусусиятлари ҳамда шароитларига мослаштирилган. Бу кутубхоналар китобларни ишлаб чиқариш бўғинларига яқинлаштириш, китобхонларга бевосита бригадалар, звенолар, дала шийпонлари, фермалар, яйловлар бўлинмаларнинг ўзида хизмат кўрсатиш борасида бой ижобий тажриба ортирганлар.

Жамоа хўжалиги кутубхоналари қишлоқ аҳолисинга китоб билан хизмат кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Бу кутубхоналарнинг бунёд этилиши жамоа хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан мустақкамланганлиги ва деҳқонларнинг маданий эҳтиёжларининг ўсишининг ёрқин намунасидир.

Қишлоқ хўжалик артелининг намунавий уставида (6-моддасининг 12-бандида) жамоа хўжалиги аъзоларининг маданий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг билим доиралари ва ихтисосларига доир билимларини кенгайтиришда ёрдамлашиш қишлоқ хўжалик артелининг муҳим вазифаларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Уставда жамоа хўжаликларининг даромадларида маданий эҳтиёжларга, шу жумладан кутубхоначилик ишига ҳам махсус маблағ ажратиш назарда тутилган. Жамоа хўжалигининг даромадлари ортган сари маданий фондга ажратилган маблағ ҳам кўпайиб боради, бу билан таълим-тарбиявий ишлар, уларнинг республикада кутубхоначилик ишини ривожлантиришда иштирок этиши кўпаяди.

Жамоа хўжалиги кутубхонаси артель умумий мажлисининг қарори асосида тузилади. Китоб фонди камида 500 жилд бўлган тақдирда бундай кутубхонани очиш мумкин. 1990 йил бошларида Ўзбекистонда 94 та шундай кутубхоналар ишлаб турган эди.

Қишлоқ аҳолисига кутубхоначилик хизматини кўрсатишда қасаба уюшмалари кутубхоналари ёки давлат жамоаси кутубхоналари муҳим ўрин эгаллайди. Бу кутубхоналарнинг вазифаси асосан йирик давлат хўжалиги иши ва хизматчиларига ва ўша жойда яшайдиган аҳолига хизмат кўрсатишдир.

Жамоа хўжалиги ва қасаба уюшмаси кутубхоналарининг вазифаси кўп жиҳатдан давлат қишлоқ кутубхоналари филиалларининг ишига ўхшашдир.

Қишлоқ аҳолисининг асосий таркибий қисмларидан бири — болаларга кутубхона хизмати кўрсатишда мактаб кутубхоналари муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳақда шу бобнинг кейинги бандларида муфассал гапирилади.

Қишлоқда кутубхоналар шахобчаларини ташкил этиш

Қишлоқда оммавий кутубхоналар шахобчаларини ташкил этиш мураккаб назарий ва амалий вазифа бўлиб, республиканинг барча қишлоқ аҳолисига китобдан мунтазам фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш шу вазифанинг қандай ҳал қилинишига боғлиқдир. Деҳқонларнинг маданий-сиёсий савияси ниҳоятда юксалиб бораётган бир шароитда, давлат кутубхоначилик ишини тараққий эттириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилган тақдирдагина кўлами жиҳатдан бун-

дай муҳим ҳамда улкан вазифани бажариш мумкин бўлади.

Қишлоқда кутубхоналар шахобчаларини ташкил этишнинг пировард мақсади—аҳоли яшайдиган ҳар бир жойга, унинг катта-кичиклиги ва қаерга жойлашганлигидан қатъи назар, кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил қилишдир.

Бу муаммони амалда ҳал этишнинг мураккаблиги қишлоқ аҳолиси турмуши ва меҳнатининг ўзига хос шароитлари билан белгиланади. Аҳоли яшайдиган турли жойларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг энг самарали шакллари танилаб олиш районнинг хўжалик ва маданий хусусиятларига, табиий шароитларига, аҳолининг жойлашиш тарзига, аҳоли яшайдиган жойларнинг сонига, аҳолининг зичлигига боғлиқдир. «Аҳоли яшайдиган жой» деган тушунчанинг ўзи катта-кичиклиги жиҳатидан гоят хилма-хил қишлоқларни — йирик-йирик қишлоқлардан тортиб 15—20 хонадондан иборат бўлган кичик қишлоқларни англатади. Мана шу хусусиятлар қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш шакллари танилаб олишга, қишлоқда кутубхона шахобчалари тузишга алоҳида-алоҳида ёндашишни талаб этади.

Кутубхона шахобчаларининг ҳозирги аҳволи, энди қишлоқда бутун аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил қилиш вазифаларини амалда ҳал этиш учун зарур шарт-шароитлар етилди, деган хулоса чиқариш имконини беради. Бу фикрни тасдиқлайдиган фақат иккита мисол келтирамиз. Урта ҳисобда Ўзбекистонда битта Қишлоқ Кенгашига 2—3 оммавий кутубхона, битта қишлоқ оммавий кутубхонасига эса 1920 аҳоли тўғри келади.

Қишлоқ кутубхона шахобчаларини ташкил этиш фақат моддий шарт-шароитларнигина эмас, балки жиддий назарий негизни ҳам талаб қилади.

Қишлоқ аҳолисига китоб билан хизмат кўрсатиш борасида тўпланган бой тажрибани умумлаштириш ва шу асосда қишлоқда кутубхона шахобчалари ташкил қилиш принципларини ишлаб чиқиш кутубхонашуносликнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, улар қуйидагиларга асосланадилар. Кутубхонашунослик фани қишлоқ кутубхона шахобчаларига, гарчи уларни ташкил этишда давлат, жамоа хўжалиги, касаба уюшмалари қатнашса ҳам, ягона яхлит система деб қарайди. Фақат шундагина қишлоқ кутубхона шахобчалари-

ни параллелизмга йўл қўймаган ва умумий куч-ғайратни ягона мақсадга — аҳоли яшайдиган ҳар бир жойни кутубхона хизмати билан таъминлашга қаратилган ҳолда, ўзаро келишиб, режа асосида бунёд этиш ва жойлаштириш мумкин. Бу вазифа амалда қишлоқ кенгаши ҳудудида кутубхоналарни жойлаштириш, ҳар бир жойга кутубхона хизмати кўрсатишнинг самарали шакллари билан белгилаш имконини беради.

Республиканинг ҳар бир қишлоқ кенгашида давлатнинг муқим кутубхонасининг ташкил этилиши кутубхона қурилишининг муқим ютуғи бўлиб қолди. Бундай кутубхоналар кўпроқ аҳоли яшайдиган жойга, одатда Қишлоқ Кенгаши ўрнашган ерга жойлаштирилади. Бироқ Қишлоқ Кенгашида атиги битта давлат кутубхонасининг бунёд этилиши ҳали бутун қишлоқ аҳолисини китоб бойликлари билан таъминлаш вазифасини ҳал қилмайди. Урта ҳисобда республика бўйича ҳар бир Қишлоқ Кенгашига кўпинча, қишлоқ марказидан бир неча километр узоқда бўлган 6—7 та аҳоли яшайдиган жой тўғри келади. Шунинг учун давлат жамоа хўжалиги, қасаба уюшмалари томонидан ташкил этилган ҳамда умумий режа асосида жойлаштирилган муқим ва кўчма кутубхоналар ҳамжиҳатлик билан ишлаган тақдирдагина қишлоқ аҳолисинга самарали кутубхона хизмати кўрсатиши мумкин.

Давлат қишлоқ кутубхоналари шаҳобчаларининг анча тараққий этганлиги сабабли ҳамда маблағни ўринсиз сарфлашдан қочиш мақсадида, ҳозирги шароитда ҳар бир жамоа хўжалигида мустақил кутубхона очиб зарурати йўқ. Бундай жойда қишлоқ кутубхонаси (филиал кутубхонаси) бўлмаган тақдирдагина мустақил жамоа хўжалиги кутубхонасини умумий режага мувофиқ очиб яхши натижа беради. Агар бу ерда кутубхона мавжуд бўлса, у ҳолда жамоа хўжалигини бу кутубхона билан таъминлаш, унинг моддий-техник аҳолини мустаҳкамлашда ўз улушини қўшиб, иштирок этишга жалб қилиш тавсия этилади. Бунда қишлоқ кутубхонасининг китоб фонди учун ёки кутубхонани жиҳозлаш учун жамоа хўжалиги маблағига солиб олинган ҳамма нарса, одатда, алоҳида ҳисобга олинад ва улар унинг мулки ҳисобланади.

Қишлоқ аҳолиси яшайдиган бирор жойда қасаба уюшмаси кутубхоналарини бунёд этиш масаласи ҳам

шу асосда ҳал қилинади. Бу кутубхоналардан фақат давлат хўжалиги ишчиларигина эмас, балки муайян ҳудудда истиқомат қилувчи барча аҳоли баҳраманд бўлиши керак.

Қишлоқда аҳоли яшайдиган кичик-кичик жойларга кутубхона хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш муаммо ҳисобланади. Бу ҳолда вазифа кўчма кутубхоналар, китоб бериш жойлари, китоб элтувчилик ишларини ташкил этиш йўли билан ҳал қилинади.

Аҳоли яшайдиган кичик-кичик жойлар ва ҳар хил ишлаб чиқариш бригадалари, чорвачилик фермалари нисбатан кўп бўлган қишлоқларда муқим кутубхоналарнинг кўчма ишлари аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг вақтинчалик ёки доимий шакли сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Нормативларга биноан муқим кутубхонаси бўлиши керак бўлган, аммо ҳали бундай кутубхона барпо этилмаган аҳоли яшайдиган қишлоқ жойларда кўчма кутубхоналар вақтинча ишлаб туради. Бу биринчидан, аҳолиси нисбатан унча кўп бўлмаган, муқим кутубхона барпо этиш яхши натижа бермайдиган қишлоқ жойларда китобдан жамоа бўлиб фойдаланишни йўлга қўйиш учун, иккинчидан, китобни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг айрим бўғинларига (фермаларга, бригадаларга, дала шийпонларига, ишлаб чиқариш корхоналарига, бўлинмаларга ва бошқаларга) яқинлаштириш учун китобхоналарга кўчма кутубхоналар ёрдамида хизмат кўрсатиш ишнинг доимий шакли тариқасида қўлланилади.

Ҳар бир Қишлоқ Кенгаши ҳудудида камида битта оммавий кутубхона ишлаб турмоғи лозим. Аммо Қишлоқ Кенгашида аҳоли яшайдиган жойларнинг сони, катта-кичиклиги, уларда истиқомат қилувчи кишиларнинг миқдори ва аҳоли яшайдиган жойлар орасидаги масофани ҳисобга олиб, битта эмас, бир нечта оммавий кутубхона (уларнинг қайси ташкилот ёки муассасага қарашли эканлигидан қатъи назар) бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, қишлоқ кенгаши ҳудудидаги муқим кутубхоналар ўртасидаги масофа камида 1,5 чақирим ва ҳар бир оммавий кутубхонага кам деганда 1000 киши тўғри келадиган қилиб, кутубхона хизмати кўрсатувчи микрорайонлар ҳосил қилинади.

Кутубхоналарни жойлаштириш амалиётидаги бу ўртача нормативларга маҳаллий шароитларга тадбиқан

ва маданият раҳбарлиги органларининг ёки касаба уюшмаларининг рухсати билан тузатишлар киритилиши мумкин. Масалан, тоғлик районлар, даштлик жойларда (бу жойлар бир-биридан жуда узоқда жойлашган бўлиб, аҳолиси жуда кам бўлса) ҳар бир кутубхона учун аҳолининг пасайтирилган нормаси бўлиши ва кутубхонанинг иш олиб борадиган ҳудуди кенгайтирилиши зарур. Аксинча, кутубхона нисбатан кўп аҳоли яшайдиган жойга хизмат кўрсатадиган жойда (масалан, Фарғона водийсида) ҳар бир кутубхона учун ундан фойдаланувчилар нормаси кўпайтирилиши ва кутубхонанинг хизмат кўрсатиш доираси қисқартирилиши мумкин.

Бироқ юқорида кўрсатиб ўтилган нормативлар кутубхонани аҳолига яқинлаштириш муаммосининг узил-кесил ҳал этилганлигини билдирмайди. Муқим оммавий кутубхона хизмат кўрсатадиган районларда кўчма кутубхоналар ва китоб бериш бўғинларини ташкил қилади, бу билан аҳолига китоблардан фойдаланишда янада кўпроқ қулайликлар яратилади.

Марказий қишлоқ кутубхонасининг ташкил топиши қишлоқдаги кутубхона қурилишининг муҳим ютуғи бўлди. Агар Қишлоқ Кенгаши ҳудудида бир қанча кутубхона бўлса, улардан бири марказий кутубхона сифатида ажратиб қўйилади. Марказий кутубхона олдида бутун Қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш, Қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги ҳамма кутубхоналарнинг ишларини ўзаро мувофиқлаштириш ва уларга методик жиҳатдан кўмаклашиш вазифаси қўйилади.

Қишлоқ аҳолисига оммавий кутубхоналар хизмати-ни йўлга қўйишда анча ютуқларга эришилганлигига қарамасдан, ҳали ҳам кутубхона шахобчаларининг жойлашувида нотекислик ва турли районларда кутубхоналардан фойдаланишда баъзи бир тафовутлар борлиги маълум. 1990 йили битта қишлоқ кутубхонасига республика бўйича ўрта ҳисобда 1920 киши тўғри келган бўлса, баъзи областларда (Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро ва бошқаларда) 1470—1587 киши, бошқа областларда эса (Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Наманганда) 2000—2500 киши тўғри келди.

Аҳоли яшайдиган ҳар бир жойга кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этишдан асосий мақсад бутун қишлоқ меҳнаткашлари ва деҳқонлар оммасига китоб бой-

1980—1990 йилларда Ўзбекистонда барча типдаги
оммавий ва универсал давлат кутубхоналари
асосий кўрсаткичлари

тартиб номери	Кўрсаткичлар	Йиллар		
		1980	1990	
1	Китобхонлар (млн. ки- иви)	жами	5,8	6,5
		шаҳарда	1,9	2,1
		қишлоқда	3,9	4,4
2	Китоб фонди (млн. нус- ха)	жами	59,9	89,3
		шаҳарда	27,8	36,6
		қишлоқда	32,1	52,7
3	Битта кутубхонага тўғ- ри келадиган ўртача китоблар (минг)	жами	9	11,7
		шаҳарда	21	19,1
		қишлоқда	6	8,6
4	Битта кутубхонага тўғ- ри келадиган ўртача ки- тобхонлар сони (минг киши)	жами	0,8	0,8
		шаҳарда	1,4	1,6
		қишлоқда	0,7	0,7

лигидан мунтазам фойдаланиш имконини беришдир.

Маданий тараққиётнинг энг муҳим ютуқларидан бири шундан иборатки, деҳқонлар оммаси саводхон бўлиб қолди ҳамда китоб ўқиш қишлоқ меҳнаткашларининг кундалик турмушидан ўрин олди. Шунини қайд қилиш kifояки, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги мустақил қишлоқ кутубхоналари китобхонларининг сони 1990 йилда 1960 йилдаги жами оммавий кутубхоналарда бўлган 1,108 минг кишидан 4, 104 минг кишига кўпайди (6- жадвалга қаранг).

Жадвалдан маълум бўлишича, сўнгги ўн йилликда қишлоқда кутубхона хизмати кўрсатишнинг асосий кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Жумладан, китобхонлар сони 10 йил ичида атиги 700 минг кишига, шу жумладан қишлоқда 500 минг кишига кўпайган. Битта кутубхонага тўғри келадиган ўртача китоб фонди 9,0 мингдан 11,7 минггача ошган бўлса, битта кутубхонага тўғри келадиган ўртача китобхонлар сони ўзгаришсиз қолган.

Қишлоқ аҳолисини кутубхоналардан мунтазам фойдаланишга жалб этиш ва ўқиш маданиятини тарғиб қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Қишлоқ меҳнат-

кашларининг кенг табақаларини ўқишга, кутубхоналардан фойдаланишга жалб этиш — қисқа муддатли вазифа бўлмай, балки у кутубхоначининг ижтимоий-маданий бурчи бўлиб, бу ундан доимо диққат билан, ташкилотчилик ишларини олиб боришни талаб қилади. Кутубхонага ҳар бир оиладан китобхон жалб этиш бу ишнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Бундай вазифани қўйиш ва уни амалга ошириш йўлларини қидириб топишнинг ўзи қишлоқ кутубхоналари фаолиятини анча ўзгартиришга сабаб бўлди. Бу ўзгаришнинг моҳияти қишлоқ кутубхоналарининг кутубхонага йўл топиб олган шахсларнинг нисбатан тор доираси билан ишлашдан бутун қишлоқ аҳолисига уюшган ҳолда китоб хизмати кўрсатишга ўтишда ўз ифодасини топди. Шу муносабат билан қишлоқ кутубхонасининг уюштирувчилик роли кучайди, бутун қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш борасидаги унинг масъулияти ортди. Кутубхона ташқарисида, бевосита аҳоли орасида китоб билан ишлашнинг янгидан-янги шакл ва методлари амалда қўлланиладиган бўлиб қолди. Китоб тарғиботининг кўп қирралиги ва аниқлиги, деҳқонларга алоҳида-алоҳида ёндашиш, эндигина китоб ўқий бошлаган китобхонлар, ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш, кутубхоначиларнинг педагогик малакалари сингари муаммолар алоҳида аҳамият касб этади. Китоб ва кутубхонани фаол тарғиб қилиш, ўқиш учун китоб танлаб олишда уларга амалий ёрдам бериш, китобхонларга намунали хизмат кўрсатиш, китобни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш аҳолининг кенгроқ табақаларини кутубхона хизмати билан қамраб олиш имконини беради.

Кутубхонага ҳар бир меҳнаткаш оиласидан китобхонлар жалб этиш вазифаси кутубхоначилик жамоатчилигида қизиқиш уйғотди ва кутубхоначи ходимлар бу хизматни қизғин маъқулладилар. Бу йўналишдаги ташкилотчилик ишлари 60-йилларнинг бошларидаёқ явж олиб кетган эди. Бу ишда қишлоқнинг барча маданий кучлари фаол иштирок этади. Тез орада республиканинг кўпчилик районларида ҳар бир оила кутубхонадан фойдалана бошлади. Натижада қишлоқ аҳолисини кутубхона хизмати билан қамраб олиш анча кенгайди.

Қишлоқ кутубхоналари ҳар бир оиланинг катта ёшдаги аъзоларини ўқишга тортиш учун китобни бевосита

уйларига олиб бориш усулини (хонадонма-хонадон ай-ланиб чиқиш деб аталган усулини) қўллана бошлади-лар. Айниқса, китоб ўқишни эндигина бошлаётган ки-шилар орасида китоб ва кутубхона тарғиб қилишнинг энг муҳим воситаси бўлган хонадонма-хонадон айланиб чиқишдан мақсад, кишиларни шунчаки китобхонлар рўйхатига ёзиб қўйиш эмас, балки китоб ҳақидаги суҳ-бат ёки ҳикоя билан унда китобга, кутубхонага қизи-қиш уйғотиш, ўқишнинг қай даражада маънавий бой-ликлар хазинасига йўл очиб беришини кўрсатиш, уни кутубхонадан мунтазам фойдаланишга жалб қилиш-дир.

Бу ишларнинг ҳаммаси қишлоқ кутубхоналарини аҳоли билан алоқасини мустаҳкамлади ва уларга ку-тубхона хизмат қилаётган регионда истиқомат қилувчи ҳамма аҳолини қамраб олиш имконини берди. Натижа-да кутубхоналар китобхонларнинг янгидан-янги таба-қаларини ўқишга жалб қилибгина қолмадилар, балки уларнинг қизиқиш ҳамда эҳтиёжларини аниқроқ ўр-гандилар, адабиётни фаолроқ тарғиб қилдилар, оила-лар, қўшнилар, айниқса хотин-қизлар учун кутубхона-ларда жамоа бўлиб ўқиш тўғаракларини, қизиқишлар бўйича бирлашмалар ва клубларни туздилар, киши-ларда ўқишга, китоб билан ишлай олишга қизиқиш уйғотдилар. Ўзбекистон Маданият ишлари Вазирлиги маълумотига кўра ҳозирги вақтда республикадаги бар-ча оммавий ва универсал кутубхоналар ҳузурида 673 та шундай тўғараклар, бирлашмалар ва клублар ишлаб турибди, 1989 йилда бундай кутубхоначилик ишининг янги шакллари сони 582 та эди.

Илғор қишлоқ кутубхоналари саводхон қишлоқ аҳолисини китобхонлар сафига тортиш соҳасида сама-рали иш олиб бормоқдалар. Бу ҳар бир оила вакилини кутубхонадан фойдаланишга тортишдан кўра анча му-раккаб вазифадир, бинобарин, бу вазифа ғоят катта ташкилотчилик ҳамда тарбиявий иш олиб боришни та-лаб этади. Бу масаланинг ҳал этилиши қишлоқ аҳоли-сининг маданиятини юксалтириш учун янги шароитлар вужудга келганлигини англатади.

Маданий-маиший комплекслар ва қишлоқ аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш масалалари

Сўнгги йилларда кенг оммалашаётган қишлоқ ма-даний-маиший комплекслари фаолияти қишлоқлардаги

маданий-маърифий муассасалар ишини янада ривожлантиришда янги босқичдир. Бу муассасаларнинг асосий мақсади қишлоқда демократияни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг дам олиши, билим олишида ижодий кучларни тараққий эттириш, кишини ҳар томонлама камол топтириш учун уларнинг конституцион ҳуқуқларидан фойдаланишга ёрдам бериш; маданий-тарбиявий ишлар сифатини ошириш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва турмуш маданиятини яхшилаш, аҳолининг хилма-хил гуруҳлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий ва эстетик тарбиялашда маданият муассасалари, кинолаштириш, кўнгилли жамият ва жамоатчилик ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг яқин бирлигини таъминлашдан иборатдир. Маданий-маиший комплекс ўз ҳаракат доирасидаги жамоат ва давлат хўжаликлари, ташкилот ва муассасалар меҳнат жамоаларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ҳаёт билан, шунингдек, маориф, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиқ, жамоатчилик ҳамда хўжалиқ ташкилотлари билан ўзаро алоқасини мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Маданий-маиший комплексларни барпо қилиш масаласи халқ депутатларининг қишлоқ, посёлка ва район кенгашлари томонидан ҳал этилади. Шу кенгашлар комплекснинг жамоатчилик мувофиқлаштирувчи кенгашини тасдиқлайди, унинг фаолиятини назорат қилади. Кенгаш таркибига жамоатчилик вакиллари, касаба уюшмалари, шунингдек, комплексга қарашли хўжаликлар, муассасалар вакиллари, маданият муассасалари раҳбарлари киритилади. Комплекснинг йиллик ва истиқболли мувофиқлаштирилган режаси ҳамда айрим секциялар иш режалари бўлади. Мана шу режага мувофиқ, комплексга кирган ҳар бир муассаса ягона йўналишда, бир-бирининг турли иш шакллари ва методларини бойитган ҳолда, ўзининг ихтисос билан боғлиқ бўлган вазифаларини бажариши муҳимдир.

Ўзбекистонда маданий-маиший комплекслар 1977—1978 йилларда ташкил қилина бошланди. Комплексга қишлоқ ҳудудидаги барча маданий-маиший, ўқув ва болалар спорт муассасалари, шифохоналар, савдо ташкилотлари, чойхоналар, дала шийпонлари, жамоатчилик органлари бирлаштирилади. Бундай комплекслар ҳозир республиканинг ҳамма областларида ташкил этилган бўлиб, уларнинг сони 1986 йил охирида 500 дан

ошиб кетди. Бу комплекслар фаолиятида кутубхоналар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар 200 га яқин марказлаштирилган системаларнинг кутубхона филиалларини қамраб олади.

Қишлоқ маданий-маиший комплекси таркибида кутубхоналарнинг бўлиши аввало қишлоқда маданий-оммавий ишлар мазмунини бойитишга ёрдам беради. Комплекс шароитида кутубхоналар оммавий тадбирларнинг кўпчилигини кутубхонадан ташқарида — клублар, мактабларда, стадионда ўтказиш мумкин бўлади. Кутубхона комплексдаги бошқа маданий-маиший муассасалар билан узвий алоқада бўлар экан, китобхоналарни жалб қилишнинг қўшимча манбаларига эга бўлади, жумладан, китобхоналар оқими музей, кинотеатр, томоша бинолари ёки бадий ҳаваскорлик тўғараклари қатнашчилари ҳисобига кўпайиб боради.

Комплексдаги кутубхоначилик ишлари унинг кутубхоначилик секцияси томонидан уюштирилади. Унинг комплекс раиси томонидан тасдиқланган «Низом»да секциянинг асосий вазифалари, унга кирган кутубхоналар, уларнинг вазифалари кўрсатилади. «Низом» асосида секциянинг истиқболли ва жорий иш режаси ишлаб чиқилади. «Низом» ва секцияга кирган кутубхоналарнинг мувофиқлаштирилган режасини ишлаб чиқиши, китоб фондидан фойдаланишни мувофиқлаштиришда китобхоналар билан яқка тартибда ва оммавий тарзда ишлашда комплексга қарашли ҳудуддаги барча кутубхоналар кучини бирлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, маданий-маиший комплекс шароитида ишлаш, комплекснинг бошқа секциялари қатнашчиларини — клуб ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўқитувчилар, врачлар, жамоатчилик ва касаба уюшмалари фаолларини кутубхоначилик тадбирларини ўтказишга жалб қилиш имконини беради. Энг муҳими шундаки, қишлоқ аҳолисига кутубхоначилик хизмати кўрсатиш иши бевосита ишлаб чиқариш вазифалари билан, жамоа ёки давлат хўжалигининг кундалик ҳаёти билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг раҳбарлари ва мутахассислари қатнашуви ва назорати остида амалга оширилади. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги 4,5 минг гектар майдонга жойлашган бўлиб, унинг учта бўлимида 9,5 минг киши яшайди. Хўжаликнинг йиллик даромади 8 млн. сўм, шундан 500 минг сўми (90-йил-

лар баҳосида) маданий-маиший харажатларга ажратилган.

Жамоа хўжалиги — тарих музейи филиали билан катта маданият саройи, маданият уйи, ёзги маданият уйи, 3 та кинотеатр, кўчма киноқурилма, ферма ва дала шийпонларидаги 35 та қизил бурчаклар, 10 та кутубхона, шу жумладан 5 таси Хонқа Марказлашган кутубхона тизилмасининг филиал кутубхонаси, 4 та мактаб кутубхонаси, битта ҳунар-техника билим юрти кутубхонаси, 3 та ўрта ва битта 8 йиллик мактаблар, қишлоқ ҳунар-техника билим юрти, 6 та болалар боғчаси, 2 та касалхона, дорихона, даволаш шифохонаси, 5 та медпункт, стадион, спорт комплекси, 8 та магазин, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, алоқа корхонаси, «Билим» жамияти бўлими, ёдгорликларни ҳимоя қилиш жамияти, кўнгилли китобсеварлар жамияти, чет мамлакатлар билан дўстлик жамияти ва бошқалар ҳар томонлама маданий-маиший хизмат кўрсатади.

Бу муассасалар ва ташкилотлар иши маданий-маиший комплекснинг мувофиқлаштирувчи кенгаши раҳбарлиги остида ягона режа бўйича амалга оширилади. Кенгашнинг раиси колхоз раисининг маданият ва турмуш ишлари бўйича ўринбосари ҳисобланади. Кенгашнинг кутубхоначилик секцияси 10 та кутубхонани бирлаштириб, маданий-маиший комплексда фаол иш олиб боради.

Кўпинча кутубхоналар, комплекснинг аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг ягона режасини кутубхоначилик ишининг ўзига хос шакллари билан — библиографик обзорлар, китоб кўргазмалари, китобхонлар конференциялари, шеърят кечалари, адабий мунозаралар, «Китоб кунлари», «Ахборот кунлари», «Мутахассислар куни» ва бошқа тадбирлар билан тўлдирилади.

Комплекс таркибидаги қишлоқ кутубхоналарининг бош мақсади — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам беришдир. Пахтакорлар, чорвадорлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мутахассисларига кутубхоначилик хизмати кўрсатиш, даставвал уларни фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни ёритиб берадиган, меҳнат унумдорлигини оширувчи янги китоблар ҳақидаги илмий-техника ахбороти билан ўз вақтида, зудлик билан таъминлашдан иборат.

Кутубхоналарда ўтказиладиган анъанавий-ахборот тадбирларида, жумладан, ахборот кунлари, мута-

хассислар кунни, очик адабиётлар кунни маълум мавзудаги кўргазмалар, библиографик обзорларда айрим меҳнат жамоалари олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифалар тўғрисида ва умуман, область, республикада агросаноат тараққиётига хос мавзулар акс этиши зарур. Масалан, «Интенсивлаш — пахтачиликни барқарор ривожлантиришнинг гарови», «Ўзлаштирилган сугориладиган ерларда пахтачиликни ривожлантириш», «Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехникаси», «Сут етиштиришнинг саноат технологияси», «Чорвачилик фермаларига ветеринария хизмати кўрсатиш», «Саноат асосида озуқа тайёрлаш» ва ҳоказо.

Кутубхоначи комплекснинг барча бўлинмаларига ўз таъсирини ўтказиш бориб яққ тартибда, гуруҳлар бўйича ва оммавий шаклда ахборот ишларини ташкил қилиш имконига эга бўлади. Биринчи навбатда, яққ тартибдаги ахборот билан мутахассислар қамраб олинади. Яққ тартибдаги ахборотни комплексдаги марказий кутубхона амалга оширади, чунки китобхонларга ишлаб чиқариш тарзидаги бир ёки бир неча мавзулардаги янги адабиётлар тўғрисидаги тўла маълумот керак бўлади.

Комплексда марказий кутубхона томонидан чиқарилган, ягона китоб фондига келиб тушган адабиётларнинг ахборот рўйхатидан аҳолини оммавий равишда хабардор қилишда радиотармоқ ва маҳаллий матбуотни жалб қилиш қулай.

Илғор ишлаб чиқариш тажрибалари, қишлоқ хўжалиги фани ва амалиёти ютуқлари тўғрисидаги ахборот ва адабиётлар билан қишлоқ хўжалик ходимларини мунтазам таъминлаб туришда оммавий, махсус кутубхоналар ва илмий-техника ахбороти кутубхоналари билан бевосита алоқа ўрнатмай туриб ҳамкорлик қилиш мумкин эмас. Шу мақсадда, ҳар бир районда қишлоқ хўжалиги тарғиботи ва илмий-техника ахборотига ёрдам кенгашлари барпо қилиниб, улар халқ депутатлари район кенгашлари ва ҳокимият қошидаги илмий-техника ахбороти давлат комитети, техника ахбороти кабинети, «Сельхозтехника» бирлашмаси, мелиорациялаш ва сугориш техникаси республика илмий тадқиқот институти филиали, қишлоқ хўжалиги техникуми (ёки билим юрти), район газетаси, «Билим» жамиятининг район бўлими, республика ихтирочилар ва кашфиётчилар жамияти бўлинмаси, илмий-техника жамияти, район

марказий кутубхонаси каби илмий-техника ахборотига дахлдор ташкилотлар фаолиятини бирлаштиради.

Комплекс китобхонлар сонининг ошиб боришига катта таъсир кўрсатади, бу ишда китобхонларга муқим бўлмаган хизмат кўрсатишнинг хилма-хил шакллари-дан: филиаллар, кўчма кутубхоналар, китоб бериш жойларидан фойдаланиш, шунингдек, уларни комплекснинг бошқа муассасалари ҳузурида очиш имконияти каттадир. Улар ёрдамида меҳнаткашларни тўла даражада қамраб олишга эришилади ва мутахассислар қаерда яшашидан қатъий назар, улар ихтиёрига бутун марказлаштирилган системанинг китоб фонди ҳавола қилинади.

Андижон область қишлоқ кутубхоналарида энг кўп кўчма кутубхоналар ташкил этилгандир. Бу ерда ҳар бир муқим кутубхонада ўртача 6—7 та, комплекс таркибидаги кутубхоналарда эса 12—13 тадан кўчма кутубхона мавжуд. Кўчма кутубхоналар аҳолининг деярли ярмисига хизмат кўрсатади.

Кутубхоналарнинг комплекс таркибига кириши унинг бошқа маданий-маиший муассасалардан ажралиб қолишдан сақлайди, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва китоб тарғиботи сифати ва самарадорлигини бирмунча ошириш учун замин тайёрлайди.

Қишлоқ кутубхоналарида ишлаётган кутубхоначилар ҳам район, ҳам область кутубхоналари томонидан комплекс доирасида гоъвий-тарбиявий ишларни режалаштириш, ахборот ва якка тартибда ишлаш масалаларига доир кўпгина методик ва амалий ёрдам олишлари зарур. Ҳар бир область кутубхонаси, район марказий кутубхонаси маданий-маиший комплекс шароитида ишлайдиган кутубхоначиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг аниқ йўналишини ишлаб чиқишлари лозим.

Комплексе ишларини оммалаштиришда Тошкент областининг Бўстонлиқ районида «Энг яхши кутубхона ходими» унвони учун ўтказилган область конкурси аҳамиятлидир. Конкурс қатнашчилари Чорвоқ посёлқаси маданият комплексининг қизиқарли ишлари билан танишдилар. Комплекснинг ишига 19 кишидан иборат мувофиқлаштирувчи кенгаш раҳбарлик қилган бўлиб, унинг таркибига халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, савдо ва маиший хизмат ходимлари, милиция органлари, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ки-

ритилди. Гарчи бу конкурсда комплекс кутубхоначилари ғолиб чиқмасалар ҳам, уларнинг иши билан танишиш конкурс қатнашчиларига ҳам, комплекс кутубхоначиларига ҳам фойдали бўлди.

Ҳозирги қишлоқ аҳолисининг маърифий ишларига қизиқиши ўткинчи ҳавас бўлмай, балки камолот эҳтиёжидир, маънавий жиҳатдан ўсишга астойдил интилишдир. Буни ижтимоий ҳаёт талаблари, фан-техника тараққиёти, халқ хўжалигини тубдан қайта қуриш зарурати тақозо этади.

Қишлоқ ҳаётида юз бераётган бундай ижтимоий ўзгаришлар аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг янгидан-янги шакллари вужудга келтирмоқда. Булар кутубхонанинг ижтимоий роли ва кутубхоначининг обрўсини оширишга таъсир кўрсатмоқда, кутубхоначилик ишини комплекс тарзда олиб бориш имконини бермоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, комплекс раҳбарларини тайёрлаш, кутубхоначилик иши хусусиятларини биладиган, умуман маданий-маърифий муассасалар иш услуби, шакл ва хусусиятларини яхши тушунадиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги даврда қишлоқ маданий-маиший комплексда ишлайдиган ходимлардан жуда кўп нарсалаб қилинади. Энг аввало, улар давр хусусияти ва заруратини чуқур тушуниб етган фаол тарғиботчи, хўжалик юртишнинг илғор шакл ва методларини жорий этишда ташаббускор, ҳамқишлоқларининг бўш вақтини самарали ташкил этувчи, ўз ишига бутун вужуди билан берилган, ижодкор, тарбиячилик истеъдоди бўлган, кишилар билан яхши муомала қила олиш қобилиятига эга бўлган мутахассис бўлиши даркор. Уни шу тахлитда тарбиялаш ўқув юртидаёқ амалга оширилиши зарур.

Комплекста кутубхоналарнинг ўрни масаласига келсак, қишлоқ кутубхоналари марказлашган кутубхоналар системаси филиали бўла туриб, уларнинг маданий-маиший комплекс таркибига бирлаштирилиши қишлоқда кутубхоначилик ишларини сифат жиҳатдан яхшилланишига олиб келади: қишлоқ кутубхонаси комплексга кирган бошқа тармоқ кутубхоналари билан ўз ишини мувофиқлаштиради, кутубхоналараро ҳамкорлик яхшиланиб, идоралараро тарқоқлик тугатилади, уларнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланади. Натижада, меҳнаткашларни тарбиялашда кутубхоналарнинг

роли ошади, ижтимоий-сиёсий, ишлаб чиқариш ва бадий адабиётларни тарғиб қилиш имконияти ортиб боради, амалда жами саводхон аҳолини кутубхона китобидан фойдаланишга жалб қилиш учун замин тайёрланади. Кутубхоналар муҳим ғоявий ва маърифий ахборот маркази сифатида, қишлоқ меҳнаткашларининг юсак сиёсий ва маънавий фазилатларини камол топтиришда муҳим маскан бўлиб қолаверади.

Шаҳар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш

Шаҳар аҳолисига кутубхоначилик хизмати кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ташкил этишда айрим хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги замон шаҳарлари йирик саноат ва индустриал марказлардир. Бу ерда хилма-хил илмий-техник муассасалар, мактаблар, кино, театр ва музейлар ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасалар мужассамланган. Шунга мувофиқ, шаҳар аҳолисининг маълумот даражаси ҳам қишлоққа нисбатан анча юқори.

Ўзбекистонда саноатнинг жадал ривожланиб ва янги шаҳарларнинг кўпайиб бориши натижасида шаҳар аҳолисининг сони ҳам тез ўсиб бормоқда. 1926 йил аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, жами аҳолининг 32 фоизи шаҳарда яшаган бўлса, 1959 йилга келиб бу рақам 33 фоизни, 1990 йилда эса 40,7 фоизни ташкил этди. Аҳоли сонининг тез ўсиши, республикада юз бераётган чуқур иқтисодий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар бу жараённинг бундан кейин ҳам тез суръатлар билан давом этишини кўрсатади. Фан-техника тараққиёти натижасида аграр меҳнатнинг индустриал меҳнатга айланиши, жисмоний меҳнатнинг тобора ақлий меҳнатга яқинлашиши жараёнида социал жиҳатдан бир хил жамиятнинг барпо қилиниши шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни бартараф қила боради.

Шаҳар аҳолисига жами 1453 та оммавий ва универсал давлат кутубхоналари хизмат кўрсатиб, уларнинг умумий китоб фонди 38.652.8 минг нусхани ёки жами кутубхоналардаги китобларнинг 44,0 фоизини эгаллайди. Ҳар 100 кишига 476 кутубхона китоби тўғри келади.

Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисига малакали кутубхоначилик хизматини кўрсатишда оммавий, илмий ва махсус кутубхоналар тармоғи катта роль ўйнайди.

Республика аҳолисининг маданий ҳаётида оммавий шаҳар кутубхоналари муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, китобхонларга ахлоқий ва эстетик тарбия беришда, сиёсий билимларни кенг ёйишда етакчи аҳамиятга эга.

1925 йилда республиканинг шаҳарларида 171,7 минг нусха китоб фондига эга бўлган 43 та оммавий кутубхона ишлаган эди. Яъни ўртача битта шаҳар кутубхонасига 23541 дан ортиқ, аҳоли жон бошига эса 0,1 ёки 10 та шаҳарликка битта кутубхона китоби тўғри келар эди. 1940 йилга келиб битта кутубхонага 3240 дан ортиқ, аҳоли жон бошига 2,7 та китоб тўғри келади, 1990 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 26602 ва 4,7 рақамларини ташкил этди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги маълумотларига кўра, 1990 йилда Ўзбекистонда 84 та марказий район кутубхонаси, 40 та марказий шаҳар кутубхонаси базасида 469 та филиал бирлаштирилган (болалар филиалларидан ташқари) шаҳар марказлаштирилган кутубхоналар системаси иш олиб бормоқда. Бу кутубхоналарда жами 32,625.7 минг нусха китоб фонди бўлиб, 1.843.7 минг китобхонга хизмат кўрсатилган ва уларга 24.851.6 минг нусха китоб берилган. Урта ҳисобда ҳар бир шаҳар жойлардаги оммавий ва универсал давлат кутубхоналарига (шу жумладан филиал кутубхоналарда ҳам) 3109 китобхон ва 41908 та китоб берилиши тўғри келади.

Шаҳар аҳолисига кутубхоначилик хизматини уюштиришда марказлаштирилган системанинг марказий кутубхонаси бош звенодир. У шаҳарда кутубхонадан фойдаланишни ташкил қилади, региондаги бошқа кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ишларини ташкил этишда методик раҳбарликни амалга оширади. Марказий район (шаҳар) кутубхоналарини барпо қилиш тажрибаси республикамизда 1971 йил декабрдаги Ўзбекистон ҳукуматининг марказий шаҳар кутубхоналарини барпо қилиш тўғрисидаги қароридан кейин оммавий тарзда тузила бошланди.

Марказий шаҳар кутубхонаси меҳнаткашлар депутатлари область Кенгашининг ижроия Комитети қарорига кўра, кутубхона хизмат кўрсатадиган район аҳолиси жон бошига 4 тадан, устига устак, ҳар бир шаҳар аҳолисига 0,1 китобдан тўғри келадиган даражадаги китоб фондига эга бўлганда очилади. Кичик шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида шаҳар кутубхоналари

дастлабки китоб фонди 5 минг нусхадан кам бўлмаган ҳолда (Справочник библиотекаря. М., 1985, 40—41-бетлар) очилиши мумкин.

Янгидан ташкил топган МКСнинг марказий кутубхонаси фондининг 55—60 фоизи фан соҳалари бўйича, 40—50 фоизи эса бадний ва болалар адабиёти, кутубхона филиалларда 35—40 фоиз соҳавий адабиётлар ва 60—65 фоизи бадний ва болалар адабиёти бўлмоғи лозим.

Шаҳар кутубхона тармоғини кенгайтиришда шуни назарда тутиш лозимки, ҳар бир кутубхона камида 10 минг аҳолига хизмат кўрсатиши ва уларнинг бири-биридан узоқлиги 1,5 километрдан кам бўлмаслиги зарур ёки ҳар бир фуқаро ўзининг яшаш жойи бўйича кутубхонадан фойдаланиш имконига эга бўлсин. Кутубхоналарни жойлаштиришда кўп қаватли бинолар солинган шаҳарларда бошқа кутубхона ўртасидаги хизмат кўрсатиш доираси 0,8—1 км гача қисқариши, бир-икки қаватли бинолардан ташкил топган шаҳарларда эса 2 км гача узайиши мумкин. Ҳар бир муайян шаҳарнинг типини, ишлаб чиқариш корхоналари, завод, фабрика ва бошқа саноат, қурилиш ташкилотлари, ишлаб чиқариш маҳсулотлари турлари ва соҳасини, шунингдек шаҳар ҳудудидаги илмий-техника, маданий-маърифий муассасалар фаолиятини, аҳолининг демографик таркиби, шаҳарнинг истиқболини қатъий ҳисобга олган ҳолда янги кутубхоналар тармоғини очишни режалаштириш зарур.

Аҳолиси 5 мингдан кам бўлган микрорайонларда марказий кутубхоналарнинг ёки марказлаштирилган системанинг муқим бўлмаган шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, маълум муддатларда шлайдиган кўчма кутубхона, китоб бериш жойлари ёки библиобуснинг тўхташ бекатларини белгилаш (қатъий жадвал бўйича) хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширади.

Марказий шаҳар кутубхоналари кўп йиллик тажрибаларининг умумлаштирилиши уларнинг энг муҳим, ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Марказий шаҳар кутубхонаси — шаҳардаги йирик оммавий давлат кутубхонаси бўлиб, ўз китоб фондининг таркиби ва ҳар томонлама фаолият тарзига кўра шаҳар аҳолиси барча табақаларининг юксак умумий

билим эҳтиёжларига китоб билан хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

2. Марказий шаҳар кутубхонаси — шаҳар аҳолисига оммавий кутубхоналар, биринчи навбатда, давлат кутубхоналари ёрдамида китоб билан хизмат кўрсатишнинг ягона системаси ташкилотчисидир. Айни шу кутубхона — оммавий кутубхоналарнинг умумшаҳар ягона фондини ташкил этиш ва улардан фойдаланишни йўлга қўйишда шаҳар аҳолисини кутубхоналардан мунтазам фойдаланишга режали жалб этиш учун жавобгардир.

3. Марказий шаҳар кутубхонаси — қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар, шаҳар оммавий кутубхоналари учун ташкилий методик марказ ҳамда ўзи даражасидаги бошқа тармоқ кутубхоналари билан ўзаро ҳамкорликни уюштирувчи, улар фаолиятини мувофиқлаштиришда ягона кутубхоначилик сиёсатини олиб боровчи марказдир.

Умуман, шаҳарлардаги кутубхоначилик ишининг тараққий этиш даражаси меҳнаткашлар маънавий эҳтиёжларининг қондирилишини кўп жиҳатдан белгилаб берганлиги сабабли, давлат бу ишларга ҳамиша ғамхўрлик қилиб келди. Энди ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилиги китоб ўқишга жалб этилган, ўқиш малакаларини орттирган дейиш мумкин.

Шаҳар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатишни тараққий эттириш соҳасидаги улкан ташкилотчилик ишининг энг муҳим якуни шундан иборатки, ҳозир Ўзбекистонда бирор турдаги кутубхонаси бўлмаган шаҳар ёки ишчилар посёлкаси йўқ. Бу кутубхоналар ишчилар ва зиёлилар орасида китобни ҳар томонлама тарғиб қилиш учун катта имкониятларга эга. Ҳозир 1008 та оммавий кутубхона республиканинг шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳар аҳолисига кутубхоначилик хизматини кўрсатишда касаба уюшмалари кутубхоналари, шунингдек, илмий-техника ва бошқа илмий-маҳсус кутубхоналар тармоғи муҳим ўрин эгаллайди. Бу кутубхоналар шаҳар меҳнаткашларининг касбий, ишлаб чиқариш ва илмий адабиётларга бўлган талабларини қондиришда катта аҳамиятга эгадирлар. Бундай кутубхоналарнинг асосий хусусиятларидан бири улар кишиларнинг иш жойига яқин жойлашганлигидир.

Шаҳар оммавий кутубхоналарини жойлаштиришда

шаҳар ҳудудида ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашуви ҳам ҳисобга олинади. Кўпгина ўз ишчи посёлкаларига эга бўлган йирик фабрика ва заводларда оммавий кутубхоналар, асосан касаба союз кутубхоналари бунёд этилади. Ўз кутубхоналарига эга бўлмаган майда ишлаб чиқариш жамоаларига (устахоналар, савдо ва коммунал хўжалик корхоналари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларга) хизмат кўрсатишда эса уларга яқин ерда оммавий кутубхоналарнинг бор-йўқлигига кўп нарса боғлиқ бўлади. Шунингдек, мавжуд илмий ва махсус кутубхоналар шаҳобчаларини, айниқса кенг омма учун мўлжалланган кутубхоналар шаҳобчаларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Оммавий давлат кутубхоналари ишни ташкил қилишда бу кутубхоналар фаолиятини аниқ ҳисобга олган ҳолда, улар билан доимо ҳамкорликда иш олиб бориши меҳнаткашларни ахлоқий тарбиялашда катта ёрдам беради.

Шаҳар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатишда энг оммавий жамоатчилик ташкилотчиларидан касаба уюшмаларининг кутубхоналари муҳим аҳамиятга эгадир. Касаба уюшмалари кутубхоналари кенг тарқалган оммабоп кутубхоналардан бўлиб, мазкур жойнинг (шаҳар, район ёки қишлоқ) кутубхона тармоғини ривожлантиришнинг умумий режасига мувофиқ фабрика, завод ёки маҳаллий касаба уюшмаси комитетлари маблағи ҳисобидан барпо қилинади. Касаба уюшмаси кутубхонаси универсал фондга, зарурий справка-библиографик аппаратига эга бўлади ва корхона ахборот-библиографик комплексининг бир қисми ҳисобланади, айни вақтда у оммавий кутубхоналарнинг ягона тармоғига киради.

Касаба уюшмаси кутубхоналарининг қуйидаги турлари мавжуд: завод цехларидаги филиал ва кўчма кутубхоналар, йирик корхонанинг кутубхонаси, агар корхонанинг маданият саройи ёки уйи бўлса, бош кутубхона одатда шу бинода жойлашган бўлади; уюшмалараро ёки заводлараро касаба уюшмасининг йирик корхонада ёки унинг маданият саройида бош кутубхонаси жойлашган бўлиб, унга яқин кичикроқ ва ўртача корхоналарда унинг филиаллари жойлашади; соҳавий-территориал касаба уюшмалари комитети ёки кенгашига қарашли соҳавий касаба уюшмалари маданият Саройининг кутубхонаси аҳолига шаҳар (ёки район) оммавий

кутубхонаси каби хизмат кўрсатади. Масалан, Тошкентда Ю. А. Гагарин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати касаба уюшмаси комитетининг тўқимачилар Маданият саройи қошидаги кутубхонаси комбинатнинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида 12 та кўчма кутубхона ва китоб бериш жойларини очган. У ўзининг 68760 та нусха китоб фонди билан ҳам корхона ишчиларига, ҳам шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Булардан ташқари, маориф ходимлари уйлари, меҳнатни муҳофаза қилиш институтлари ва бошқаларнинг махсус кутубхоналари ҳам касаба уюшмаси кутубхоналари ҳисобланади.

Касаба уюшмаси кутубхоналарига раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, методик ёрдам беришда республика таянч кутубхонаси муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг 1976 йил февралидаги «Касаба союзларининг республика таянч кутубхонаси тўғрисида»ги қарори асосида унинг марказий кутубхонаси таянч кутубхонага айлантирилди ва у касаба уюшмаси кутубхоналари учун ташкилий методик марказ бўлиб қолди. Шу тариқа, республиканинг ҳар бир областида касаба уюшмаларининг таянч кутубхоналари барпо қилинди.

Ҳозирги вақтда республикада аҳолиси 100 минггача бўлган шаҳар ва районларда касаба уюшмалари кутубхоналари билан оммавий давлат кутубхоналарини тармоқлараро марказлаштириш бўйича ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Шаҳар аҳолисига кутубхоначилик хизмати кўрсатишда хилма-хил бошқа тармоқ кутубхоналари, чунончи, илмий ва техника кутубхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртининг кутубхоналари, айрим корхона ва муассасаларга қарашли махсус кутубхоналар тармоғи катта роль ўйнайди. Бундай кенг ривожланган, ҳар хил тармоқларга қарашли кутубхоналар Ўзбекистонда Тошкент, Самарқанд, Наманган, Фарғона каби йирик саннат ишлаб чиқариши, фани, маданияти ривож топган, кўп минглик аҳолига эга бўлган шаҳарлардагина мавжуддир. Масалан, Ўзбекистон республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳрида 630 тадан ортиқ ҳар хил тармоққа қарашли кутубхоналар бўлиб, уларнинг умумий китоб фонди 15 млн. нусхадан ошиб кетгандир. Улардан 6 таси республика аҳамиятидаги йирик миллий ва илмий кутубхоналардан ҳисобланди. Жумладан, А. На-

вой номдаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси, Республика илмий таъбиқат кутубхонаси, Республика марказий илмий қишлоқ хўжалиқ кутубхонаси, Республика илмий-техника кутубхонаси, Тошкент Давлат университетининг илмий кутубхонасидир. Шаҳардаги 210 тадан ортиқ оммавий кутубхоналар йилига 300 мингга яқин китобхонларга хизмат кўрсатмоқдалар. Ҳозир шаҳарда оммавий давлат кутубхоналарининг 6 та марказлашган системаси 102 мустақил давлат кутубхоналарини бирлаштирган. Булардан ташқари Тошкентда 20 та олий ўқув юртлари, 57 та ўрта махсус билим юртлари, 230 та мактаб кутубхоналари, 40 тадан ортиқ болалар кутубхоналари ва бошқа тармоқ кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Лекин шуниси афсусланарлики, шунчалик кенг тараққий этган кутубхона шахобчалари бўлишига қарамасдан, улардан фойдаланувчилар сони қониқарсиздир. Статистик маълумотларга кўра, Тошкент шаҳридаги 2100 мингдан ортиқ аҳолининг атиги 17 фоизи кутубхоналардан фойдаланишар эканлар. Бу жуда кам. Агар битта шаҳар оммавий кутубхонасига ўртача 1652 та китобхон тўғри келишини эсласак (7-жадвалга қаранг), Тошкентдаги 630 та кутубхонада бир миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 50 фоизига яқин китобхон бўлиши зарур эди. Мана шу жиҳатдан шаҳар аҳолисини кутубхонадан фойдаланишга жалб этиш, уларни кутубхонадан мунтазам ўқишга ўргатиш, катта маданий-сиёсий вазифа ҳисобланади.

Шаҳар аҳолисини кутубхоналардан фойдаланишга жалб этиш йўли ва методларини ҳамда бу жараёнларни таҳлил қилиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ишни қишлоқдагига қараганда бошқачароқ ташкил этишни талаб қилади. 60—70-йилларда баъзи шаҳарларда (масалан, Чирчиқ, Тошкент) китобхонларни жалб қилишнинг ўзини оқлаган китобни ҳар бир оилга етказишдан иборат хонадонма-хонадон юриш (айниқса қишлоқларда) усулидан фойдаланишга ҳаракат қилинарди. Бунда шаҳарларда аҳолининг турар жойида, иш жойида ёки ўқиш жойида кутубхонадан фойдаланиш имконияти ҳисобга олинмас эди. Демак, шаҳарларда қишлоқдан фарқли равишда, аҳолини кутубхонага жалб қилишнинг ўзига хос методлари бўлиши зарур.

Юқоридаги гаплардан келиб чиқадиган биринчи ху-

лоса шундан иборатки, аҳолини мунтазам ўқишга ва кутубхона китобидан фойдаланишга жалб қилиш юзасидан биргаликда ишлаш учун шаҳардаги барча тармоқ кутубхоналарининг, биринчи навбатда, оммавий давлат ва касаба уюшмалари кутубхоналарининг кучгайратини аниқ ва амалий тарзда бирлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини бир-бири билан мувофиқлаштириш зарур. Бу кутубхоналардан ҳар бири муайян жамоага хизмат кўрсатиб, ўқиш манзарасини таҳлил қилиб чиқади ва ўз китобхоналарининг таркибини уюштирибгина қолмайди, балки истиқомат қилувчиларга ўзлари учун маъқулроқ кутубхонани танлаб олишларига ҳам ёрдамлашади.

Иккинчи хулоса шундан иборатки, ишлаб чиқариш принципи шаҳарларда янги китобхоналарни жалб қилиш ишини йўлга қўйишда асосий ҳисобланади. Шу маънода вазифани, энг аввало, ҳар бир хизматчини кутубхоналарга тортишдир, деб ифодалаш мумкин. Модомики ёшларни мунтазам ўқишга жалб этиш кутубхона қурилишининг энг муҳим муаммолари жумласига кирар экан, қўйилган вазифани ҳал қилишда корхона ва муассасалар жамоатчилигининг, биринчи галда ёшлар қўмитасининг иштирок этиш улушининг ортиб бориши кераклигини пайқаб олиш қийин эмас. Лекин шаҳарларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган аҳолининг маълум табақаси бор, бинобарин, аҳолининг бу қисмини мунтазам ўқишга ҳудудий белги бўйичагина жалб этиш мумкин.

Учинчи хулоса оммавий давлат кутубхонасининг шаҳар аҳолисини кутубхона китобидан фойдаланишга жалб этиш жараёнида тутган ўрни тўғрисидаги масаладир. Биринчидан, шаҳар оммавий кутубхонаси шаҳар ёки ўз микрорайони миқёсида бир мураккаб ишнинг ташкилотчиси вазифасини ўтайди; иккинчидан, бошқа кутубхоналар билан (касаба уюшмаси кутубхоналари, техник ва бошқа кутубхоналар билан) биргаликда ҳар бир хизматчини мунтазам ўқишга жалб этиш вазифасини ҳал этади ва учинчидан, оиланинг китоб ўқишини таҳлил қилиб чиқади, унинг у ёки бошқа кутубхоналардан фойдаланишга қай даражада жалб этилганлигини аниқлаб олади. Шу маънода оммавий давлат кутубхоналари учун ҳар бир оилага китобнинг қай тариқа етказилганлигини тадқиқ қилишнинг танлаб олинган усули қўлланишга қулайроқ бўлади. Бунда тадқиқ қили-

надиган типик ҳолларни танлаб олиш, масалан, китоб ўқимайдиган оилалар ва бошқаларни танлаб олиш муҳимдир. Кутубхоналар бу ишда уй хўжаликларининг фаолларига таянади.

Болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш

Ёш авлодни инсоният олий мақсадлари талаби даражасида, ҳар томонлама, баркамол тарбиялашда кутубхоналар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли болалар китобхонлиги, болаларни тарбиялашда кутубхоналарнинг роли ва вазифалари, болаларга хизмат кўрсатадиган кутубхоналар шахобчаларини шакллантириш масалаларига, болалар ва ёшлар ўқишига раҳбарлик қилиш методларини такомиллаштириш муаммоларига жуда катта эътибор бериш лозим.

Бошқа тарбия ўчоқларидан фарқли ўлароқ болалар кутубхоналари ёшларга китоб орқали таълим ва тарбия бериш вазифасини бошқаради. Шу нуқтан назардан, болалар ва ёшларга кутубхоначилик хизмати кўрсатиш, уларга китоб ёрдамида таълим ва тарбия бериш масаласига юзаки қараб бўлмайди.

Болалар кутубхонаси тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда мустақил бўлгани билан уни мактабдан ажратиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда мактаб ва кутубхона бир-бири билан узвий равишда боғланиб кетган бўлиб, умумий вазифаларни ҳал этиш устида биргаликда ишлайдилар. Ўқитувчилар ўз тарафидан ўқув дастурига мувофиқ синфдан ташқари ўқишни ривожлантиришга муҳим таъсир кўрсатишлари, кутубхоначилар эса мактаб ўқувчиларининг билим доираларини кенгайтириш устида ишлаш билан уларнинг ўқув материални чуқурроқ ўзлаштириб олишларига ёрдам беришлари керак.

Умуман, болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш тараққиётининг энг муҳим яқуни шундан иборатки, болалар кутубхонаси ёш авлодга ахлоқий тарбия берувчи, болаларга ҳар томонлама билим олишларида ёрдамлашуви муассаса тариқасида таркиб топди. Болалар кутубхонасининг бошқа маданият ва маориф муассасаларидан фарқи шундаки, у умумий тарбиявий вазифаларни, болалар ўқиши ва уларга раҳбарлик қилишни ташкил этиш йўли билан амалга оширади. Ўқишга раҳбарлик қилиш жараёнида болаларда ўқишга қизиқиш

уйғотилади ва бу қизиқиш бошқариб борилади, ғоявий, илмий ҳамда бадний жиҳатдан энг яхши китоблар муайян мақсадни кўзлаб, фаоллик билан тавсия этилади, болалар ўқиши системаси ва доираси таркиб топтирилади, ўқишга нисбатан онгли муносабат тарбияланади, ўқилган нарсаларнинг ўзлаштирилиши ва мустақамланишига ёрдамлашилади. Бунда энг яхши китобларни бевосита тавсия этиш билан бир қаторда ўқиш маданиятини тарбиялашга, китоб библиография, кутубхонадан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Болалар ўртасида олиб бориладиган кутубхона иши тараққиётининг бошқа муҳим натижаси шундан иборатки, ҳозир Ўзбекистонда ёш авлодга китоб билан хизмат кўрсатишнинг уюшган системаси таркиб топиб, у яқин келажакда ҳамма болаларни мунтазам ўқишга ва кутубхоналардан фойдаланишга жалб этиш имконини беради.

Таркиб топган тажрибага мувофиқ, бу системадаги кутубхоналарнинг асосий икки тури: 1) болалар кутубхоналари ёки катталар кутубхонаси ҳузуридаги болалар бўлими ва 2) мактаб кутубхонаси болаларга китоб билан хизмат кўрсатади.

Агар 1918 йилда Тошкентда биттагина болалар кутубхонаси очилган бўлса, 1934 йилда улар 33 тага етганди, 1959 йилларга келиб эса уларнинг сони 5 барабар, китобхоналар сони эса салкам 7 барабар кўпайди. 1990 йилда Ўзбекистонда 2 та республика, 12 та область болалар кутубхонаси, 2 та марказий болалар кутубхонаси ва 476 та болалар кутубхонаси, филиаллари, 6360 та оммавий давлат кутубхоналари, 8 мингга яқин мактаб кутубхоналари мавжуд бўлиб, улар болаларга кутубхоначилик хизматини кўрсатади. Бу кутубхоналарнинг асосий кўрсаткичларини 7-жадвалдан кўриш мумкин.

Афсуски, мазкур кутубхоналарнинг китоб фонди тўғрисида расмий маълумотга эга эмасмиз. Шунингдек, мактаб кутубхоналари фонди, китоб берилиши ҳақида ҳам кўп нарса билмаймиз, аммо шу нарса маълумки, мактаб кутубхоналаридан қарийб 2 млн. ўқувчи фойдаланади.

Жадвалдан маълум бўлишича, махсус болалар кутубхоналари кўрсаткичлари оммавий давлат кутубхоналари (филиал кутубхоналар) кўрсаткичларидан анча баланд эканлиги, демак, иш яхши йўлга қўйилганлиги-

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли оммавий давлат кутубхоналарининг асосий кўрсаткичлари (1988 йилги маълумот)¹

Болалар кутубхоналарининг турлари	Асосий кўрсаткичлари					
	кутубхоналар сони	китоб-хонлар сони	берилган китоблар	битта китоб-хонга берилган урғача китоб	битта кутубхонага кўриб келадиган урғача китоб-хонлар сони	битта кутубхонага кўриб келадиган урғача китоб-хонлар сони
Республика давлат болалар кутубхонаси	1	17000	475500	27,9	475500	17000
Вилоят болалар кутубхоналари	13	61600	1347900	27,8	103684	4738,4
Марказий болалар кутубхоналари	2	8100	159800	20,7	79900	4050
Болалар-филиал кутубхоналари	476	765100	17213700	22,8	36163	1607,3
Болаларга хизмат кўрсатадиган оммавий давлат кутубхоналари (филиал кутубхоналар)	6360	2285700	50182600	21,9	7890	359,3

¹ 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг кутубхоналар Бошқармаси томонидан чиқариладиган йиллик статистик маълумотномаларга болалар кутубхоналари, уларнинг асосий кўрсаткичлари ҳақида рақамлар берилмайдиган бўлди.

дан далолат беради. Жадвалдаги китобхон-болалар сони ва уларга берилган китоблар миқдорини Ўзбекистондаги оммавий давлат кутубхоналарининг шу хилдаги кўрсаткичлари билан таққослаганимизда, китобхон-болалар жами китобхонларнинг 40,1 фоизини, уларга берилган китоблар эса умумий берилган китобларнинг 42,1 фоизини ташкил этишини билиб оламиз.

Болалар орасида китоб билан иш олиб борувчи кутубхоналар системасида болалар ўқишига раҳбарлик қилиш юзасидан тўпланган тажрибаси китоб фондининг хилма-хил вазифалари, катта-кичиклиги ҳамда таркибига қараб мустақил болалар кутубхоналари алоҳида ўрин эгаллайди.

Махсус болалар кутубхоналари (филиаллар) 15 ёшлардаги, болалар миқдори 500 ва ундан кўпроқ бўлган қишлоқларда ёки мактабгача ёшдаги ва 15 ёшгача бўлган ўқувчилар сони 4—7 минг бўлган шаҳарларда ташкил қилиниб, уларнинг китоб фонди болалар миқдори ёки хусусиятларига қараб ихтисослаштирилади. Одатда бундай кутубхонанинг хизмат кўрсатиш доирасида катталар кутубхонаси ҳам бўлиши мумкин, лекин улар 15 ёшдан катта ёшларгагина хизмат кўрсатади. Болалар бўлими ёки махсус болалар китоби бўлган оммавий давлат кутубхоналарида болаларга хизмат кўрсатишдаги асосий камчилик бундай кутубхоналарда болаларга мўлжалланган китоб фонди унчалик катта бўлмайди, кўпинча бир-иккита стеллаждан иборат бўлади (китобларни одатдагидек жойлаштириганда ҳар бир стеллажда ўртача 300—350 та китоб сақлаш мумкин). Мазкур кутубхоналарда махсус болалар бўлими бўлмаса, хизмат кўрсатиш ҳам малакали олиб борилмайди, чунки бу ердаги ходимлар болалар билан ишлаш хусусиятларини яхши билишмайди.

Маълумки, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли Давлат болалар кутубхоналари тўла марказлаштирилгандир. Республикада 2 та шаҳар болалар кутубхоналарининг мустақил марказлашган системаси (Тошкент ва Андижон шаҳарларида), шунингдек 476 та болалар филиали оммавий давлат кутубхоналарининг марказлаштирилган системасига киритилгандир.

«Давлат оммавий кутубхоналарини марказлаштириш тўғрисидаги Низом»га (1974 й.) мувофиқ болалар кутубхоналарининг мустақил системаси болалар кутубхоналарининг сони 8—10 тадан кам бўлмаган, катта-

лар кутубхоналари болаларга хизмат кўрсатмайдиган шаҳарларда тузилиши мумкин эди. Шу принципга мувофиқ Тошкент шаҳрида болалар кутубхоналарининг мустақил умумшаҳар марказлашган системаси барпо қилинган. Унинг таркибида 40 дан ортиқ собиқ болалар кутубхоналари бирлаштирилган. Табиийки, бундай ҳолда катталар кутубхоналарида болалар бўлимлари ташкил этилмайди.

Болалар кутубхоналарини катталар кутубхоналари билан бир системага бирлаштирилганда эса, системанинг болалар бўлимлари тармоғи, шаҳар, район марказий болалар кутубхонасидан, болалар филиал кутубхоналари, катталар кутубхоналари қошидаги болалар бўлимлари, китоб бериш жойлари, кўчма кутубхоналар ва библиобуснинг тўхташ бекатларидан иборат бўлади.

Оммавий давлат кутубхоналарининг марказлаштирилган системасида марказий болалар кутубхонаси бутун системада болаларга хизмат кўрсатишнинг аҳволига жавоб беради. У ўз фаолиятини шаҳар ёки райондаги мавжуд мактаб кутубхоналари билан боғлаб олиб боради.

Марказий болалар кутубхонаси китоб фондиди шакллантиришда барча бўлимлардаги китобхон болаларнинг ҳар бирига 9 та китоб тўғри келишини ҳисобга олмоқ зарур. Китобхон болаларнинг ёш гуруҳларига қараб, уларга бадний, илмий-оммабоп адабиётлар таркиби белгиланади. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар ва 1-синф ўқувчилари учун бадний адабиёт 98—99 фоиз миқдориди, илмий-оммабоп адабиётлар эса 1—2 фоиз миқдориди; иккинчи-учинчи синф ўқувчилари учун тегишли равишда 80—85 ва 15—20; 4—5 синф ўқувчилари учун 75—80 ва 20—25 фоиз; 6—8 синф ўқувчилари учун 65—70 ва 30—35 адабиёт (Марказлаштирилган кутубхона системаси. Кутубхона ишини ташкил қилиш ва унинг методикасига оид қўлланма. Т., Уқитувчи, 1979, 194-бет) бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Лекин шуни қайд қилиш керакки, республикада кутубхоналарнинг китоб фондиди тўлдиришда жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, кутубхоналарни миллий тиллардаги адабиётлар билан таъминлаш деярли 50 фоизга, бадний ва болалар адабиётларга бўлган эҳтиёж эса атиги 20—35 фоизгина қаноатлантирмоқда. Болалар кутубхоналарининг фондида синфдан ташқари

ўқиш учун Ўзбекистон Маориф вазирлиги тавсия этган китобларнинг 30—50 фоизи, қишлоқ системаларида эса 20 фоизигина мавжуд.

Болаларга кутубхона хизмати кўрсатишда мактаб кутубхоналари имкониятидан тўла фойдаланиш зарур. Республикадаги 8 мингга яқин мактаб кутубхоналарининг китоб фондлари давр талабига жавоб бермайди, асосан дарсликлардангина ташкил топган, уларни тўлдириш учун махсус маблағ кам ажратилмоқда. Бу кутубхоналарда кутубхона ҳисоботи жуда ёмон йўлга қўйилган, китобхонлар билан ишлаш, уларга табақалаштирилган асосда ёндошиш, давлат кутубхоналари билан ўз ишларини мувофиқлаштириш, айниқса малакали кадрлар билан таъмин этиш ҳалигача муаммо бўлиб қолмоқда.

Мактаб кутубхоналари аҳволини тубдан яхшилашнинг бирдан-бир йўли уларни давлат болалар кутубхоналари тармоғига бирлаштириш асосида марказлаштиришга ўтказишдир. Мамлакатда мактаб ислоҳотини муваффақиятли амалга оширишнинг, ёш авлодни тарбиялаш самарадорлигини оширишнинг гарови — болаларни кутубхоналардан янада кенгроқ фойдаланишга ўргатиш, кутубхоналарни болаларнинг турмушига кўпроқ сингдиришдир.

4-§. КУТУБХОНАЧИЛИК ИШНИ БОШҚАРИШ ВА УНГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

{ Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги

Таркиб топган тажрибага мувофиқ кутубхоналарга раҳбарлик қилишнинг икки шакли вужудга келган. Раҳбарликнинг Маъмурий шакли Ўзбекистон Маданият ишлари Вазирлигининг Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодидиёти Бошқармаси томонидан, методик раҳбарлик эса А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тармоқлараро ваколатга эгадир. Барча кутубхоналарга умумий методик раҳбарликни ва қайси тармоққа бўйсуншидан қатъи назар, улар иштини уйғунлаштиришни, вазирликлар, давлат комитетлари ва идораларга қарашли кутубхоналар фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширади.

Вазирлик республика кутубхоналари фаолиятини белгилаб берувчи низомлар, уставлар, қоида ва кўрсатмалар, нормативлар ва бошқа материалларни тасдиқлайди, зарур ҳолларда уларни тегишли идоралар билан мувофиқлаштиради. Шунингдек, кўзи ожизларнинг Марказий республика кутубхонаси бошчилигидаги махсус кутубхоналар учун ҳам буйруқлар чиқаради.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги кутубхоналари системасига кирган ҳар бир кутубхона ўз даражасидаги давлат органи томонидан бошқарилади ва маблағ билан таъминланади. Масалан, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси — бевосита Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги томонидан, катталар ва болалар кутубхоналари халқ депутатлари область Кенгашлари ва ҳокимиятларнинг Маданият бошқармалари томонидан, марказлаштирилган кутубхоналар системалари эса халқ депутатлари район ва шаҳар Кенгашлари ва ҳокимиятларнинг маданият бўлимлари томонидан бошқарилади.

Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти Бошқармаси (бундан кейин бошқарма) Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг махсус бўлими бўлиб, у А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика болалар кутубхонаси, Кўзи ожизлар марказий республика кутубхонасига бевосита раҳбарлик қилади, шунингдек, область, район, шаҳар ва бошқа оммавий давлат кутубхоналарига умумий раҳбарликни амалга оширади. Бошқарма кутубхона тармоқларини ривожлантириш, жойлаштириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, кутубхоналарни техника воситалари билан таъминлаш нормативларини белгилайди. Булардан ташқари, у кутубхоналар категорияси ва уларнинг штатлари тузилиши тўғрисидаги таклифларини ишлаб чиқади, шунингдек, кутубхоналарни бинолар билан, замонавий техника воситалари ҳамда зарурий асбоб-ускуналар билан таъминлашга жавобгар бўлади, кутубхоначи ходимларни танлаш ва жойлаштиришни амалга оширади, уларнинг малакасини оширишни ташкил этади, кутубхоначиларни тураржой билан таъминлашга ғамхўрлик қилади.

Бошқарма республикада кутубхона ишини ривожлантириш истиқболлари ва унинг асосий йўналишларини белгилайди, кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳалари бўйича илмий тадқиқот

ишлари мавзуларини тасдиқлайди, кутубхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, республикада кутубхоналар орасида илгор иш тажрибалари алмашишини ташкил этади.

Бошқарма Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, кутубхона фондларининг аҳволи ва уларни тўғри тўлдириш, кутубхоначилик серияларини тақсимлаш устидан назоратни амалга оширади, Ўзбекистон кутубхоналарида халқаро китоб алмашишини тўғри уюштиришни назорат қилади.

Бошқарма Ўзбекистон Президенти ва ҳукумат директиваларининг, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги коллегияси қарорлари ва буйруқларининг кутубхоналар томонидан бажарилишини назорат қилади, республика кутубхоналари ва кутубхоначиларини мукофотлаш ва тақдирлаш тўғрисидаги материалларни тайёрлайди, кутубхоналараро мусобақалар натижаларини умумлаштиради.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти Бошқармаси таркибида 3 киши кутубхоначилик ишлари билан шуғулланади. Бўлинма бошлиғи Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади ва бўлинманинг барча фаолиятига жавоб беради; бош мутахассис ва етакчи мутахассис, улар ўртасидаги вазифалар Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг Бошқарма тўғрисидаги Низоми асосида ҳамда лавозим инструкцияларига мувофиқ тақсимланади. Ҳар бир ходим Бошқармага бевосита бўйсунадиган республика кутубхоналарининг бирига ҳамда Ўзбекистоннинг қайси бир регион (Тошкент шаҳри ва Тошкент области, Фарғона водийси, Хоразм ва Қорақалпоғистон республикаси) кутубхоналари фаолиятига жавоб беради.

Жойларда кутубхоналарнинг бошқарилиши

Область ҳокимиятларининг халқ депутатлари Кенгашлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда Қорақалпоғистон Маданият ишлари вазирлигининг маданият бошқармалари, район ва шаҳар ҳокимиятларининг маданият бўлимлари Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги қарамоғидаги кутубхоналарга раҳбарлик қилиб, шу кутубхоналар тармоғининг ривожланишига ва мўҳрлик қиладилар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳ-

камлайдилар ҳамда малакали кутубхоначи кадрлар билан таъминлайдилар, шунингдек, тегишли Кенгаш ҳузурида жойлашган бошқа тармоқ кутубхоналари фаолиятини уйғунлаштириб, назорат қиладилар, кутубхона шохобчаларини оқилона жойлаштириш ҳамда кутубхоначилик курсларидан унумли фойдаланиш учун чора-тадбирлар кўрадилар.

Область маданият бошқармасида кутубхоначилик инспекторлари (1—2 кишидан иборат) бўлади. Улар областда кутубхоначилик хизмати кўрсатишни, кенг халқ оммасини ҳар томонлама ахборот билан таъминлашни йўлга қўядилар. Кутубхона тармоқларини ривожлантириш режаси лойиҳасини тузиб, раҳбарлик муҳокамасига тақдим этадилар, ҳудуд бўйича кутубхоналарнинг статистик ҳисоботини тўплаб, йиғма ҳисобот тузадилар, кутубхоналарни малакали кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қиладилар, кутубхоналарнинг моддий-техника базасини, молиявий аҳволини мустаҳкамлашга ғамхўрлик қиладилар, кутубхоналарга янги адабиётларнинг тақсимланишини назорат қила бориб, кутубхоналар кўриги ва уларни текширишни ташкил этадилар.

Область маданият бошқармаси кенгаш ва ҳокимият, шунингдек, бошқа юқори давлат бошқарув органлари қарорларининг бажарилишини назорат қилади. Тасдиқланган смета маблағлари доирасида кредитлар ва харажатларни бошқаради. Ўз фаолияти тўғрисида Кенгаш ва ҳокимиятга ҳамда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига ҳисобот беради.

Район ва шаҳар маданият бўлимлари ўз ҳудудида кутубхоначилик ишларини ташкил этиш ва амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Маданият бўлимларига халқ депутатлари район (шаҳар) кенгашлари ва уларнинг ҳокимиятлари томонидан сайланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Маданият бўлими район (шаҳар) даги кутубхоначилик ишининг аҳволи учун халқ депутатлари район (шаҳар) кенгашини ва ҳокимият олдида ва область маданият бошқармаси олдида жавобгардир. Маданият бўлимига кутубхона раҳбарларини ишга тайинлаш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш тадбирларини кўриш, кутубхоналарнинг жойлашиши ва фаолияти юзасидан масалаларни кўриб чиқиш учун район (шаҳар) кенгашини ва ҳокимияти мажлисига қўйиш, ҳудудда кутубхоналар тар-

моғини ривожлантириш режасини тасдиқлаш, қайси идора қарамоғида бўлишидан қатъи назар, кутубхоналарнинг фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқлари берилган.

Район (шаҳар) да бевосита район (шаҳар) маданият бўлимига бўйсунувчи кутубхоналардан ташқари, қасаба уюшмалари ва бошқа жамоа ташкилотлари, шунингдек, бошқа идоралар қарамоғидаги кутубхоналар ҳам бўлади. Уларга бевосита раҳбарлик қилиш тегишли ташкилотлар вазифасига киради. Аммо ўз қарамоғида кутубхонаси бўлган ташкилотлар фаолиятини тартибга солиб туриш мақсадида район (шаҳар) маданият бўлими ҳузурида идоралараро кутубхона кенгаши тuzилиб, унга тегишли ташкилот ва идораларнинг вакиллари ҳамда кутубхона ходимлари киритилади.

Идоралараро кутубхона кенгаши халқ депутатлари район (шаҳар) кенгаши тасдиғига топшириш учун ҳудудда кутубхоначилик ишини ривожлантириш бўйича ягона идоралараро режаларни, район (шаҳар) кутубхоналарининг молия режасини, уларнинг ягона фондини тўлдириш режасини, кутубхона кадрларини тайёрлаш режасини кўриб чиқадилар ва уни тасдиқ этадилар. Булардан ташқари кенгаш район (шаҳар) доирасида кутубхоналарни бирлаштириш ва мувофиқлаштиришга мўлжалланган тавсиялар тайёрлайди, айрим кутубхоналарнинг иш соатларини, иш нормаларини, аҳолига китоб хизмати кўрсатиш жойларини белгилайди.

Район (шаҳар) маданият бўлими давлат оммавий кутубхоналарига раҳбарлик қилишда марказлаштирилган кутубхоналар системасининг марказий кутубхоналарига таянади.

Идоралараро кутубхоначилик комиссияси ва унинг фаолияти

Ўзбекистонда ҳар хил идора ва ташкилотларга қарашли 17 мингдан ортиқ кутубхоналар мавжуд бўлиб, давлат кутубхоналаридан ташқари, мактаб, қасаба уюшмалари, техника, соғлиқни сақлаш, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кутубхона тармоқлари кенг ривож топган. Кутубхона ишига марказлаштирилган умумдавлат раҳбарлиги ҳар бир идора ёки ташкилот доирасида кутубхоналарга аниқ ва таъсирчан раҳбарликни тақозо этади.

«Фан-техника тараққиётида кутубхоналарнинг роли»

ни ошириш тўғрисида»ги (1974 йил) қарордан кейин кутубхоналарга раҳбарлик қилишни такомиллаштириш мақсадида хилма-хил идора ва ташкилотларда махсус кутубхоначилик гуруҳлари, комиссиялари, назорат органлари ташкил қилина бошланди. Ҳар хил туркумдаги кутубхоналар фаолиятида ўзаро ҳамкорлик ўрнатишда ва кутубхоначилик қурилишидаги идоралараро тарқоқликни тугатишда бундай органлар катта аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, барча вазирлик ва жамоатчилик ташкилотлари ҳузурида кутубхоначилик ишига раҳбарликни мувофиқлаштирувчи махсус органнинг барпо қилиниши, барча йўналишлар бўйича тегишли кутубхона тармоқларида идоравий раҳбарликнинг яхшиланиши, методик ишлар даражасини кўтариш ва уларнинг мувофиқлаштирилиши, кутубхоначилик ишига раҳбарлик қилиш ва бошқариш системасида жиддий илмий базанинг яратилиши шулар жумласидандир.

Узбекистон Маданият ишлари вазирлиги қошида 1975 йилда тузилган идоралараро кутубхоначилик давлат комиссияси кутубхоналарга марказлаштирилган раҳбарликни мустақамлашда муҳим босқич бўлди. Барча типдаги кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва кутубхоначилик ишида давлат сиёсатини кенг амалга оширишда комиссиянинг жуда кенг ҳуқуқ ва ваколати белгилаб берилди. Жумладан, «Кутубхоначилик иши тўғрисидаги Низом»да (1984 йил) бу комиссиянинг ҳуқуқ ва вазифалари янада кенгайтирилиб, у қонун йўли билан тасдиқланган эди. «Низом»нинг 12-моддасида «Давлат идоралараро кутубхоначилик комиссиясининг қарорлари вазирликлар, давлат комитетлари, идоралар ҳамда ўз ихтиёрида кутубхоналари бўлган бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир»— дейлини тор маҳкамачиликка барҳам берар, кутубхоначилик ишида ягона умумдавлат сиёсатини ўтказишга имкон туғдирар эди.

Узбекистон Маданият ишлари вазирлиги қошидаги идоралараро кутубхоначилик республика комиссияси тўғрисидаги «Низом»га мувофиқ, у республикада кутубхоначилик ишига раҳбарликни мувофиқлаштирувчи идоралараро орган ҳисобланади. Комиссия ўз қарорлари, таклиф ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда бошқа тармоқ кутубхоналарига раҳбарликни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан яқиндан алоқада иш олиб боради.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси идоралараро кутубхоначилик комиссияси зиммасига:

— Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тараққиётининг истиқболли режасини кўриб чиқиш; вазирликлар ва бошқа ташкилотлар кутубхоналари ишининг ўзаро боғлиқлиги ва уйғунлигини таъминловчи таклифлар ишлаб чиқиш;

— кутубхоналарнинг нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари, илмий-техника ахбороти органлари, радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқасини яхшилаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

— республикада ягона кутубхоналараро абонемент системаси ва кутубхона фондларини депозитар сақлаш системасини ташкил қилишга, кутубхоналар фондиди тўлдиришда такрорланнишни тугатишга, ягона справка-ахборот фонди базасида кутубхоналар ва ахборот органлари ишлари ҳамжиҳатлигини таъминлашга, кутубхона-библиографик жараёнларга механизацияни жорий этишга ёрдам бериш;

— китобхонлар талаби ва кутубхоналар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда адабиётларни қайта нашр қилиш, унинг тиражини белгилаш, янги адабиётлар билан тўлдиришга доир тавсиялар билан биргаликда кутубхоналарнинг китоб фондларини шакллантириш ва ишлатиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— кутубхоначи кадрлар тайёрлашни яхшилаш, кутубхонашунослик ва библиографияшунослик соҳасидаги методик ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқа қатор вазифалар юклаган эди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси комиссияга қатор муҳим ҳуқуқлар берган бўлиб, улар орасидан — кутубхоналар фаолиятига раҳбарликни мувофиқлаштиришни яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қилиш, вазирликларнинг тегишли кутубхоналаридан зарурий материалларни олиш ва уларнинг келишувига мувофиқ улар қарамоғидаги кутубхоналар аҳволи билан танишиш, ўз мажлисларида вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан уларнинг кутубхоналари ишлари тўғрисидаги ва комиссия тавсияларининг амалга оширилишининг бориши ҳақидаги ҳисоботни эшитиши катта амалий аҳамиятга эгадир.

Идоралараро кутубхоначилик республика комиссия-

сининг вужудга келтирилиши ва унинг фаолияти республикада кутубхоналарга раҳбарлик қилиш ишини яхшилайти, кутубхоначилик ишини такомиллаштириш жараёнига жиддий таъсир кўрсатади.

Кутубхоначилик иши бўйича жамоатчилик идоралараро кенгашлари

Ҳар хил система ва идораларга қарашли кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга жавобгарликни ошириш муаммоси кутубхоначилик қурилишининг барча даврлари учун долзарбдир. Мамлакатда аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг кенг дастури белгиланаётган вақтда уни амалга оширишнинг асосий принципларидан бири сифатида кутубхоначилик ишига аҳолининг ўзини жалб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди. Кутубхоначилик ишига ва уни бошқаришга жамоатчиликни жалб қилиш принципи мамлакат кутубхоначилик амалиётида кенг амалга оширилди. Бундан ташқари, «Мамлакатда кутубхона ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида» (1959 йил) деган қарорга мувофиқ вужудга келган идоралараро кенгаш кутубхоначилик ишида жамоатчилик иштирокининг ўзига хос кўриниши ҳисобланди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро кутубхоначилик кенгаши 1969 йилда маслаҳат органи сифатида ташкил этилган. Бу кенгашнинг Президиуми бўлиб, у кенгашнинг пленумларини чақиради, пленумлар орасида эса президиум мажлисларини ўтказиши. Кенгаш қошида методик, илмий-тадқиқот, библиографик ва меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш, фондларни тўлдириш ҳамда ташкил қилиш, болалар ва ёшлар билан ишлаш каби қатор комиссиялар иш олиб боради.

Идоралараро кутубхоначилик Кенгашининг вазифаларига барча идора ва ташкилотлар кутубхоналари ишларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш; республикада кутубхоначилик ишини такомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш; аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг ягона режаларини кўриб чиқиш; илғор тажриба ва кутубхоначилик ишидаги янги шакллари ўрганиш ва ёйиш; кутубхонашунослик ва библиографияшуносликнинг методик ва ташкилий муаммо-

ларини муҳокама қилиш масалалари киради. Унинг комиссиялари мажлисларида қатор йилларда Халқаро китоб йилини ўтказиш, оммавий кутубхоналар китоб фондиди тўлдиришни тартибга солиш; кутубхона тармоқларини марказлаштириш ва унинг боришига оид халқ хўжалиги мутахассисларини зудлик билан илмий-техника ахбороти билан таъминлаш, Республика илмий-техника кутубхонасининг ишларига доир ва бошқа кўплаб масалалар кўриб чиқилган, тегишли тавсиялар қабул қилинган.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг фармонига кўра кенгашнинг фаолиятини фаоллаштириш ва такомиллаштириш мақсадида унинг таркиби тўрт марта (1973, 1975, 1981 ва 1991 йилларда) қайта тузилиб тўлдирилди. Ҳозирги вақтда Кенгаш Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг Идоралараро кутубхоначилик республика комиссияси қошидаги Ўзбекистон кутубхона ходимларининг жамоатчилик маслаҳат органи сифатида фаолият кўрсатмоқда. У кутубхоначилик ишининг долзарб масалалари бўйича вазирлик ва идоралар муҳокамасига таклифлар тайёрлайди.

Идоралараро кутубхоначилик кенгашлари Қорақалпоғистон Республикасида ва Ўзбекистоннинг барча областларида ташкил этилган. Андижон, Самарқанд ва Хоразм областларидаги шундай кенгашлар айниқса самарали иш олиб бормоқда.

Кутубхоначилик ишини бошқаришни ислоҳ қилиш

Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини тубдан ислоҳ қилишнинг моҳияти — уни демократлаштириш ва асосий маъмурий раҳбарликдан иқтисодий раҳбарлик қилиш методига ўтишдир. Давлат жамоатчилиги бошқариш органлари билан бир қаторда кутубхоначилик ишини бошқаришнинг касбий (ўз-ўзини бошқариш) органларини барпо қилиш зарур бўлади.

Давлат бошқариш органлари томонидан республика даражасида кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг тахминий социал-иқтисодий нормативлари ва контрол кўрсаткичлари белгиланиши, жамиятнинг кутубхоначилик хизматиغا, кутубхоналарни китоб билан таъмин этиш системасига, кутубхоначи кадрлар тайёрлашга, кутубхоналарни бошқаришга бўлган умумий талаблари, шунингдек, республика аҳамиятидаги кутубхона-

ларни сақлаш учун фонд шакллантириш, областларга ёрдам кўрсатиш, кутубхоналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш учун маблағларга давлат буюртмасини расмийлаштирилиши зарур.

Кутубхоначилик ишини бошқаришнинг давлат-жамоатчилик органлари кутубхоначилик қурилишининг ҳуқуқий ва норматив асосларини шакллантиради, республика кутубхоначилик қонунлари ва тегишли актларнинг тугалланган системасини ишлаб чиқади.

Кутубхоначилик ишини бошқаришнинг касбий органлари системаси ишларнинг асосий кўрсаткичларини кутубхоналараро режалаштириш муаммоларини, кутубхона қўрларини тақсимлашни, кутубхоналарнинг ички технологик жараёнларини бошқариш (тартибга солиш), кутубхона бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласини, кутубхоначиларнинг ижтимоий статуси, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, иш ва турмуш шароити тўғрисида жамиятга талаблар мажмуини шакллантиришни ўз зиммасига олиши зарур.

Касбий ўз-ўзини бошқаришнинг олий органи кутубхона ходимларининг қурултойи ҳисобланади. Кутубхоначилар қурултойи тармоқлараро характерга эга бўлиб, барча ҳудудий даражаларда вақт-вақти билан чақирилиб туриши зарур.

Қурултойлар оралиғида касбий ўз-ўзини бошқариш органлари функциясини қурултой томонидан сайланадиган кутубхона Кенгашлари бошқаради.

Кутубхона ишига раҳбарлик қилишни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини оширишда касбий онг, кутубхоначилик қурилиши мафкураси касбий ахлоқни шакллантиришдан, кутубхоначилик ишида ижодий асосларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган кутубхоначилик жамиятлари, федерациялари, ассоциацияларидан иборат кутубхоначилар ва жамиятнинг бошқа қатламлари вакилларининг кўнгилли бирлашмалари ёрдам беради.

Кутубхоначилик бирлашмалари (жамиятлари) ўз сафларига энг яхши, кутубхоначилик ҳаракатининг гули бўлган, унга ўзининг шахсий вақти ва маблағини ажратишга тайёр кишилардан иборат, ижодий фикрлашга қодир мутахассисларни жалб қилишлари зарур.

Жамият кутубхоначилик иши даражасини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда қатнашади, жамоатчилик ўртасида ўзининг қа-

рашлари ва фикрларини тарғиб қилади, кутубхоначилик ва ундан кенгроқ доираларда шаҳарлараро алоқаларнинг ривожланишига имконият яратади.

Ўзбекистонда кутубхоналарга методик раҳбарликнинг ташкил этилиши

Ҳозирги вақтда кутубхоналарга методик раҳбарлик қилишнинг моҳияти кутубхона ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, уларда касбга бўлган қизиқишни шакллантириш, унинг мақсад ва вазифаларини англаб етишга ёрдам беришдир. Методик фаолият кутубхоначиларда ижодий фикрлашга ёрдам бериши, ўз вазифаларини бажаришда мустақил бўлишни, аини пайтда жавобгарлик ҳиссини тарбиялаши лозим.

Методик раҳбарликни фаоллаштириш кутубхоначилик ишида янгиликларни жорий этишни бошқариш системасини таркиб топтириш иши билан боғлиқдир. Унга методик марказларнинг янгиликларни қидириб топиш ва барго этишга оид илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, кутубхоначиларни ўқитиш ва уларнинг кутубхоначилиikka доир янги билимларни ўзлаштиришларига ёрдам бериш бўйича педагогик фаолият асос бўлади.

Юқорида зикр қилинган ишлар методик раҳбарлик марказлари системаси орқали амалга оширилади.

Кутубхоналарга методик раҳбарлик қилиш системаси идоравий ва соҳавий-ҳудудий принциплар бўйича ташкил топгандир. Ҳар бир идора ва соҳа кутубхоналари маъмурий-ҳудудий принципга кўра республика, область, район, шаҳар кутубхоналар методик марказларини ташкил этади. Масалан, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли кутубхоналарнинг методик марказлари А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ва республика Давлат болалар кутубхоналари, область давлат кутубхоналарига, яъни республикадаги 13 та катталар, 12 та болалар ва 6 та кўзи ожизларнинг область кутубхоналарига методик раҳбарликни амалга оширадилар.

Область кутубхоналари республикадаги 199 та Марказий район ва шаҳар кутубхоналарига, улар эса марказлаштирилган кутубхоналар системаси таркибига кирган 6568 та филиал ва системага кирмаган 78 та оммавий давлат кутубхоналарига методик раҳбарликни

амалга оширади. Худди шу тариқа бошқа идора ва соҳаларга қарашли кутубхоналарнинг ўз методик раҳбарлик системаси иш олиб боради. Ўзбекистонда Тошкент Давлат университетининг илмий кутубхонаси — республикамиздаги турли идораларга қарашли 43 та олий ўқув юрти ва 52 та ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналарига методик раҳбарликни амалга оширади.

Республикада илмий-техника кутубхоналари учун Республика илмий техника кутубхонаси (Ўзбекистон илмий-техника ахбороти илмий-тадқиқот институтига қарашли); соғлиқни сақлаш кутубхоналари учун — Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика илмий-тиббий кутубхонаси; мактаб кутубхоналари учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг республика илмий-педагогик кутубхонаси; касаба уюшмалари кутубхоналари учун Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Кенгашининг Республика таянч касаба уюшма кутубхонаси методик раҳбарликни амалга оширади. Республикада методик ишларни Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро кутубхоначилик давлат комиссияси мувофиқлаштиради. А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси қошидаги Идоралараро кутубхоначилик кенгаши унинг ишчи органи ҳисобланади.

Методик раҳбарликнинг мақсади кутубхоналар иши даражасини ошириш ва барча кутубхоначилик жараёнларига фаол таъсир кўрсатиб, фан, маданият ҳамда ишлаб чиқариш заруратини ҳисобга олган ҳолда барча кутубхоначилик қўрларидан янада тўлароқ ва унумлироқ фойдаланишга ёрдам беришдир. Шу мақсадда методик раҳбарлик қўйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:

1) кутубхоналарга ташкилий-методик ёрдам кўрсатиш (аҳолига кутубхоначилик хизматини уюштириш, кутубхона фондларини шакллантириш, кутубхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ҳоказо);

2) янгиликларни, илғор кутубхоначилик тажрибаларини ўрганиш ва тарқатиш;

3) кутубхоначи кадрлар малакасини ошириш.

Бу вазифаларни амалга ошириш методик фаолиятнинг уч асосий йўналишини белгилаб беради.

Илмий-методик ишларни кутубхона ишига раҳбарлик қилувчи органлар ва илмий-методик марказлар

амалга оширади. Ўзбекистонда шундай асосий илмий-методик марказ А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир. Бу кутубхона республикада кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик бўйича илмий-тадқиқот ишларининг маркази сифатида Ўзбекистондаги бошқа тармоқлар методик марказлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Мазкур кутубхона республикадаги методик марказлар фаолиятини мустақамлаш ва уларга ёрдам бериш ишларини уйғунлаштириш мақсадига илмий-амалий конференциялар, кенгашлар, семинарлар уюштиради, кутубхоналар фаолиятини ўрганиш, методик қўлланмалар ва кўрсатмалар системасини яратиш, илғор кутубхоначилик тажрибаларини аниқлаш, ўрганиш ва жорий этиш, кутубхона ходимларини малакасини ошириш тадбирларини амалга оширади.

Кейинги вақтларда идоралараро ҳамкорлик асосида жойларга чиқиш ишини уюштириш тажриба қилиб кўрилмоқда. Масалан, Давлат кутубхонаси бригадасида Ўзбекистон қасаба уюшмаларини республика кенгашининг таянч кутубхонаси, республика илмий педагогика кутубхонаси ва бошқа кутубхоналар ходимлари қўшилиб, область кутубхоналарида кутубхоналараро абонемент ишини ўрганиш бўйича жойларга бориш иши уюштирилмоқда. Мазкур тадбир идоралараро ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатликнинг самарали усули бўлиб, бу тегишли масалаларга доир барча муаммоларни ўша жойнинг ўзида ҳал этишга, тармоқ мутахассислари билан яқиндан алоқа ўрнатишга ёрдам беради, ўринсиз ёзишларга чек қўяди.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси томонидан чиқариладиган «Ўзбекистон кутубхона ишига оид методик қўлланмалар системаси» — деган режа тадбирга мувофиқ методик марказлар хилма-хил кўрсатма материалларини, муҳим саналарга бағишланган қўлланмаларни, илғор кутубхоналар иш тажрибалари баёни, ҳозирги замон ўзбек ва классик адабиёт вакиллари асарларини тарғиб қилишга оид материалларни, шунингдек турли категориядаги кутубхона ходимлари учун семинар машғулотларининг дастурларини нашр этиб, жойларга тарқатадилар.

Республикадаги давлат кутубхоналарининг бош методик маркази бўлган А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг илмий-методик ва функционал бўлимлари ҳар йили 30 номда методик қўлланма-

лар нашр этиб, жойларга тарқатиш учун область кутубхоналарига жўнатади. Кутубхонанинг илмий-методик бўлими икки йилда бир марта Область кутубхоналари тузган методик қўлланмалар обзорини тайёрлайдилар. Унда область кутубхоналарининг методик нашрлари таҳлил қилиниб, уларни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Методик марказларнинг илмий-методик ишлар сифатини яхшилаш ва уни янада такомиллаштиришда, улар фаолиятини демократлаштиришда республика ва область кутубхоналари директорлари кенгашларининг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳузуридаги Идоралараро область кутубхоналари директорлари Кенгаши ҳар хил тармоққа қарашли область методик марказлар фаолиятини ягона мақсад йўлида мувофиқлаштиришни таъмин этса, область кутубхоналари ҳузурида ташкил этилган марказлаштирилган кутубхоналар системалари директорлари Кенгаши Маданият вазирлиги системасидаги оммавий давлат кутубхоналарининг ҳамжиҳат ишлашини таъминлайди.

А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси кутубхоначи ходимлар малакасини ошириш масаласига катта эътибор бермоқда. Режали равишда ташкил этилаётган республика, область ва район миқёсидаги семинарлар, амалий конференциялар, стажировкалар ва илғор тажриба мактабларида ўтказиладиган амалий машғулотлар малака оширишнинг энг таъсирчан шакллари дир. Бу соҳада маданият ходимларининг малакасини ошириш факультети катта ишлар олиб бормоқда. У республика давлат кутубхонаси билан ҳамкорликда барча марказлаштирилган системалар директорларининг малакасини оширишга муваффақ бўлмоқда.

Республикада кутубхоначи кадрлар малакасини, уларнинг касбий маҳоратини ошириш ишига асосан методик марказлардаги методистлар, методик бўлим мудирлари кенг жалб қилинади. Улар кўпинча республика миқёсида уюштириладиган семинарлар, кенгашлар ва илмий-амалий конференцияларга чақирилиб, давлат кутубхонаси базасида малака оширадилар. Бундай тадбирлар методик марказлардаги раҳбар кадрларнинг билим даражасини давр талаби даражасига кўтаришга

ва кутубхоналар ишининг яхшиланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўзбекистонда давлат кутубхоналарига методик раҳбарлик қилиш системасидаги яна бир муҳим босқич область кутубхоналаридир. Область кутубхонаси илмий универсал кутубхона бўлиб, ҳудудда илмий-методик ишларни мувофиқлаштирувчи марказ, шунингдек, барча область кутубхоналари учун кутубхоналарда абонемент маркази вазифасини ўтайди.

Область кутубхоналари республика илмий методик марказлари тавсиялари ва бошқа методик материалларни ўз ҳудуди кутубхоналари ишига жорий этишга ёрдам бериши, ҳудуддаги Марказий кутубхоналар ишини таҳлил қилиши, уларнинг маҳаллий ва миллий хусусиятларига боғлиқ бўлган муаммоларини ишлаб чиқиш ҳамда илғор кутубхоначилик тажрибаларини аниқлаш, ўрганиш, умумлаштириш ва уларни тарқатиш асосида областдаги барча кутубхоналар иш даражасини кўтаришга эришиши лозим.

Область кутубхоналари методик ишларида кутубхоналар фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш, кундалик муаммоларига ёрдам бериш мақсадида жойлардаги кутубхоналарга бевосита чиқиш асосий ўрин эгаллайди.

Ҳозирги вақтда республикамиздаги область кутубхоналари ҳар йили ўрта ҳисобда мингдан ортиқ шундай чиқишлар ташкил қилиб, улардан деярли ярмиси давлат кутубхоналарини, қолганлари эса касаба уюшмалари, жамоа хўжалиги ва бошқа идораларга қарашли кутубхоналарни кўриш учун уюштирилган эди. Мазкур чиқишларни мақсадга қараб ажратадиган бўлсак, улардан 30 фоизи кутубхоналар ишини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам беришга, 25 фоизи район ва шаҳар семинарларини ташкил қилиш ва қатнашишга, 20 фоизи область маданият бошқармаси ва бошқа юқори ташкилотларнинг топшириқларини бажариш учун, 25 фоизи кутубхоналарнинг илғор иш тажрибасини ўрганиш, топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш, илғор тажриба мактабларини ташкил этиш каби масалаларга тўғри келишини кўрамыз.

Область кутубхоналарида методик раҳбарликни ташкил этишда кураторлик тажрибаси кенг ёйилган. Масалан, Самарқанд область кутубхонасида ҳар бир районга кураторлик гуруҳи биркирилган бўлиб, улар

шу район кутубхоналарига доимий равишда, режа асосида методик ёрдам кўрсатадилар, жойлардаги методистлар фаолиятини муттасил ўрганиб борадилар. Андижон, Хоразм, Фарғона ва Тошкент область кутубхоналарининг функционал бўлимлари ходимлари методик ишларга фаол қатнашадилар.

Кутубхоналар учун методик қўлланмалар тайёрлаш, нашр этиш ва уларни жойларга тарқатиш методик раҳбарликнинг муҳим йўналишидир. Область кутубхоналари бу соҳада муайян ютуқларга эришганлар. Улар ҳар йили 100 дан ортиқ методик материаллар нашр этмоқдалар. Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Андижон область кутубхоналарида, шунингдек Қорақалпоғистон республика кутубхонасида бу соҳадаги ишлар яхши ташкил қилинган.

Область кутубхоналари фаолиятида методик раҳбарлик қилишнинг кутубхоналар фаолиятини ўрганиш, илғор тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш, ёйиш ва жорий этиш, кутубхоналар фаолиятини таҳлил қилиш, илғор тажриба мактабларини ташкил этиш ва уларни оммалаштириш каби йўналишлари кенг ўрин олган.

Шундай қилиб, область кутубхоналари томонидан методик раҳбарлик системасининг янада такомиллаштирилиши аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишни яхшилашга ва китоб тарғиботининг гоаявий-сиёсий ва назарий савиясини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон оммавий давлат кутубхоналарига методик раҳбарлик қилиш системасида район, шаҳар марказий кутубхоналари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Марказлаштирилган кутубхоналар системасининг ташкил этилиши амалда шаҳар ва район кутубхоналарига ташкилий ва методик раҳбарлик қилиш бирлигини мустаҳкамлади. У энди ягона орган — марказий кутубхона орқали маъмурий-ташкилий тадбирлар билан мустаҳкамланадиган, ҳар қандай методик қарор амалга ошириладиган бўлди. Жумладан, Марказий кутубхонанинг ташкилий методик бўлими система бўйича қўйидаги асосий ишларни амалга оширади:

— МКС раҳбарлари билан биргаликда системанинг жорий ва истиқболли вазифаларини белгилашда иштирок этади, режалар, қабул қилинган қарор ва методик тавсияларнинг бажарилишини таъминлайди, кутубхоначи кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ишларини ташкил этади;

— филиал-кутубхоналарнинг амалий фаолиятига ёрдам беради;

— МҚС бўлинмалари ва филиал-кутубхоналар ишини таҳлил қилади, илғор тажрибаларни аниқлаш, ўрганиш ва жорий этишни ташкил қилади, энг яхши филиал-кутубхоналар негизида илғор тажриба мактабларини вужудга келтиради;

— район, шаҳар МҚС кутубхоналари орасида ўзаро мусобақа ташкил этади ва уларнинг натижаларини аниқлашда иштирок қилади;

— бошқа система ва идораларнинг методик марказлари билан методик ишларни мувофиқлаштиради (МҚС ишини ташкил қилиш. Кўрсатмалар ва ҳисоб шакллари, тузатилган ва тўлтирилган 2-нашри.— Т., 1989, 107-бет).

1990 йилда республикада 199 та МҚС иш олиб борган бўлиб, улардаги 188 та марказий кутубхона 6568 та филиал кутубхона методик ёрдам кўрсатади. Марказий кутубхоналар методик раҳбарликни амалга оширишда област, республика даражасидаги методик марказлар кўрсатмалари ва тавсияларига суянади ҳамда уларнинг татбиқ қилинишига ёрдам беради.

Методик раҳбарлик иши умуман кадрлар малакасини, хусусан методист кадрлар малакасини оширишни, уларни тайёрлашни ва қайта тайёрлаш системасини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу борада ишлаётган ходимларга маданият ходимлари малакасини ошириш факультетида методист кадрлар учун курслар очиб, республикадаги мавжуд кутубхоначи кадрлар тайёрлайдиган техникумлар ва А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти кутубхоначилик факультетида кутубхоначи-методистларнинг махсус гуруҳини қўшимча ихтисос билан тайёрлашга ўтиш зарур. Бу амалда ҳеч қандай қўшимча сарф-харажатни талаб этмайдиган тадбирлар бўлиб, методист касбига лаёқати бўлган талабалардан махсус ажратилиб (15—20 киши), уларга III—IV курс мобайнида «Методист-педагог» ихтисослиги бўйича махсус курслар (жами—184 соат) цикли ўқитилади ва улар зарур жойларга ишга йўлланади.

Кутубхоначи кадрларни, айниқса методистлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш системасини такомиллаштириш, кутубхоначилик ишига, унга раҳбарлик қилишга маҳаллий ҳокимият, касаба уюш-

малари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларини янада кенгроқ жалб қилиш кутубхоначилик ишини, унинг самарадорлигини ва сифатини оширишининг муҳим манбаидир.

Методик хизматни ривожлантириш концепцияси

Бир неча ўн йиллар мобайнида, ҳақиқатда эса етарлича асоссиз равишда, ҳудудий ва соҳавий ишлаб чиқариш принципига таянган илмий-методик ва ташкилий ишлар системаси билан фахрландик. Аммо, ҳозирги кунда «унинг вақти ўтди, умуман ҳожати йўқ ва ҳеч кимга керак эмас, чунки ҳар бир замонавий кутубхоначи ҳаммасини билади ва қўлидан келади» — деб тасдиқловчи билимдонлар пайдо бўлди. Айрим маъмуриятчилар сўздан ишга ўтмоқда; методистлар вазифасини пасайтирмақдалар, уларнинг сонини қисқартириб, штат жадвалидан чиқармоқдалар.

Илмий-методик ишлардаги беҳаловатлик шу билан тушунтирилиши мумкинки, баъзи назарийчилар ва методистлар сукут сақламоқдалар, бошқалари кутубхоначилик ишининг конструктив йўналишларини гап орасидагина ёритмоқдалар, учинчилари эса унинг кўникиши масалаларига, масалан, бозор иқтисодиётига, қимматбаҳо нашрларни шиддатли оқимига бас келадиган альтернатив нашрларга муносабатини билдирмаяптилар. Умуман, кўплаб муаммолар тўпланиб қолган ва уларнинг сони ортиб бормоқда, шу сабабли методик марказларнинг энг аввало кутубхоначилик ишини бошқариш органлари билан, сўнгра кутубхоналар ўртасида ўзаро муносабатлари характерини белгилаб олишга интилиши табiiий бир ҳолдир. Эндликда, методик марказлар томонидан тайёрланган ҳужжатлар бошқариш органлари томонидан хўжакўрсинга тасдиқланадиган ва уларнинг мазмунини қўйи кутубхоналарга етказилиб, бажарилиши назорат қилинадиган даврлар ўтиб кетди. Шундай бўлса ҳам кутубхоначилик иши назарийчилари, мутахассис ва раҳбарлари шитоб билан ўзгараётган муҳит олдида таслим бўлишаётганлигини тан олмоқ зарур.

Муस्ताқиллик байроғи остида ҳудудий методик марказлар асл моҳияти билан аввалдан таркиб топган бутуниттифоқ марказлардан ажралди. Бу айниқса, республика методик марказлари ишини тубдан қайта қуришни, уларни юқоридан кўрсатма кутмасдан, ишга

ижодий ёндоша оладиган жонкуяр, кучли ва билимдон кадрлар билан таъминлаш зарурлигини тақозо этади.

Ҳозирги шароитда кўплаб раҳбарлар, олимлар, методистлар маҳаллий мустақилликнинг муҳимлиги ҳамда қуйи кутубхоналарни оммавий равишда марказлаштиришдан чиқариш шiori остида анъанавий алоқаларни узмоқда, кутубхоналарни алоҳидаликка, сусткашликка, қандайдир мўъжизавий ўзгаришнинг юз беришини кутишга маҳкум этмоқда. Натижада раҳбарликнинг ўзига хос бўшлиғи юзага келди, республика кутубхоначилиги марказлари, аслида раҳбарлик қилиш ва методик ёрдам функциясидан воз кечмоқда, асосан ўзларининг иқтисодий, социал ва сиёсий қийинчиликларини енгиш билан банд бўлаётган ҳудудий бошқариш органлари эса (область ва район марказлари) бу функцияни ўзларига олганича йўқ. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг кутубхоналар билан шуғулланишига ҳали қўллари текканича йўқ, оммавий кутубхоналар ходимларига эса айнан ҳозир катта ёрдам, эътибор зарур.

Кутубхоналарни бошқаришнинг буйруқбозлик системасининг бўшашиши натижасида методик раҳбарликнинг илмий-тадқиқот, ташкилий методик, ахборот, ўқув-педагогик функцияларнинг роли ортиб боради, кутубхоначилик пиллапоясининг барча даражаларида омилкорлик ва билим кўпроқ талаб қилинади. Демак, методик марказларсиз, методистларсиз бу функцияларни амалга ошириб бўлмайди, сабаби методик бўлинмалар анъана бўйича ва қоида тарзида ташкилотчилик маҳоратини яхши эгаллаган олий малакали мутахассислар меҳнат қиладиган кутубхоналарнинг ижодий лабораторияси бўлган ва шундай бўлиб қолади. Айнан улар ҳудудий кутубхоначилик жамоаларида тегишли ишчанлик муҳитини вужудга келтиради, касбий мулоқотни ташкил этади, янгиликни қидиришга, мусобақа ва ташаббускорликка чорлайди, кутубхоначилар малакасини оширишга ёрдам беради.

Кутубхоначилик ишида донмо кутилмаган ўткир муаммолар (айтайлик, ғоявий-тарбиявий ишга, китоб тарғиботи, ўқишга раҳбарлик қилишга қандай муносабатда бўлиш справка-библиографик аппаратни қандай юритиш керак, кутубхона-библиографик жадвал эскирган бўлса, адабиётларни қандай системалаштириш зарур ёки фермерлар, ижарачиларга қандай хизмат

кўрсатиш зарур ёки пуллик шартнома муносабатлари, спонсорлик, ҳомийлик ва ҳоказолар амалиётини қандай ўзлаштириш зарур) пайдо бўлиб, уларни тадқиқ қилиш, тажриба ўтказиш, назарий ва методик жиҳатдан умумлаштириш ва жорий этиш, янгилик қанчалик самара беришини текшириш зарур бўлади. Бу ишларни методистларнинг жонбозлигисиз бажариб бўлмайди.

Шундай экан, методик хизмат қандай бўлмоғи зарур?

Илмий-методик хизматни қайта қурмоқ учун бошқариш органи билан методик марказлар ўртасидаги вазифаларни қайта тақсимлаш зарур. Амалиётчиларнинг фикрича, методик марказлар маъмурий буйруқбозлик системасидан чиқиб кетган тақдирда ҳам ўзидан раҳбарлик қилиш ва назорат функцияларини соқит қилмасликлари зарур. Бошқариш органлари коллегиялари мажлисларида, маҳаллий Кенгашлар сессияларида иштирок этиш, ёппасига текширишлар уюштириш уларнинг бевосита вазифасидир.

Бошқариш органларининг ўтмишда ва ҳозир одатга кўра бажараётган кўплаб вазифалари, функциялари, тадбирларини шубҳасиз, муваффақият билан илмий-методик марказларга, кутубхоначилик ассоциацияларига, жамиятларига, бошқа ўз-ўзини бошқариш органларига, бевосита кутубхоналарга юклаш мумкин. Кутубхоналарни бошқаришнинг давлат органларини жамоатчилик-давлат органларига айлантириш зарур. Бунда кутубхоналар майда-чуйда ишларда ҳам мураббийликдан, кўп сонли, кўпинча юзаки назорат-текширишлардан озод бўлади, бошқариш аппаратидан бериладиган вазифалар ва ҳисобот характеридаги маълумотномалар сони камаяди, кутубхоналарнинг ҳуқуқлари амалий тус олади, уларнинг вазифалари аниқланади.

Бошқариш органларига марказлаштирилган функцияларни, чунончи, республикада кутубхоначилик ишига умумий раҳбарлик қилишни мувофиқлаштириш, қонуний актларни тасдиқлаш, марказлаштирилган асосда маблағ билан таъминлаш, техник жиҳатдан жиҳозлаш, илмий-тадқиқотлар, уларни методик ва мақсадли маблағ билан таъминлаш, халқаро кутубхоначилик алоқаларига раҳбарлик қилиш ва ҳоказоларни бериш мақсадга мувофиқдир.

Методик марказларга келсак, уларнинг муҳим вазифаси ҳозирги сиёсий, социал, иқтисодий танглик шарои-

тида ўзига қарашли кутубхоналарни самарали ишлашга ўргатишдир. Тавсиялар ва маслаҳат ёрдами бериш методик фаолиятнинг энг кўп учрайдиган шаклларида бўлиб қолади. Методик марказларнинг туб вазифаларидан бири — бу илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш, шунингдек, иш методларини, шу жумладан, кутубхоналар талаби бўйича, шартнома асосида ишлаб чиқиш ва тарқатишдир.

Методик марказлар системасини қайта тузиш ечимини кутаётган муаммолардандир. Тажриба сифатида Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент область методик марказларини (оммавий ва болалар кутубхоналари учун ягона) бирлаштириш амалга оширилмоқда. Бу ҳали ишнинг бошланиши бўлиб, унинг ниҳоясида ҳудудий даражадаги турли тармоққа қарашли кутубхоналарнинг бирлашган илмий-методик марказини барпо қилиш келажак дастуридир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда республика даражасидаги 9 методик марказларнинг ишлаб туриши иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдими? Бунга узил-кесил йўқ деб жавоб бериш мумкин.

Ҳудудий ягона илмий-методик марказни барпо қилиш натижасида унга энг малакали методист-кадрларни танлаб олишга эришилади, илмий-методик ишларни мувофиқлаштиришга зарурат қолмайди, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш эса фаоллашади. Айни вақтда ҳудудий ягона илмий-методик марказлар системасини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Сабаби, ягона ҳудудий тармоқлараро методик хизмат хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиниб, лойиҳалаштириш ва уларни жорий этишни, шунингдек, кутубхоналар фаолиятининг турли йўналишлари бўйича маслаҳатлар уюштиришни амалга ошириши мумкин эди.

Барча даражадаги методик марказлар (А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидан тортиб, МКСнинг МҚутубхонасигача) амалга оширадиган методик ёрдамлар ўзининг кўлами, мазмуни ва характерига кўра комплекс тарзда бўлиши: режадан, ғоядан бошланиб, янгиликнинг, илмий иш натижасининг, аниқ тажрибанинг жорий этилиши билан тугалланиши зарур.

Методик ишларни режалаштириш мақсадли-дастурий ёндашув асосида амалга оширилиб, методик марказ ва МКС ишларининг ахборот моделида қайд қилинган умумий натижаларни олишни мўлжаллайди. Мақсадли-дастурий режалаштиришнинг баъзи техник ху-

сусиятлари сўнгги натижа ютуқларига мўлжал олишни белгилаб беради. Уни яхшиси, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиб, ҳар бир кутубхоначилик территориал бирлашмалари (КТБ) иш участкаларида белгиланган айрим такомиллаштирилган дастурларни тузишдан бошлаган маъқулдир. Жумладан, аҳолига кутубхоначилик хизматини кўрсатиш; ягона фондни шакллантириш ва ишлатиш; китобхонлар билан ишлаш ва адабиётларни тарғиб қилиш; КТБрини бошқариш ва ҳоказо.

Шу билан бирга, узоқ муддатга мўлжалланган бундай дастурлар КТБнинг ўзида истиқболли ва жорий режалаштиришда ишлатилиши мумкин ва улар ҳудуддаги барча кутубхоналар ишларининг тегишли йўналишларини методик жиҳатдан таъминлаш дастурларини тузишга асос бўлиб хизмат қилади. Бунда методик марказ областдаги барча МКС ёки КТБ ривожлантириш дастурларини умумлаштиради, уларнинг мазмунини кутубхоначилик амалиёти таҳлили натижалари билан таққослайди, методик фаолиятнинг вазифаларини белгилайди, уларга мос воситаларни танлаб, улардан фойдаланиш навбатини белгилайди. Шу тариқа ҳудуд кутубхоналари ишларининг айрим йўналишларини методик таъминлашнинг йиғма мақсадли дастурини шакллантириш мумкин.

Мақсадли-дастурий принципларни режалаштиришга методик ишларни амалга ошириш жараёнларига жорий қилиш унинг охириги натижага эришишига ёрдам берибгина қолмай, балки у методик марказнинг тадқиқий функциясини анча фаоллаштиришга ва у билан кутубхоначилик амалиётини унинг барча бўғинларида ўрганишга имкон беради.

Кутубхоналар ва илмий-методик марказлар ўртасидаги ўзаро алоқалар характери бошқача бўлмоғи лозим. Барча тан олган марказлаштириш ўрнига аста-секинлик билан кутубхоналарнинг мустақиллиги ҳам, ҳудудий ташаббус ҳам келиши муқаррар.

Шартнома асосларига суяниб кутубхоналар юқоридан бериладиган бир қолипдаги кўрсатмаларни рад этмоқдалар, методик марказларга зарур бўлган хизматларни буюртма қилмоқдалар. Улардан энг оммабоплари — тадқиқот ва тажрибалар ўтказиш дастурлари, маслаҳатлар, маърузалар, кутубхоначилик иқтисодиёти

бўйича ҳужжатлар, хўжалик юртишнинг янги шароитларига ўтиш юзасидан ҳисоблар ва ҳоказолардир.

Методистлар меҳнатининг ҳозир кенг тарқалаётган давра суҳбатлари, амалий ўйинлар, матбуот конференцияси каби янги шакллари жиддий эътиборга лойиқдир. Уларнинг асосий афзаллиги шундаки, қатнашчиларга бир-бири билан эркин мулоқот қилишга, фаол бўлишга, касб-корга оид хоҳлаган ғоя ёки маҳаллий ташаббусни таклиф қилишга, масалани ечишда шахсий фикрни бемалол ҳимоя қилишга имкон берилади.

Методик ишлар мазмунини ҳам кенгайтириш зарур. Унинг фаолият доирасига адабиётларни тарғиб қилиш, китобхонлар билан ишлаш, тармоқ, библиографик масалалар ҳам киради. Аммо турмуш биринчи ўринга кутубхоначилик ишининг иқтисодий муаммоларини қўйишни талаб қилмоқда. Кутубхоначилар ҳали маъмурий, меҳнат, жинсий ҳуқуқлар асосларини билишмайди, бу масала юзасидан ҳам кутубхоначиларни ўқитиш, ўргатишга тўғри келади.

Булардан ташқари методистлар диққатини кутубхоналарнинг технологик функцияларига қаратиш зарур: кутубхоначилар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида такомиллаштириш, уларни ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, нашр ишларини йўлга қўйиш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш керак.

Методик марказлар ишини баҳолаш принципларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг илмий-тадқиқот функциясини тубдан кўтариш зарур. Методик раҳбарлик самарадорлигининг мезони сифатида МКС ютуқларига унинг таъсир даражаси, аҳолининг кутубхона хизмати-га бўлган талабларига кутубхоначилик иши мазмунининг мувофиқлигини, шунингдек, китобхонлар эҳтиёжининг адабиётга, библиографик ахборотга ва бошқа хизматларга мослигини қараш лозим. Бунда методик раҳбарлик самарадорлигининг кўрсаткичи ҳудуд кутубхоналари фаолиятининг самарадорлигига бевосита бəглиқ қилиб қўйилиши муҳимдир.

III БОБ

КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНДИР

1-§. ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЕТИ

Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг шаклланиши ва тараққиётини асосан учта босқичга бўлиш мумкин: 1) 1918—1945 йиллар; 2) 1946-1974 йиллар; 3) 1975—1990 йиллар.

Кутубхоначилик фанини бундай даврларга бўлиш республикада шу фanning ривожланиши хусусиятига ва асосан соҳа бўйича эълон қилинган материалларнинг миқдорига боғлиқдир. Масалан, биринчи босқичда кутубхонашуносликка бағишланган атиги 14 номдаги материаллар (мақолалар, брошюралар ва бошқалар) эълон қилинган бўлса, 1976—1987-йилларда биргина А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан чиқариладиган «Ўзбекистонда кутубхонашунослик» тўпламида кутубхонашуносликнинг хилма-хил жиҳатларига бағишланган 131 та мақолалар нашр қилинган.

Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг биринчи босқичи асосан фanning шаклланиш давридир. Бу босқичда Туркистон республикасида кутубхоналар тармоғини барпо қилиш, кутубхоначилик ишининг ташкилий жиҳатларини асослаш, унинг назарий ва амалий пойдеворларини яратиш, хилма-хил кутубхоначилик конференцияларини, кенгашларини, қурултойларни чақириш, кутубхоначилик ишига раҳбарлик қилиш органларини шакллантириш бу даврга хос хусусиятлардир.

Мана шу вазифаларни рўёбга чиқариш, республикада кутубхоначилик ишини ташкил қилиш Туркистон Халқ кутубхонаси (ҳозирги А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) ва унинг ходимлари фаолияти билан узвий боғлиқдир. Сабаби, айнан шу кутубхонада тажрибали кутубхоначи мутахассислар, маданият арбоблари, унинг жонкуярлари тўпланган эди.

Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг шаклланиши ва тараққиёти Е. К. Бетгер номи билан боғлиқ. 20-йилларда у кутубхоначилик масалалари юзасидан гапирганда унинг айрим жараёнлари ҳақида, чунончи ҳисоботларни ягона тартибда тузишни, кутубхона фонди ва каталогларини таснифлаш ва бошқаларга тўхталиб ўтган эди. У ҳисобот тузишнинг шаклини белгилаб берар экан, биринчидан, унда кутубхонанинг тузилиши, унинг бўлимларида ишни ташкил қилиш ҳақидаги масалалар ёритилиши, бўлимларни қулай тарзда шакллантириш китобхонларга илмий хизмат кўрсатиш мезони эканлигини таъкидлайди, иккинчидан, уни такомиллаштиришда кутубхона ходимлари катта роль ўйнашлигини, учинчидан, кутубхонанинг молиявий аҳволи, унинг сметасини тузиш ҳамда таҳлил қилиш умумий кутубхона фаолиятини яхшилашини, тўртинчидан, кутубхонанинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш кутубхона олдига қўйган вазифаларни ҳамда хизмат кўрсатишни яхшилашдаги асосий омил эканлигини таъкидлайди.

Е. К. Бетгер тузган Ўрта Осиё Давлат кутубхонасининг (ҳозирги А. Навоий номидаги кутубхона) йиллик ҳисоботларида қиёсий таҳлил усули қўлланилган бўлиб, унинг оқибатида кутубхона ижтимоий ролининг ортиб боришини ҳамда мавжуд камчиликларни билиб олиш мумкин.

А. П. Архангельский ва Стэнмахлар китоб фонди ва кутубхона бюджетининг ўсиши кутубхоначилик ишининг тараққиётини белгилабгина қолмай, балки кутубхонанинг жамиятдаги ижтимоий ролини очиб беради. У биринчидан, китобнинг оммага етказиб берилишига, иккинчидан, кутубхона ишлари мазмунининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб, жумладан, янги типдаги кутубхоналар олдинги кутубхоналардан сиёсий ва маданий масалаларни илгари суриши билан ажралиб туриши зарур, деган фикрни илгари сурдилар. Шу ғояни ривожлантира бориб, улар кутубхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири кутубхонага энг зарурат сезган аҳоли гуруҳларини — уй бекалари, уй хизматкорлари, касибларни ва бошқаларни жалб қилиш зарур дедилар.

Улар кутубхонанинг тарбиявий ролини унинг кутубхоначилик иши сифатини яхшилашдан ва китобхонларга табақалаштирилган асосда ёндашиш зарурлигидан кўрдилар.

Маълумки, 1918 йили Туркистон Халқ университети ҳузурида Туркистон оммавий кутубхонасини қайта ташкил этиш бўйича махсус комиссия ташкил этилган эди. Шу мақсадда комиссия томонидан кутубхонанинг каталогларини халқаро ўнли классификация жадваллари асосида тузишга киришиш ҳамда кутубхона фондиди тўлдиришга эътиборни қаратиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Туркистон Халқ кутубхонасига тадбиқан «Ўнли классификация жадвалларини» ишлаб чиқиш Фарбий Оврўпа кутубхоналари аҳволдан яхши хабардор бўлган Е. К. Бетгер ҳамда кутубхоначилик комиссияси аъзоларидан Л. К. Давидов ва А. А. Метленковларга топширилган эди.

Бошланиб кетган Гражданлар уруши натижасида Туркистон икки йил мобайнида марказдан ажралиб қолганлиги сабабли Россиядан ўнли классификация жадвалларини ёздириб олишнинг иложи бўлмади. Шу муносабат билан ўнли классификациянинг йиғма жадвалларини тузмоқ учун Е. К. Бетгернинг ўзига қатор библиографик кўрсаткичларни қайта ишлаб чиқишга тўғри келди.

1918 йилнинг охирида нашрдан чиққан бу жадвал тезда тарқалиб кетади ва унга талаб эса ортиб боради. Шу муносабат билан 1920 йил октябрида бўлиб ўтган кутубхоначилик қурултойи оммавий кутубхоналарни янги классификацияга ўтказиш заруратини ҳисобга олиб, «Ўнли библиографик жадваллар»ни қайта нашр қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўнли классификация бўйича асосий «Халқаро кутубхоначилик институти жадваллари»нинг қўлда бўлмаганлиги иккинчи нашр устида ишни оғирлаштирди. Жадвал айрим бўлимларининг мавжудлиги «Универсал ўнли классификация» ҳақида тўла тасаввур бера олмас эди. «Ўнли библиографик жадваллар»ни қайта ишлашда Е. К. Бетгер унга ўз тузатишларини киритди ва мустақил ишлаб чиқди.

Туркистон Давлат кутубхонасида (Туркистон Халқ кутубхонаси 1920 йилдан бошлаб давлат кутубхонаси деб атала бошлаган эди) ишлаган тўрт йиллик тажриба асосида Е. К. Бетгер ўзининг «Жадваллардан фойдаланиш қоидалари ва методик кўрсатмалар» деган ишнини ёзди. Бу кутубхоначилик соҳаси бўйича ёзилган ўша даврдаги мустақил ишлардан бири бўлиб, қатор

йиллар мобайнида республикада кутубхона ходимлари учун муҳим қўлланмалардан бири бўлган эди.

Е. К. Бетгернинг «Эслатмалар, қўшимча тушунтиришлар ва улардан фойдаланишнинг хилма-хил мисолларини алоҳида қисмда жамлаш» тўғрисидаги гоёси Брюсселдаги Халқаро кутубхоначилик институти ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, шу институт асосчиларидан бири, унинг бош муншийи Поль Отле (1868—1944) 1923 йил 19 январда Е. К. Бетгер номига ёзган хатида ўнли классификация жадваллари унда чуқур қизиқиш ҳосил қилганлигини ҳам уни маъқуллашдигини таъкидлайди.

Е. К. Бетгер томонидан 1918 ва 1922 йилларда нашр қилинган «Ўнли библиографик классификация»нинг икки жадвали ва 1920 ҳамда 1922 йилларда эълон қилинган кутубхоначилик техникаси бўйича айрим тавсиялар Ўзбекистонда оёққа тура бошлаган ва тараққий эта бошлаган кутубхонашунослик фанининг пойдевори бўлган эди.

1923 йилда «Кутубхоначилик ишининг навбатдаги вазифалари ва янги иқтисодий сиёсат» деган мақола-сида Е. К. Бетгер: «Кутубхоначилик билимларини оммалаштириш, тажриба ва амалиётда орттирилган билимларни ўзаро баҳам кўриш зарур»,— деб ёзган эди. Бу билан у кутубхонашуносликка оид асарларни нашр этиш, кутубхоначилик курсларини ташкил қилиш ҳамда кутубхона ходимларининг конференция ва съездларини вақти-вақти билан чақириб туриш кутубхона қурилишининг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлайди.

Шу мақсадда 1926 йили ўзбек кутубхоначиларини тегишли раҳбарлик материаллари билан таъминлаш мақсадида биринчи марта ўзбек тилида А. А. Гаррицкий томонидан «Кутубхона ходимига қисқача қўлланма» нашр қилинади. Муаллиф бу асарида китоб тавсифлашнинг қондаларини, алифбо, системали ва предмет каталогларини ташкил қилиш, матбуот асарларини таснифлаш бўйича тавсиялар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқди. А. А. Гаррицкийнинг кутубхонашунослик фанига қўшган муҳим ҳиссаси шундан иборатки, у биринчи марта ўзбек тилида умумлаштирилган асосда кутубхоначилик иши ва унинг илмий асосларини ишлаб чиқди. Бу ҳаракат ўзбек кутубхонашуносларининг бошқа ишларида ҳам ўз аксини топган. Чунончи,

О. В. Маслова ва М. Н. Латиповаларнинг «Алифбо» каталоги (1931 йил) деган амалий қўлланмасида асарларни тавсифлашда қўлланиладиган русча-ўзбекча қисқартирилган сўзлар луғати ва бошқалар ўзбек тилида нашр қилинган китоблар асосида ишлаб чиқилади.

Умуман, Ўзбекистонда кутубхонашунослик фани тараққиётининг биринчи босқичига таъриф берар эканмиз, бу даврда ўзбек кутубхонашунослигининг амалий ва назарий асосларининг пайдо бўлганлигини ва шакллана борганлигини қайд қилиш мумкин. Унинг амалий асоси кутубхоначилик назариясининг ташкилий масалалари билан боғлиқ бўлиб, улар марказий идоралараро кутубхоначилик комиссиясининг барпо қилиниши (1921 йил ноябрь), кутубхона бирлашмаларининг ташкил этилиши (биринчи шундай бирлашмалар 1923 йил ноябрида Тошкент шаҳрида ташкил қилинган эди), хилма-хил кутубхоначилик кенгашлари, конференциялар, семинарлар, қурултойларнинг қақрилиши, республикадаги айрим кутубхоналар фаолиятини текшириш, кутубхона шахобчаларини ривожлантириш режаларини тузиш, етакчи кутубхоналарнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ҳоказолардир.

Шундай бўлишига қарамай, маълум доирада, республика кутубхонашунослари томонидан қисман, баъзида тўла даражада қуйидаги муаммолар назарий жиҳатдан ўрганилган ва ривожлантирилган:

— кутубхоначилик иши тарихи ва назарий асосларини умумлаштириш (Ўзбекистон Давлат кутубхонаси асарларининг нашр қилиниши ва илмий сессияларнинг ўтказилиши);

— Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг илмий ҳисоботларини тузиш ва фаолиятини таҳлил қилиш;

— кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва кутубхона фондини тўлдириш муаммоларини ўрганиш;

— кутубхона шахобчалари ва тармоқларини ташкил қилиш;

— тавсифлаш методлари ва алифбо каталогини ташкил қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзбек тилидаги кутубхоначилик атамалари муаммоларини тадқиқ қилиш;

— хилма-хил назарий қарашлар (танқидий, муноза-

рали), аниқ намоён бўлган ўнли библиографик классификация системаси назарий ва амалий асосларининг ишлаб чиқилиши ва ҳоказолар.

Ўзбекистонда кутубхоначилик фани ривожланишининг иккинчи босқичи 1946 йилдан 1974 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Биринчи босқичдан фарқли ўлароқ, бу босқичда кутубхонашунослик муаммоларининг кенг йўналишлари қамраб олинган ва улар билан шуғулланган муаллифлар орасида маҳаллий миллат вакиллари тобора кўпайиб борган. Кутубхонашунослар танлаган мавзулар орасида кутубхоначилик ишининг умумий масалаларидан тортиб, алоҳида кутубхоналар фаолияти, кутубхона тармоқлари, кутубхоналар ишининг айрим йўналишлари, масалан, китобхонларга хизмат кўрсатиш, кутубхона фонди муаммолари, кутубхоналар ишини ташкил этиш, кутубхоналарда илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш, бошқа кутубхоналар амалиётига жорий этиш, кутубхоналар иш тажрибаларини оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида тўпламлар нашр қилиш, луғатлар, маълумотномалар тузиш ва ниҳоят, маълум мавзуларда диссертацион ишлар яратиш бу даврга хос хусусиятдир.

40-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, республика кутубхоналари амалиётчиларининг Ўзбекистонда кутубхоначилик иши, А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг (УДК) фаолияти, Ўзбекистонда кутубхона тармоқларининг ривожланиши, А. Навоий номидаги УДК нинг ташкилий-методик ишлари ҳақида марказий матбуот саҳифаларида материаллар чиқа бошлаган. Кўпинча муаллифлар кутубхоначилик ишининг барча муаммоларини қамраб олишга ҳаракат қилганликлари туфайли, улар ахборот ва обзор характерига эга бўлиб қолган. Айни вақтда шуни қайд қилиш лозимки, бу ишлар кутубхоначилик муаммоларини ҳал қилишга назарий ёндашишга ҳаракат қилинганлиги билан характерлидир.

50-йилларнинг ўрталарига келиб амалиётчи кутубхоначилар колхоз кутубхоналари ишларини зўр иштиёқ билан ўргандилар ва уларни матбуотда ёритдилар. 60-йилларнинг бошларида эса қишлоқ ва совхоз кутубхоналарининг тараққиёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича материаллар кўпайди. Улар колхоз кутубхоналари ишларининг технологик жараёнларини таш-

кил қилиш ҳақидаги, колхоз ва қишлоқ кутубхоналарининг тажрибаси, А. Навоий номидаги УДК ва Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхоналарининг колхозчилар ва совхоз ишчиларига хизмат кўрсатиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги қатор методик материалларни ёритдилар ва тарғиб қилдилар.

Болалар кутубхоналарининг ходимлари 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб кутубхоналардаги илгор тажрибаларни ёритиш ва тарғиб қилишга эътиборни қаратдилар. Бу билан улар болалар кутубхоналари фаолияти ва болалар билан ишлаш бўйича янги оқимга асос солдилар ва бошлаб бердилар.

50-йилларнинг охири 60-йилларнинг бошларида кутубхонашуносларнинг диққати очиқ китоб фондлари масаласига қаратилган эди. 1960 йилда Фарғона ва Бухоро областлари район кутубхоналарининг очиқ китоб фонди шароитида ишлаш тажрибалари ўрганилиб, муаллифлар бу тажрибаларни республика миқёсида қўллашга чақиради.

Дастлабки пайтларда кутубхона ходимлари очиқ китоб фонди шароитида ишлашга ўтишда Москва ва Ленинградда нашр қилинган қўлланмалардан фойдаланишган эди. Бу миллий тиллардаги адабиёт фондиди шакллантириш, китобларни жойлаштириш шакллари ни ишлаб чиқиш, тавсия библиографик қўлланмаларнинг етишмаслиги, каталог ва картотекалар системасининг такомиллашмаганлиги туфайли кутубхона фондидининг етарли очиб берилмаслигига ҳамда кўпчилик кутубхона ходимларининг бундай шароитда «кутубхоначининг ёрдами керак эмас» деган тушунчанинг кенг тарқалишига сабаб бўлди ва булар ишдаги дастлабки тўсиқлар эди.

Очиқ китоб фонди шароитида ўқишга раҳбарлик қилиш, кутубхона фондиди ўрганиш ва тўлдириш, каталог ва библиографик қўлланмалардан фойдаланиш ва бошқа масалалар бўйича иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ишлари республика давлат кутубхоналарининг бош методик маркази бўлган А. Навоий номидаги УДК томонидан амалга оширилади.

Кутубхона ходимлари тарафидан очиқ китоб фондига ўтишга тайёргарлик, область, шаҳар, район ва қишлоқ кутубхоналарида кутубхона фондиди жойлаш-

тириш ва ташкил қилиш ҳамда кутубхоначиларга ёрдам берадиган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган тавсиялар ишлаб чиқилади. Очиқ китоб фонди шароитида ўқишга раҳбарлик қилиш, китобхонлар қизиқиши ва эҳтиёжларини ўрганиш, оммавий, болалар, касба уюшмалари, техника кутубхоналарида очиқ фондни ташкил қилиш тажрибалари, кутубхона фондиди тўлдириш масалалари ўша давр кутубхонашунослари учун энг долзарб муаммолар эди.

1962—1966 йилларда А. Навоий номидаги УДК «Ҳар бир кишининг меҳнати — ҳамманинг бахт-саодати учун» деган умумий сарлавҳада учта тўплам эълон қилади. Биринчи тўплам 1962 йилда эълон қилиниб, унда республика кутубхоналари фондиди ўрганиш асосида ўзбек тилидаги китобларнинг ўзагини яратиш муаммолари ҳамда техника, қишлоқ хўжалиги ва сиёсий адабиётларни тарғиб қилиш масалалари ёритилган.

Иккинчи тўплам (1966 йил) Фарғона область кутубхонасида ишчи ёшларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш ва ўлкашунослик ишлари тажрибаларига бағишланган.

Тўпламнинг учинчи чиқарилишида (1966 йил) адабиётлар тарғиботи, меҳнаткашлар орасида илмий билимларни тарғиб қилиш, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда китобни ҳар бир онлага етказиш, айрим колхоз кутубхоналарининг ишлари тўғрисидаги материаллар баён қилинади.

1972 йилда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналари ходимларининг иш тажрибаларини умумлаштирган дастлабки тўплам нашрдан чиқади. У методик характерга эга бўлиб, китобхон ёшларга кутубхоначилик-библиографик хизмати кўрсатиш тажрибаларини умумлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйгандир. Нашр Тошкент Давлат университети Илмий кутубхонаси томонидан тайёрланган.

Унда ўша даврдаги республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналари тажрибалари; ижтимоий-сиёсий адабиётлар тарғиботи; методик ишлар; чет эл адабиётлари билан ишлаш; сиртқи таълим талабалари билан ишлаш ва бошқа мавзулар чуқур ёритилган.

Тўплам ҳақида олинган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, у республика жамоатчилиги томонидан

қўллаб-қувватланибгина қолмай, балки бошқа кутубхоналар ходимлари тарафидан ҳам маъқулланган. Тўплам ёрдамида кўплаб кутубхоналар илғор иш услубларини ўз фаолиятларига жорий этишга мушарраф бўлишган.

Шу хилдаги иккинчи тўплам 1974 йили бирмунча ўзгарган сарлавҳа остида нашр қилинди. Тўпламга долзарб ва махсус нашрларда кам ёритилган мақолалар, биринчи навбатда кутубхона ходимларига амалий ёрдам берадиган материаллар киритилган эди.

Биринчи тўпламдаёқ режалаштирилган кутубхона ишлари тажрибаларини умумлаштириш, кутубхоналар талабини ўрганиш ва ўқишга раҳбарлик қилиш, хизмат кўрсатиш системаси, ахборот-библиографик ишлар, кутубхоначилик ишининг иқтисодиёти ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, кутубхоначилик жараёнларини механизациялаш, ёшлар орасида ғоявий-тарбиявий ишлар, кутубхона фондини тўлдиришни ташкил қилиш, адабиётларга ишлов бериш методлари ва бошқа масалалар тўпламнинг кейинги чиқарилишларида ўз аксини топиши керак эди. Афсуски 80-йиллардан бошлаб Тошкент Давлат университети Илмий кутубхонаси ўзининг аввалги методик марказ сифатидаги ташкилотчилик ва уюштирувчилик вазифасини бажара олмаганлиги сабабли (илмий методик бўлимида кадрлар қўнимсизлиги ва унинг малакали ходимлар билан таъминланмаганлиги) бу ғоятда муҳим иш тўхтаб қолди.

Бу кутубхонадан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика Илмий-Тиббий кутубхонаси (РИТК) 1967—1974 йилларда «Ўзбекистон тиббий кутубхоналари иш тажрибалари: иш тажрибаларини алмашиш бўйича бюллетен»нинг 6 та нашрини чиқардилар. Буларда РИТКси ахборот бўлимининг иш шакллари ва методлари, республика тиббий кутубхоналарининг фаолияти, ҳар бир тиббий ходимга китобларни етказиш бўйича тиббий кутубхоналарнинг вазифалари, тиббий ходимларга кутубхоначилик-библиографик хизмат кўрсатишни ташкил этиш, РИТКнинг ахборот-библиографик иши, Чирчиқ тиббий махсус билим юрти кутубхонасининг оммавий ишлари, Андижон Давлат тиббиёт институти ва Чирчиқ тиббиёт махсус билим юрти кутубхоналарида ижтимоий-сиёсий адабиётлар тарғиботи, кутубхо-

налараро абонементни (КАА) марказлаштириш масаласи бўйича тиббий кутубхоналар иш тажрибалари, китобхоналарга хизмат кўрсатиш каби материаллар ўз аксини топди.

Шуни қайд қилиш лозимки, ТошДУ Илмий кутубхонаси ва РИТКлари тўпламлари А. Навоий номидаги ўДК тўпламларида йўл қўйилган камчиликлардан ҳоли эди.

Бу аввало, тармоқ кутубхоналари муаллифлари ўрганадиган муаммолар доирасини аниқ белгилангани ҳамда долзарб мавзуларни танлаб олишга муваффақ бўлингани ва ўзларига қарашли тармоқ кутубхоналари иш тажрибаларини ёритилгани билан боғлиқ эди.

Биз қараб чиқаётган даврда кутубхоначилик ишининг хилма-хил йўналишлари бўйича жуда кўп илмий мақолалар, методик материаллар, тўпламлар, илмий-тадқиқот ишлари эълон қилинган. Бу маълум даражада кутубхоначилик-библиографик фанларнинг ривож топа борганлигидан, аynи вақтда унинг асосий ривожлантирувчи кучи илмий, малакали кадрларнинг етишиб бораётганлигидан далолат беради. Бунда маълум даражада 1958 йилда Қўқон педагогика институти таркибида очилган кутубхоначилик факультети (1960 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти таркибига киритилган эди) ўқитувчилар жамоаси ва улар тайёрлаган олий малакали кадрларнинг таъсири катта эди.

Ўзбекистонда кутубхонашунослик фани ривожланишининг иккинчи босқичида кутубхоначилик ишининг тарихий жиҳатларининг ишлаб чиқилиши алоҳида бир йўналиш ҳисобланади.

50—60-йилларда Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланишида жонланиш кўзга ташланади ва улар Ўзбекистондаги туб ўзгаришларнинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос маданий ривожланишини аниқлашга қўшилган ҳисса бўлиб қолди. Улардан айримларида кутубхоначилик қурилиши тарихи масалалари ҳам қисман ёритилган эди.

60-йилларнинг ўрталарига қадар кутубхоначилик иши тарихи бошқа тарихчилар томонидан ҳам асосан тасодифий тарзда ўрганилган. Уларни ёзилиш характерига қараб, шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1) халқ маорифи тараққиёти масалалари, нашриёт-

чилик ишлари, маданий-маърифий ишларни ёритиш, уларда муаллифлар республикада кутубхоналарнинг миқдори тўғрисида маълумотларни келтиришда, уларнинг маданий ролига қисқача таъриф беришда;

2) маълум тарихий босқичларда маданият тараққиёти натижалари, шу жумладан республика аҳолисига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг шаклланиши ва мустақамланиши масалалари ҳам таҳлил қилинадиган асарлар.

Айни вақтда республикада кутубхонашунослик фанининг ривожланиши ва унинг мустақил фан сифатида ажралиб чиқиши кутубхоначилик иши тарихини жиддий ўрганиш заруратини юзага келтирди.

60—70-йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кутубхонашунослик кафедраси мутахассислари томонидан кутубхоначилик иши тарихига қизиқишнинг кучайганлигини қайд қилиш лозим. Жумладан, илк феодал жамиятидан 1924 йилгача бўлган даврдаги Туркистон кутубхоналарининг тарихи биринчи марта О. Ф. Қосимова томонидан тадқиқ қилинган эди. Шу муаллиф томонидан урушдан олдинги дастлабки беш йилликлар даврида кутубхоналарнинг иши ижтимоий ва ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича, иккинчи беш йилликда кутубхоначилик иши, 1917—1941 йилларда Ўзбекистонда кутубхоначилик қурилиши масалалари ҳар томонлама ва жиддий ўрганилган. Ана шу тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ, 1965 йилда Тошкент Давлат университетида республикада биринчи марта кутубхоначилик иши тарихи бўйича О. Ф. Қосимованинг «Ўзбекистонда оммавий кутубхоналар тармоғининг ривожланиши» мавзусида диссертацион иши ҳимоя қилинади.

Диссертацияда биринчи марта тарихий материаллар асосида Туркистон ўлкасидаги кутубхоналар тарихи, хилма-хил илмий жамиятлар кутубхоналари фаолияти, нолегал кутубхоналар ва Туркистон Оммавий кутубхонаси ҳузуридаги кутубхоначилик комиссияси фаолияти муфассал ёритилган.

Инқилобдан кейинги даврни баён қилишда О. Ф. Қосимова оммавий кутубхоналар ривожланиши тарихини даврлар бўйича ўрганган, бундай усулда ўрганиш муаллифга ҳар бир даврда аҳолига кутубхоначилик хизматини кўрсатишни ташкил қилиш хусусиятларини очиб беришга ёрдам беради. Асосий диққатни оммавий

кутубхоналар тарихига қаратган ҳолда муаллиф шу даврда Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатган бошқа турдаги кутубхоналар ишини ҳам назардан четда қолдирмаган ва натижада республикада аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг батафсил манзараси вужудга келган.

1968 йилда нашрдан чиққан О. Ғ. Қосимованинг «Ўзбекистонда кутубхоначилик иши» асари 1924 йилдан 1967 йилгача бўлган кутубхоначилик иши тарихини ўз ичига олади. Бу асарда муаллиф кутубхона иши аҳволини ёритар экан, ҳар бир давр хусусиятларини янада чуқурроқ таҳлил қилади, танқидий ўрганади, замонавий кутубхоначилик муаммоларини, уларни ҳал этиш йўллариини батафсил кўрсатади.

Шу даврда кутубхона иши тарихи муаммолари билан амалиётчилар шуғулланган. Улардан бири А. Навоий номидаги УДК ҳолими Ю. Б. Абрамов бўлиб, у Ленинград Давлат маданият институти базасида 1967 йили «ЎзССРда каталоглаштириш назарияси ва амалиётининг ривожланиши» мавзусида диссертацион ишини ҳимоя қилади.

Тадқиқотнинг биринчи қисми Туркистонда каталоглаштириш тарихига бағишланган бўлиб, унда IX асрдан то Ўрта Осиёни Россия босиб олган давргача ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги кутубхоналар тўғрисида қисқача тарихий рисола жамланган. Асосий диққат албатта Туркистон Оммавий кутубхонаси (ТОК) рус бўлими каталоги, чет эл китоблари каталоги, қўлёзмалар каталоги, шунингдек, Туркистон ўлкасидаги шаҳар, илмий, ўқув юртлари ва бошқа кутубхоналар каталогларига қаратилган. ТОКни каталоглаштириш ва ривожлантиришда Н. В. Дмитровский ва «кутубхоначилик комиссияси» (1876—1882 йиллар) аъзоларининг, сўнгра назорат комиссиясининг (1884—1887, 1898—1904, 1906—1918 йиллар) қўшган ҳиссалари ўрганилган ва тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг кейинги қисмларида Туркистон АССР да (1917—1924 йиллар) ва Ўзбекистонда (1925—1967 йиллар) каталоглаштириш назарияси ва амалиёти А. Навоий номидаги УДК мисолида ёритилган. Бу ерда Ю. Б. Абрамовнинг ТОК ҳузурида тузилган ва бошқа масалалар билан бир қаторда унинг фондини каталоглаштириш муаммолари билан шуғулланган махсус комиссия (1918 йил) нинг фаолиятини биринчи бор

илмий жамоатчиликка тақдим этилганлигини таъкидлаш лозим.

1969 йилда яна бир амалиётчи кутубхонашунослардан бири, кўп йиллардан буён ТошДУнинг Илмий кутубхонасида фаолият кўрсатган, кейинчалик Тошкент Давлат маданият институтининг доценти Александр Иванович Кормилициннинг «Инқилобдан олдинги Туркистонда кутубхоначилик иши тарихи (1868—1917 йиллар)» диссертацион иши ҳимоя қилинади.

Диссертацион ишда материаллар Туркистоннинг учта области (Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд) бўйича тадқиқ қилинган, сабаби бу ерда маҳаллий миллат вакиллари энг кўп жойлашган эди.

70-йилларнинг биринчи ярмида кутубхоналар тарихи ҳам ўрганила бошлаганлигини кўрамиз. Шу муаммолар бўйича эълон қилинган материаллар характериға қараб, уларни қуйидаги гуруҳларға бўлиш мумкин: 1) илмий кутубхоналарнинг тарихий-қийёсий таърифи; 2) илмий кутубхоналарнинг хусусиятлари, шаклланиши ва тараққиёти; 3) 70-йилларда илмий кутубхоналарнинг вазифалари ва фаолияти.

1972 йили ўзбек тилида М. А. Раҳимованинг «Библиограф маскани» деб аталадиган китоби нашрдан чиқди. Китобда Урта Осиёда кутубхоналар тарихи ҳақида қисқача обзор берилиб, республикамиздаги бешта илмий-универсал кутубхоналар тарихи ёритилган. Шунинг таъкидлаш зарурки, муаллиф инқилобдан олдинги кутубхоналар тарихини ёритар экан, маълум даражада бошқа тадқиқотчиларнинг (О. Ғ. Қосимова, А. И. Кормилицин) материалларини такрорлайди, албатта бу тарихий ҳақиқатни бир изчилликда ва тўла бериш заруратидан келиб чиққан дейиш мумкин. Китоб оммабоп шаклда ёзилган илмий-универсал кутубхоналар тарихи бўйича маълумотнома типидagi асардир.

1973 йили муаллиф ТошДУда «Ўзбекистон ССР илмий кутубхоналари тараққиёти тарихи» (1917—1941 йиллар) мавзусида илмий кандидатлик диссертация ишини ҳимоя қилди. Тадқиқотда юқорида қайд қилинган китобчада таърифланган А. Навоий номидаги УДК, ТошДУнинг Илмий кутубхонаси, А.С. Пушкин номидаги Самарқанд область кутубхонаси, А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг Асосий кутубхонаси, Абу Али ибн Сино номидаги Бу-

хоро область кутубхоналаридан ташқари ЎзССР ФА-сининг Асосий кутубхонаси ҳамда Тошкент Давлат тиббиёт институти кутубхоналари тарихи, республика-да илмий кутубхоналар тармоғининг шаклланиши, олий ўқув юртлари кутубхоналарининг таркиб топи-ши, фаолияти ва муаммолари атрофлича таҳлил қи-лингган.

Шу типдаги кутубхоналарнинг бундан кейинги давр-даги ривожланиш тарихини Низомий номидаги Тош-кент Давлат педагогика институти ўқитувчиси Б. К. Кар-имов ўзининг «Ўзбекистон ССРда илмий кутубхона-лар тараққийси (1941—1970-йиллар)» мавзусидаги дис-сертацион ишида давом эттирган. Тадқиқот Москва Давлат маданият институтида ҳимоя қилинган бўлиб, тадқиқот объекти республика Илмий-Техника кутубхо-наси, республика территориал патент фонди кутубхо-налари, Ўзбекистон Давлат плани илмий-техника ва техник-иқтисодий тадқиқотлар илмий-текшириш ин-ститутининг халқ хўжалиги мутахассисларига хизмат кўрсатиш фаолияти билан кенгайтирилган.

Республикада кутубхонашунослик фани ривожла-нишини ёритиб берадиган яна бир йўналиш — маълумотнома шаклидаги нашрларнинг эълон қилинишидир. 1964 йили А. Навоий номидаги УДК томонидан ўзбек тилида «Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари» номли маълумотнома эълон қилинди. Унда республика аҳа-миятидаги илмий кутубхоналарга, область, олий ўқув юртлари ва қасаба уюшмалари кутубхоналарига таъ-риф берилган. Маълумотномаларда кутубхоналарнинг макон — жойи, тарихи, қайси тармоққа қарашлилиги ва вазифалари, тузилиши, китоб фонди ва китобхоналар миқдори ва ҳоказолар кўрсатилган.

Шундай маълумотномалардан бири «Ўзбекистон-нинг техника кутубхоналари»дир. Бу Урта Осиё рес-публикалари бўйича шундай типдаги биринчи нашр ҳисобланади. Маълумотноманинг мақсади Ўзбекистон кутубхоналарининг китоб фондини тўлдиришни, кутуб-хоначилик ва ахборот ишларини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Маълумотнома республика илмий-техника кутубхонаси, Ўзбекистоннинг бошқа илмий-техника ва техника кутубхоналари, Ўзбекистон Маданият иш-лари вазирлигига қарашли область кутубхоналари, Ўзбекистон ФАсининг Асосий кутубхонаси, универси-

тетлар ва техника олий ўқув юртлари кутубхоналари ҳақидаги материалларни ўз ичига олган.

Шундай қилиб, 1946—1974-йилларда кутубхоначилик иши ҳақида эълон қилинган материаллар қуйидагича хулоса қилишга имкон беради:

— республика кутубхоналари фаолияти тўғрисида обзор-ахборот тарзидаги мақолалар кўпайиб борди;

— кутубхоналардаги илғор тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва жорий этиш бўйича материаллар, тўпламлар нашр қилина бошлади;

— амалиётчи ва назарий кутубхонашуносларнинг республика кутубхоначилиги иши, унинг аҳволи ва истиқболлари тўғрисидаги тадқиқотлари чиқа бошланди;

— маълумотнома типдаги, луғатлар тарзидаги нашрлар пайдо бўлди.

Мана шулардан келиб чиқиб, бу босқичда, биринчидан, кутубхоначилик ишининг умумий масалалари билан бир қаторда унинг айрим йўналишлари бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилганлигини, кутубхоналарнинг типлари ва улар фаолиятининг баъзи муаммоларига (масалан, каталоглаштириш, кутубхоналарaro абонемент, очиқ китоб фонди ва ҳоказоларга) бағишланган ишлар амалга оширилганлигини таъкидлаш зарур.

Иккинчидан, А. Навоий номидаги УДК республикада кутубхоначилик ишининг жонкуяри ва илмий-тадқиқот ишларни мувофиқлаштирувчи ҳамда унинг ташкилий марказига айлана борганлигини таъкидлаш зарур.

Учинчидан ва энг асосийси — бу даврда олий ва махсус кутубхоначилик таълими системаси таркиб топган бўлиб, бу республикада кутубхоначилик ишининг аҳволини кузатиб борувчи ва уларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган шахсларнинг етишиб чиқиши, шаклланиши ва бир жойга жипслашишига имкон берди. Жумладан, 1974 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг қарори асосида маданий ишларнинг ташкилотчиларини етиштириб чиқарадиган Тошкент Давлат маданият институти ва унинг кутубхоначилик факультетининг ташкил этилиши республика маданий ҳаётидаги катта воқеа бўлди.

Мана шу омиллар Ўзбекистон Республикасида кутубхонашунослик фани тараққиётининг учинчи босқи-

чи (1975—1980- йиллар) янада маҳсулдор бўлишини белгилаб берди.

1975—1990- йилларда республикада кутубхонашунослик фани аҳволи бўйича ишлар янги поғонага кўтарилди. Кутубхона тармоқлари ва кутубхонашунослик, китоб тарихи ва унинг умумий муаммолари ривож бўйича илмий-тадқиқот ишларнинг истиқболли режалари тузилди.

Бу даврда республикада кутубхонашунослик фанининг тарихий йўналишлари бўйича муҳим ишлар олиб борилди. Айниқса, ўзбек ва рус тилларидаги «Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи» (муаллиф О. Ғ. Қосимова) номли дарсликнинг нашр қилиниб, фан сифатида олий ўқув юртида ўқитилиши катта воқеа бўлди. Муаллиф кутубхоначилик ишини жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида қараб, кутубхоналарнинг меҳнаткашларни ахлоқий тарбиялашдаги ва маданий қурилишдаги вазифаларини ҳар томонлама очиб берди. Дарсликда кутубхоналарнинг жамиятдаги ўрни, улардаги тарғибот ва таълиқот усулларининг маданий-оқартув фаолияти билан боғланиши, китобхонлар билан ишлаш шакл ва усулларини такомиллаштириш масалалари кенг ёритилган. Шу даврда кутубхонашуносликнинг у ёки бу муаммоларига бағишланган битта докторлик, 7 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Чунинчи, улардан битта номзодлик ва докторлик иш тарихий мавзуга бағишланган бўлиб, республикада кутубхоначилик иши тарихи 1917—1975- йилларда ҳар томонлама қамраб олинган дейиш мумкин. Уларда шу давр мобайнида оммавий, илмий ва техника кутубхоналари тараққиёти муфассал ёритилади, ҳар бир тарихий даврга хос бўлган хусусиятлар таҳлил қилинади.

1974 йилда ТДМИ ходимлари томонидан ташкил топган илмий тадқиқот ишларига: «Ўзбек тилининг кутубхоначилик-библиографик терминшунослиги» (Иброҳим Пўлдошев), «Ўзбекистонда болаларга кутубхоначилик хизмати кўрсатилиши: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари» (Э. Пўлдошев), «МКСда оммавий қишлоқ хўжалик касби меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш» (М. Расулов), «Икки тиллилик шароитида систематик каталог: ташкил қилиш муаммолари ва такомиллаштириш йўллари»

(М. А. Зупарова), «Юқори синф ўқувчиларининг би-
лишга оид фаоллигини шакллантиришда ёшлар кутуб-
хонаси, мактаб ишлаб чиқариш жамоасининг ўзаро
ҳамкорлиги» (В. В. Садурская), «Мактаб ўқитувчила-
рига кутубхона хизматини кўрсатиш: ҳозирги аҳволи
ва тараққий эттириш йўллари» (М. Маҳмудов) мав-
зуларини олиниши ва уларнинг номзодлик диссертация
сифатида ҳимоя қилиниши республикада кутубхона-
шунослик фанининг стуклик палласига кирганлигидан
далолат беради.

Кўриб чиқилаётган босқичда Ўзбекистон кутубхо-
нашунослик фани ривожига муҳим йўналишлардан
бири илғор тажрибаларни ўрганиш, тарғиб қилиш ва
амалиётга жорий этиш масалаларидир. Агар 60- йил-
ларда А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутуб-
хонаси томонидан илғор тажрибаларга бағишланган
3—4 та махсус тўплам нашр қилинган бўлса, 1976 йил-
дан бошлаб «Ўзбекистон кутубхоналари» номи билан
давомли нашр чиқарила бошланди. Даставвал илмий
асарлар тўплами сифатида чиқарила бошланган бу
нашр биринчи чиқарилишиданоқ республикада кутуб-
хоналар амалиётидаги илғор тажрибалар ҳақидаги
хилма-хил мақолаларни тарғиб қилиш минбарига ай-
ланди.

Ҳозир тўплам «Ўзбекистон кутубхонашунослиги:
кутубхоначилик иши назарияси ва амалиёти бўйича
мақолалар тўплами» номи билан чиқарилмоқда, тўп-
ламда Ўзбекистон кутубхоначилик ишининг назарий ва
амалий муаммолари бўйича умумий материаллар, шу-
нингдек унинг айрим йўналишларига бағишланган ри-
солалар ўз аксини топади.

Кутубхонашунослик фани нуқтан назаридан «Ўзбе-
кистон кутубхонашунослиги» тўплами республикада
кутубхоначилик иши тарихи, назарияси, амалиёти ва
истиқболлари масалаларини ишлаб чиқадиган, барча
кутубхона тармоқлари ўртасида илғор тажрибаларни
оммалаштирадиган, республика ва унинг айрим ҳудуд-
ларида кутубхоначилик қурилиши хусусиятларини ўр-
ганадиган, кутубхона ходимлари малакасини оширади-
ган ва уларда ўқиш маданиятини тарбиялайдиган ҳам-
да кутубхоначилик касби нуфузини кўтарадиган нашр
ҳисобланади.

1975—1990- йиллар Ўзбекистонда кутубхонашуно-
слик фани ривожланишининг муҳим бир йўналиши рес-

публикада мактаб ўқувчилари ва болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш муаммоларининг ишлаб чиқирилишидир. Шу жиҳатдан, ТДМИ «Болалар адабиёти ва кутубхоналарда болалар билан ишлаш» кафедраси ўқитувчиларининг бу соҳадаги ишлари анча диққатга сазовордир. 1982—1990-йилларда шу кафедра профессори М. Муродовнинг «Китоб қадри», «Китобсиз уй — қуёшсиз кун», «Ўзбек библиофиллари», «Китоб — кутубхона — китобхон» каби муҳим рисоалари эълон қилинган бўлиб, уларда республикада китобхонликнинг тарихий илдизлари, анъаналари, китоб ва кутубхоналарнинг болалар маънавий дунёсини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти ўзига хос бадний-илмий шаклда, далиллар билан баён қилинади. Булардан ташқари, кафедра ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган болалар ўқиши муаммолари юзасидан мактабгача ёшдаги болалар ва 1—3-синф ўқувчиларини тарбиялашда ўзбек ва бошқа халқлар болалар адабиётининг роли, болалар билан ишлаш, болалар кутубхоналари тарихи ва болаларга кутубхона хизмати-ни кўрсатиш, мактаб кутубхонасининг иш хусусиятлари каби тадқиқотлар қизиқиш уйғотади. Бу тадқиқотлар орасида ўзининг амалий ҳамда назарий аҳамияти жиҳатдан илмий жамоатчилик назарини тортадиган «Ўзбекистонда болаларга кутубхоначилик хизмати кўрсатиш» номли махсус курс муҳим ҳисобланади. Кафедра олимларининг «Мактаб кутубхонасининг иши» номли иккинчи бир қўлланмасида мактаб кутубхоналари ишининг асосий йўналишлари ва вазифалари, уларнинг фаолиятини режалаштириш, мактаб кутубхоналари ишларини ташкил қилиш, болалар адабиётини тарғиб қилишнинг шакли ва методлари ҳамда бу соҳадаги республикадаги илғор кутубхоналар иш тажрибалари ёритилган. Қўлланмада 1—8-синфларда кутубхоначилик-библиографик билимларни тарғиб қилиш асослари бўйича ўқув дастури республика миқёсида биринчи марта умумлаштирилиб ҳавола қилиниши унинг аҳамиятини янада оширади.

1975—1990-йилларда кутубхоначилик амалиётининг назарий асосларини ўрганиш шуни кўрсатадики, тадқиқотларда республикада кутубхоналарнинг ижтимоий ролин аниқлашга ҳаракат қилинган. Гарчи улар ўзларининг тадқиқотларида бу масалага қисман ёндошган бўлишса ҳам, кутубхоначилик амалиётининг

назарий асосларини ишлаб чиқишда маълум ютуқларга эришдилар, бунга кутубхоналарнинг ижтимоий ролига хилма-хил қарашларнинг мавжудлиги далолат беради.

Кутубхоналарнинг ижтимоий роли тўғрисида икки қарама-қарши қарашларнинг пайдо бўлишининг ўзи республикада кутубхонашунослик фани юксалишда эканлигини кўрсатади, сабаби, маълум муаммога мунозарали қарашнинг мавжудлиги назарий тараққиётнинг гарови ҳисобланади. Ўзбек кутубхонашунослигининг бошқа ижтимоий хусусиятларидан бири, республика кутубхоналарининг ижтимоий ролини ўрганишда адабиётшуносларнинг иштирок этишидир.

Гарчи адабиётшунослар кутубхоналар ижтимоий ролининг сезиларли даражада кенгайганлигини инкор қилишган бўлса-да, бу жараён кутубхонашуносликнинг адабиётшунослик билан бир бутун яхлит ҳолда кела бошлаганлигидан далолат беради. Афсуски, шундай мунозарали муаммоларга психологлар, педагоглар ва жамиятшунослар (социологлар) ўз фикрини билдирганларича йўқ. Республикада кутубхоналарнинг ижтимоий ролини белгилайдиган бошқа муҳим омил — китобхонлар қизиқишини ўрганиш муаммосидир. 70—80-йилларда амалиётчи ва назариётчиларнинг бу масалага қизиқишининг органлигини қайд қилиш зарур. Бу жиҳат айниқса китобхонларга, хилма-хил соҳа мутахассисларига, ишчиларга табақалаштирилган тарзда хизмат кўрсатиш ва ахборотни танлаб тарқатиш масалаларида яққол кўзга ташланади.

Бу даврда шунингдек, тадқиқотчилар диққати кутубхоналарнинг гоаявий-тарбиявий ишлари кутубхона тармоқларини марказлаштириш, кутубхоналарнинг бошқа оммавий ахборот органлари билан алоқаси, кутубхоналарнинг ташкилий фаолиятини яхшилаш каби масалаларга ҳам қаратилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда кутубхонашунослик фани тараққиётининг учинчи босқичида илмий-тадқиқот ишлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ташкил қилинди.

— кутубхоначилик иши ва кутубхонашунослик фани ривожланишининг беш йиллик ва истиқболли режаларини тузиш; республика миқёсида илмий-тадқиқот ишларни ташкил қилиш;

— А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият

институти махсус кафедраларида илмий-тадқиқот ишларининг фаоллаштирилиши, кутубхоначилик ишининг тарихи, болалар билан ишлаш соҳалари бўйича муаммоларнинг тадқиқ қилиниши;

— республикада илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилишини ўрганиш ва уни йўлга қўйиш;

— етакчи кутубхонашунослар асарларини танқидий назар билан ўрганиш ва тарғиб қилиш;

— кутубхонашунослик фанининг бошқа соҳалар билан ҳамкорлиги муаммоларини ўрганиш;

— кутубхоналарнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқасини тадқиқ қилиш; улар ёрдамида илғор тажрибаларни тарғиб қилиш ва жорий этиш;

— аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатиш системасини такомиллаштириш, кутубхона тармоқларини марказлаштиришга ўтиш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш; қишлоқ маданий-маърифий комплекслар системасида кутубхоналарнинг ўрни масаласини ўрганиш ва тадқиқ қилиш; кутубхоначилик ҳудудий бирлашмалари муомалаларини ўрганиш ва ҳоказо.

2-§. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

XIX асрнинг биринчи ярмида немис кутубхонашуноси М. Шретгингарнинг «Кутубхонашунослик бўйича қўлланма» китобида «кутубхонашунослик» термини ишлатилган бўлиб, муаллиф биринчилардан бўлиб, унинг таърифини, тушунчасини беради ва шундан кейин у фан сифатида Ғарб мамлакатларида таркиб топа бошлайди. Кутубхонашунослик дастлаб юзаки техникавий фан тарзида ривожланиб, кутубхона фонддини тўлдириш ва ташкил этиш, кутубхоналар учун бинолар қуриш ва уларнинг ички кўринишини безатиш, матбуот асарлари билан ишлаш учун энг кўп қулайлик яратиш, китобхонларга хизмат кўрсатиш масалаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланди.

Бироқ кутубхоналар доимий равишда ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муассаса хусусиятини касб эта борди. Аста-секин кутубхоналардан аҳолининг кенг қатламлари фойдалана бошлади. Бу жиҳат кутубхоначилик фаолияти моҳиятини баён қилиб берадиган, унинг айрим йўналишларини батафсил таҳлил қиладиган асарларнинг пайдо бўлишига ёрдам берди.

Кутубхоналарнинг ижтимоий роли, уларнинг жа-

миятдаги ўрни масаласига қадимги замонларданоқ катта аҳамият берилганлиги маълум. Қадимги ҳетт кутубхоначилари китобларни жойлаштириш ва сақлаш илмини вужудга келтирган бўлсалар, Қадимги Мисрда кутубхоналар таълим маскани сифатида эъзоланиб, кутубхона пештоқига «Қалб дармонхонаси» деб ёзиб қўйилган.

XVI аср Фарб ижтимоий-сиёсий реформистик оқими бошлиқларидан бири, Вттенберг университети профессори **Мартин Лютер** (1483—1546) инсонпарварлик, реформация кутубхоналарни монастир деворидан ташқарига, ёруғликка чиқаради, деб ишонди. Шаҳарларнинг тараққиёти, улар фаровонлигининг кафили — маълумотли, ҳалол, тарбияли фуқароларга боғлиқдир, айнан шундай кишиларгина ақл хазиналарини тўплайдилар ва уларни ишлата оладилар деб умид қилди. Шу сабабли шаҳарларда кутубхоналар очиш учун керакли маблағларни аямаслик зарур деб ҳисоблади.

Француз буржуа революцияси арафасида француз қомусий олимлари кутубхоналарнинг янги сифатларини очиб бердилар, уларни жамиятга зарур муассаса сифатида таърифлаб, китобларнинг феодал муносабатларга қарши курашдаги қудратли ролини кўрсатишди. Жумладан, **Дени Дидро** (1713—1784) ва **Жан Перон д'Аламбернинг** (1717—1783) кўп томли «Фан», санъат ва билимнинг изоҳли лугати ёки қомуси»да кутубхоналарга қатор мақолалар бағишланган эди.

Француз буржуа революциясининг йирик арбоби, Конвент ва Таъсис мажлисининг маданият бўйича депутати **Анри Грегуар** (1750—1835) кутубхонанинг жамиятдаги ўрнини тубдан ўзгартириш, яъни кутубхоналардан барча хоҳловчиларга фойдаланишга имкон яратиш ҳақида гапириб, оммавий кутубхоналарни «инсон онгининг устахонаси» деб атади.

А. Грегуар Конвентнинг кутубхоначилик секциясига раҳбарлик қилар экан, янги кутубхоналар очиш, аввалгиларини қайта ташкил этиш йўли билан кутубхоналарни оммалаштириш ишларига бош-қош бўлди.

XIX аср Фарбий Европадаги етакчи мамлакатларда илмий, маданий-маърифий муассасаларнинг ягона типни шаклландан бир давр бўлди. Турли мамлакатларда кутубхоналарни илмий — сараланган, имтиёзли кишилар учун ва кенг омма учун хизмат қиладиган турларга ажратиш таомили таркиб топган эди. Бу даврда жа-

мият эҳтиёжи учун кутубхоначилик қўрларидан самарали фойдаланишни ташкил этувчи давлатнинг бош кутубхонаси бўлган миллий кутубхоналар анча кенг ривожланди ва такомиллашди. Шулардан бири — Британия музей кутубхонаси бўлиб, у машҳур инглиз кутубхонашуноси **Антонио Поницининг** (1797—1879) сермазмун фаолияти туфайли жаҳондаги энг яхши кутубхоналардан бирига айланди.

Англияда таъқибдан яшириниб юрган италиялик корбонарий (XIX аср бошида чет элликлар ҳукмронлигига қарши Италия мустақиллиги учун курашган ташкилот аъзоси) **А. Поници** Британия музей кутубхонасида даставвал китобхон сифатида пайдо бўлди, сўнгра, 1831 йилдан кутубхоначи, 1837—1856-йиллар мобайнида босма нашрлар бўлими сақловчиси, 1856 йилдан эса унинг директори бўлди. Истеъдодли, серҳаракат ташкилотчи ва меҳнаткаш **А. Поници** кутубхонанинг шуҳратини ошириш учун кўп хизмат қилди.

Унинг фаолияти даврида кутубхона фонди 150—200 минг нусхадан 1 млн. нашргача кўпайди. У 1857 йилда очилган машҳур айланма ўқув зали ва уни ўраб олган асосий китоб сақлаш хоналарини лойиҳалаштириш ва унинг қурилишида қатнашди. **А. Поници** янги каталог тузишга ёрдам берди, коллектив автор бўйича тавсифлаш қондасини ишлаб чиқди, алифболи каталогнинг ҳозирда ҳам амал қилаётган икки асосий вазифасини таърифлаб берди: 1) китобнинг кутубхонада бор-йўқлигига жавоб бериш ва 2) битта муаллиф асарларини бир жойга тўплаш.

А. Поници фондни тўлдиришга ажратиладиган маблағнинг кўпайтирилишига эришди, мажбурий нусханнинг келиб тушишини тартибга солди, янги олинган нашрларни мунтазам ва мажбурий ҳисобга олишни жорий этди, ходимлар маошининг ошишига эришди. У илмий кутубхоналар фондиди жаҳонда чиқаётган барча адабиётлар билан мумкин қадар тўла тўлдириш ғоясини илгари сурди.

А. Поницининг «Британия музейи парламент комиссияси маърузаси»да халқ кутубхоналарининг китоблардан фойдаланиш маркази сифатидаги аҳамияти ишонарли тарзда исботлаб берилган эди. 1877 йилда Лондонда ўтган I Халқаро кутубхоначилик иши бўйича конференцияда Британия музейи кутубхонаси сақ-

ловчиси проф. Д. У. Джонс сўзлаган нутқида ғоялар ва амалий тажрибаларни алмашиш кенгаёётган янги даврда «Халқ кутубхоналари отаси» бўлмиш А. Поницинини фаолияти кўплаб бошқа мамлакатлар кутубхоначилари учун катта аҳамиятга эга бўлиб қолади деб таъкидлаган эди. Бу унинг ижодига берилган катта баҳо бўлиб, унинг жаҳон кутубхоначилари томонидан тан олиними эди.

Германияда оммавий кутубхоналарнинг ташкилотчиларидан бўлиб К. Прейскер, А. Бухгольц, Э. Шульцеларнинг хизмати каттадир. Улар китобхоналарни нафақат бадий, балки умумтаълим характеридаги илмий нашрлар билан ҳам таъминлаш зарур деб ҳисоблашди. Германиядаги кутубхоначилик қурилишининг янги йўналишини, шаҳар кутубхоналарини ташкил этиш **Вольтер Гофманга** (1879—1952) nasib бўлди. У кутубхоначилик ишида ўқиш психологиясини ўрганишни бошлаб берган олимдир. Жумладан, у китобхоналар билан яқка тартибда ишлашнинг мазмуни кутубхонанинг бутун тузилиши (фонди, каталоги ва ҳоказолар)ни белгилаб бериши зарур деб ҳисоблаган эди.

А. Бухгольц, П. Ладевич, В. Гофманларнинг таълим ва мустақил билим олишга хизмат қилувчи халқ кутубхоналарининг ижтимоий роли тўғрисидаги қарашлари жуда илғор фикрлар эди. Улар тарафидан биринчи бор аҳолига кутубхоначилик хизмати уюштиришнинг ягона системаси ғояси илгари сурилган эди.

Кутубхоначилик иши айрим йўналишлари назарий асосларини тараққий эттиришда машҳур немис шоири ва олими, Венадаги қирол кутубхонасининг кутубхоначиси **И. М. Денисинг** (1729—1800) «Библиография асослари» деган китоби муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у бир неча марта қайта нашр қилинди. Бу Франция ва бошқа мамлакатларда китоб фондиди жойлаштириш системасига бағишланган эди. Унинг «Китобшуносликка кириш» асарида эса кутубхона каталоглари, уларни тузиш ва аҳамиятига кўп ўрин берилган эди.

Машҳур немис кутубхоначиси **Иоганн Михаэл Франке** (1717—1775) китобхоналар талабини ҳисобга олиб, фондда китобларни мазмуни бўйича жойлаштиришни тавсия қилди. Бунда ҳар бир бўлим ичида ўша жойнинг тарихи ва географик хусусиятлари ҳисобга олинар эди, шу тариқа фондда ўлкашунослик характеридаги материалларни бир жойга тўплаш имконияти вужудга кел-

ди. Франкеннинг фанга киритган янгилigi шу билан боғлиқ эдики, китобнинг шифри унинг фонддаги, китоб жавонидаги ўрни билан каталог ўртасида боғловчи вазифасини бажариб, маълум китобни қидириб топишни осонлаштирарди. У тавсия қилган адабиётларни асосий бўлимлар ичида жойлаштириш методикаси XIX асрнинг сўнги чораги—XX аср бошларидаги Ч. Кеттер, М. Дьюн ва бошқа машҳур кутубхонашунослар назарияларидан юқори турар эди.

XX аср бошларида АҚШда кутубхонашунослик фани тараққиётида Чарльз Кеттер ва Мельвил Дьюнларнинг ўрни каттадир. Каталоглаштириш назарияси ва амалиётининг тараққиётида Кеттернинг матбуот асарларини тавсифлаш қондалари тўғрисидаги китоби муҳим роль ўйнади. У алифболи, системали ва предмет каталоглари асослари, уларни тузиш методикасини ишлаб чиқди, асарларни коллектив автор остида тасвирлаш принципини назарий жиҳатдан асослаб берди. У кутубхоначилик таснифи методикаси ва техникасини такомиллаштиришга ҳисса қўшган. У таклиф қилган ва кўпчилик жадвалларда учрайдиган намунавий бўлинмалар, кейинчалик жадвалларда «ажраткичлар системаси» номи билан бизгача етиб келган ва унинг классификация жадваллари, автор жадваллари ҳозиргача жаҳоннинг йирик кутубхоналари амалиётида ишлатилмоқда.

Мельвил Дьюн (1852—1931) ҳам жаҳондаги йирик кутубхонашунослардан бири сифатида АҚШда фanning ривожланишига катта ҳисса қўшган шахсдир. У коллежда ўқиб юрган вақтидаёқ 50 дан ортиқ кутубхоналар аҳволини ўрганиб, фондни крепостной жойлаштириш (шкафларда) натижасида китобхоналарга хизмат кўрсатишда жуда катта куч ва маблағ сарфланишини кўради ва уни яхшилаш учун фондни жойлаштириш системасини такомиллаштириш зарурлигини англаб етади. Шу мақсадда у ўзининг машҳур классификация жадвалларини ишлаб чиқади.

1876 йилда унинг биринчи наشري чиқади (умуман муаллиф ҳаётлиги даврида жадваллар 12 марта қайта нашр этилади). Уни классификация жадвалларининг кашф қилиниши кутубхоначилик-библиография ишлари назарияси ва амалиётига қўшилган жуда катта ҳисса эди. Кутубхоначилик карточкаларини бир қолипга келтириш, тавсифдаги сўзларни қисқартириш қоидала-

ри, кутубхоначилик жиҳозларини стандартлаштириш ғоялари унга тааллуқли бўлиб, улар бу соҳадаги янгиликлар эди.

М. Дьюн том маънодаги, кенг қамровли кутубхоначи арбоб бўлиб, жаҳонда биринчи кутубхона ходимларини тайёрлайдиган мактабни ташкил этади. У кутубхоначилик ишини мустақил касб сифатида тушуниб, назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигини, бир-бирини тўлдиришини қайд қилади. М. Дьюн кутубхоначи касбига тарбиячи сифатида қараб, халқ маорифи ва кутубхоначилик ишининг мақсади аслида умумийдир деган фикрни илгари суради.

Илмий кутубхоналарнинг фаол ва кўпқиррали фаолиятида, айниқса маълумотнома ва библиографик хизматни ташкил этишда, кутубхона фондларини тўлдиришда кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласида қатор муаммолар ҳал этилиши зарур эди.

XX асрнинг 30-йилларида йирик немис олими, кутубхонашунос Георг Лей кутубхона фондини барча нашрлар билан тўла тўлдириш ғоясининг хомхал эканлиги тўғрисидаги назарий қондани асослаб берди. Шу тариқа илмий кутубхоналар фондини тўлдиришда ҳамкорликка асос солинди. Натижада шу тилдаги ва маълум худуддаги кутубхоналар фондини акс эттирувчи миллий йиғма каталогларни тузиш зарурати келиб чиқди. Бу ғоянинг асосчиларидан бири сифатида Нидерландия Миллий кутубхонасининг директори Мюльхаузен, Швейцария Миллий кутубхонасининг директори Марсель Годе, Франциядаги университет кутубхоналари йиғма каталогини тузувчи Л. Н. Малькес, АҚШда йиғма каталогнинг тузилиши ва унинг назарий ва методик асосларини ишлаб чиқувчи муаллифларидан бири Х. У. Уилсон ва бошқаларни санаб ўтиш зарур.

Шу даврда жаҳон кутубхонашунослари кутубхоналараро китоб алмашиш ва кутубхоналараро абонемент, кутубхоналарнинг маълумотнома-библиографик фаолияти, айрим кутубхоналарнинг ташкил топшиш тарихи ва ривожланиши, очиқ китоб фонди, кутубхоначилар меҳнатини ташкил этиш, кутубхоналарда ўқиш муаммолари каби кутубхонашуносликнинг айрим масалалари устида иш олиб бордилар. Кутубхонашунослик фани ва уларни оммалаштириш бўйича Мичиган университети кутубхонасининг директори В. В. Бишон, Со-

фия университетида Стоян Аргиров, Сорбонна университетида Л. Н. Мальклес, Брюссельда П. Отле, Л. Ваутерслар назарий маърузалар ўқидилар, университетларда кутубхонашунослик кафедралари очилиб, унинг муаммолари устида махсус мавзуларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

XX асрнинг иккинчи ярми учун хос бўлган ҳодиса — бу кутубхоначиларни ахборот системаси таркибига киритишга ҳаракат қилиш шунга олиб келдики, кутубхонашунослик тадқиқотларида кутубхоначилик-библиографик иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш муаммолари, кутубхоналарнинг ахборот таркибига кириши йўлларини мушоҳада қилиш бирмунча кенгроқ ўрни эгаллай бошлади. Натижада жаҳондаги йирик мамлакатларда анча илғор ахборот технологияси жорий қилина борди, бу эса ўз навбатида, кутубхоначилик-библиографик жараёнларни такомиллаштиришга ёрдам берди.

Асримизнинг 60—70-йилларида кутубхонашунослик мавзуга кутубхоначилик ишининг ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилиш масаласини киритиш зарурлиги тўғрисида муайян фикр-мулоҳазалар, баҳслар пайдо бўлди. Жамиятда кутубхоналарнинг ўрни ва роли, кутубхона ва жамият, кутубхона ва китобхон каби муаммоларга бағишланган илмий мақолалар, ҳатто монографиялар босилиб чиқди. Лекин мазкур муаммоларни таҳлил қилиш кутубхонашуносликнинг фан сифатидаги ўрнини белгилаш, унинг бошқа фанлар билан муносабатини аниқлаш каби қатор масалалар билан боғлиқ. Шу нуқтан назардан жаҳоннинг йирик кутубхонашунослари фаолиятини кўздан кечириш ўринлидир.

Жаҳон кутубхоначилик ишида сўнмас из қолдирган, Ҳиндистондаги кутубхоначилик иши арбобларидан бири, машҳур кутубхонашунос, библиограф ва ахборот фани асосчиларидан бўлган **Шиали Рамамит Ранганатандир** (1892—1972). У 1913 йилда христиан коллежини математика мутахассислиги бўйича тугатди. 1916 йилда шу ерда математика бўйича санъат магистри даражасини олди, 1921 йилда унга математика профессори унвони берилди.

1924 йилда Мадрас университети кутубхонасига директор этиб сайланди ва университет йўлланмаси бўйича Лондон университети қошидаги кутубхоначилик

мактабига бир йилга ўқишга юборилди. Бу ерда мамлакат кутубхона ишининг аҳволи ва унинг йўлга қўйилиши билан танишди. Бу унга кутубхоначилик ишининг катта имкониятлари, унинг ижодий характерини тушуниб етишга ёрдам берди. У 1928 йилдан ташкил топган Мадрас кутубхоначилиқ бирлашмасининг қотиби, 1929 йилдан эса шу бирлашма билан биргаликда университет қошида ташкил этилган кутубхоначилик мактабининг директори, 1947 йилдан Деҳли университети қошидаги кутубхоначилик мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади ва илмий ишлар билан шуғулланди, 1955 йилдан пенсияга чиққан.

Ш. Р. Ранганатан кутубхоначилик ишининг ижтимоий аҳамиятига катта аҳамият берган эди. Айниқса у китоб ва кутубхона, жамият ва кутубхона алоқасига жиддий эътибор билан қараган. Давлат,— дейди у,— кутубхоналардан ўз қонунларини амалга оширишда ёрдам кутади, кутубхоналар эса бу ишончни оқлайди; шу сабабдан давлат кутубхоналарни моддий таъминлашни, улар тўғрисида ғамхўрликни ўз зиммасига олиши керак. У бу фикрни айтибгина қолмай, бутун ҳаёти мобайнида уларни амалга ошириш устида кураш олиб борди ва кутубхонанинг, кутубхоначилик касбининг нуфузини кўтаришда маълум ютуқларга эришди.

Кутубхонашуносликни у ижтимоий билимлар соҳасидаги фанлар қаторига киритади ва ҳар қандай фан каби унинг қонунлари ва принциплари мавжудлигини қайд қилади. Бу қонунларни қатор йиллар мобайнида ишлаб чиқди ва уларни ўзининг «Кутубхоначилик фанининг бешта қонуни» (1931 йил) асарида асослаб берди.

Ранганатан томонидан бу қонунлар қуйидагича ифодаланган: 1) китоб — ўқиш учун хизмат қилади; 2) ҳар бир китобнинг ўз китобхони бўлсин; 3) ҳар бир китобхонга — унинг китоби; 4) китобхонлар вақтини асра; 5) кутубхона ўсаётган организм.

Унинг фикрича, ўрта асрларда китоблар занжирлар билан махсус поппитрга (китоб қўядиган қия мослама) маҳкамлаб қўйилган, сабаби, бу кутубхоналарнинг асосий мақсади — китобларни сақлаш бўлган. Ҳозир эса уларнинг бош мақсади — китоблардан иложи борича кенг фойдаланишдир. Ана шу мақсад кутубхоначилик ишининг асосий қонуни бўлиб қолади. Китобнинг кутубхонада сақланиш вазифасидан унинг

кенг китобхонлар томонидан ўқилиши учун хизмат қилишга ўтиши, Ранганатан фикрича, инқилобий жараёндинр. Натижада кутубхона ишининг характери тубдан ўзгаради — очиқ китоб фондлари, кўчма кутубхоналар, кутубхоналараро абонемент, «китоб — почта» ва бошқа китобни китобхонга яқинлаштириш воситалари пайдо бўлади, кутубхоналарнинг иш соатлари оширилади ва ҳоказо. Ҳозирги замон кутубхонаси ишининг моҳияти малакали ходимлар томонидангина амалга оширилиши мумкин бўлган китобхонларга якка тартибда ва табақалаштирилган асосда хизмат кўрсатишдир. Шу сабабли, биринчи қонунни Ш. Р. Ранганатан асосий деб, қолганлари эса ундан келиб чиқади, деб тушунтиради.

Иккинчи қонун «Ҳар бир китобнинг ўз китобхони бўлсин» ҳозирги замон кутубхоначилиқ хизмати учун характерлидир. Бу қонунни амалга ошириш учун кутубхоналар ўз китоб жавонларидан китобхонларнинг бемалол фойдаланиши учун имконият яратиши ва фондни фан соҳалари бўйича, янги адабиётларни ажратган ҳолда жойлаштириши зарур. Бунда серияли ва аналитик тавсифлар кенг ишлатиладиган каталогга, шунингдек кутубхонанинг справка-библиография аппаратига катта аҳамият берилади. Бу ерда кутубхонанинг вазифаси ҳали кутубхонага тортилмаган аҳолини китобхонлар сафига айлантиришдир. Умуман, ҳозирги давр кутубхонасининг асосий функцияси китобхоннинг ўз ташаббуси билан кутубхонага келишини кутмасдан, ҳар бир китобхон учун кураш олиб боришдир. Янги китобхонни жалб қилиши учун Ранганатан оммавий ишларнинг барча турлари ва шаклларида, китоб тарғиботининг хилма-хил методларида фойдаланишни маслаҳат беради, бу тадбирларни бажаришда маҳаллий оммавий тарғибот воситалари ва турли маданий-маърифий муассасалар билан ўз ишларини мувофиқлаштиришни, уйғунлаштиришни тавсия қилади. Бу қонунни амалга оширишда кутубхоначининг китобхон билан суҳбатини энг таъсирчан усуллардан бири деб кўрсатади.

Учинчи қонун — «Ҳар бир китобхонга — унинг китоби» — биринчи қонун юзага келтирган инқилобий жараённи чуқурлаштиради. Маорифни кутубхоначилиқ хизмати билан боғлай туриб, Ранганатан улар барча фуқароларга, уларга ижтимоий келиб чиқиши, жинси,

ёши, яшаш жойи, соғлиғи ва ҳоказолардан қатъи назар, тенг даражада оммабоп бўлишини талаб қилди. Бу қонун тегишли кўламда тарқалиши учун Ранганатан фикрича қуйидаги тадбирларни ўтказиш зарур: бепул ўқиш; кутубхоналарни давлат томонидан маблағ билан таъминлаш ва шу мақсадда кутубхоначилик солиғини белгилаш; кутубхоначилик қонунини жорий этиш; марказий ва маҳаллий раҳбарлик органлари бўлган кутубхоналарнинг кенг шохобчаларини барпо этиш ва ҳоказо.

Тўртинчи қонун — «Кутубхонлар вақтини асра» — кутубхоначилик хизматига вақт элементини киритади. Юқорида қайд қилинган очиқ китоб фонди, жавон кўрсаткичларининг унумли системаси, китобларни системали тартибда жойлаштириш, каталогларда серияли ва аналитик тавсифларни кенг ишлатиш, библиографиядан фойдаланиш ва бошқалар китобхонлар вақтини асрашга ёрдам беради. Булардан ташқари, кутубхоначи китобхон билан бевосита мулоқотга кўпроқ вақт қолдириш мақсадида, техник жараёнларни иложи борида осонлаштириши зарур. Кутубхоначининг вақтини асрашда китобларга марказлаштирилган асосда ишлов бериш ва каталоглаштириш, бу иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш жуда муҳимдир. Кутубхоналар ва уларнинг шохобчалари китобхонларга қулай жойларда жойлаштирилиши катта аҳамиятга эгадир.

Бешинчи қонун — «кутубхона — ўсаётган организм» — кутубхоналар ишини режалаштириш ва ташкил этиш масаласига тааллуқлидир. Ранганатан кутубхоналарни икки категорияга бўлади: сақловчи кутубхоналар ва хизмат кўрсатувчи — оммабоп кутубхоналар, бу икки категориядаги кутубхоналар ўз ишларини ўзаро уйғунлаштирилган асосда олиб боришлари зарур.

Бу қонунлардан ташқари, Ранганатан фикрича, инсон фаолиятининг бошқа соҳалари учун умумий бўлган кутубхоначилик ишининг яна икки қонунига амал қилиниши зарур. Бу тежамкорлик ва холислик қонунидир. Бу кутубхоначидан меҳнатнинг самарадор методларидан фойдаланишни ва пул харажатларини ўринли сарфлашни талаб қилади; ўзининг барча фаолиятида кутубхоначи бегараз бўлишни, ўзининг китобга муносабатини билдирмаслигини, китобхонларга ўз фикрини тикиштирмаслигини, фондни тўлдиришда

холислик сиёсатига амал қилиши зарурлигини ва ҳоказоларни тақозо этади.

Қайд қилинган қонунлардан келиб чиқиб, Ранганатан кутубхоналар олдига қуйидаги вазифаларни илгари суради: ҳар бир кишининг мустақил билим олишига ёрдам бериш; барча масалалар бўйича энг янги маълумотларга эга бўлиш; сиёсий оқимларни акс эттирувчи адабиётларни холисона тарқатиш; фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари тўғрисидаги ахборотни тез ва аниқ етказиш йўли билан мамлакат халқ хўжалигининг ўсишига ёрдам бериш; адабий меросни келажак авлодлар учун сақлаб бериш; олимлар вақтини асраш ва илм-фан тараққиётига ёрдам бериш мақсадида илмий-библиографик қидирув хизматини ташкил этиш; айрим халқлар ва кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигини уларнинг бир-бирини тушунишига, барча инсониятнинг маънавий уйғонишига ёрдам бериш ва ҳоказо.

Ранганатаннинг хизмати шундаки, у кутубхоначилик ишини фан даражасига кўтарди, унинг қонунларини ишлаб чиқди ва ўзига хос тарзда таърифлаб берди, уларнинг кутубхона иши турли соҳаларида таъсирини кузатиб борди.

Ранганатаннинг кутубхона ишини тушуниши, гарчи у Европа кутубхонашуносларининг шогирди ҳисобланса-да, уларнинг қарашларига нисбатан анча илғор эди. Шу сабабли, Ранганатан мактаби ҳақида фикр билдириш мақсадга мувофиқдир.

Кутубхонашуносларнинг фикрича, Ш. Р. Ранганатаннинг ижодий имконияти йилдан-йилга ошиб бормоқда, унинг асарлари сўнгги вақтларда қайта-қайта нашр қилиниб, ўрганилмоқда. Ранганатан асарлари билан бир қаторда унинг биринчи ва иккинчи авлод шогирдларининг ишлари эълон қилинмоқда. Ҳиндистонда кутубхонашунос профессорлар миқдори университетлар ва кутубхоналардаги тегишли вазифалар сонидан ошиб кетди. Ҳинд кутубхонашунослари, Ш. Р. Ранганатаннинг шогирдлари ва унинг ижоди тарғиботчилари Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва ҳатто Европанинг қатор мамлакатларида меҳнат қилмоқдалар. Жаҳон кутубхонашунослик оламида Ранганатан мактаби сезиларли ўрин эгаллайди. У билан шахсан таниш бўлмаганлар ҳам ўзларини унинг шогирди ҳисоблайдилар, сабаби уларни олим томонидан

эълон қилинган принциплар, ижтимоий ва маданий характердаги муаммолар билан тифиз алоқада қараладиган унинг ғоялари ва кутубхонашунослик масалаларини ечишнинг аниқ йўллари бирлаштиради. Қўйилган ҳар бир вазифани унумли ечишга қаратилган ва кўплаб мамлакатлар тажрибасини танқидий ўзлаштиришга асосланадиган, юқори касбий манфаатлар Ш. Р. Ранганатан мактабига хос хусусиятлардир.

Ш. Ранганатан каби кутубхонашунослик фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, кутубхоналарнинг демократик характерини, жамият ҳаётида туган ўрнини белгилаб берган шахслардан яна бири **Жесс Хоук Ширадир** (1903—1982). Унинг ғоялари ҳам ҳозирги давр кутубхоначилилик ишида юз бераётган илғор силжишларни акс эттиради. Айнан шунинг учун унинг қарашлари АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида кутубхоначилилик фикрининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда. Ҳозир кўплаб Ғарб кутубхонашунослари ва ахборотшунослари томонидан маъқулланган, кутубхоначилилик касби ва замонавий кутубхоналарнинг функцияси ва роли тўғрисидаги ўзига хос ва ниҳоятда кенг концепция унга тааллуқлидир.

Жесс Хоук Шира АҚШда туғилиб ўсди, Майами, Оксфорд ва Пел университетларида таълим олди. Узининг кутубхоначилилик фаолиятини 1927 йилдан, Майами университети кутубхонасида каталогизатор сифатида бошлаган. 1928—1940-йилларда Скриппов институтида аҳоли муаммолари бўйича мутахассис ва 1940—1941-йилларда Конгресс кутубхонасида библиограф бўлиб ишлади. 1941—1944-йилларда АҚШнинг Стратегик хизмати Бюросининг Ахборот марказига раҳбарлик қилган ва 1944—1947-йилларда Чикаго университети кутубхонасини бошқарган. 1947—1952-йилларда Чикаго университети Олий кутубхоначилилик мактаби профессори, сўнгра 1952—1970-йилларда Кейс номидаги Уэстерн Ризёрв университети кутубхоначилилик мактаби декани вазифасида ишлаган. 1970 йилда отставкага чиққандан сўнг ҳам илмий-тадқиқот, ўқитувчилик, адабий ва жамоатчилик фаолиятини давом эттиради, ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар ёзади.

1950—1965 йиллар мобайнида ёзилган муҳим мақолалари «Кутубхоналар ва илми ташкил қилиш» ва

«Хужжатлар ва илмни ташкил қилиш» номи билан Лондонда иккита тўпламда нашр қилинади. 1972 йилда Нью-Йоркда «Кутубхона таълимининг асослари» монографияси, 1973 йилда Москвада рус тилида «Кутубхоначилик ишнинг социалогик асослари» маъруза китоби; 1983 йилда «Кутубхонашуносликка кириш: кутубхона хизматининг асосий элементлари» қўлланмаси нашрдан чиққан.

Ж. Ширанинг ижодий мероси жуда кенг ва рангбаранг бўлишига қарамай, унинг асосий қарашлари деярли барқарор ва чуқурдир. Бу бир томондан, ёзма ёдгорликлар билан босма нашрлар ўртасидаги узвий алоқаларни тан олишга суянганликдан бўлса, иккинчи томондан жамият тараққиётида кутубхоналарнинг роли ва кутубхоначилар фаолиятининг муҳимлигига ишончдан шундай бўлиб қолган дейиш мумкин. Шу боисдан жамиятда кутубхоналарнинг аҳамияти, кутубхоначилик иши истиқболга автоматлаштиришнинг таъсири ва кутубхоначилик таълимини ривожлантиришнинг йўллари ва бошқалар Ж. Шира фаолиятининг асосий мавзуларидир.

Ёзма асарлар кишиларнинг ўзаро фикр алмашиш имкониятини кенгайтиради, кутубхоналар эса ёзма ҳужжатлар умрини узайтириш воситасидир,— деб таъкидлайди у. Бошқа ижтимоий муассасалар каби кутубхоналар ҳам жамиятнинг зарурий эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган ва ривож топгандир, шу сабабли жамият эҳтиёжига хизмат қиладиган хабарларни қайд қилиш ва узатиш воситаси сифатида ёзувнинг пайдо бўлиши билан энг муҳим ёзмаларни сақлаб турадиган муассасага зарурат ҳам юзага келади. Шундай қилиб, кутубхоналар Ж. Ширанинг фикрича, аввалданоқ жамиятнинг муътадил ишлашини таъминлайдиган механизмнинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

Ж. Ширанинг бошқа бир фикри ҳам диққатга сазовордир. Унинг фикрича, кутубхоналарда тўпланган маънавий хазиналар ва уларнинг хизмат кўрсатиш ташкилий даражаси кутубхонага мурожаат қилувчи китобхонларнинг маънавий дунёси билан тенг келмаслиги кутубхоналар ва китобхонлар ўртасидаги асосий тўсиқ ҳисобланади. Шу сабабли, китобхонлар эҳтиёжи, уларнинг маънавий олами билан кутубхоналарнинг хизмат кўрсатиш маданияти имкониятларини мувофиқлаш-

тириш кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва информатика фанларининг марказий муаммосидир.

Муаммога бундай ёндошиш ахборот ишларини, шу жумладан, кутубхоначилик жараёнларини автоматлаштиришнинг аҳамиятига тубдан янгича қарашга йўл очади. Инсон мияси ва электрон ҳисоблаш машиналари ишида баъзи бир ўхшашликларнинг мавжудлигига ишончимиз ортиб бораётганлиги туфайли, ахборот қидириш жараёнларини автоматлаштира бориб, уларнинг маънавий асосларини тушуниб етишга яқинлашиш мумкин. Бу эса китобхонлар тафаккури билан кутубхонада хизмат кўрсатиш маданияти имкониятларини мувофиқлаштириш йўлидаги ишончли қадам бўлиб қолади.

Шу муаммо билан бевосита боғлиқ бўлган яна бир масала — кутубхона ходимларини тайёрлаш борасидаги Ж. Ширанинг ғоялари жуда асослидир. Кутубхоначилик таълимининг асосий вазифасини у юксак ақл-идрокка эга бўлган шахсни тарбиялашда, унинг илмни ўзлаштириш имкониятида, охир оқибада эса уларга ўз билимини инсоният манфаати йўлида ишлата оладиган олий маълумот беришда деб билади. Таълимнинг мазмуни ҳақида гапириб, кутубхоначилик иши бу тўқсон фоиз айнан илмдир ва ўн фоиз касбнинг техник усуллари эканлигини қайд қилади. Бу кутубхонашунос-педагогнинг касбга бўлган туб нуқтаи назаридир. Унинг яхши кутубхоначининг учта белгиси тўғрисидаги фикри ҳам шу нуқтаи назарни тасдиқлайди: 1) мукамал билим ва уни тушуниб етиш, агар зарур бўлса уларни тегишлича ишлата олиш; 2) шу билимларни китобхонлар учун қимматли ва аҳамиятли бўлган йўл билан бошқаларга етказа олиш қобилиятига эга бўлиш ва 3) ҳазил-мутойиба туйғусига эга бўлиш. Хуллас, Ж. Шира кутубхоначини том маънодаги олим сифатида кўришни истаydi.

Энди кутубхонашунослик фанини ўрганиш ва ривожлантиришда ўзига хос йўли, мактаби бўлган Россияда кутубхонашунослик фани тараққиёти хусусиятларига, рус кутубхонашунос олимлари фаолиятига назар ташлайлик, сабаби Ўзбекистонда кутубхоначилик иши, унинг назарий ва амалий асослари рус кутубхонашунослари ижодиёти, тажрибаси билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожлангандир.

Россияда кутубхонашуносликнинг фан даражасига

кўтарилиши, назарий ва амалий асосланмиши ва тарғиб қилинишида ўзига хос из қолдирган кутубхонашунослардан бири **Оган Степанович Чубарьяндир** (1908—1976). Чубарьян 50-йилларнинг охири—70-йилларнинг ўрталаридаги кутубхоначилик ишига кенгайтирилган, умумлашган таъриф берди, унинг ҳал қиладиган вазифаларини, муаммоларини, аҳолининг асосий қатламларига китоб билан хизмат кўрсатишнинг жонли амалиётини назарий ва методик жиҳатдан ишлаб чиқди. Тадқиқотчиларнинг янги-янги авлодлари рус кутубхонашунослиги босиб ўтган бутун мураккаб йўлни тушуниш учун Оган Степанович Чубарьяннинг асарларини четлаб ўта олмайдилар. Улар бу асарлардан XXI асрнинг бўсағаларида илгари сурилаётган таклифлар ва фикрларга ҳамоҳанг бўлган ғояларни топадилар. Ахир Чубарьян ўзи кузатаётган ҳодисаларни фақат мантиқий жиҳатдан санаб ўтмасдан, балки уларга хос жараёнларни тасвирлаб ҳам берган эди. Тадқиқотчи айниқса вужудга келаётган ижобий тамоийилларни алоҳида ажратиб кўрсатганки, уларнинг ривожланиши учун муайян шарт-шароитлар ва кутубхоначиларнинг ташаббус билан кўпгина куч-ғайрат сарфлашлари талаб қилинар эди. Кутубхонашуносликнинг худди мана шу давр талаблари билан ҳамоҳанг ва истиқболга қаратилган фикр-ўйлари кутубхоначилик ишининг барқарор йўналишлари ва методларига бошқача мезонлар билан ёндашишга ундайди, уларни амалга ошириш учун имкониятлар яратади.

Маълумки, унинг назарий асарлари туфайли рус кутубхонашунослиги, библиографияшунослиги ва китобшунослиги янги-янги билимлар билан бойиди, инсон ва китоб, кутубхона ва жамият, китоб ва жамият, кутубхоначи ва китобхон каби мураккаб тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайди.

О. С. Чубарьян биринчилардан бўлиб, китоб муаммоси ва кутубхоначилик ишининг энг мураккаб муаммоларини ўз ичига олган кутубхонашунослик фани предметини таърифлаб берди. Олимнинг катта хизматларидан бири шу бўлдики, у кутубхонашуносликнинг ўзига хос хусусиятларини, ўрганилаётган асосий муаммоларни, татбиқ этиладиган методлар комплексини аниқлаб чиқди. У кутубхоначилик назариясининг энг муҳим бўлган кутубхона фондларини шакллантириш

ва улардан фойдаланиш, кутубхона тармоқларини ташкил этиш, китобхонлар билан ишлаш, кутубхоналарнинг ахборот-библиографик методик ва тадқиқотчилик фаолияти, кутубхоначилик ишини бошқариш каби таркибий қисмларининг узвий ички боғлиқлигини кўрсатди, уларнинг ҳар бирига умумлашган тавсиф берди. Чубарьян кутубхонашуносликни ижтимоий фан сифатида қараб чиқиб, унинг социология, педагогика, психология, информатика, китобшунослик, математика каби фанлар билан боғлиқлигини белгилаб берди. У кутубхонашуносликнинг библиографияшунослик билан бўлган ўзаро муносабатларини асосли равишда ишлаб чиқди. Олим китоб мутолааси ва фондларни тўлдириш жараёнларини таҳлил қилар экан, у доимий равишда библиография муаммоларига, биринчи галда тавсия библиографиясига мурожаат қилди.

Чубарьян кутубхонашуносликнинг турли фанлар билан ўзаро боғлиқлиги системасини аниқлар экан, ўз издошларига билимларнинг соҳалари доирасини тўлдириш имкониятини очиқ қолдирди. Ҳозирги вақтда билимларнинг бу қаторларида иқтисодиёт, тилшунослик, кибернетика, меъморчилик ва бошқа соҳалар бор. Чубарьян фанларнинг билимлар энг кўп даражада бир-бирига қўшилиб кетадиган жойларини, масалан, «китобхоншунослик» соҳасини олдиндан белгилаб чиққан эди.

Чубарьян ўзининг фан соҳасидаги йўлини техника ва олий ўқув юртлари кутубхоналаридан, яъни фан-техника тараққиётига анча тезкорлик билан жавоб берадиган кутубхоналарни бутлаш масалаларини таҳлил қилишдан бошлаб, 60- ва 70-йилларнинг бошларида кутубхоналарнинг ижтимоий муассаса сифатидаги ролини анча кенг материаллар асосида ҳар томонлама ёритиб беришга бағишлади. О. С. Чубарьяннинг 1972—1976-йилларда яратган асарларида кутубхоналарнинг улкан маърифий имкониятлари, уларнинг халқ фойдаланадиган умуминсоний қадриятлари анча изчиллик билан таҳлил қилиб берилганлиги кўзга ташланади. Унинг «Инсон ва китоб» номли асари тадқиқотчининг вафотидан кейин чоп этилган бўлиб, унда кутубхоналарнинг маданиятга, тараққиётга хизмат қилиши, ахборот маркази, олимлар меҳнати ва илғор тажрибанинг ўзига хос лабораторияси бўлиши каби

кўп қиррали вазифаларига доир фикрларининг яхлит бир концепцияси ёритиб берилади.

Россияда кутубхоначилик иши ривожланишидаги муҳим босқичлар бўлган 1950—1975-йилларда Чубарьян ўзининг ва ҳамкасбларининг диққат-эътиборини бу соҳадаги гоят долзарб муаммоларга қаратди, ўзи тақлиф этган йўл билан мазкур муаммоларни ишлаб чиқиш учун ишонarli далил-исботлар топнишга муваффақ бўлди.

Жумладан, О. С. Чубарьян ҳар хил турдаги кутубхоналарнинг табақалашуви ва ихтисослашуви уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши учун тўсиқ ҳисобланмаслигини таъкидлаб, бу ҳамкорликнинг қайси йўналишларда ривожланиши самарали бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Кутубхоначилик ишидаги ихтисослашув ва интеграцияни олим китоб ўқийдиган омманинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришнинг энг ишончли воситаси деб билди.

60-йилларда, илмий ахборотнинг ташкилий тузилиши вужудга келаётган бир пайтда Чубарьян sanoat, қурилиш, транспорт ходимларига кутубхона ва ахборот хизмати кўрсатиш ишларини ташкил этиш устида кўп бош қотирди. Унинг «Саноатга кутубхона-библиография хизмати кўрсатишнинг ягона системаси масаласига доир» номли мақоласи ана шундан далolat беради.

Кутубхона жамият ижтимоий, маънавий ҳаётининг таркибий қисми эканлигига асосланиб, олим кутубхонага китобхонларнинг қизиқишлари ва талаблари орқали ифодаланадиган ижтимоий эҳтиёжларни қай даражада қондиришига қараб баҳо беради. У худди ана шу нуқтаи назардан муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган оммавий китоб ўқишдан иборат мустақил муаммони ифодалаб берди. Маълумки, ҳар хил ҳудудлардаги турли типдаги ва турдаги кутубхоналарда оммавий китоб ўқиш самарадорлиги бир хилда баҳоланмайди. Чубарьян мазкур назарияни бой тажриба асосидаги материалга, яъни кутубхонашуносликда янги алоҳида йўналиш бўлган ўқиш социологиясига асос солган бир гуруҳ мутахассислар томонидан тўпланган эмпирик материалга таянган ҳолда таърифлаб берди.

Россия Давлат кутубхонасида кутубхоначилик ишлари башорат қилиш ва истиқболни кўзлаб режалаштириш методикасининг ишлаб чиқилиши О. С. Чубарьян-

нинг номи билан боғлиқдир. Мазкур методиканинг ўзлаштирилиши, унинг фикрича, пировард натижада бошқаришга доир қарорлар қабул қилишни, китоб ўқишни ривожлантириш ва шахсни шакллантириш соҳасида аниқ мақсадли дастурларни яратиш ва рўёбга чиқаришни таъминлаши лозим эди. Чубарьян назарияни амалиёт билан узвий равишда бирлаштириш соҳасидаги ўз принципига қатъий амал қилган ҳолда бу борада ҳам илмий изланишни давом эттириб, катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжат — кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг беш йилликка мўлжалланган асосий йўналишларини тузиб чиқишни бошлаб берди. Унинг бевосита раҳбарлигида тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликларда кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тайёрланди ва кутубхоначи ходимларнинг йиғинларида бир овоздан қабул қилинди. Ташкилий ва сафарбарлик аҳамиятига эга бўлган бу хилдаги ҳужжатлар кейинчалик барча кутубхоналар фаолиятида ўз аксини топди.

О. С. Чубарьян кутубхоналарнинг жамият тараққиётидаги ҳиссасини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиб, ягона системада уларнинг ҳамкорликда ишлашини авж олдириш учун кўп куч-ғайрат сарфлади. У ана шу йўлда энг муҳим шартлардан бири сифатида мамлакат кутубхоналарига методик раҳбарлик қилишнинг ягона системасини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Оган Степанович кутубхоналарни демократлаштиришга катта аҳамият берди. Кутубхоналарнинг фаолиятига доир энг йирик масалалар унинг ташаббуси билан кутубхоначилик Кенгаши пленумларида ва унинг бюросида қараб чиқилди. У бир неча йил мобайнида ана шу буюронинг раиси, мамлакат бош кутубхонаси директори вазифасини бажарувчи ва директор муовини бўлиб ишлади. О. С. Чубарьяннинг энг йирик миллий кутубхоналарни Директорлар кенгаши ёрдамида бошқариш ҳақидаги ғоялари Европадаги бир қанча мамлакатларда рўёбга чиқарилди (масалан, ҳозирги вақтда бундай кенгаш Болгарияда ишлаб турибди).

Ҳозирги вақтда, кутубхоналарнинг ўзини ўзи бошқариш доирасини янада кенгайтириш, мутахассисларни ижодкорликка қизиқтириш имконияти пайдо бўлаётган бир вақтда Чубарьяннинг ғоялари аввалгига қа-

раганда анча кенгроқ амалга оширилиши мумкин. Унинг оммавий, махсус кутубхоналар, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш маркази ҳамда илмий-методик ишлар маркази бўлган илмий универсал кутубхоналар ҳақидаги ғоялари, малака ошириш системаси ҳақидаги фикрлари баён этилган асарлари жамиятни инсонпарварлаштириш, унинг ақлий имкониятларини ўстиришга доир вазифаларни ҳал қилиш зарур бўлган ҳозирги шароитда катта аҳамиятга эгадир.

О. С. Чубарьяннинг бевосита кутубхоначи кадрларга бағишланган асарлари йўқ. Лекин унинг меросига мурожаат қилар эканмиз, уларда ҳақиқий китоб тарғиботчисининг, барча ижтимоий воқеаларга сезгирлик билан муносабатда бўладиган ўта билимдон, касб-корлик жиҳатидан саводхон инсоннинг йиғма қиёфасини кўрамиз. Бундай кутубхона ходими юқоридан бериладиган кўрсатмаларнинг кўр-кўрона ижрочисини асло эслатмайди. Оган Степанович кутубхоначи ходимлар олдига юксак вазифалар қўйди, уларни ўз меҳнатларини тушуниб етишга, дадил тажрибалар ўтказиб, китобхонларнинг қизиқишларини мунтазам ўрганиб боришга, илғор иш методлари ва шаклларини жорий қилишга чақирди, китоб мутолаасига раҳбарлик қилишда педагогика, психология, социология асосларини эгаллаш зарурлигини исботлаб берди.

Рус кутубхонашunosлигининг ўзига хос хусусияти— жамиятдаги барча ҳодисаларга, шу жумладан кутубхоначилик иши масалаларига ҳам сиёсий нуқтаи назардан қарашдир. Хусусан, «буржуа кутубхонашunosлигига» кескин танқидий муносабатда бўлиш кўп йиллар давом этди. Бундай бўлиш сабаби бир томондан, кутубхоначилик ишини мафкуралаштириш натижасида, кутубхоналар фаолиятига тор синфий ёндашув асосида таърифлаш ва умуминсоний қадриятларга етарли баҳо бермаслик билан боғлиқ эди. Бу қадриятлар орасида кишиларни китобга ва китоб ўқишга жалб қилиш муҳим ўрин эгаллайдики, бу ҳар қандай жамиятдаги кутубхоналарнинг умумий мақсади.

Иккинчи томондан, бундай ёндашишга Ғарбда муайян вақт мобайнида мавжуд бўлиб келган кутубхоначилик фанини юзаки талқин қилиш, асосан унинг амалий ролига эътибор бериш ўз таъсирини кўрсатди.

Шарқий Европа мамлакатларидаги кутубхонашunos-

нослик фанини ривожланиши ҳам худди шунга ўхшаш йўлдан борди. Бу мамлакатлар аслида кутубхоначилик фани ва кутубхоначилик ишини ташкил этиш соҳасидаги руслар тажрибасидан нусха кўчирдилар. Россияда Шарқий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида кутубхоначилик ишининг давлат характери шу нарсада намоён бўлдики, давлат кутубхоналарни маблағ билан таъминлашни ўз зиммасига олди, кутубхоналар фондиди синфий нуқтаи назардан тўлдиришнинг аниқ-равшан системасини ишлаб чиқди.

Кутубхоначилик ишининг давлат характери кутубхоналар фаолиятини қаттиқ мафкуравий негизда тартибга солишдагина эмас, балки уларда «махсус сақлаш» хоналари деб аталмиш фондларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

• Бундай тажриба рус кутубхонашунослиги фанининг асосий принципи бўлган кутубхоналарнинг ҳамма учун қулайлиги, оммабоплиги, уларнинг билим олиш манбаи сифатидаги асосий вазифасини йўққа чиқарарди.

Россия кутубхонашуносларининг чет эл кутубхоначилик ишига қарашлари тўғрисида шунини таъкидлаш зарурки, чет элларда кутубхоначилик ишини ривожлантиришда рўй берган туб сифат ўзгаришлари рус кутубхонашунослигининг мавзулари ва услубларига маълум даражада таъсир ўтказди. Агар дастлабки пайтларда Фарбда кутубхоначилик жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришнинг роли бутунлай ошириб юборилганлиги шубҳа туғдирган бўлса, кейинчалик, кутубхоначилик ишини механизациялаш ва автоматлаштириш келажакда кутубхоналар фаолиятини компьютерлаштиришга асос бўлишлиги яққол маълум бўла борди.

Натижада автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган системалар бугунги кунда чет эллардаги кўпчилик мамлакатларда кутубхоначилик хизматини бирлаштирган бир пайтда, Россия кутубхона-библиографик фаолиятнинг барча соҳаларида механизациялашган системаларни жорий қилишда жиддий орқада қолганлиги маълум бўлиб қолди.

Шуни тушуниб етган рус кутубхонашунослари кутубхоначилик ишини тараққий эттиришнинг янги концепциясини тузар экан, кутубхоналарнинг барча фаолиятига инсонпарварлик йўналишдаги ижтимоий муассаса сифатида қарашни, кутубхоначилик хизмати

кўрсатишни демократлаштиришни, маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда мустақил кутубхоначилик сифати юритишни, ахборотнинг оммабоплигини таъминлашни, кутубхоналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш асосида кутубхоначилик хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ва уларнинг турларини кенгайтиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйишган.

Шундай шароитда ҳозирги замон автоматлаштирилган кутубхона системаси мутахассисларидан бири М. Гетц томонидан қайд қилинган, электрон хизматни ривожлантиришга маблағ сарфлашнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаб берувчи учта муҳим фурсатни билиб олиш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, электрон ҳажм, гарчи уларнинг баҳосини қимматлаштирадими ҳам, кўплаб нашрларнинг ҳаракатини жуда кўп марта оширади. Иккинчидан, электрон воситалар миллий ва халқаро ахборот системаларидан, юзлаб кутубхоналарнинг машинада ўқиладиган каталог ва электрон файлларидан фойдаланишга имконият яратади, бу билан ҳар қандай кутубxonанинг китобхонага жаҳон ҳужжатлар оқимидан эркин хабардор бўлишига эришилади. Учинчидан, қатор техника соҳаларида илмий алоқалар ҳозирданоқ электрон воситалар орқали амалга оширилмоқда, демак, янги типдаги маънавият алмашиш маҳсулоти бўлган барча ҳужжатлар фақат электрон ҳажмдагина мавжуд бўлади.

Бундан келиб чиқадиган хулосалар шуки, барча кутубхоналар жамият аъзоларининг эҳтиёжига қараб кутубхоначилик хизматини такомиллаштириб боради, уларнинг талаби даражасида замонавий техника воситалар билан қуролланади, шундагина ўзининг жамият олдидagi ижтимоий вазифаларини бажара олади.

3-§. КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ ВА ҲОЗИРГИ ҚУНДАГИ МУАММОЛАРИ

Кутубхонашunosлик фан сифатида XIX асрнинг бошларида тўла-тўқис қарор топган бўлиб, у тўпланган билимларни бир бутун қилиб бирлаштиришга интилиш билан боғлиқ бўлган. Кутубхоналар иш мазмунининг аста-секин мураккаблашиб бориши, кутубхоначилик иши соҳасидаги меҳнат тақсимоти кутубхоналар фаолиятининг мустақил соҳалари (фондларни тўл-

дириш, каталоглар системаси, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва шу кабилар) сифатида ажралиб чиқишига олиб келди. Бу соҳалардан ҳар бири муайян методикани ва ташкил этишни талаб қилади.

Кутубхоналар фаолиятининг бу йўналишларини назарий таҳлил қилиш, биринчи навбатда, кутубхонашуносликнинг табақалашувиغا, бу соҳадаги мустақил фанларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди, буни кутубхоначилик амалиётининг ривожланиши тақозо этди. Шундай қилиб, кутубхоначилик фани ўз табақалашувида кутубхоналар фаолиятининг вазифасига кўра бўлинишини тақрорлади.

Кутубхонашуносликка доир айрим илмий фанларнинг табақаланиш жараёни билан бир қаторда уларнинг ўз назарий ва методологик қоидалари, махсус тадқиқот усуллари вужудга келди. Бу фанларга хос нарса — уларнинг бирмунча мустақил ривожланиши, ана шу фанларни назарий асосларнинг мавжудлиги, бошқа фанлар билан ўзаро алоқаларнинг қарор топганлигидир. Буларнинг ҳаммаси айрим фанларнинг, пировард натижада эса умуман кутубхонашуносликнинг назарий асосини бойитди.

Кейинги вақтларда кутубхонашуносликнинг тез суръатлар билан ривожланишига, унинг илмий имкониятлари маълум даражада бойиб бораётганига бу фаннинг назарий ва методологик асослари фаоллик билан ривож топаётгани сабаб бўлмоқда.

Кутубхоначилик фанининг муҳим муаммолари ҳозирги кун талабларидан келиб чиқадиган энг асосий фикрга, яъни кутубхона-библиография муассасалари ўтказаетган тадқиқотлар жараёнида олинган материалларни назарда тутиб, кутубхонашуносликнинг энг муҳим масалаларига баҳо бериш зарур, деган фикрга асосланади. Ижтимоий муассаса бўлган кутубхона умумий кутубхоначилик системаси ҳақидаги тасаввурларни бойитадиган ана шу мулоҳазалар асосидагина кутубхоначилик назариясининг вазифалари, мақсадлари, методларини аниқлашга муайян ўзгартишлар киритиш мумкин. Эндиликда умумий кутубхонашуносликнинг мазмуни, унинг бошқа курслар ва фанлар билан алоқалари, заиф жойлари яққолроқ намоён бўлмоқда. Кутубхонашунослик объекти ва предметига аниқлик киритиш кутубхоначилик иши назариясини ривожлантириш учун ҳам, анча аниқ мақсадни кўзлаб

амалга ошириладиган илмий изланишлар учун ҳам аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги босқичда меҳнаткашларга китоб ва ахборот билан хизмат кўрсатиш жараёнининг мураккаблашиб бораётгани оқибати бўлган янги муаммоли вазиятларнинг вужудга келиши бир қатор зарур вазифаларни илгари суради. Бу вазифалар қуйидагилардир:

— Кутубхоначилик ишини жадал ривожланиш йўлига ўтказиш, барча кутубхона ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланиш;

— Кутубхоначиликдаги иш сифатини яхшилаш ва кутубхона иши амалиётига фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш;

— Илмий-тадқиқот ишларини кутубхоначилик амалиёти билан методик ва ташкилий жиҳатдан бирга қўшиб олиб бориш;

— Республика кутубхоналарининг, биринчи навбатда тармоқ ва минтақавий методик марказларнинг ўзаро ёрдамини кучайтириш.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, бу соҳада муайян мавзуларни назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш кутубхоначилик ишини янада кенгроқ ривожлантириш имконини беради.

Ҳозирги шароитда китобхонлар қизиқишлари ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиш ва шу асосда уларни ривожлантиришнинг илмий асосланган прогнозларини бериш, шунингдек кутубхона фондларини таркиб топтириш, китобларни кенг тарғиб қилиш, фондлардан фойдаланиш ва китобхонлар қизиқишини энг тўлиқ ҳолда қондириш билан боғлиқ бўлган ишларда йўлланма бўладиган тавсиялар бериш муҳим вазифадир.

Маълумки, кутубхоначилик фанининг асосий бўлими умумий кутубхонашуносликдир, у умумий назария, методология ва кутубхоначилик тарихини ўз ичига олади. Умумий кутубхонашуносликнинг мазмуни кутубхоначилик фанининг умумназарий, методологик ва тарихий муаммолари, уларнинг моҳияти, объекти, предмети ва тузилиши; типология ва атамашунослиги; қонуниятлари, асосий принциплари ва умумназарий қоидалари; бошқа фанлар билан алоқаси ва фанлар системасида тутган ўрни; кутубхонашуносликка оид тадқиқотлар методологияси ва ҳоказоларни қамраб олади.

Кутубхоначилик ишининг кўп томонлама хусусиятга

эга эканлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Кутубхоначилик иши маданий-маърифий ва илмий ахборот соҳаларидаги алоҳида бир бўғин сифатидагина эмас, шу билан бирга ижтимоий кичик система сифатида ҳам ўрганилиши лозим. Бу система жамият фаолиятининг асосий соҳаларини — сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, ҳуқуқий, педагогик ва ҳоказо соҳаларни ҳам акс эттиради. Кутубхонашунослик ижтимоий фанлардан бири сифатида кутубхонанинг ўзини эмас, унинг уч таркибий қисми бўлган «кутубхоначи — китобхон — китоб» тушунчалари нисбатини эмас, балки кутубхоначилик соҳасидаги воқеа-ҳодисаларнинг бутун хилма-хиллигини ҳам ўрганади.

Умумий кутубхонашунослик кутубхоначилик ишининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва амал қилиши умумий қонуниятларини, унинг таркибий қисмлари ва жиҳатларининг бир-бири билан умумий боғлиқлигини ўрганади; кутубхоначилик ишининг тарихи — бу қонуниятларнинг конкрет-тарихий кўринишларини ва уларнинг муайян даврлардаги ўзига хос томонларини ўрганади.

Юқорида айтилганларга асосланиб шуни айтиш керакки, кутубхонашуносликнинг бахс юритиш мавзуи — кутубхоначилик ишининг қонуниятларини, унинг барча муҳим жиҳатлари ва таркибий қисмларини ўзаро боғлиқ равишда ҳар томонлама ўрганишдир. Бундай ўрганиш натижаларини умумлаштириш кутубхонашуносликнинг вазифасидир. Айрим томонлар, жиҳатлар ва хусусий муаммоларни ўрганиш эса хусусий кутубхонашунослик фанларининг вазифасига киради.

Шундай қилиб, агар кутубхонашунослик деганда кутубхоначилик ишини ҳар томонлама ўрганиш тушуниладиган бўлса, у ҳолда унинг натижаси кўп фанларга доир билимлар мажмуини қамраб олади.

Кутубхона фондларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳам жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда. Кутубхоначилик ишининг жадал ривожланиши кутубхона фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари ва методларини илмий ишлаб чиқишни кун тартибига қўймоқда. Бу — кутубхона хизмати кўрсатишни ривожлантиришнинг мутаносиблигини таъминловчи муҳим йўналиш, турли минтақалардаги китобхонларга китоблардан фойдаланиш юзасидан кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

ратдир. Кутубхонашуносликнинг бошқа долзарб масалалари орасида кутубхоналар типологиясининг яратилишини, барча даражадаги кутубхоначилик ишини бошқариш ва уни ривожлантиришни, кутубхона ресурсларини жойлаштириш назирясини, идоралараро кутубхона системаларини вужудга келтиришни, кутубхоначилик ишида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш самарадорлигини кўрсатиб ўтиш керак.

Кутубхоналарни жадал ривожланиш йўлига ўтказиш кўпгина резервларни қидириб топишни, муқобил ечимлардан энг мақбулини танлаб олишни талаб қилади. Масалан, фондларга бўлган талаб уларнинг ҳар бир кутубхонадаги миқдорини ошириш билан қондирилиши мумкин. Лекин бунга республика миқёсида китобларни тўғри тақсимлаш, фондларни тўлдиришни мувофиқлаштириш, китобларни тарғиб қилишни ва улардан фойдаланиш савиясини ошириш йўли билан эришилади.

Пировард натижа ахборотга бўлган эҳтиёжларни ва китобхонларнинг қизиқишини энг тўлиқ равишда қондириш мақсадида барча жойлардаги китоб бойликларидан фойдаланишга қодир бўлган кутубхоналарнинг чинакам ягона шохобчасини вужудга келтиришни назарда тутди.

Ташкилий резервларни ҳам ишга солиш лозим бўлади. Бу резервларга кутубхона ресурсларининг ишлаш жараёнини яхши ташкил этишни режалаштириш ва ҳисобга олиш кўрсаткичларининг мақбул системасини, кутубхона фаолияти натижаларига баҳо бериш мезонларини аниқлаш ва ниҳоят, кутубхоначилик ишини бошқаришни такомиллаштириш киради.

Ҳозирги даврда кутубхонашунослик объектнинг системали эканлиги тўғрисидаги ғоя илгари сурилаган бир пайтда ҳар қандай кутубхонани фақат унга хос бўлган хусусиятлар билан биргаликда система деб ҳисоблаш мумкин. Бу хусусиятларни ресурслар (фондлар, кадрлар таркиби, маълумотнома-библиография аппарати)нинг хусусиятлари ва китобхонлар контингенти тақозо қилади.

Агар кутубхонани, масалан, биронта идоранинг кутубхона шохобчасига қарашли кичик система деб қарайдиган бўлсак, у ҳолда умуман кутубхона шохобчасига хос бўлган, унинг мазкур тармоқ системасида тутган ўрни билан белгиланадиган умумий хусусият-

лари биринчи ўринга чиқади. Шу билан бирга, техникавий кутубхоналарнинг идораларга қарашли шохобчалари биргаликда олинганда техникавий кутубхоналар системасига нисбатан кичик системалар сифатида намоён бўлади. Бироқ кутубхона шохобчалари бир-бирдан алоҳида, мустақил деб ҳисобланиши мумкин эмас. Техникавий, академик кутубхоналар, олий ўқув юртлари кутубхоналари ва бошқа кутубхоналар системалари ҳам муайян мувофиқлаштириш вазифалари билан боғланган. Ниҳоят, республика кутубхоналар системасининг ўзи ҳам мустақил равишда иш кўрмайди, балки жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий системасининг, маданият, илм-фан, ишлаб чиқариш, фан-техника ахборотининг таркибий қисми ҳисобланади.

Кутубхонашунослик объекти билан унинг предмети сиртдан қараганда, бир-бирига жуда яқиндай туюлади, лекин улар бир хил нарса эмас. Чамаси кутубхоначилик ишини унинг барча ички ва ташқи ўзаро алоқалари билан бирга объект деб ҳисобловчилар ҳақ бўлсалар керак. Предмет сифатида эса кутубхоналарни вужудга келтириш қонуниятлари, принциплари, ривожланиши, ишлаш қоидалари тушунилади.

Кутубхоначилик объекти алоҳида олинган биқик бир кутубхона эмас, балки бир-бири билан мустаҳкам ва доимий алоқада бўладиган кутубхоналардир. Ўзаро алоқани ўрганмасдан туриб, кутубхоналар (кутубхоналар тармоғи)нинг ривожланишини ҳам, тузилишини ҳам, ишлаш жараёнини ҳам тушуниш мумкин эмас. Кутубхоналарнинг ўзаро алоқаси моҳиятини, механизмини билиш, уларнинг барча жиҳатларини кенг тарихий йўсинда олиб қараш, унинг пировард мақсадларини, кутубхона ресурсларидан самарали фойдаланишни ҳисобга олиш кутубхоналар тармоғи қандай ишлаб турганлигини, кутубхона ресурсларини мутаносиб ривожлантириш ва уларни қулай бошқариш қандай таъмин этилаётганлигини аниқлаш имконини беради.

Шундай қилиб, кутубхонашунослик ишига хос бўлган ички муносабатларни ҳам, шунингдек унинг ташқи муносабатларини ҳам ўрганишни, кутубхоначилик ишининг анча кенг ижтимоий система эканлигини ҳамма эътироф қилади, деб ҳисоблаш мумкин. Объект ва предмети аниқ чегаралаш, уларнинг бир хилда талқин қилиниши кутубхонашунослик ўрганадиган аниқ

томонларни, уларнинг аниқ хоссаларини аниқлаб олишга, ўзига хос хусусиятларини ва фанлараро алоқаларини очиб беришга ёрдамлашади, кутубхона-библиография фаолиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида кутубхоначилик амалиётини тадқиқ қилиш йўналишлари ва уларни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб беради. Кутубхонашунослик предметини ифодалаш учун чеклаш принципини асослаб бериш, системали объектнинг қандай томонларини кутубхона назарияси ўрганишини, қандай томонларини ўрганмаслигини аниқлаш муҳимдир.

Худди шу принцип кутубхоначилик ишининг қонуниятларини, шунингдек тасодифий алоқаларини аниқлаш учун анча муҳим аҳамиятга эгадир.

Бўлиб ўтган бир қанча фикр алмашувлар, амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган барча янги билимларни ҳисобга олган ҳолда кутубхонашуносликнинг фақат объект ва предметини эмас, шу билан бирга унинг мақсади, мазмунини, унинг асосий қонуниятларини аниқлаб олиш кераклигини кўрсатади. Махсус кутубхонашуносликка келганда, шунини айтиш керакки, унинг тарафдорлари томонидан илгари сурилган барча фикр-мулоҳазаларни чуқур аниқлаб олиш, уларни кутубхоначилик тафаккурини ривожлантириш умумий концепцияси билан таққослаб кўриш, бу фаннинг шаклланиш даврида уни фарқлантириб турадиган алоҳида, ўзига хос томонларини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Кутубхонашуносликнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси

Кутубхонашунослик фани ўзининг мазмуни ва моҳиятига кўра кўплаб бошқа фанлар билан боғлиқдир. Бу айниқса, ҳозирги вақтда фанларнинг чуқур ихтисослаштирилиши ва табақаланиши асосида янги фанларнинг пайдо бўлиши, айни вақтда уларнинг бир-бири билан ягона мақсадда интеграцияланиши шароитида яққол кўзга ташланади.

Мутахассислар кутубхонашунослик билан боғлиқ фанларни ўзаро муносабатларига қараб, тўртта гуруҳга бўлади. **Биринчи гуруҳ** бу ижтимоий фанлар (фал-

сафа, тарих, жамиятшунослик, маданият назарияси ва бошқалар бўлиб, улардан кутубхонашунослик назарий ва методологик база сифатида фойдаланади. Кутубхоначилик иши муаммоларини шу фанларнинг методологик базасида, уларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш кутубхонашуносликнинг назарий ва методик даражасини кўтаради, унинг ижтимоий фан сифатидаги вазиятини мустаҳкамлайди, кутубхоначилик амалиётининг кенг доирадаги ҳодисаларини таҳлил қилиш ва баҳолашда илмий методлар билан қуроллантиради, кутубхоначилик иши ривожланишини маданий қурлиш ва фан-техника тараққиётининг умумий оқишида қарашга имкон яратади.

Иккинчи гуруҳ — кутубхонашунослик билан бевосита боғлиқ фанлар (кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва информатика) бўлиб, уларнинг тадқиқ объекти қисман умумийдир. Шундай бўлишига қарамай, бу фанларнинг ҳар бири мустақилдир ва умумий объектдан унинг тадқиқот предмети ҳисобланган жиҳатларини ўрганади. Кутубхонашунослик билан бу фанлар ўртасидаги алоқалар шундан иборатки, уларнинг тадқиқотлари умумий объект тўғрисидаги бўлимларни ўзаро бойитадилар.

Учинчи гуруҳ — шундай фанларки: улар кутубхонашунослик билан бирлашиши натижасида ўқиш социологияси, кутубхоначилик педагогикаси, кутубхоначилик психологияси, кутубхона иши иқтисодиёти, кутубхоначилик статистикаси, кутубхона иши тарихи каби қатор янги илмий мустақил фанлар пайдо бўлади. Бу гуруҳдаги фанларнинг кутубхонашунослик билан ўзаро алоқасининг хусусияти шундан иборатки, уларнинг барчаси ўз навбатида у ёки бу даражада кутубхонашуносликнинг назарий қоидалари ва фактик материалларидан фойдаланишади.

Тўртинчи гуруҳдаги фанларга шундай фанлар кирадикки, улардан кутубхонашунослик ўзининг назарий хулосалари учун айрим ғоялар, фактлар ёки методлар-

ни олади. Бу фанлар кутубхонашунослик билан яқин ёки боғлиқ эмас, тадқиқот объекти ва предмети бўйича уларда умумийлик йўқ ва шу сабабдан улар ўз мақсадлари учун кутубхоначилик иши назариясининг хулоса ва фактларидан фойдаланмайди. Кутубхонашунослик эса бу фанлардан кутубхона ишининг баъзи муаммоларини ишлаб чиқишда зарур бўлган айрим назарий қондалардан шунингдек, кутубхона иши объектига тегишли тадқиқот методларидан фойдаланади (масалан, тилшунослик, кибернетик, математика, прогностика, ҳуқуқшунослик ва бошқ.)

Кутубхонашунослик ўз табиатига кўра комплекс мазмундаги фан ҳисобланади, унинг бошқа шундай фанлар (масалан, китобшунослик, информатика фанлари) билан қўшилиб кетиши мумкин эмас, айни вақтда, юқорида қайд қилинган, характери жиҳатдан бир-бирига яқин, турдош ва бошқа илмий фанлар билан тигиз алоқада бўлишни тақозо этади.

Кутубхонашунослик ва жамиятшунослик. Кутубхонашунослик билан жамиятшуносликнинг алоқаси азалдан жуда самарали бўлиб, бу ўзининг комплекс муаммоларига кўра тўла расмийлашган, ўзига хос тадқиқот йўналишига, ўқиш социологиясига олиб келди. Социологик усуллардан анкета сўроғи, интервью, ижтимоий тажриба, эксперт хулосаси ва ҳоказолар қатор йилларда «Ишчи ёшлар ўқиши», «Кичик шаҳарлар ҳаётида китоб ва ўқиш», «Қишлоқ ҳаётида китоб ва ўқиш» каби йирик дастурий тадқиқотларда ишлатилган. Бу бизнинг республикамизда ҳам китоб айланиши ва ўқилишини, китобхонлар талаби ва қизиқишини ўрганишда кутубхоналар ижтимоий ролининг намоён бўлиши ва бошқаларни чуқур тадқиқ қилишга имкон беради. Ижтимоий тажриба методи аҳолига оммавий кутубхоначилик хизматини кўрсатишда марказлаштирилган кутубхоналар системасини асослашда жуда муваффақиятли ишлатилди, экспертлар хулосаси эса кутубхона фондини такомиллаштириш йўллари аниқлашда қўл-

ланила бошланди. Ўқиш социологияси ривожланиши билан республикада китоб муомаласи масаласи бўйича тадқиқот ишлари анча кенгайди, натижада кутубхонашunosликнинг айрим мавҳумий қондаларини самарали бартараф этишга ва унинг илмий негизини мустаҳкамлашга эришилди.

Кутубхонашunosлик ва психология. Онглиликнинг шаклланиш жараёни, китобхонлар қизиқиши ва китобни идрок қилиш сифатида психология фани хулосаларининг ўқиш таҳлили билан яқинлашуви кутубхонашunosлик тадқиқотининг ўзига хос йўналиши бўлган ўқиш психологиясининг ривожланишига ёрдам берди.

Ўқиш жараёнини ўрганишни психология фани ютуқлари билан боғлашга ҳаракат қилиш ва у билан китоб тарғиботи ва ўқишга раҳбарлик қилишда янада пухта назарий асос яратиш кутубхонашunosликнинг азалий анъанасидир. Бу муаммони доимо психологлар ва кутубхонашunosларнинг ҳамкорлигида ҳал этишга ҳаракат қилинган. Шу ҳамкорликни мустаҳкамламоқ ва ўқиш психологиясини барпо этмоқ учун 30 йилларда рус кутубхонашunosлари томонидан кўп ишлар қилинган. Аммо, ҳозиргача етарли тушуниб олинмаган ва ишлатилмаган бу тажриба, кутубхоначилик ва психологик фанлари тарихида қизиқарлидир.

Ҳозирги шароитда кутубхонашunosлик ва психологиянинг бирлашуви натижасида кутубхоначилик ишида муҳим бўлган китобхон қизиқиши ва китобхоннинг китобни идрок этиши каби муаммолар тадқиқ этилмоқда. Ижтимоий ўқиш психологияси (китобхон қизиқишини ўрганиш ва аҳолининг ижтимоий гуруҳларида китобнинг идрок қилиниши) ҳам анча ривож топган бўлиб, республикада китоб муомаласини илмий бошқаришда янги имкониятларни очади.

Кутубхонашunosлик ва психология фанларининг ўзаро алоқаси китобхон ва ўқиш жараёнини тадқиқ қилиш билан чекланмайди, албатта. Кутубхоначилик психологиясининг вазифаси — кутубхоначилик фаолия-

гининг барча соҳаларида ва йўналишларида (китобхонларга хизмат кўрсатиш, китоб тарғиботи, кутубхонада меҳнатни ташкил қилиш, кутубхона жамоасини бошқариш, кутубхоначи кадрларини тайёрлаш ва ҳоказо) психологик жиҳатларни ўрганишдан иборатдир.

Кутубхонашунослик ва педагогика. Кутубхонашунослик фани жамият тараққиётининг хилма-хил босқичларида кишиларнинг маданий ривожланишини таърифлайдиган ахлоқий тарбиянинг назарий асослари ҳақидаги билимнинг ҳажми ва мазмуни тўғрисидаги педагогика қондаларига таянмасдан китоб тарғиботи ва ўқишга раҳбарлик қилиш муаммоларини тадқиқ эта олмас эди. Кутубхоначилик ишининг асосий йўналишларидан бири бўлган ўқиш маданиятини тарбиялаш, асл моҳияти билан педагогик муаммодир. Китоб тарғиботи ва болалар ўқишига раҳбарлик қилишнинг илмий асосларини яратиш замини сифатида кутубхонашунослик ва педагогикани бирлаштириш зарурати айнан ана шундан келиб чиқади. Бундай бирлаштириш махсус тадқиқот йўналиши бўлган ўқиш педагогикасининг шаклланишига олиб келади.

Кутубхонашунослик ишининг педагогик асосларини ишлаб чиқишда кутубхонашунослар етакчи рол ўйнаган ва ўйнамоқда. Улар, ҳозирча чуқур тажриба тадқиқотларисиз, асосан аниқ кутубхоначилик тажрибаларидан фойдаланиб, ўқиш педагогикасига сезиларли ҳисса қўшдилар. Уқиш психологиясини ишлаб чиқишни ўзларининг вазифаларидан бири ҳисоблайдиган психологлардан фарқли ўлароқ, педагогика фани вакиллари китоб тарғиботи ва ўқишга раҳбарлик қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда ўз тадқиқотлари билан ҳозирча кам ёрдам бермоқда.

Педагогика — ўқишга раҳбарлик қилишнинг назарий асосларидан бири бўлибгина қолмай, унинг маълумотлари кутубхона ишини бошқариш муаммоларини ишлаб чиқишда кутубхоналарга методик раҳбарлик қилишда, кутубхоначи кадрларни тайёрлаш ва мала-

каснини оширишда ҳамда кутубхоначилик фаолиятининг бошқа соҳалари ва йўналишларида ишлатилади.

Кутубхонашунослик ва информатика. Ҳозирги информатика нисбатан ёш фандир: унинг мустақил билим соҳаси сифатида пайдо бўлиши ва жаҳон майдонига чиқиши асримизнинг 40—50 йилларига тўғри келади. Аммо у ортиб бораётган илмий ва техника ахбороти оқимларини зарурий тартибга келтириш эҳтиёжларига жавоб бера бориб, тез ривож топди ва фантехника ютуқларини тарқатишнинг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун пухта негизга эга бўлди.

Кутубхонашунослик ва информатиканинг алоқалари ривожланишнинг мураккаб йўлини босиб ўтди ва алоҳида аҳамият касб этди. Фан ва ишлаб чиқариш талаблари ўсиши натижасида пайдо бўлган кутубхонашунослик муоммолари ҳозирнинг ўзидаёқ информатиканинг назарий хулосаларига, шу жумладан, масалан, фан ва ахборотнинг ривожланиши қонуни, фан ва ишлаб чиқаришнинг ахборот хизматига талаби, ахборотнинг хусусиятлари каби муаммоларга таянмасдан муваффақиятли ҳал қилинмайди. Олимлар ва мутахассисларнинг ахборотга бўлган талабларини, ахборотқидирув тилини, миллий ахборот системаларини тузиш тартиблари ва ҳоказоларни биргаликда, ягона усул бўйича аммо кутубхонашунослик ва информатиканинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш зарур. Ҳа, информатика ҳам ҳозир кутубхонашунослик фани тадқиқотларисиз, масалан, кутубхонанинг ижтимоий роли, ахборотнинг замонавий системасида уларнинг ўрни, кутубхоналар типологияси, ўқиш — меҳнаткашларни касбий билимлар билан қуроллантириш воситаси сифатида, китобхонлар типологияси, кутубхона шохобчаларини жойлаштириш, марказлаштирилган кутубхона системалари фондини шакллантириш тартиблари каби муаммоларни ҳисобга олмасдан ривож топа олмайди.

Сўнгги вақтларда кутубхонашунослик ва информа-

тика жараёнларининг бирлашуви янада мазмунли ва самарали бўлмоқда. Бу икки мустақил фан ўзининг тадқиқот мавзуи билан эндиликда ўзаро ҳамкорлик асосида ривожланмоқда.

Кутубхонашунослик ва китобшунослик, Бир томондан, китобшунослик китоб ва китоб иши тўғрисидаги ягона ва яхлит фанни ва иккинчи томондан китобшунослик циклидаги мустақил комплекс илмий фанларни ифодалайди. Китобшунослик ва кутубхонашунослик фанларида умумийлик шундан иборатки, улар у ёки бу тарзда китоб ва китоб иши билан боғлиқ ва бир-бирини ўзаро бойитади. Шу сабабдан уларнинг хулосалар ва тадқиқот натижалари китобшунослик томонидан комплекс ижтимоий фан сифатида ишлатилади. Кутубхонашунослик китоб иши тўғрисидаги фанлардан бири бўлиб, айти вақтда, ўз навбатида, ўзининг вазифалари, тадқиқот объекти ва предметига эга мустақил фандир, ўзининг назарияси, методологияси ва амалий ишлатилиш доирасига эга.

Кутубхонашунослик жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғланган, хусусан китоб ишининг яхлит турдаги ривожланишининг умумий қонуниятларини тадқиқ қиладиган китобшуносликнинг фан сифатида ривожланиши ва мустаҳкамланишидан жуда манфаатдордир. Мамлакатлардаги китоб ишининг мислсиз ўсишини белгилаб берувчи фурсатларнинг таҳлили, китоб ишининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий йўлини чуқур тадқиқ қилиш, ва ниҳоят, китоб типологиясини тузиш бевосита китобшуносликнинг тўла бўлмаган муаммолари рўйхати бўлиб, буларни ишлаб чиқиш кутубхонашуносликнинг назарий асосларини бойитади. Ўз тарафидан кутубхонашунослик ҳам ўқиш ва китобхонлар аудиторияси, китоб муомаласи ва китобдан ижтимоий фойдаланиш жараёнларини таҳлил қила бориб, китобшуносликни китоб иши ривожланишининг ижтимоий оқибат-

ларини кўрсатадиган аниқ материаллар ва назарий хулосалар билан қуроллантиради.

Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик. Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик ўртасида айниқса тўғиз ҳамкорлик ўрнатилган. Китоб тарғиботи мақсадида босма маҳсулотларни таҳлил қилишнинг библиографик усули, ўқишга раҳбарлик қилиш, фан ва ишлаб чиқаришга ахборот хизматини кўрсатиш кутубхоначилилик амалиётида етакчи ўрин эгаллайди. Бунда ҳаммадан кўра назарий ва амалий жиҳатдан кутубхонашунослик билан тавсия библиографияси назарияси интеграцияси мартабаси баланддир. Иккинчи томондан, айнан кутубхона библиографияшунослик томонидан ишлаб чиқилган нашрлар системаси сифатида библиографик маҳсулотлардан китобхонлар билан ишлашда фойдаланишнинг энг оммабоп ва самарали воситаси ва босма маҳсулотлар таркибини очиб бериш усулларини амалда текширишнинг асосий негизидир. Кутубхоначилилик иши ва библиографиянинг азалдан тўғиз алоқаси шу даражада табиийки, турмушда — аҳолига кутубхона-библиографик хизматини кўрсатиш — комплекс тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Айнан шу алоқаларнинг узлуксизлиги билан махсус таълим системасида профессионал кадрларнинг жиддий ва деярли кенг кутубхоначилилик ва библиографик тайёргарлик олишини тушунтириш мумкин.

Кутубхонашунослик ва математика. Кутубхонашуносликда тадқиқотнинг математик усулларидан фойдаланиш бўйича дастлабки истиқболли ҳаракатлар қилинмоқда. Уқиш социологиясининг айрим муаммолари, масалан, тадқиқот объектининг танланган мажмуини аниқлаш қатор ҳолларда математик усуллар ёрдамида ечилган. Математик усуллар автоматлаштирилган кутубхона-библиографик ахборот-қидирув системаси муаммоларини ишлаб чиқишда айниқса кенг ишлатилмоқда. Кутубхона ишини ривож-

лантиришда энг мақбул нисбатларни аниқлашнинг математик усулларини қўлланиш имконияти очилмоқда. Хилма-хил кутубхоначилик системаларининг математик андазасини яратиш истиқболи яна ҳам равшан бўлмоқда. Математик усулларни, айниқса, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулини кутубхона ишини илмий прогнозлаштиришда ишлатишнинг истиқболлари белгиланмоқда.

4-§. КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Босма асарлардан ижтимоий фойдаланишнинг мақсади, принциплари, мазмуни ва шаклини ўрганадиган фан сифатида кутубхонашunosлик кутубхоналарнинг фаолияти жараёнида ўзини намоён этадиган кутубхоначилик иши назарияси тараққиёти муаммоларини, унинг қонуниятларини таҳлил қилишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб қарайди.

Кутубхонашunosлик фанининг тузилиши анча кенг қамровли бўлганлиги сабабли умумий қисмга (умумий кутубхонашunosлик) ва аниқ илмий кутубхонашunosлик фанларидан иборат хусусий қисмга (хусусий кутубхонашunosлик) бўлинади. Агар умумий қисм ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган назарий, методологик ва тарихий муаммоларни бирлаштира, хусусий кутубхонашunosлик кутубхоначилик билимларининг ўзаро боғлиқ жараёнларининг табақаланиши ва интеграцияси таъсири остида шаклландиган кутубхонашunosликнинг илмий фанлари системасини ўз ичига олади. Кутубхоналар иши мазмунининг мураккаб-лаша бориши, кутубхона иши соҳасида меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши ўзига хос методика ва ташкил этишни талаб қиладиган нисбатан мустақил кутубхоначилик фаолиятининг (фондларни тўлдириш, каталогларни ташкил қилиш, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва ҳоказо) ажралиб чиқишига олиб келди. Кутубхоначилик фаолиятининг бу йўналишларини назарий мушо-

ҳада қилиш зарурати хусусий кутубхонашунослик фанларининг вужудга келишини тақозо этди.

Ўзбекистон олий махсус кутубхоначилик таълим амалиётида кутубхонашунослик фанлари системаси қуйидаги изчилликда ўқитилади: «Умумий кутубхонашунослик» (I курс), «Кутубхона иши тарихи (Ўзбекистонда ва хорижда)» (I—II курс), «Кутубхона каталоглари» (II курс), «Кутубхона фондлари» (II—III курс), «Китобхонларга хизмат кўрсатиш» (II—III—IV курслар), «Кутубхона ишини ташкил қилиш ва бошқариш» (III—IV курслар), «Кутубхоначилик ишида техника воситалари» (V курс).

1. Умумий кутубхонашунослик фаннинг назарий асосларини, принциплари, объекти ва предмети, тузилишини ўрганади; кутубхона ва кутубхона системалари, уларнинг жамиятда тутган ўрнини таҳлил қилади; кутубхона типлари ва турлари, уларнинг функциялари ва вазифаларини белгилаб беради; кутубхоначилик ишига раҳбарлик қилиш системалари, уларнинг вазифалари, иш шакллари ва методларини очиб беради.

2. Кутубхона иши тарихи жамият тараққиётининг турли босқичларида кутубхоналарнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, иш шакллари ва мазмунини, кутубхоначилик ишининг моҳиятини ўрганади.

Кутубхоначилик иши тарихининг предмети — кутубхоналарнинг ва кутубхона системаларининг ташкил топиши ва ривожланиши, жамият турли гуруҳларининг китобдан, ўтмишда ва ҳозирги кунда ижтимоий фойдаланишини ташкил этиш масаласига оид назарий қарашлар тараққиётини ўрганишдан иборат. «Кутубхоначилик иши тарихи» фанининг вазифаларига кутубхоналарнинг ижтимоий функцияси ва ролини ҳар тарафлама очиб бериш, фан, маданият, техника тараққиётида ҳамда оммавий ахборот воситалари орасида тутган ўрнини кўрсатиш, кутубхоначилик тарихий жараёнининг қонуниятларини белгилаш ва ўрганиш, бу

жараённинг сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлари жамиятнинг маданий савияси билан боғлиқлигини тушунтириш, матбуот маҳсулотларидан ижтимоий фойдаланишнинг пайдо бўлиши, шаклланиш йўлларини ўрганиш, кутубхоначилик ишида прогрессив ва демократик йўналишларни ўрганиш, аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг замонавий шакллари кенг намойиш қилиш, айрим кутубхонашунослар фаолиятини таҳлил қилиш, кутубхона таълими масалалари ва бошқаларни ўрганиш кабилар киради.

3. Кутубхона каталоглари — матбуот асарларини тавсифлаш ва таснифлаш асосларини, методикаси ва усулларини, кутубхоналарда алифболи, системали, предмет ва йиғма каталогларни тузиш назарияси ва методикасини ўрганади. Бу фан ривожлана бориб, кутубхоначилик-библиографик ахборот-қидирув системаси, шу жумладан, автоматлашган қидирув системасини шакллантиришнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганувчи илмий фанга айланиб бормоқда.

4. Кутубхона фондлари турли типдаги кутубхоналарда кутубхона фондларини шакллантиришнинг тарихий, методик ва назарий асосларини ўрганади, китоб танлашнинг принциплари ва методларини қараб чиқади: кутубхоналарни китоб билан таъминлаш системаларини тақомиллаштириш йўлларини, кутубхона фонди таркибини ўрганиш ва уларни сақлаш методлари системасини ўрганади.

5. Китобхонларга хизмат кўрсатиш кутубхонада китобхонларга хизмат кўрсатиш назарияси ва методикасини (китобхонларни ўрганиш, адабиёт тарғиботи методикаси, яқка тартибдаги ва оммавий ишлар), китобхонлар билан олиб бориладиган ишларни ташкил қилиш масалаларини (абонементда, ўқув залида, сиртқи ва кутубхоналараро абонементда, бригада ёки оилавий абонементда ва ҳоказо) ўрганади, кутубхона фондидан фойдаланиш муаммолари ва оммавий ўқиш-

ни ташкил қилишнинг мураккаб масалаларини таҳлил қилади. Бу фан таъсир доирасига ўқиш психологияси ва социологияси, китобхон психологияси ва социологиясини ўрганиш, китоб тарғиботининг принциплари ва методлари, ўқишга раҳбарлик қилиш, турли типдаги кутубхоналарда китобхонларга хизмат кўрсатиш системасини ўрганиш ва ташкил қилиш муаммолари киради.

6. Кутубхона ишини ташкил қилиш ва бошқариш — кутубхоначилик иши технологияси назарияси ва методикасини, уларни ташкил қилиш ва бошқаришни, кутубхоналарда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва нормалаштиришни, режа ва ҳисобот тузиш методикасини, кутубхоналарни маблағ билан таъминлаш ва кутубхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, кутубхоналарга раҳбарлик қилиш системаларини ва уларни такомиллаштириш масалаларини ўрганади.

7. Кутубхоначилик ишида техник воситалар — ҳисоблаш, нусха олиш ва кўчириш ускуналарини ишлатиш методикасини, кутубхоналарнинг хилма-хил ишлаб чиқариш жараёнларида аудиовизуал ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш йўлларини ўрганади.

Булардан ташқари фанларнинг узлуксиз тараққиёти ва бир-бири билан узвий боғланиши натижасида ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига жавобан китобхон социологияси, кутубхоначилик педагогикаси ва психологияси, кутубхоначилик иқтисодиёти, кутубхоначилик этикаси ва эстетикаси каби янги интеграциялашган фанлар ажралиб чиқиши мумкин.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши	3
I б о б. Кутубхона ҳақидаги таълимот	7
1-§. Қитоб, кутубхона ва жамият	7
2-§. Кутубхоналарнинг ижтимоий роли, вазифалари	15
3-§. Кутубхоналарнинг типлари ва турлари	23
4-§. Кутубхона тармоқлари ва системалари	37
Республика давлат кутубхоналари	38
Оммавий давлат кутубхоналарининг марказлаштирилган системалари	54
Республика давлат болалар кутубхоналари	71
Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли махсус кутубхоналар	76
Ўзбекистон халқ таълими системасидаги кутубхоналар ва бошқа идораларнинг кутубхоналари	96
Қасаба уюшмаларининг кутубхоналари	106
Кутубхоначилик ишини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш кутубхоналарнинг ҳамжиҳатлиги шакллари-дир	108
II б о б. Ўзбекистонда кутубхоначилик ишининг ташкил этилиши	119
1-§. Ўзбекистонда кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг ҳудудий хусусиятлари	119
2-§. Кутубхоначилик ишини ташкил этиш принциплари ва унинг функциялари	133
3-§. Республика аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатишнинг ташкил қилиниши	149
Қишлоқ аҳолисига кутубхона хизматининг ташкил қилиниши	149
Шаҳар аҳолисига кутубхона хизмати кўрсатиш	175
Болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш	193
4-§. Кутубхоначилик ишини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш	189
	269

III б. Кутубхонашунослик фандир	212
1-§. Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг шакл- ланиши ва тараққиёти	212
2-§. Хорижий мамлакатларда кутубхонашунослик фани ривожланишининг хусусиятлари	231
3-§. Кутубхонашунослик фанининг объекти, предмети ва ҳозирги кундаги муаммолари	251
4-§. Кутубхонашунослик фанининг тузилиши	265

ҚОСИМОВА О., ЕСИМОВ Т.
УМУМИЙ ҚУТУБХОНАШУНОСЛИК

Тошкент «Ўқитувчи» 1994

Бўлим мудир *А. Аҳмедов*
Муҳаррир *С. Ҳусниддинов*
Бадий муҳаррир *Э. Нурманов*
Техник муҳаррир *Т. Скиба*
Мусаҳҳиҳа *М. Минаҳмедова*

Термига берилди 20.12.93. Босишга рухсат этилди 5.03.94. Формати 84×108/32. Литературная гарнитураси. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 14,28. Шартли кр. -отт. 14,49. Нашр л. 15,05. Тиражи 5000. Буюртма № 4.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент—129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 12-88-93.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1994.

К 72.

Қосимова О., Есимов Т.
Умумий кутубхонашунослик.— Т.: Уқитув-
чи, 1994.—272 б.

ББК 78. 3я73

№ 130—94
Ўзбекистон Республикасининг Алишер
Навоий номидаги давлат кутубхонаси.
Тиражи 2000
Қарт. тиражи 4000